

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ,
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ,
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ,
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

МУҲАММАД РИЗО ЭРНИЁЗБЕК ЎҒЛИ ОГАҲИЙ

АСАРЛАР

8-ЖИЛД

АХЛОҚУ-Л-МУҲСИНИЙ

**(Хусайн Воиз Кошифий асари,
форс тилидан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси)**

Нашрга тайёрловчилар:

**Мадраҳим Сафарбоев, Султонмирзо Раҳимов,
Абдулла Ўрзобоев**

Тошкент – 2019

Атоқли ўзбек адиби шоир, таржимон ва муаррих Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигига бағишиланади.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартағи “Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида”ги 238-сонли қарори 3-бандига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Таҳрир ҳайъати:

Ф.Ў.Эрманов (таҳрир ҳайъати раиси), С.К.Салаев, Б.А.Абдуҳалимов, Б.И.Абдуллаев, И.И.Абдуллаев, Н.М.Махмудов, Ш.С.Сирожиддинов, А.А.Аҳмедов (нашиёт бош мухаррири), Ҳ..Абдуллаев, С.Рўзимбоев, З.Дўсимов, Г.Холлиева, М.С.Абдуллаев, Д.Қ.Ғоипов, Р.Ҳасанов, А.Д.Ўрозбоев (loyiҳa мувофиқлаштирувчи ижрочиси)

Масъул мухаррир:
Зариббой Дўсимов,
филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар:
Г.Холлиева,
филология фанлари доктори

М.С.Абдуллаев,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори

Нашр учун масъул:
Р.Ҳасанов

**Нашиёт маълумотлари “Шарқ”нашиёти,
2019 йил**

УДК:

КБК:

Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқу-л-муҳсинийн (Огаҳий таржимаси). /Нашрға тайёрловчилар: М.Сафарбоев, С.Рахимов, А.Ўрзобоев – Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2019. – ... бет.

“Ахлоқу-л-муҳсинийн” – XV асрда яшаб ижод қилган хуросонлик шоир ва мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг жаҳонга машҳур асарларидан биридир. Бу асар жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган ва асрлар давомида одоб-ахлоқ бўйича асосий дарслик сифатида ўрганилган. Ушбу асарни 1858 йилда Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзбек тилига таржима қилиб, маънавиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган. Зукко ўқувчиларга тақдим қилинаётган Огаҳий таржимасидаги “Ахлоқу-л-муҳсинийн” асари сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ISBN

© Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқу-л-муҳсинийн (Огаҳий таржимаси)
© “...” нашриёти, 2019

ВАҚТЛАРНИ ҚАРИТГАН АСАР

Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз қайта бўй кўрсатиб, мутафаккирбоболаримизнинг бой маънавий меросини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш имконияти вужудга келди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий маънавиятимизни тиклаш ва мустаҳкамлаш маънавий-ахлоқий тараққиётимизнинг устувор тамойилига айланди. Натижада шўролар тузуми даврида тақиқланган мавзулар, ижоди ўрганилмаган ёки кам ўрганилган алломаларнинг маънавий мероси ўрганила бошланди. Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Махдуми Аъзам, Хўжа Аҳрор Вали ва бошқа алломаларнинг маънавий мероси янгича ёндашувлар асосида тадқиқ ва тарғиб қилинди, ҳатто Мир Алишер Навоийни ҳам янгидан “кашф” эта бошладик. Чунки инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари аждодларимизга хос фазилатлар ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий меросимизга янгича ёндашув тизими шаклланди.

Маънавий ҳаётимизда юз берётган ислоҳотлар билан бирга дунёвий глобаллашув жараёнларига кириб бормоқдамиз. Глобаллашувнинг маънавий ҳаётимизга таъсири ижобий ва салбий жиҳатлар билан изоҳланади. Глобаллашув вужудга келтирган салбий ижтимоий ҳодисаларни шунчаки танқид қилиш ёки инкор этиш, ёхуд тақиқлаш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Глобаллашувнинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш йўлларидан бири – ўтмиш маънавий меросидан самарали фойдаланиш асосида ёшларимиз дунёқарашида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, имон-эътиқодни бақувват қилишdir.

Хозирги кундаги “дунё фуқаролари”, “оммавий маданият”, “эгоцентризм” каби маънавий таҳдидларга қарши қурол бўла оладиган асарлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқу-л-муҳсинийн” асаридир. Ҳусайн Воиз Кошифий 1440 йилда Эроннинг Хурросон вилояти, Сабзавор шаҳрида дунёга келиб, 1505 йилда Ҳиротда вафот этган. У Абдураҳмон Жомийнинг дўсти, Алишер Навоийнинг замондоши ва сафдоши, ҳаммаслаги сифатида маълум ва машҳурдир. Унинг маънавий мероси жуда бой бўлиб, фаннинг турли соҳаларига

оид 200 дан ортиқ асарлар ёзіб қолдирған. Алишер Навоийнинг сўзи билан айтганда, “оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор”¹. Айниқса, Ҳусайн Воиз Кошифий руҳшунос, ахлоқшунос олим сифатида машҳур бўлган. Унинг “Ахлоқу-л-муҳсинийн” асари шўролар тузуми давригача (1917 йилгача) Марказий Осиё мадрасаларида ахлок-одоб бўйича дарслик вазифасини ўтаб келган.

Ушбу асарни “Шарқнинг ахлоқий қомуси”, “Гўзал хулқлар қомуси” ёки “Ҳукмдорларга панднома” деб аташ мумкин. Асар Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, Марв ҳукмдори Муҳсинга бағишлиланган бўлиб, қирқ бобдан иборат. Асарда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзуларга оид сиёsat, адолат, ибодат, ихлос, дуо олмок, шукр, сабр, ризо, ҳаё, адаб, авф, ростгўйлик, ғайрат, андиша, фаросат, оҳисталиқ, огоҳлик, шижаат каби тушунчаларнинг мазмуни мисоллар орқали очиб берилган.

Мутафаккир бу асарни 1495 йилда ёзган, шундан кейин китоб дунёning кўп тилларига таржима қилинган. Жумладан, машҳур ўзбек шоири ва мутафаккири Муҳаммад Ризо Оғаҳий (1809-1874) бу асарни 1858 йилда форс тилидан эски ўзбек тилига моҳирона таржима қилган. Маълумки, Оғаҳий “Баёзи мутафарриқа” номли баёз, “Таъвиз ул-ошиқин” номли девон, “Фирдавсу-л-иқбол”, “Риёзу-д-давла”, “Зубдату-т-таворих”, “Жомеу-л-воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиду-л-иқбол” каби тарихий асарларни ёзіб қолдирған. Таржимон сифатида Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар”, Абдураҳмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Баҳриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Муҳаммад Вориснинг “Зубдату-л-ҳикоят”, Имомиддин Фиждувонийнинг “Мифтоҳу-т-толибин”, Муҳаммад Юсуфнинг “Тазкираи Муқимхоний”, Низомиддин Ҳиротийнинг “Табақоти Акбаршоҳий”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқу-л-муҳсинийн”, Муҳаммад Носирнинг “Тарихи Нодирий”, “Далоилу-л-ҳайрат” каби йигирмата асарни форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилиб, таржимашуносликда ўзига хос мактаб яратган ижодкордир.

“Ахлоқу-л-муҳсинийн” таржимасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шоир манбага боғланиб қолган эмас, балки асарга ижодий ёндашган. Кошифий ва Оғаҳий дунёқарашидаги муштараклик

¹ Навоий А. Мажолис ун-нафоис. Асарлар, 12-жилд. – Т., 1966. – 123-124-бетлар.

ва шоирнинг бадиий маҳорати асарнинг таъсирчанлигини янада оширган ҳамда ўқимишли қилган. Огаҳий ўзбек ўқувчиларини Кошифий маънавий олами билан таништириб, маънавиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ва бу асар орқали Хива хонлариниadolatпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний (Феруз)нинг таҳтда 47 йилдан ортиқроқ ўтиришининг маънавий илдизларини “Ахлоқу-л-муҳсинийн”нинг салтанат эгаларига кўрсатган таъсиридан излаш лозим.

“Ахлоқу-л-муҳсинийн” асарининг жуда кўп қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд. Улар жаҳоннинг кўплаб китоб фондларида, хусусан, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида (инв. № 1597/1, 5462, 8446) ҳамда китобсевар халқимиз хонадонларида авайлаб сақланмоқда. Биз Огаҳий таржимасидаги ушбу асарни нашрга тайёрлар эканмиз, XIX аср охирида Тошкентда О.А.Порцев матбаасида (тошбосма) босилган нусхадан фойдаландик (бу нусха хоразмлик машҳур раис, марҳум Искандар Дўсовнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда). Китоб 104 варакдан (208 бет) иборат бўлиб, ҳажми 16x27 сантиметр, сарик рангли фабрика қофозига босилган. Биринчи саҳифаси қизил рангли орнамент-нақш билан безатилган. Китобнинг 16 бети қизил рангли нақшли рамкага олинган. Ҳар бир саҳифа тепасига китоб номи – “Ахлоқу-л-муҳсинийни туркий” деб ёзиб қўйилган. Шунингдек, барча саҳифаларда китоб номидан ташқари қайси боб бўлса, шу бобнинг мавзуси ёзилган. Асар Огаҳийнинг дебочаси билан бошланиб, “тобеълар ва хизматкорлар тарбияти баёни” билан тамомланади.

Китобни нашрга тайёрлашимизга рағбат кўрсатган Искандар Дўсовнинг фарзандларига, хусусан, Саъдулла, Раҳимбой ва Абдулла Искандаровларга миннатдорчилик билдирамиз. Биз бу китобни 2003 йилда ҳазрат Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллудининг 195 йиллигига (2004 йил) армуғон сифатида нашрга тайёрлаган эдик. Аммо асар турли сабабларга кўра нашр қилинмай қолаверди. Бу орада тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанов ва тарих фанлари номзоди Асадали Ҳакимжонов таржимасида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриётида 2010 йилда китоб факсимилеси билан нашр этилди. 2011 йилда ўша нашриётда факсимилесиз қайта чоп қилинди. 2011 йилдаги нашрда асарнинг дебочаси, фаросат баёнидаги бобида ва яна баъзи ўринларда сезиларли қисқартиришлар билан таржима килингани, аксинча, мулозимлар тарбияти ва одоби баёнидаги 40-

бобда анча тўлдирилиб таржима қилинганлигини кузатамиз. 40-бобни Огаҳий асарга ижобий ёндашган ҳолда мазмунидан келиб чиқиб, қисқартириб таржима қилган бўлиши мумкин. Бундай ижодий ёндашув Огаҳий таржималарига хос услубдир. Ёки котиблар асарни кўчираётган пайтда мазмунига кўра қисқартирган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Буёғи бизга ноаниқ. Биз ўрганиб чиккан тошбосма нусхада 40-боб нисбатан қисқа берилган. Биз тайёрлаган нусхада Огаҳий услуби ва маҳорати, давр руҳи, XIX аср Хоразм адабий ҳаракати ва шевага хос тил хусусиятлари сезиларли эканлигини ҳис қилдик. Шундан келиб чиқиб, XIX аср Хоразм адабий ҳаракатини ўрганувчилар, таржима назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи мутахассислар, хусусан, Огаҳийнинг таржимонлик маҳоратини ўрганувчилар ҳамда зукко ўқувчилар учун фойдадан холи бўлмас, деган ниятда Огаҳий таржимасини нашр эттиришга қарор қилдик. Ўзбек тилининг тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганиш учун, Огаҳийнинг ўзига хос “тилинни” сақлаб қолиш учун ҳам ушбу таржима асарни нашр қилиш лозим, деб билдик.

Асарда берилган Қуръони карим оятлари Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринbosари Шайх Абдулазиз Мансур томонидан нашр этилган Қуръони карим маънолари таржималарига (2004) мослаштирилиб, сураларнинг номлари ва оятларнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда берилди. Оят, ҳадис ва арабий ибораларнинг ўқилишини Хоразм Маъмун академияси “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш ва уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳаси (лоиҳа раҳбари А.Ўрзбоев) илмий ходими Лочинбек Абдукаримов кўриб чиқди.

Устоз Азиз Қаюмовнинг “Китобни хатосини топиш учун эмас, ундан фойдаланиш учун ўқиш керак”, деган пурмаъно гаплари бор. Китобни нашрга тайёрлашда баъзи нуқсонлар ўтган бўлса, “ани шафқат пардаси бирла ёпиб ва марҳамат хомаси бирла ислоҳ” қилиб ўқишингизни илтимос қиласиз. Зоро, Кошифий ва Огаҳий олдидағи бурчимиз шуни тақозо қиласиди. Китобни ўқир экансиз, маънавиятимизнинг икки улуғ алломасини дуо бирла ёд этиб, қалбингиз илоҳий файз топар, деган умиддамиз.

Мадраҳим САФАРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент;
Султонмирзо РАҲИМОВ,
филология фанлари номзоди

حدائق الحسنین

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
 حضرت پادشاه علی الاصفاق خوش نگاره جنت عظیم مشریعه اسلام و
 صنم الحسن مجید النبی الامی الامین صدیق الادیل مسلمہ عبده والد زوجین را به طفرای عزای
 و آنست عصی خطیب مرفوع و مرتضی کردند زیرا که حسن فردی از انداد حکم ای
 و مرتضی از اسرار عزیز باشدی که بدان نور شریف دیده بعیت نزد کرد دو بدمان
 سرهنگ نعمت عرضت مرتضی کرد و زمزمه هنر ملاعف مشجع اصحابی بزرگواری
 الامم مختار ام الاصفاق مفهوم مبود که فایده بعثت سرور عالم صلی الله علیه و آله
 و سلم منجم معصوم اخلاق است نیکی محسن او صاف لاحرم زبان معجزه ای
 خضرت پیغمبر مسیح خلقو با خلائق الله که پیامبر نهاده نهادت علی یا هنر و آنند که تحقق
 بین حسن امریت لازم و در تقدیم نیزه روحیه عالی فرضی منجم اول چیزی که
 در میزان فیض سنجیده کنوا خلاق حسنه بعد از آن احوال حسن و در
 آنده که بدینی که مومن بو امظنه حسن شکر در پیا بد در چشم شیرا که فیم این داد
 النه رشیده حکما که از نزد که خوبی بکرامی اش داشتند که خوبیها بعیان آن منوج
 منزل شرف سرور عالم را بد و خیریت کارک زاده را و بجهة حسن داشتند بد
 الملائک نسبت نهادند که بجهت همکار و بجهت نیکی داشتند



“Ахлоқу-л-муҳсінійн” асари аслияты қўлёзмасидан бир варак

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

Бисмиллаҳироҳманирроҳийм

ДЕБОЧА

Ҳазрат Худовандеки, подшоҳлиғи омм ва сўзи ҳурматлиқ ва улуғлиғи равшандур. Пайғамбарлар султони ва хўблар яхши хўйининг тамомкори Муҳаммадеким, пайғамбарлиғида устувор эрди, “Соллаллоҳу алайҳи васаллам ва ъало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин”¹ давлатномасини “Ва иннака ла‘алā хулуқин ‘азīm”² туғройи бирла баланд ва зийнатлиғ қилди. Яъни ё Муҳаммад, ҳақ ва ростдурким, сан улуғ яхши хўйлар уза туурсан, демак бўлур. На учунким, яхши хўй Худойи таоло ҳикматининг нурларидин нуре дур ва аниңг подшоҳлиғи иззатининг асроридин сирре эрурким, ул шариф нур бирла басират кўзи ёрур ва бу азиз сир бирла сифат хўбулугини танимок муюссар бўлур. Бу сўзни Ҳазрат Мавлоно Ҳусайн Воизнинг бу китобга боғлаган хутбаларидин мазмун кўтариб табаррукан ва таяммунан илгари битдук. Аммо бу фақири ҳақири саропо тақсирнинг ўз иститоатига бокиб ҳамд ўрнида хаёл эркани будур.

Ҳамдеки, қурб даражасига уруж қилганларининг адосидин ожизлик изҳор қилибдурлар.

Ва сипосеки, шараф маснадида ўрун тутганлар бовужуд, ўз ажзи маълум бўлуб туриб бақадри ҳол иштиғолин вожиб билибдурлар, ул худованди баҳақ ва маъбути мутлақ даргоҳига нисор ва ийсор бўлсунким, ҳамд жинсининг эгаси улдуур ва ҳар ҳамде азалдин то абад ҳар Ҳомиддин ҳар Маҳмудға содир бўлса, ул ҳам анга рожеъ бўлур.

Қодиреким, башар навъини нутқ жавҳарининг инъоми бирла сарафroz қилди ва ул нишона бирла бу навъини ўзга ҳайвонотдин

¹ У зотга ҳамда у зотнинг оиласиари ва барча саҳобаларига ҳам Аллоҳнинг саловати ва саломи бўлсин. (Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом номидан кейин айтиладиган дуо).

² – وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ “Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!”. “Қалам” сураси, 4-оят.

мумтоз қилди ва анинг вужуди саҳнида ақл гулшанин ораста қилиб ва анда файз насими билан илму идрок гулин очилдурди ва ул гули ройиҳасидин забон шохсорида сўз булбулин юз минг достон билан нағма ва наво қилдурди.

Каримеким, бандаларига ҳадсиз ва ниҳоятсиз неъматлар ато килдиким, анинг ҳисобин ҳеч ким қилолмас. Алалхусус, мўминларга бу атиёт узра неъмате бердиким, жумласи анинг баробариға келмас ва ул бузрук неъмат будурким, икки жаҳон умдаси ва мавжудот зубдаси ва ҳама олам сарвари ва гумроҳлар раҳбари Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламки, исён бодиясининг лабташналариға раҳмат зилолидурлар, ҳирмон зовиясининг тийрарўзғорларига шафқат чироғидур ва жаҳолат тийғидин захмнок бўлғанларнинг марҳами ва залолат кишварида ғурбатзада ва ғамнок бўлғанларнинг мунису ҳамдами ва умматининг ўлук таниға жон ва хусусан, умматлар орасида ҳар заифу мискинларга меҳрибон.

Ва бани Одам дарахти вужуд боғистонида анинг нури сарчашмаси суйидин наъшу намо топиб, каромат шугуфасин очилтириб, иймон мевасин аён қилди ва анинг жамоли офтобининг тобишидин бу мева пишиб камолга етилди. Жумла муқавванот олам шабистони коронғулигидин вужуд наҳори ёруғлигига анинг боисидин уланди ва мавжудот жавоҳири низом топмоғи учун анинг хилъати риштасиға боғланди.

Ҳазрат Расулеким, ҳақ даргоҳида умматларининг нажотидин ўзга атиётни назарига илмас, ҳам дунё ва ҳам охиратда алардин бир соат йироқ бўлмағин раво билмас, бу сўзга далил буқим, меърож кечаси “қаба қавсайн¹” мақомига бориб умматларини муродидин ўзга нимарсани тиламади. Ва андоғ қурби манзилат топтиkim, ҳеч оғаридаға илгари ва кейин анинг қурбини шаши ё рубъи ё андин кам мұяссар бўлмади ва мунча давлат ва саодатдин сўнг ҳам бу хоксор ва мискин умматлар сұхбатини ихтиёр қилиб, хокдони ва ҳар сори яна келди ва илло ул ҳабибуллоҳ ва подшоҳи жаҳонпаноҳга бу макон сифлидин ул боргоҳи олий муносиброқ эрди. Ва таки буқим, бисёр бузруклар жасадига Ҳақ таоло бу тийра туфроғини муносиб кўрмай аълои олийга элтти. Ва аммо бу ҳазрат пайғамбаримизким, мавжудот кўзини нури ва маҳлукот кўнглини хусури бу азимат ва шарофатига муносиб ул эрдиким, равзай мутаҳҳарасининг жойи пўсти хокдин

¹ فَكَانَ قَابَ قُوسَيْنِ أَوْ أَدْنَى “Нажм” сураси, 9-оят. Факанат қоба қавсайни ав аднаа – Бас, (Муҳаммадга) икки камон оралиғидек ёки (ундан ҳам) яқинроқ бўлди.

баландроқ авжи фалак узра бўлган эрди. Лекин муборак жасади беҳадди ҳам бу шикастга диллардин муқориқати хоҳиш қилмади ва тақи арасот куни ҳам исён селига ғарқ бўлган сийналари ҳасрат ва надомат бирла тўлган музтарибҳолларнинг атрофидин йироқ бўлмай шафқат ва марҳамат назарин булар сори салмоқни вожиб билиб ва укубат офтобининг ҳарорати шиддатига мубтало бўлганлариға шафоат соясини уларнинг бошида барқарор қилса ажиб ва ғариб эрмас.

Бу важҳлар бирла маълум бўлдиким, ул карими алал-итлоқнинг бандаларига берган неъматларининг жумласи бу неъмати Ҳақи шукуворга баробар бўлмаслар. “Алҳамдуиллāҳи аллаз̄й жа‘аланā Муҳаммадан ‘алайҳиссалāм ни‘матан мубāракатан мин умматихи. салавāтуллāҳи ва малā’икатихи ва русулихи ва анбийā’ихи ва жамī‘и халқихи ва ‘алā āлиҳи Муҳаммадин ‘алайҳиссалāм ва раҳматуллāҳи ва баракāтуху”¹

Ва Ҳақ таоло раҳмати аниңг асҳобларига ҳам нозил бўлсунким, ҳамсуҳбат бўлмоқлари ой атрофида юлдуз янглиғ эрур ва қоронғу кечасида ой нури бўлмаса ҳам юлдуз ёруғлиги йўл кўргузгандек ҳар бирлари рўшнолик берурлар ва зулмат дарёсида хижолат кемасини суруб, залолат гирдобига мубтало бўлиб, йўлин йитурғанларни “Асҳабий ка-н-нужūми би-айиҳим иқтадайтум ихтадайтум!”² ҳукми бирла нажот соҳилиға чиқориб, ҳидоят йўлин кўргузуб, маърифат каъбасиға еткуурлар.

Алалхусус, тўрт ёри олиймикдорки, саҳобалар аро пешво ва пайғамбар ўрнида мұқтадодурлар.

Аввал, Абу Бакр Сиддик ибтидойи ҳолдин то охири ҳолғача Расулға ҳамдам ва ҳамғам бўлуб, молу жонин аниңг ҳақида нисор қилмоқни лозим билди ва ҳар жавру алам ўтиқим, хайли баддин ва душман пуркиндин Расул сори тегса, ўзин анга сипар қилур эрди.

Иккинчи, Умари Одилким, аниңг даврида шариати Мустафо ошкоро бўлуб, ислом аҳли қувват олди ва бединлар равнақи ушатиб, кўнгулларига беҳад изтиробу зилзила солди.

¹ Бизларни Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматидан айлаб, муборак неъмат берган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! Аллоҳнинг, фаришталарнинг, расулларнинг, пайғамбарларнинг ва жами халқнинг саловатлари, раҳматлари ва барокатлари у зотга ва унинг оиласирига бўлсин! (Ҳадис)

² “Мениңг саҳобаларим юлдузлар кабидир. Улардан қайсисига эргашсангиз, тўғри йўл топасиз!”. (Ҳадис)

Учинчи, Усмон Зуннурайнким, Қуръон пораларини каромат илиги бирла жамъ қилиб, илми илохий шерозаси била истехқом берди ва хилмки, жамеъ авсоф зудасидур, ҳамиша аниг шиори эрди.

Тўртинчи, Али Муртазоким, қурбат бешасининг шери ва шијоат майдонининг далири ва ислом хайлиниң амири эрур ва бу дунёда аҳли куфр қонин ичарга оғиз очган саглар комига қаҳри бирла заҳар сочган ва уҳубида арасот лабташналарга кавсар суйидин ҳам лутфи била ул ичуурур ва иншооллоҳ, раббул оламин радиаллоҳу ‘анҳум ва раду ‘анҳ бу фақирким, иститоат ва ҳақири бесалоҳиятга “Ахлоқу-л-Муҳсинийн” туркий таржума қилғил, токи хосу омм аниг мазмунига мутталаш бўлуб, баҳра топғайлар ва аниг амали бирла яхши хўй қилиб, ямон кирдорлар юзин ёпгайлар, деб амр қилдилар.

Бу важҳдин “Ал-ма’мӯру ма‘зӯр!”¹ ҳукмин тутуб, бозум қуввати етмас, қоттиқ ё²ни қўлумга олдим ва қадамим тўхтаёлмас йўлга ўзимни солдим. Алғараз, бу китобни замона уламолари ва овон фузалоларидин умид улким, бу нусханинг ҳар ҳарф ва калимасида хато кўрсалар, ани шафқат пардаси бирла ёпиб ва марҳамат хомаси бирла ислоҳ бергайлар. Чунки киши айбин ёшуруб, хатосин ўткармак ва кори сорий³ ичра дармонда ва афтода бўлганга мадад бермоқнинг савоби ўзларига маълумдур: “Инналлаҳа лâ-йудî‘у ажр ал-муҳsinîn”⁴.

Аммо бу ихтоз изҳоридин сўнгра мусаниф раҳматуллоҳи алайҳининг сўzlари узра яна келдик. Айтибурларким, яхши хўй дунё саодати ва охир шарофатидур. Жин ва инсни вужудга келтурмакдин ғараз бу азиз сифатга муттасиф бўлмоқлари эрурким, ул ибодат ва маърифатдур. “Ва мā халақту-л-жинна ва-л-инса иллā ли-йا‘будūn”⁵ ва ҳадиси бузруквор “Бу‘исту лиутаммима макārim ал-ахlāk”⁶ мазмунидин маълум бўладурким, олам сарвари ва бани Одам сардафтари соллаллоҳи алайҳи васалламнинг пайғамбарлигини фойдаси ҳам аҳли олам аро улуғ яхши хўйлар ошкоро қилмоғи ва яхши сифатларни камолига еткурмоғидур, яъни пайғамбарлигиким, ошкора бўлди ва бу жиҳатдинки, тамом қилгайман, яъни камолига еткургайман улуғ яхши сифатларни, демак бўлур.

¹ Буюрилган, амрга бўйсунган кимса узрлидир!(Ҳадис)

² Бу ерда “камон” маъносида.

³ Кори сорий – таъсир ўтказувчи, асар қилувчи иш.

⁴ “Албатта, Аллоҳ эзгулик қилувчиларнинг савобини зое қилмас”. (“Тавба” сураси, 120-оят)

⁵ “Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учун яратдим”. (“Ва-зориёт” сураси, 56-оят)

⁶ “Мен гўзал хулқларни камолга етказиш учун юборилдим” (Ҳадис)

Ночор бу важхдин ул ҳазрат мўъжизбаён забонлари “Бу‘исту лиутаммима макарим ал-ахлак” калимаси бирла сўз сурди, яъни хўй қилингизлар Ҳақ таоло хўйи, демак бўлур. То баландхиммат умматлар билгайларким, барпо бўлмоқ худойи таоло хулқи бирла, яъни яхши хўй бирла лозим нимарсадур. Бу баланд даражага чиқмоқ комил фариза эрур. Ул нимарсаким, қиёмат тарозусида тортилур, яхши хўйлардур ва ҳадиси шарифда келубдурким, мўмин яхши хўйнинг воситаси бирла кеча бедор бўлуб ва кундуз рўза тутганларни даражасини топар. Ва ҳукамо айтибдурларким, яхши кирдор йўледурким, аниг бирла юрмай иззат ва шараф манзилига етса бўлмас ва аниг ичра қадам сурмай вужуд раҳтини ҳайвонот биёбонидин инсоният дорулмулкига етса бўлмас.

Назм:

Ҳар кимки, аниг сийратиким, некудур,
Одамлар аро одамийзод улдур.
Эл хўблиғиким, ҳусни жамолидин эмас,
Хушхўй эмас кишини киши яхши демас.

Яхши хўйлар ва писандида сифатларни одам аро ҳар кимдин содир бўлса, хўб ва зебо кўрунур. Хусусан, жамоатиким, “Роббука йаҳлуқу мā йашā’у ва йаҳтāру”¹ ҳукми бирла қудрат қуввати жиловин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло уларнинг ихтиёри қабзасиға берибдур ва яъни “Ё Муҳаммад, санинг Худойинг яратадур ҳар нимарсанниким, хоҳиш ва ихтиёр қиласур”, демак бўлур ва адo бўлмас иноятининг калиди “Ту‘ти ал-мулка ман ташā’у”² бирла подшоҳлик эшигин улар юзига очибдур, яъни “Бор худоё, берурсан жаҳон мулкини кимгаким, хоҳишларсан”, демак бўлур. Бу тоифа агар яхши хулқ содир бўлса, ўзгалардин хўброк ва муносиброк ярашур.

Байт:

Яхши хўй кимдинки, дунё ҳуснига зийнат берур,
Фуқаро элига хўбдур, шахларга андин хўброк.

Алҳамдулиллоҳ, ҳазрати подшоҳ, дини ислом бошига паноҳ соясидин солғучи ва Ҳақ нури файзидин фараҳ ва суур олғучи сultonки, Худой сояси улдур, Доробким, Жамшид давлатли, Фаридунеки, офтоб мукнатли эрур, соҳибқиронки, Искандар таҳти аниг маснади ва шаҳриёрехи, амину омон доирасининг маркази ва салтанатеки, Ҳақ нури бирла равшандур, аниг қоидасин тебратувчи

¹ “Раббингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратур ва (хоҳлаган ишни) ихтиёр қилур” (“Қасос” сураси, 68-оят)

² “...Сен хоҳлаган кишига хукмронлик ато этурсан”. (“Оли Имрон” сураси, 26-оят)

ва хилофати эса халқ назарида зохир ва мубаййин эрур, анинг дунё ва динин маҳкам этгучи.

Назм:

Абулғозий ул шоҳи соҳибқирон,
Берибдири қўлиға замона инон.
Худо соясидир жаҳонга паноҳ,
Жаҳон тутқучи мулкидир меҳру моҳ.
Азизи жаҳон то басаъе хофиқайн¹,
Ки, оғоқ султони Султон Ҳусайн.

Худойи таолонинг подшоҳлиғи соясиға завол еткурмагай ва меҳрибонлиғи неъматини халқ орасидин бартараф қилмоғи то қиёмат қиёми зухур этгунча ва соат, яъни қиёмат сояси етгунча ул ҳазрат подшоҳдин паноҳ мақсадларига етгай ва муборак отларининг шуҳрати Қоф то Қоф кетгай.

Бузрук фарзандлариким, ҳар бирлари давлат ва жаҳондорлик осмонининг офтоби нурафзоси, салтанат ва кишварситон авжининг ситораи жаҳонпаймосидирлар, яхши хўй ва дилписандида сифатларидин ва сахих тақсим бирла фаровон баҳра олибурлар, баландрўй ва ихтиёрлари жиловин яхши сифат ва шариф хўйлар касб қилмоқ сори қайтарибдирлар.

Фард:

Яхши сифат – камол касб этмагида,
Ҳар бирлари офтобдек оламгир.

Алалхусус, олам аҳли шаҳзодасики, иззат ва саодатнинг якто гавҳари, баланд қудрат ва подшоҳликнинг равшан ахтари, давлат оламларин кўтаргувчи мулку миллат чехрасига рўшнолик бергувчи.

Қитъа:

Шоҳ Абул Муҳсинки, улдур мулку миллат ёвари,
Эҳтиром айлаб анга хуршид хизматкор эрур.
Саҳни рифъат шаҳсувори қадр майдони аро
Давр оти ҳукми жиловдорига фармондор эрур.
Чун кўнгул мансурига солди инобат тавқини,
Номаи иззу шараф онинг отида бор эрур.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анинг мулкини ҳамиша поянда тутгай ва салтанат дарёси ичра давлат кемасин юрутуб кўнглин шод этгай, анинг тавба ва инобат, инсоф ва адолатининг овозаси улуғ-кичиклар

¹ Хофиқайн – Машриқ ва Мағриб.

кулоғига етти, яхши хўй ва шариф сифатларининг шуҳрати олам атрофига кетти.

Мисраъ:

Ҳар сари қулок солсанг эшитилур анинг мадҳи.

Ва ул подшоҳзода неку ироданинг яхши кирдорики, дунёда иззат топмоғи ва яхши от кўтармагига боисдур, охиратда каромат ва саодати зиёда бўлмоғига сабаб эрур. Бисёрдур бу жумладин бириси ҳазрат салтанатпаноҳики, падари бузруквори бўлгай, анинг ризосин истамаги ва фармонин тутмоғи эрур. Ул вақтдаки, баъзи воқиотдин иковлари орасида ғайр воқеъ шиконият ўтуб, улуғ хижолатлар тушти. Ул сабабдин халқ аро қўрқинч ва ваҳшат изтироби пайдо бўлди. Бу вақтда шаҳзоданинг ҳазрат аъло қошига келмагининг эҳтимоли бағоят йироқ эрди.

Аммо ҳазрат олийжоҳ ва сояи илоҳ, яъни салтанатпаноҳ падари азизиким, муборак оти юқорида мазкур бўлди, келмагига мужмал ишорат қилмоғи бирла бовужудки, асбоб ва олот, салоҳ ва лашкари бисёр эрди. Ани ташлаб андак хос хизматкорларини бошлаб, ҳеч тавакқуф ва ибо, имтиноъ қилмай жон бирла фармонин тутуб хизматига бормоқни қасд қилди. Ва умаролари айдиларки, “бу маҳал орада низъ бокийдур ва бормоқ ҳикматдин эрмас, балки муважжаб хатодур”. Аммо бу сўзни қабули самиъга олмай “Анни-шукур лий ва ли-волидайка”¹ ҳукми бирла шахри Марвки, анинг дорул мулк ва таҳтгоҳи эрди, андин чиқиб рафеъулмиқдор волиди бузруквори итоатига жозим бўлуб, даргоҳи олийсига восил бўлди, яъни васият қилдик инсонга буниким, шукр қилғил манга ва ота-онангга, яъни манинг ва уларнинг фармонимизни тутғил, демак бўлғай. Ва ул иззат ва жалол Миср Юсуфининг жамолини нури отаси, балки онаси ва мамлакат элининг кўзларига Яъқуби Канъон дийдасидек рўшнолик берди. Бу шаҳзоданинг муфориқатидан муддати мадида ва аҳди баида ўтуб эрди. Ҳар тарафдин таҳният ва муборакбодлик бисёр қилдиларки, садоси осмон қулоғига етушти.

Назм:

Келди мулк узра етиб, Ҳақ файзидин бир шахриёр,
Мақдами шуҳрат солиб шаҳр ичраким хуршидвор.
Сабзу хуррам ўлди ул келмак билан кишти мурод,
Ғунча уммиди очилди, етти гўё навбаҳор.

¹ “Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин!” (“Лукмон” сураси, 14-оят)

Ва чун шахзода бу мазкур бўлган сифати бирла ўзга биродарларидан мумтозлик сифатин топиб, ҳазрат салтанатпаноҳнинг меҳрибонлик назарига келиб, яхши марҳаматлари осоридин лаззат ва баҳра олди эрса, амну омон муждаси аҳли олам қулогига етти. Фараҳ ва шодмонлик насими нишот ва суур боғидин бани Одам сийналарига ёғиб раҳотнок этти.

Қитъа:

Шукрки, ҳар дуо ўқи оттилар они аҳли зор,
Ажзу ниёз ёсидин тегди бориб нишонага.
Субҳи нишот ўрлади машриқ иззу жоҳдин,
Шоми умид ёруди нур бериб замонага.

Улуғ-кичикнинг тили ул сарафrozлиқ чамани сарварининг умри узунлиғига дуо қилмоққа очилди. Хосу авомдин ҳар ким ул иззату тамкин фалакининг офтобига саноу офарин ўқумоққа таважжух қилди. Фақир ул-ҳақир, яъни мавлоно Ҳусайн Воиз ал-Кошифий ҳам ул ҳазрат олийрутбанинг сидра янглиғ баланд боргоҳи ҳарами тавофиға эҳром боғлаб, дарёдек жавоҳирпӯш қўлларининг дастбўслиги саодатига мушарраф бўлди ва дуои давлаттағзун адосидин сўнгра бу вақтки, Ҳақ таоло файзидин топқан яхши хўйлар нурларики, ул инсон тоифасининг зубдаси аҳволининг сафҳаларидин тобон дурахшон эрди, аларни таҳқиқ ва тадқиқ назари бирла кўруб хоҳиш қилдиким, дуогўйлик ва давлатхоҳлик тариқи бирла агарчи ул ҳазрати олиймакнатнинг ўзи авсофин баён қилур имкони бўлмаса ҳам мулозимларининг яхши авзоъу мақбул афъолидин неча калима баён варакига ёздим. Токи ўзга подшоҳлар авлодиға ибратнома ва дастурул амал бўлгай. Бу тасаввурдин сўнгра бу рисола отини “Ахлоқу-л-муҳсинийн” деб битмакига қадам қўйдим. Ват-тавфиқу миналлоҳил-малики-л-маъбуд, яъни бу китоб таснифиға қадам урмагим ўзимнинг зўримдан эрмас, балки Малики маъбуд тавфиқи ва нусратидин эрур, демак бўлур.

Асл сўзга шурув қилмасдин бурун арзи мувофиқига еткуурким, одамийлар биттабъ шаҳрийурлар, яъни уларга бир-бири бирла топишиб бир шаҳр ва ё бир маконда жамъ бўлиб ўлтурмай, илож йўқлигидин мизожларини Ҳақ таоло бир-бирига муҳталиф яратибдур. Бас, уларнинг орасида бир қоидае керакким, аниг бирла майшатлари низом топиб, фасод ва хатодин йироқ бўлғайлар. Ул қоидайи шариатдурки, аниг асл бунёди Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин бўлгай ва ани зуҳурга келтуруб баён қилгучини пайғамбар дерлар. Ва чун қоида барпо бўлса, киши керакки, ул қоидани қудрат ва шавкат бирла

нигоҳдоштлик қилиб, ривож бергай ва ҳеч кимни анинг ҳудудидин тажовуз қилгали қўймаслик лозимдир ва ул кишини подшоҳ дерлар. Бас, подшоҳлик даражаси пайғамбар даражасига ёндашдур. На учунким, пайғамбар шариатни барпо қилгувчи ва подшоҳ ани муҳозифат қилиб, ривож бергувчи. Бу жиҳатдин айтибурларки: “Лаҳул мулку вад-дйну” эгизакдурлар, яъни қоидаки, дин мазкур бўлса, мулк ҳам анда мазкурдур. Дин шариатга ишорат, мулк подшоҳга. Ва бу маънода айтибурларки,

назм:

Ақл олдида шоҳлигу пайғамбарлик
Ики нигиндурки, бир ангуштарлик.
Айтгучи бу сўзни хирадманлар,
Ким бу эгиз зойида фарзандлар.

Ва бу жиҳатдин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз итоатига ва пайғамбарининг итоатига амр қилгандин сўнгра подшоҳларнинг фармонин тутмоққа буюрубдир: “Ати‘уллоҳа ва ати‘ур расула ва ули-л-амри минкум”¹, яъни итоат қилингизлар Худойи таолога ва итоат қилингизлар пайғамбарларга ва итоат қилингизлар ўзингизлардин бўлган умароларингга, яъни подшоҳи исломга, демак бўлур.

Бас, подшоҳга лозимдурки, шариат эгаси, яъни пайғамбар хўйи бирла хўй қилгай, то шариатни шароитлари бирла нigoҳdoшtлик қилгай ва дигар Ҳақ таоло анга мундок каромат ато қилдики, анинг итоатини пайғамбарнинг итоати бирла ёндаш зикр қилди ва ани ўз бандалари аро тоифага ҳукмрон ва соҳиби фармон қилди. Унинг улуғлиги амалини “Ту‘иззу ман ташā’у”² сахнига кўтарди, яъни бор Худоё, азиз қилурсан ҳар кимники, хоҳишиларсан, демак бўлур. Ва иродай азали бирла ихтиёр тожин анинг иқтидори фарқига қўйди ва хоҳиши лам язалий бирла халойиқлардин жамъига амри наҳи қилмоқ жиловин анинг тасарруфи илкига берди.

Бас, атиётлар лашкари учун анга вожиб буки, улуғ зотини яхши хўй ва писандида сифатлар бирла мавсуф тутгай ва бу рисолани қирқ боб бирла келтурди. Форсий, туркий иборатлар бирла осон луғатлар бирлаки, муншийлар таклифидин холи ва маънигўйлар машаққатидан орий ва ҳар бобда некукорлар яхши афъолидин ривоятлар ва анга муносиб ҳикоятларки, ўз вақтида эшитган ва забт қилған бўлғай. Онча

¹ “Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) иш эгаларига (раҳбарларга) итоат этингиз!” “Нисо” сураси, 59-оят)


² “Хоҳлаган кишингни азиз қилурсан...”. (“Оли Имрон” сураси, 26-оят)

замон ёрий беришига боқиб етди ва анга тавфиқу рушд улуғлар улуғи
Хақ субҳонаҳу таолодин топди ва етди.

Боби аввал ибодат баёнида
Боби иккинчи ихлос баёнида
Боби учинчи дуо баёнида
Боби тўртунчи шукр баёнида,
Боби бешинчи сабр баёнида
Боби олтинчи ризо баёнида
Боби еттинчи таваккул баёнида
Боби саккизинчи ҳаё баёнида
Боби тўққузинчи покизалик баёнида
Боби ўнинчи адаб баёнида
Боби ўн биринчи баландхимматлик баёнида
Боби ўн иккинчи қасд қилмоқ баёнида
Боби ўн учинчи жидду жаҳд баёнида
Боби ўн тўртунчи событқадамлик баёнида
Боби ўн бешинчиadolat баёнида
Боби ўн олтинчи афв баёнида
Боби ўн еттинчи ювошлиқ баёнида
Боби ўн саккизинчи хулқи мулойимлиқ баёнида
Боби ўн тўққузинчи ҳайрат ва яхши ишлар баёнида
Боби йигирманчи шафқат ва марҳамат баёнида
Боби йигирма биринчи саховат ва эҳсон баёнида
Боби йигирма иккинчи тавозуъ баёнида
Боби йигирма учинчи омонат ва диёнат баёнида
Боби йигирма тўртунчи вафо ва аҳд баёнида
Боби йигирма бешинчи ростгўйлик баёнида
Боби йигирма олтинчи ҳожат раво қилмоқ баёнида
Боби йигирма еттинчи оҳисталиқ ва шитоб қилмаслик баёнида
Боби йигирма саккизинчи кенгаш қилмоқ баёнида
Боби йигирма тўққузинчи андиша қилмоқ ва ҳар иш охирин
кўзламак баёнида

Боби ўттизинчи шижаат баёнида
Боби ўттиз биринчи ғайрат баёнида
Боби ўттиз иккинчи сиёсат баёнида
Боби ўттиз учинчи бедорлик ва огоҳлик баёнида
Боби ўттиз тўртунчи фаросат баёнида
Боби ўттиз бешинчи асрор яшурмоқ баёнида
Боби ўттиз олтинчи фурсатни ғанимат билмоқ баёнида

Боби ўттиз еттинчи ҳуқуқларни риоя қилмоқ баёнида
 Боби ўттиз саккизинчи яхшилар бирла сұхбат тутмок баёнида
 Боби ўттиз түққузинчи ямон кишиларни йўқ қилмоқ баёнида
 Боби қирқинчи тобеълар ва хизматкорлар тарбияти баёнида.



Асар аслияти қўлёзмасидан

АВВАЛҒИ БОБ ИБОДАТ БАЁНИДА

Ибодатнинг маъноси фарз ва вожибни вақтида адо қилиб, ҳаром нимарсалардин ва ямон ишлардин ўзни тортиб, амру наҳий қабулин лозим билиб ва ҳазрат Рисолатпаноҳ суннатининг табиати йўлига қадам солиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таолога қуллук қилмоқ бўлур. Ва муқаррардурки, Ҳақ таоло ибодати дунёда саломатлик воситаси, уқбода нажот ва каромат топмоқлиқ робитасидир.

Байт:

Дунё ибодатиға сармояждур ибодат,
Уқбо кароматиға пирояждур ибодат.

Бас, подшоҳларга лозимдурки, ахволи сахифасини ибодат рақами бирла музайян қилгай, то Худойи таоло дунё ва охиратда ончаким, лозим кераклик нимарсадур, анга бесабаб еткургай ва Ҳақ фармонин тутмоқни дунё ишини шуғлидек лобудий билгай. Кундузи эл иши бирла бўлғай ва кечаси Ҳақ хизмати бирла бўлғай.

Ҳикоятда келтурубдурларки, ҳазрат Муртазо Али қараммаллāху важҳаҳу¹ халифалик замонида кундуз халойик муҳимми ва кеча Холик ибодати бирла машғул бўлур эрдилар. Жамеъи айдиларки: “Ё амир, на учун мунча ранжу машаққатни ўзунгга раво кўрарсан. На кундуз осойишиңг бор, на кечак ороминг бор”. Ул авлиёлар шоҳи ва мўминлар паноҳи айдики: “Агар кундуз осойиш қилсам, раият зоєъ бўлур ва агар кечак ором тутсам, қиёмат куни ўзим зоєъ бўлурман. Бу жиҳатдин кундуз халойик муҳими ва кечак Холик қуллуғи узра бўлурман”. Ҳирот подшоҳларидин бириси Шоҳ Субҳон қуддиса сирруҳуга² айдики: “Ё бузруквор, манга васият қилғил”. Шоҳ Субҳон айди: “Агар охират нажотини тилар эрсанг, кечалар Ҳақ таоло даргоҳида ўз гадойлигинг ва ҳожатмандлигинг додини айтғил ва кундузлар даргоҳингда гадойлар ва зулмрасидалар додига етғил”.

Қитъа:

Ҳақ бандалари жумла санга фармонбар,
Сан ҳам анга қуллук айла, фармондор ўл.
Ҳар шаҳки, Худо хизматиға бел боғлар,
Халқ они[нг] тоати учун боғлар қўл.

Ва раият хўйи подшоҳ хўйига тобедурки: “Ан-нāсу ‘алā дīни мулӯкиҳим”, яъни бани Одам ўз подшоҳларини дини узра турур, демак

¹ “Аллоҳ унинг юзини мукаррам қилсин!”

² “Унинг сирри муқаддас қилинди”. (Валийлар номидан кейин қилинадиган дуо)

бўлур. Бас, ҳар вақтки подшоҳ тоат ва ибодатга майл қилса, раият ҳам ул ишга мойил бўлурлар ва раъё ибодатининг баракати ҳам подшоҳни давлатға тааллук топар.



ИККИНЧИ БОБ ИХЛОС БАЁНИДА

Ихлоснинг маъноси қилган яхши амални риё ва ғараздан, халқ аро обид ва порсо топиб мақбул бўлмоқдан пок ва йироқ тутмоқ, ниятни Худойи азза ва жаллаға рост қилмоқ бўлур.

Байт:

Ҳар ким ихлосга қадам урди,
Исойи вақтдурки, дам урди.

Бас, banda керакки, ҳар ишда аниңг нияти Ҳақ субҳонаҳу ва таолоғаки, нафсоний ғараз, ҳаққоний амални вайрон қилур...

Ҳикоятда келтурубдурларки, Миср подшоҳларидан бири бир беадабни сиёсатгоҳга элтиб, адаб таёғи уринглар, деб буюрди. Ва они уруб турган ҳолда беадаблик тилин чиқариб подшоҳни ямон тил бирла дашном қилди. Подшоҳ амр қилдики, они урмоқдин қўюнгизлар. Хоси даргоҳ бирор айдики: “Эй подшоҳи олам, бу шўхчашми бешармни таки зиёдароқ адаб таёқи урмоқ лозим турур эрди. Афв қилмоқингга сабаб на бўлди?”. Подшоҳ айдики: “Ман они Худо ризоси учун адаб берур эрдим. Вақтки, мани носазо этти эрса, нафсим андин изо тортиб қаҳрнок бўлиб, анга зиёдароқ интиқом бермоқни хоҳиш қилди. Ман раво кўрмадимки, Ҳақ ишида нафсимни хоҳишини орага қўшмағайман ва ҳам они хаёл қилдимки, Худо ризосидаги ишга нафс ғаразини қўшмоғим ихлос шевасидин йироқдур. Ва ғаразомиз бирла яхши амал қилгувчи савоб фазилатидин маҳрум эрур”.

Байт:

Аниңг тилидан ғазаб ўтум тез ўлди,
Ҳақ ёдидағи иш ғаразомиз ўлди.
Нафсим тилаги андаки, нур кўргузди,
Бас, маънойи ихлосни қўймай бузди.
Ҳар ишки, аниңдин ўлса ихлос йироқ,
Тарқ этмаги қилмоқлиғидин лойикрок.

УЧУНЧИ БОБ ДУО БАЁНИДА

Дуони маъноси Ҳақ таоло даргоҳига ҳожатни арз айламак ва мақсудларни адо бўлмас фазли файзидин тиламак бўлур ва ҳар давлатмандки, дуо калитин қўлига олар. “Уд‘унӣ астажиб лакум”¹ ваъдаси бирла ижобат эшиги анинг юзига очилур, яъни “Тилангизлар Мандин муродингизни, агар тиласангизлар албатта берурман сизларга”, демак бўлур. Бу оятда амр сиғасидин сўнгра ҳарфи шарт феъли музореъ мухотаб бирла муқаддардур, валлоҳу аълам биссавоб. Ва дуо қилмоқ икки ғараздин холи эрмас: ё манфаат ҳосил қилмоқ учун эрур ва ё ўздин заарни дафъ қилмоқ учун бўлур. Подшоҳлар бу икки ишнинг ҳар биридин ўзига лозимин тутмай иложи бўлмас. Бириси манфаатлар топмоқ, яъни мамлакатлар тузалиб, обод бўлмоқ ва салтанат барпо бўлуб, пойдор ўлмоқ ва ҳар ойина бу манфаатларни шикасталик ва зорийлик бирла ҳазрати Ғанийи корсоздин тиламак керак, то ҳурмат тахтида фароғат бирла барқарор бўлмоқ муюссар бўлғай.

Байт:

Шоҳким, ҳожат тилаб Ҳақ ишидин топқай мурод,
Ноз тахтида нечук ўлтурғуси хушвақту шод.

Ва яна бириси макр қилгувчилар ва заарар еткургувчиларни дафъ қилмоқ, яъни хусуматчилар ҳужум қилмоқни душманлар ғалаба келтурмакни ва ё ўзга балоларниким, мисли алам ва ранж бўлғай, ўздин йироқ этмоқ бўлур, ҳам тазарруъ ва зорий, гиря ва дуо қилмоқ муюссар бўлмас. Чунончи, бу сўзни ҳазрат Мавлоно ҳам “Маснавий”да келтурубдурларки, таржумаси будур.

Маснавий:

Эй, тиларсан жон балодин қутқариш,
Жон тазарруу ичра келтур, будур иш.
Зорининг Ҳақ олида кўп қиймати,
Ҳам тазаррунинг улуғдур ҳурмати.
Бўл тазарруъ бирла, то шод ўлғасен,
Йиғлағилким, то оғизсиз кулгасен.
Эй хуш ул, кўзим анга гирён эрур,
Ҳам кўнгулларким, анга бирён эрур.
Ҳар йиғининг охириси хандадур,

¹ “Менга дуо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қилай” – “Парвардигорингиз: “Менга дуо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қилай”, деди”. (“Фоғир” сураси, 60-оят)

Охирин кўрган муборак бандадур.

Хабарда андоқ келибдурки, одил подшоҳ дуоси мустажобдурки, ислом шаҳрларидан бирида неча кеча ва кундуз муттасил ямғур ёғди. Андоқ бўлдики, ҳалойиқлар ишлари душвор бўлди ва келур-борур йўллари банд бўлди. Иморатлар ҳама вайронликка юз қўйди ва улуғ-кичикни кўнгулларига беҳад ваҳшату изтироб тушти ва мунажжимлар айтурлар эрдиларки, бизлар фалакиёт мутолаасидин истидол қилдуқким, бизларга маълум бу шаҳрнинг ҳамаси сувнинг остида хароб бўлса керак ва ҳалқ ҳама хонумонларидин кўнгул кўтардилар. Жузуъ ва фузуъ бисёр бўлди. Чун душворлик ҳаддин ошти ва тоқатлари тоқ бўлди эрса, буларни подшоҳи одил ва покиза киши эрди, ҳама шаҳр аҳли кўнглига тасалли бериб, ўзи хилватга кириб хожат ва шикасталик юзин туфрокқа қўйди ва айдики: “Бор Худоё, ҳама ҳалқ бу шаҳрнинг хароб бўлишига кўнгул боғладилар. Қодирсанки, уларнинг тасаввурини ботил қилгайсан ва қудратинг осорини ҳалойиқقا зуҳурга келтургайсан”. Чун муноҗоти мунга етти эрса, филҳол ямғур тўхтади ва офтоб чиқти.

Бу ҳикоят равшан далилдурки, чун подшоҳни эътиқоди пок ва кўнгули раиятга рост бўлса, ҳар дуоики, ўзи учун ва ё раият учун қилур, албатта, ижобат шарафин топар.

Қитъа:

Шоҳеки, камоли лутф бирла,
Қўйди бош узра тожи шоҳи.
Ҳар на тиласанг тила анингдин,
Ул бергуси мақсадинг камоҳи.

ТҮРТУНЧИ БӨБ ШУКР БАЁНИДА

Шукрнинг маъноси неъмат берувчининг берган неъматини сабабин хўблик бирла ёд қилиб, андин миннатдорчилик изҳор қилмоқ бўлур. Чун подшоҳлиги неъмати ҳама неъматлардин улуғроқ эрур. Бас, подшоҳега лозимдурки, давом бу неъмат шукргузорлигига машғул бўлғай, шукр ҳам кўнгул бирла, ҳам тил бирла ва ҳам аъзо бирла бўлғай. Аммо кўнгул шукри будурки, ҳақиқатан неъмат берувчини танигай ва ҳар неъматки, анга етибдур ва ҳосил бўлур. Ани ул раззоқни ғоятсиз файзу ниҳоятсиз лутфидиндур, деб билғай. Ва аммо тил шукри буки, ҳамиша Худойи таолони зикрин қилғай. “Алҳамдуллилоҳ” калимасини кўп айтғай ва бу калимани айтмоқ неъмати шукрига нишона бўлур. Ва аммо аъзо шукри будурки, неъмат қутини неъмат бергувчини тоатиға сарф қилғай. Ва ҳар узвни ўзига муносиб ва маҳсус тоатига буюргай.

Масалан, кўз тоати буки, маҳлуқотга ибрат кўзи бирла назар солғай, яъни ҳар маҳлуқни кўрса, Холиққа пай элтғай. Олимлар ва солиҳларга хурмат назари бирла бокғай. Заифлар ва зери дастларга шафқат бирла қарағай.

Ва қулоқ тоати шулки, Худойи таоло сўзи ва пайғамбарлар хабари, ўтган улуғлар ҳикояти ва шайхлар мавиъзаси, авлиёлар насиҳатини эшитмакдур.

Ва қўл тоати факирлар, муҳтоҷларға саховат қилмоқ эрур.

Ва оёқ тоати масжид ва хонақоҳ сари қадам урмоқ, тақи авлиёлар мазороти, хос дарвиш ва бетамаъ гўшанишларни бориб зиёрат қилмоқ бўлур. Ва яна ўзга узвлар ҳам Аллоҳга алқиёс “Ла’ин шакартум ла’азйданнакум”¹ хукми бирла мағҳум бўладурки, шукр қилмоқ неъматни зиёда бўлмоғига сабаб эрди, яъни ҳар ойина агар шукр қилсангизлар, албатта, зиёда қилурман сизларга неъматимни, демак бўлур. Ҳақ субҳона ва таоло шукр қилгувчини молу мулкини, хурмат ва саодатини зиёда қилурман, деди.

Байт:

Шукр айлагуси баҳт-саодат йўлин кушод,

Ҳар кимки шукр қилса, бўлур неъмати зиёд.

Хабарда келтурубдурларки, Султон Санжар Мозий [Аллоҳ хужжатини равшан қилсин] йўл узра ўтуб борур эрдики, бир хирқапўш

¹ “Қасамки, агар (берган) неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман”. (“Иброҳим” сураси, 7-оят)

рўбарў келиб салом қилди. Султон тасбех ўкуб борур эрди, бошини эгди. Аммо тилида жавоб бермади. Дарвеш айди: “Султон, салом қилмоқ суннатдур, жавоби салом фарз. Ман суннатни адо қилдим. Сан на учун фарзни тарк қилдинг?”. Султон инсоф юзидин ва “ассалом”нинг салобатидин жиловин тортиб, дарвешга узр баён қилди. Айдики: “Эй дарвеш, шукргузорликга машғул эрдим. Санинг саломинг жавобидин ғофил бўлдум”. Дарвеш айдики: “Кимга шукр айтур эрдинг?”. Султон айди: “Худой таолоғаки, неъмат бергувчининг улуғи улдур ва ҳама неъматни ул берган. Ҳама атийётни ул юборган эрур”.

Қитъа:

Моҳдин моҳийға тегру Аршдин то фаршға,
Жумлайи заррот анинг неъматлариға ғарқ эрур.

Дарвеш айди: “На равиш бирла шукр айтурсан?”. Султон айди: “Алҳамду лиллāхи роббил-‘ālamīn”¹ калимаси бирлаки, ҳама неъматнинг шукри мунинг ичидаги бордур”. Дарвеш айди: “Султон, сан шукргузорлик ва сипоҳдорлик тариқини билмас экансан. Шукр керакки, Худойи таолонинг неъматларининг тенгида ва атоларнинг баробарида бўлғайки, ул неъматлар алҳол ҳоли санинг давлатинг рўзғорида ҳосил ва салтанатинг айёмида мавжуддур. Шукр бу эмаским, бир нафас забон булбулини “Алҳамдуиллоҳ” калимаси бирла нағмасаро этгайсан. Бас, подшоҳлар шукрики, ҳазрат Молику-л-мулк даргоҳида мақбул бўлур “аш-шāкиру йастаҳиққу ал-мазīd” даражасига уруж қилур, яъни шукр қилгувчи мустаҳиқ эрур, неъмати зиёдаланмоғига, демак бўлур. Ул шукрнинг тариқи будурки, подшоҳлиғингта муносиб вазъ бор. Анинг бирла бўлғайсен”. Султон илтимос қилдики: “Эй бузруквор, ул вазъдин мани огоҳ қилғил”. Дарвеш айди: “Подшоҳлик шукри ҳама аҳли олам ва бани Одамға адлу эҳсон қилмоқ бўлур. Мамлакат ва вилоят васеълигининг шукри раият мулкидин тамаъ қилмасликдир. Фармонраволикнинг шукри фармон тутқон халойиқлар ҳақини сақламоқ эрур. Бахти баландлигини давлати улуғлигини шукри ва мазаллат туфроғи узра йиқилганларга раҳм қилмоқ бўлур. Ҳазина тўла турғонининг шукри садақа бермоқ ва мустаҳиқларга вазифасин еткурмокдур. Кудрат ва қувватнинг шукри ожизлар ва заифларга алам еткурмокдин қўл йиғмоқдур. Сихҳат ва саломатликнинг шукри ситам ранжидин bemor бўлганларга адлу арса бирла шифо бермоқдур. Лашкар ва сипоҳ тўлалигининг шукри уларнинг зарару осибининг мусулмонлардин йироқ тутмоқдур. Баланд

¹ “Ҳамд оламлар робби Аллоҳга”. (“Фотиҳа” сураси, 1-оят)

иморатлар ва беҳиштойин боғларнинг шукри раиятларга маскани ва манзилига лашкар, сипоҳлар тушуб хароб қилмоқларини ва лашкарнинг хулосаси буким, ғазаб ўти шуълаангиз ўлғанда, видодраслиги ўз ризосидин ғаразомиз бўлганда Ҳақ жонидин қўймаслик ва халқ осойишини ўз осойишидин илгари тутғай”.

Байт:

Агар сан тиларсан ўз осойишинг,
Диёрингда ором ололмос кишинг.

Бу дарвешнинг сўзларидан Султон кўп завқу лаззат олди ва қасд қилдики, ани зиёрат қилғай. Чун отдин тушти, эрса дарвешни кўрмади. Ҳарчанд истади, ҳеч киши андин нишон топмади. Султон буюрдики, бу бузрукнинг сўзларини олтун била битингизлар. Битдилар, то умри борича ўзига дастуруламал қилди.

Байт:

Кўнгул кўзгусиға дарвеш панди сайқали комил,
Эрур икки жаҳон мақсадлари ул пандида ҳосил.



БЕШИНЧИ БОБ САБР БАЁНИДА

Сабрнинг маъноси Ҳақ таолодин келган балога сабр-тоқат қилмоқ ва анга ўзни тўхтатмоқ бўлур. Сабр баоят хўб марғуб сифатдур, онинг хўблиги ва таърифида сўз кифоядурки, “Инналлāҳа ма‘а с-собирīн”¹ мазмуни бирла Ҳақ таолонинг лутфи ва нусрати сабр қилгувчиларгадур, яъни ҳақ ва ростдурки Ҳақ таоло сабр қилгувчилар бирла туур, демак. “Иннама йуваффā ас-сāбиrūна ужӯрахум би-ғайри ҳисāб”² калимаси бирла сабр қилгувчилар музди беҳадду беҳисоб эрур. Мундин ўзга эрмаским, вафо қилинур сабр қилгувчилар ажрлариға ҳисобсиз, яъни охиратда сабрларин ажрин бисёр ва бениҳоят топарлар, демак бўлур. Хабарда келтурубдурларки, Ҳазрат Довуд алайҳиссаломға Ҳақ таоло ваҳий қилдики: “Ё Довуд, жаҳд қилғил, то манинг хўйимни топиб, анинг бирла аҳволингга зийнат бергил ва манинг улуғ сифатларимдин бириси буким, ман сабур, яъни кўп сабр қилгучи туурман”.

Байт:

Сабр қилмоқ эргадур яхши сифат,
Токи топқой ўз муродин оқибат.

Ҳар ким замона ҳаводисининг тийри боронида сабр сарин юзига тортса, албатта, умид ўқи мурод нишонасига тегар ва ул балолардин анга ҳеч зараре етмас. На учунки, сабр шодмонлик калитидур ва роҳат адабининг эшиги, мундин ўзга калит бирла очилмас.

Назм:

Муроди ганж эшигини очқувсидур сабр,
Бу банд бўлған эшикларни очқувсидур сабр.
Чу тоғ жомаси тоши балокаш аҳлининг,
Тузу олмас икини ва ёбанда пўшкидур сабр.
Аламрасида дард аҳли кўнгли кўзгусидин,
Ситам ғуборини билкул аритқувсидур сабр.

Туркистон подшоҳларининг калимотида келтурубдурларки, Афросиёб умаролариға айдики: “Кишини суврати заҳомати ва тарҳи, таркибига фирифта бўлмангизлар ва лоф урганига мағрурлик қилмангизлар, то уларни мардлик ва мардоналиқ бирла синағунча”.

Байт:

Даъвойи лофдин эрмасдур эранлар қадри,

¹ “Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”. (“Бақара” сураси, 153-оят)

² “Албатта, сабр қилувчиларга мукофотлари беҳисоб берилур”. (“Зумар” сураси, 10-оят)

Қадри қийматлик эрур ул кишиким бор сабр.

Хикоятда келтурубдурларки, бир куни подшоҳи умаролардин бирини олдида ўлтурғузуб, бир муҳимми учун анинг бирла кенгаш қилур эрди. Қазодин, бир чаён келиб ул амирнинг кўйлаги ичра кирди ва соати ниш ураг эрди. Чандон ниш урдики, ниши коргар бўлмади ва ул амир андок сабр қилдики, ҳаргиз башарасига тагайюр бермади ва кенгаш этуридин маътал бўлуб қолмади. Ва чун кенгаш тамом бўлди эрса, уйига келиб чаённи эгнидин чиқариб ташлади ва бу хабар подшога эшитилди. Подшоҳ таажжубга қолди ва яна бир куни эрдики, амир подшоҳ мулозимларига келди. Подшоҳ айдики: “Зарарни ўздин дафъ қилмоқ вожиб эрур. Сан на учун филҳол чаённи олиб ташлаб озордин ором топмадинг?”. Жавоб бердики: “Ман ул эмасманким, сандек подшоҳнинг хизмати шарифини чаённинг захри сабабидин узгайман ва агар бугун базми мажлисида чаён нишига сабр қилолмасам, тонгла разм маъракасида душманинг заҳролуд тийғига нечук сабр қилғайман”. Ва бу сўзи подшоҳга бисёр хуш келди ва анинг мартабасини кўнгли хоҳиш этгандек кўтарди. Бу микдор сабр қилмоғи бирла муродига етти.

Қитъа:

Қазо тўфониға Нуҳ набийдек сабр агар қилсанг,
Балолар қистабон тикка келса минг йиллик муродингга.

ОЛТИНЧИ БОБ РИЗО БАЁНИДА

Ризонинг маъноси Ҳақ таолодин ҳар нимарсаки, бандаға етса, анга хушнуд бўлмоқ бўлур. Билмоқ керакки, қазо ўқига ҳеч бири ризодин яхшироқ эрмасдур. Ҳар кишиким, ризо ва таслим осто ниға бош қўяр, андак фурсатда улуғ ва сарафrozлиқ маснади узра ўлтуур. Чунончи, Каломи мажидда келибдурки: “Радийаллāҳу анҳум ва радū ‘анҳу”¹ ояти бу сўзни тақвият қилур, яъни хушнуд бўлди Ҳақ таоло улардин ва хушнуд бўлди улар Ҳақ субҳонаху ва таолодин, демак бўлур. Бандага керакки, тақдир ишида ризо сари мутаважжих бўлғай ва тадбирдин қўлин тортғай.

Байт:

Худо тақдириға ким бўлмиш, ул суд эмас таълим,
Магар суд этгувсидур ризову тоату таслим.

Улуғ пайғамбарлардан бириси саловаталлоҳу алайҳим муножотида айдики: “Илоҳим, менга йўл кўргузки, санинг хушнудлиғингга сабаб бўлғай”. Хитоб келдики: “Манинг хушнудлиғим сандин қазомга хушнуд бўлмоғингга муваққиф эрур ва вактеки, сан манинг қазомга рози бўлсанг, ман ҳам сандин рози бўлурман”.

Байт:

Ҳар кимки, рози бўлди Худонинг қазосидин,
Ул баҳраманд ўлғуси анинг ризосидин.

Ҳар кўнгулки, ризо нури бирла равшандур, Худойи таоло тақдиридин юз ўгурмас, балки қазонинг хоҳиши бирла ошно бўлур ва қазодин ҳар нимарсаки етса, они хушнудлиғ бирла қабул қилур. Бу сабабдин ризо аҳлиға ҳар на машаққат ва қулфат етган бирла, малол ва паришонлик хотирларининг гардиға келмас, давоми хушдил ва шодком юур.

Назм:

Азизеким, ҳамиша Ҳақ ризоси бирла хўй этмиш,
Ҳама айшу фараҳ билкул юзин анинг сори солмиш.
Қазо бирла кўнгулни кўшки бўлсун яктану яксар,
Олуштурғон каби бир зарф ичра шир ила шаккар.

¹ “Улардан Аллоҳ рози ва улар Аллоҳдан рози бўлурлар”. (“Моида” сураси, 119-оят)

ЕТТИНЧИ БОБ ТАВАККУЛ БАЁНИДА

Таваккулнинг маъноси жамиъ сабаблардин кўнгул кўтармак ва Ҳақ таолоки, сабабларни сабаблардин қилгучи эрур, анга таважжух қилмоқ ва ишнинг кифоят топмоғини андин тиламоқ бўлур. Ҳар ким Худойи таоло сари юз келтурса ва ҳар нимарсаки, рўбарў келса, анинг карамига юзланса, ҳама ишлари муродига мувофиқ бўлуб кифоят топар.

Байт:

Ишинг Худо сари ташла, кўнгулни сен хуш тут,
Ки раҳм қилмаса душман, Худой қилғувсидур.

Ва подшоҳларга лозимдурки, ҳама ҳолдин таваккул расмини ташламоги, токим Ҳақ таоло инояти бирла ҳар ишини чунончи бояд ва шояд бунёдга еткургай. Хабарда келтурубдурларки, подшоҳе бир олимдан сўрдики: “Иймон аҳли неча нимарсадин мадад топар?”. Олим аиди: “Икки нимарсадин мадад топар: бири намоз ва бири таваккул”. Подшоҳ бу икки ишга одат қилиб, ишнинг биносин буларга қўйди эрса, ногоҳ душмани азим оғир лашкар ва беҳад сипоҳ бирла анинг дорул-мулкига келди. Ул ҳам лашкари бирла рўбарў чиқиб, шахрнинг ташқарисида боргоҳни тикирди ва жанг муҳимми барқарор бўлди. Чун кеча бўлди эрса, подшоҳ ул кечани ҳамасини намоз бирла ўтказур бўлди. Умаролардин бири аидики: “Эй малик, бу кеча осойиш тутким, тонгла душманга рўбарў бўлиб урушатурган кундур, то малол ва касал¹ бўлмагайсан”. Подшоҳ аиди: “Бу кеча ўзимнинг ишимни қиласурман, тонгла иш Худоники туур. Ман анга таваккул қилдим, ҳар на хоҳласа, ул қилур. Ман билмасман”. Ул бек яна аиди: “Андок эрса, жанг асбобини муҳайё қилғил ва зириҳ кийгил, қаттол маъракасига оройиш бергил”. Подшоҳ аиди: “Таваккул зириҳини кийдим ва ишимни вакилим Ҳақ субҳонаҳуга топширдим”.

Байт:

Барча ишимни ташладим ул Корсозға,
То лутф бирла ҳарна қилур бўлса, ул билур.

То тонг отти, эрса икки лашкар бири-бирининг муқобаласида саф тузуб турдилар. Ногоҳ “Ва анзала жунӯдан лам таравҳā”² арсасидин ғайб лашкари подшоҳ мададига келдилар, яъни эндорди лашкарларики, сизлар уларни кўрмадингизлар, демак бўлур.

¹ “Касал” эски ўзбек тилида “ҳолсиз” маъносида ҳам келади.

² “...Сизлар олдин кўрмаган лашкарларни (фаришталарни) туширди...”. (“Тавба” сураси, 26-оят)

Мисръ:

Етти мулки ғайбдин Ҳақ нусратин лашкари.

Филҳол душман лашкарининг кўзлари бу таваккуллук подшоҳнинг катта соябони сори тушти эрса, беҳаду бешумор лашкар кўрдилар. Қўрқинчдан жанг қасдининг ион ва ихтиёрлари қабзасидан кетти, қочмоқни ғанимат билдилар ва ҳеч жангу қитол бўлмади. Душманнинг шарри дафъ бўлди ва мунча таваккул бирла иши кифоят топти.

Байт:

Саодат машриқидин чун зафар субҳи тулувъ этти,
Faразгў муддаъини бошига ялдо кечаси етти.

СЕККИЗИНЧИ БОБ ХАЁ БАЁНИДА

Хаёning маъниси ёмон иш қилмоқдан уёлмоқлик бўлур. Одамийга ҳаё шариф хислат ва мақбул сийрат эрур. Ҳазрати Рисолатпеноҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтибурларки: “Ҳаё шохедур иймон дарахтидин” ва ҳаё олам барқарор турмогини шартидур. Агар шарм сифати орадин кетса, ҳеч кишидин уёлмаса, олам низоми издан чиқар ва халқ аро яхши расм етиб майшатлариға футур етар, бир-бирлари ҳақида диёнат сақламаслар ва қавийлар заифларни йитурғайлар. Аммо ҳаё сифати қўймаским, ҳар на хохласа қилгай.

Байт:

Манҳий ишларни бузарға сафшикан бўлмиш ҳаё,
Лоуболийлар йўлиға роҳзан бўлмиш ҳаё.

Бас, маълум бўлдики, хосу омға ҳаёдин фойда тамомдур, яхши хўйлар меваси ҳаё суви ва офтобидин парвариш топмаса ҳануз хом эрур.

Байт:

Халқ аросидин ҳаё йитса, ибо расми кетар,
Гар ҳижобе бор эса, ул ҳам ҳаё осоридур.

Ҳаё неча қисм бўлур. Бириси ҳаёи ато, яъни гуноҳкор бовужуд Ҳақ таоло атосидин баҳраманд бўлуб туруб, аниг даргоҳида аён қилғандин шарм тутғай. Чунончи, ҳазрати Одам саловотуллоҳ вақтеки, беҳиштда буғдойни еди эрса, эгнидаги ҳуллалар тўзуб тўкулди ва Одам ҳар сори қочиб, ҳар дарахтнинг орқасида ёширинур эрди. Хитоб келдики: “Эй Одам, мандин қочурмисан?”. Одам айди: “Эй илоҳим, сандин нечук қочойин ва қаён борайин. Аммо сандин ҳама ато ва эҳсон манга етуб туур, тақи гуноҳга юз қўйганимдин уёлурман ва агар гуноҳимни афв қилсанг ҳам шарманда-шармисорлигим боқий турғай”.

Мисраъ:

Агар ёзуқни афв этса, тақи шармандалик боқий.

Ва яна бириси ҳаёи карам, яъни карим шарм тутқайки, даргоҳидин сойилни маҳрум юбармағай ва ҳадисда келибурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳаёу карам сифатига мавсуф эрур, вақтеки, бандаларидин бири даргоҳида ҳожат тилаб қўл кўтариб турса, аниг

кўлинини фазли ва раҳмати бирла тўлдирмай, холи қайтармоғидин шарм тутар. Балки, орзуси кафига муроди накдин қуяр¹.

Байт:

Бу улуғ даргоҳига қўйсанг бошинг, ҳожат қилуб,
Мумкин эрмас ёнмоғинг, топмай тилак маҳрум ўлуб.

Карамнинг ниҳояти будирки, сойилни қошидин шармсору мунфаил ёндумрагай². Чунончи, подшоҳи Бағдод Маъмун халифа замонида бир аъроби бор эрдики, сахро заминида ўсуб умри анда ўтуб эрди ва ичгани ачиқ ва шўр сув эрдики, ҳаргиз тотлик сув, мева тотган ва кўрган эмас эрди.

Байт:

Кушким, зулол сувидин ул бехабар эрур,
Ачиғ сув ичмаги бирла умрини ўткарур.

Вақтеки, аъробий қабиласида қаҳатлик бўлди эрса, овқат истаб ўз масканидин ташқари чиқди ва бу сахро заминидин нари ўтти. Бир ерга еттики, туфроқи пок ва зироатга муносиб эрди. Ул ерда бир чукур кўрдики, ямғур суви анда жамъ бўлубдир, ел тегиб аниңг хас ва хошокин артиб лабига чиқариб туур. Аъробий кўзига бу сув ажойиб соф ва бениҳоят латофатлик кўринди. Чунки ҳаргиз мундок сув ер юзида йўқ эрди. Таажжубга қолди ва дарҳол ул сув олдига борди, пора сувни иҷти. Тамоқиға бисёр ширин ва лазиз тотиди ва ўзиға айдики, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг беҳиштда андок тотлик суви борки, ҳаргиз таъми тағайюр топмас, деб эшитиб эрдим. Чунончи, Қуръонда келибдурки: “Фӣҳā анҳāрун мим мā’ин ғайри āсин”³, яъни жаннатда ариқлар борким, сувининг бўйи йўқ эрур, демак бўлур. Агар гумонимни ғалат қилмасам, андоғдурким, Ҳақ азза ва жалла манинг фақиру муҳтожлиғимға раҳм қилиб гуриналиқ ва бечоралиғимнинг ижорасига бу сувни беҳиштдин манга юборди бўлғай. Ҳоло маслаҳат будурки, ушбу сувдин бир андак сув олиб халифайи вақт Бағдод подшоҳига олиб борай ва бу улуғ тухфамнинг баробарида манга бисёр эҳсон қилғай ва ману аҳли аёлим ул инъом баракоти бирла қаҳат балосидин қутулғаймиз.

Бир мешки бор эрди. Анга сув олди ва Бағдод йўлиға кириб халифа хизматиға мутаважжих бўлди ва чун юруб бир масофат йўл қолиб эрдики, халифанинг дабдаба ва кавкабаси осорини йироқдин

¹ Бу сўзни “қўяр” шаклида ўқиши ҳам тўғри. Бизга маънони кучайтирган “қўяр” шакли маъқул.

² Бу ўринда “ёнмоқ”нинг “қайтмоқ” маъноси.

³ “Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: Унда айнимас сувдан иборат дарёлар ҳам...”. (“Муҳаммад” сураси, 15-оят)

кўрди. Билдики, халифа шикорга чиқибдур. Дарҳол қошиға борди ва дуогўйлукка оғиз очти. Маъмун аъробийға мутаважжих бўлуб сўрдики: “Эй аъробий, қайдин келурсан?”. Айди: “Фалон бодияким, анинг халқи қаҳат балоси бирла дармондадурлар”¹. Ва яна халифа айди: “Қаён борурсан?”. Айди: “Санинг даргоҳингта келибдурман ва куруқ келганим йўқ, балки улуг тухфа олиб келибтуурман, ҳеч кишини орзуси қўли анинг висол домига етган эмас ва ҳеч маҳлуқнинг кўзига анинг жамолин мушоҳада қилмоқ мұяссар бўлган эрмас”. Халифа таажжубда қолди, айдики: “Олиб кел на келтурдунг, кўрайин?”. Аъроби мешкни халифа қошига олиб келди ва айдики: “Ҳаза мā’у-л-жаннати”². Бу оламда уни ҳеч киши ичган эрмас, балки кўрган ҳам эрмас”.

Байт:

Сув демангим, ул эрур шоҳи шакарнинг шираси,
Жонға роҳат бергувчи ҳайвон суви ҳамшираси.

Маъмун халифа жиловдориға буюрдики, то бир қадаҳ сувидин олиб берди, кўрдики ранги бузулуб, мешкнинг таъсиридин бадбўй ва bemaza бўлубдур. Халифа андин бир зарра тотиб фаросат бирла аъробининг ҳолидин мутталаб бўлди. Аммо карамнинг шарми рухсат бермадики, анинг иши юзидин парда олиб ҳолин ошкора қилғай ва яна айдики: “Эй аъробий, рост айттингки, бу ажойиб латофатлик сув, ғаройиб ширин-шарбат экан, муни ҳар кишига бериб бўлмас, ўзимга сақлаб бер”, деб буюрдики, “бу қадаҳдин қолган сувни менинг хос матҳаримға қуонглар”. Куйдилар ва мешқдаги сувни ҳам олиб бир пинҳон ерга ташладилар ва халифа: “Ул сувни яхши сақлангизлар”, деб таъкид қилди. Андин сўнгра аъроби сори боқти, айди: “Ё аҳлул араб, манга яхши табаррук ва хўб тухфа олиб келибсан. На сабабдин келдинг ва ҳожатинг на эрур?”. Аъроби айди: “Эй муслимлар халифаси, қабилам халқи қаҳат ва гуриналиқдин ҳалокат яқин етти ва аҳли байтим хароб бўлди, бу бенаволикимдин келибдурман”. Халифа буюрдики, то минг динор бердилар ва айди: “Эй аъробий, бу олтунларни олиб шундин ёнғил”. Ўз хосларидин бири айдики: “Эй халифа, ҳикмат на эрурки, ул сувдин ҳеч кимга тутурмадинг ва аъробини нари ўткармадинг, мундин ёндурудунг”. Маъмун айди: “Ул сув бисёр нохуш ва бадбўй экан, аммо ўзи ичиб парвариш топқан сувига боқиб, ани беҳишт суви хаёл қилибдур. Агар биингизларга ул

¹ Дармонда сўзини дармон+да эмас, форсий дармонда – “қолган, қолиб кетган” деб тушунинг.

² Мана бу – жаннат суви!

сувдин берсам эрди, бу иш корубариға етмай, аъробини маломат қилур эрдингизлар ва ул бечора бу ишдин шармсор бўлур эрди. Мабодо илгари борса, бу ердин қайтармасам, дарёни кўриб ул покиза хуштаъм сувдин ичса, мундоқ bemаза ва бадбўй сувни манинг олдимға олиб келганидин беҳад хижил бўлур эрди. Мен шарм туттимки, ҳар муҳтоҷе менинг қошимға келгай ва васила бирла менинг карамимдин умид қилғай, хижолат ғубори анинг аҳволи сафҳасига ўлтуруб ёнғай”.

Байт:

Сахийлар шарм тутарларки, мабодо сойил,
Даргоҳи соридин анинг хижил бўлуб ёнғай.

Ва яна бир қисми ҳаёи адабдир, яъни бовужуд қиладурған амали шариатда ва ё ақл расмида раво бўлса ҳам, адаб ҳаёси анга машғул бўлмоққа монеъ бўлур. Чунончи, Нўширвон наргис гули турган уйида ҳаргиз хотунлари ва канизаклари бирла мубошарат қилмас эрди ва айтур эрдики, наргис қараб турган кўзга ўхшар, андин ибо қилурман. Аммо бу сувратки, Нўширвондин воқеъ бўлуб эрди дарҳақиқат, ҳаё эрмас. На учунки, ҳаё иймондин пайдо бўлур ва ул оташпаст эрди. Балки, бу иш адаб сувратидурки, ани риоя қилибдур ва чун бу қисм воқеалар ислом подшоҳларидин содир бўлса, ани ҳаёи адаб, дерлар.

Қитъа:

Кўнгулким, ҳаё васфидин тўлғуси,
Худо нури оинаси бўлғуси.
Агар кўз уётса дур ул хўб эмас,
Хирад балки ул кўзни кўздур демас.

ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ ПОКИЗАЛИК БАЁНИДА

Мурод покизаликдин буки, жумла ҳаром нарсалардин, хусусан, ҳаром шаҳватдин қочгай ва бу сифат улуғ яхши хўйлардандир. Бузруклар айтибдурларки, одамнинг икки нисбати бор фаришталарғаки, ул сабабдин илму амалга мойил бўлур ва яна нисбати бор чорпой ҳайвонғаки, аниңг бирла емакка ва жимоъ қилмоққа харис бўлур. Ақлнинг шарти будурки, то имкон борича фаришталик нисбатига қувват бергай ва ҳайвонот нисбатига майл қилмағай.

Байт:

Ҳам малакдин баҳраварсан, ҳам баҳойим соридин,
Ўт баҳойим лаззатидин, то малакдин ўтгайсан.

Ҳар вақтеки, одамларда емак ҳирси ғолиб зиёдаланса ҳам ҳол будур. Аммо мўъминға керакки, шаҳват ғалаба қилғанда нафс жиловини тортиб, ҳиммат этагини ҳаром чиркиниятидин пок тутғай ва бу ишга шариат амридин ташқари қадам қўймағай, ношоиста амаллардин кўзин юмғай. Хайр ва салоҳ, саодат ва фалоҳ эшиги аниңг юзига очилғай ва чун подшоҳ покизалик бирла ўзин ораста қилса, албатта зулм ва фиску фужур мамлакатдин ариб, соғ бўлур. Ҳеч кишининг аёлу фарзандига бўхтон ва бадном етмас.

Қитъа:

Поклик андаким илм кўтарур,
Дину дунё ишиға зеб берур.
Нафс аниңг бирла хору зор бўлур,
Рух мақбули кирдикор бўлур.

Аллоҳга ҳамд ва миннатдорчиликлар бўлсунки, бу шоҳзодаи олиймиқдор, яъни шоҳ Абулмуҳсини некукорки, Ҳақ таоло баҳту давлати бирла баҳраманд қилғай, ҳамиша авзоъи сафҳаси покизалик рақами бирла музайян ва аҳволи ойинаси порсолик сайқали бирла равшан.

Байт:

Жамоли хўб камол ила покдомонлик,
Икки жаҳонда ҳама поклик аниңг биладур.

ЎНИНЧИ БОБ АДАБ БАЁНИДА

Адабнинг маъноси ёмон сўздин ва забун ишдин нафсни тиймок, ҳам ўзининг, ҳам кишининг иззатин сақлаб, обрўйин тўкмаслик бўлур. Ва адабнинг ҳақиқий[си] ҳазрат Рисолатпеноҳ саллогоҳу алайҳи васалламни ҳамиша ишларда табиатин қилмоқдурки ва ҳар ким, аниг табиати улуғ адабдир, ҳар ким табиатин тутса, адабини камолга еткурмиш бўлғай. На учунки, “Аддабанӣ роббӣ фа-аҳсана та’дӣбӣ”¹ мактабхонасида ҳеч киши анигдек адаб ўрганиб ношоиста авсофдин пок бўлган эрмас. Яъни адаб ўргатти менга парвардигорим, бас, хўброкдир менинг адаб ўрганганим ўзгалардин, демак бўлур.

Қитъа:

Ул муводибин адаб ўрганким,
Адаб ўргатти анга ҳазрати Ҳақ.
Сабоқ олғил сан ул кишидинким,
Кибриё лавҳидин ул олди сабоқ.

Адаб ҳар кишидин яхши кўринур, хусусан, кишваркушой подшоҳлар ва жаҳонорой шаҳаншоҳлардин хўброкким, агар адаб риоясин лозим тутсалар, раъоё ҳам улар табиати бирла адаб йўлидин чиқмаслар. Бас, мулк иши низом топар ва халойик майшатининг асбоби муҳайё бўлур.

Маснавий:

Истали Ҳақдин адаб тавфиқини,
Беадаб топмади аниг фазлини.
Бас, адабдин нур топти бу фалак,
Ҳам адабдин пок бўлдилар малак².

Ва акобирлар айтибдурларки, ҳама сармоялар хўброки ва жамиъ пироялар маҳбуброғи одамга, батахсис подшоҳи оламға адабдур. Хабарда келубдурки, Миср подшоҳи Рум сultonи бирла адоват сиёқин бузуб, ошнолик тарҳин тузди ва қизини аниг ўғлига никоҳ риштасиға боғлади. Ул ҳам ожизасини унинг ўғли ақдига киргузди ва бу ошнолик

¹ “Парвардигорим менга адаб ўргатди, бас, менинг ўргангандан адабим бошқаларнинг адабидин яхшироқдир”

² Бу байтлар Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” сидаги

Аз худо жўйим тавфиқи адаб,
Беадаб маҳрум гашт аз лутфи Раб...
Аз адаб пурнур гаштааст ин фалак,
В-аз адаб маъсуму пок омад малак –

байтлари таржимасидир. (А.Ў.)

жиҳатидин элчи ва нома бот-бот, дафъа-дафъа икки тарафдин келиб ва бориб турди. Бу икки соҳиби давлат бир-бири бирла муттафиқ бўлганидин икки мамлакат улфат топиб, ораста бўлдилар. Бу икки шоҳ ҳар қуллий ва жузвий ишларида бир-бирига хабар еткурдилар, ҳеч муҳимға маслаҳатсиз ва тадбирсиз шуруъ қилмас эрдилар. Бир куни эрдиким, Миср подшоҳи Рум шаҳаншоҳига паём йибордики, ўғлонларимиз тириклигимизнинг зудаси ва умримизнинг умдасидурлар. Биз вафот бўлғондин кейин ному нишонамиз уларнинг ҳаётидин бўлак нимарса бирла боқий қолмас.

Байт:

Тириқдур диёрида ҳар кимки ул,
Кўюб кетди ўрнида яхши ўғул.

Бас, уларнинг бизлардин кейин фароғ ва хушаҳвол бўлмоқларининг ғамини емак керак ва жамиятлари асбобининг фикрида бўлмоқ керак. Мен ўғлим учун бисёр нафис матоълар ва бешумор яхши отлар, тевалар ва ўзга мавошийлар, бурдалар ва кўшку иморатлар, мулклар захира қилдим. Ва сиз раъи жаҳоноройингиз бирла ўғлингиз машшати учун нечук тадбир қилиб ва нелар муҳайё қилдингиз? Чун бу пайғом Рум маликининг самъига етди эрса, табассум қилди ва айдики: “Мол бевафо ёр ва бебақо дилдор эрур. Анинг ҳисобин қилмоқ керак ва бутун дунё бевафони матоъларга фирифта бўлғулик эрмас. Мен адаб хулласи бирла ораста қилдим ва яхши сифот, одобларни анинг учун захира қўйдум. Молга завол етар, аммо адаб тағайюр ва табдил топмас”. Ва бу хабар Миср подшоҳига етди эрса, айдики: “Бу сўзни рост айтибдурки: “Ал-адабу хайрун мин аз-заҳаб”¹, яъни адаб яхшироқдир олтундан, демак бўлур ва ҳам бу маънида айтибдурларки,

Маснавий:

Адаб ганжиға етмас ганжи Қорун,
Бўлолмас ҳам тенги мулки Фаридун.
Эмас манзур хуш аҳлиға моли,
Нечукким, молнинг бордур заволи.
Улар матлуби бўлмиш илму одоб,
Ки топмишлар адабдин яхши алқоб.

¹ Адаб олтиндан яхшироқдир. Алишер Навоий: “Гар йўқтур адаб, не сул олтун унидин, Элнинг адаби хушроқ эрур олтунидин”. (“Назм ул-жавоҳир”дан)

ҮН БИРИНЧИ БОБ БАЛАНДХИММАТЛИК БАЁНИДА

Хабарда келубурки, “Инналлāха йухиббу ма‘āли-л-умūr”¹, яъни, албатта Худойи таоло дўст тутар баландхиммат кишиларни ва қабул назарига мушарраф қилур улуғ яхши амалларни, демак бўлур. Ва улуғ саодатмандлик баландхимматлик бирла йўлдош эрурларки, бир-бирларидан жудолик маҳол эрур.

Қитъа:

Мурғи ҳиммат қанот очиб учса,
Шарафи давлат ошиён бўлмиш.
Бўлса чавгон агар улуғ ҳиммат,
Камтарин гўй осмон бўлмиш.

Подшоҳларга баландхимматлик манфаатлик корубор ва вафодорлик мададкор эрур. Ва ҳар кишининг ҳиммати бисёрдур иззу шавкатда ўзларидин пешқадам ва олий миқдордур.

Байт:

Худо қошида халқ ичра олийҳиммат бўл,
Ки ҳимматингға бақо эътибор топқайсан.

Яъқуб Лайсга жавонлиқ вақтида ўз қабиласидаги бир пирзан айдики: “Эй, Яъқуб, санинг ҳолингга раҳм қилурман, на учунким, санга шаҳват ҳирси ғалаба қилғуси вақтдур. Санинг бу ташналиғингга ором берур кишинг йўқ. Жобдуқ рост қилғилки, санга бир улуғ ердин муносиб хотун топиб берайин”. Яъқуб аиди: “Аруски, манинг хоҳишимга келибдур, они олурға жобдуғим етар эрур”. Пирзан айдики: “Манга кўрсатгилки, жобдуғинг на нимарсадур ва нишон бергилки, писандингга келган на кишидур”. Яъқуб уйига кириб бир шамшир олиб чиқти ва айдики: “Ман Машриқ ва Мағриб арусларидин ҳамасин олғумдир ва уларга жобдуғим ушбу тийғи обдор ва шамшир жавшангузордир”.

Байт:

Яхши баҳтни асло хушламас киши йўқдур,
Мамлакат арусининг маҳри тийғ ила ўқдур.

Ва таки бу маънода айтибурларки, кишиким, ҳазрат Искандар кишваркушойлик замонида ирода қилдики, жаҳонгирилик илмин Рум сарҳадидан Араб ва Ажам қасдиға кўтаргай ва олам баҳру барин мусаххар қилмоқ учун хумоюн рикобга ҳаракат бергай. Аммо бу ҳолда бисёр андиша ва маломат изҳор қилди. Арасту ҳакимки, вазири эрди,

¹ “Албатта, Аллоҳ таоло олийҳиммат кишиларни яхши кўради”

ул ҳазратнинг фикрати аломати ва ҳайрати нишонасини ахволи чехрасини ахволи рухсоридин зоҳир кўрди эрса, айди: “Эй, шоҳи жаҳонпаноҳ, давлат асбоби муҳайё ва тайёр, ходим ва аъёнлар баландлик мақомида фармонбар, хазина пур, мамлакат маъмур, баҳт пойдорлик сифати бирла ораста. Давлат ниҳоли барқарорлик шарафи бирла пироста, саодат ва иқбол мувофиқат камарин боғлаб даргоҳинг ичра турушлук, азимат ва жалол хизмат учун остоанг атрофидаги ўлтурушлук. Бас, мунаввар замирингни андуҳнок ва равshan хотирингни ғамнок тутмоғингга сабаб надур?”. Искандар жавоб бердики: “Тааммул қиладурманки, жаҳон арсаси бас, муҳаққар, бу етти иқлим саҳни бисёр муҳтасар. Шарм тутарманки, мундоқ саҳл мулк учун отланғайман ва андак сармоя тасарруфига таважжух қилғайман”.

Қитъа:

Киройи қилмағайким, бу жаҳоннинг етти иқлимин,
Мусаххар айлагайман деб ўзум от узра олғайман,
Бу оламдек агар юз минг жаҳон бор ўлса камдурким,
Ани қасди учун ногаҳ қадам йўл ичра солғайман.

Арасту айдики: “Мақбул айтурсан, бу муҳтасар жаҳоннинг хукумати сенинг ҳимматинг баландлигига лойик эрмас ва бу муҳтасар мулкни раёсати сенинг салтанатинг муносабатига келолмас. Бас, абад мамлакати арсасини мунга қўшгил, то бу янглиғ тийғ зарби бирла фоний жаҳон иқлимини забтнинг қайдига олсанг, оламорой адлинг баракатидан боқий оқибат мулки ҳам истихқоқинг қабзаси ичра келур. Дунё кишвари камлигининг тадориги уқбойи дорулмулук зиёдалиги бирла бўлур ва бу оз ул кўп бирла равнақ топар”.

Маснавий:

Мулки уқбо истаким, хуррам дуур,
Зарраси онингки юз олам дуур.
Жаҳд қилғил, то бу олам ичра сен,
Охират мулкин қўлунгға олғасен.

Искандар бу сўз бирла тасалли топти ва ҳакимга оғарин қилди. Ва бугун ҳар комилнинг ақл шаҳбози Искандар саноси ҳавосида бу жиҳатдин парвоз қилурки, давлати ҳумоси дунё устухони резасига юз ўтиргмади.

Байт:

Шаҳ қўли шаҳбозисен, ҳаргиз сўнгака боқмоғил,
Ўрлабон давлат ҳавосиға баланд парвоз қил.

ЎН ИККИНЧИ БОБ ҚАСД ҚИЛМОҚ БАЁНИДА

Қасднинг маъноси ирода қилган иши узра маҳкам турмоқ бўлур. Қасд қилмоқ муродлар ва мақсудлар қофиласининг бошчиси, барча ишлар ва муҳимларнинг кифоят қилгувчисидир. Ва ҳар подшоҳга дуруст қасди мадад бермай мамлакатларни мусаххар қилмоқ инони кудрати қабзасига келмас, тамоми рағбат бирла кўшиш қилмай подшоҳлик мартабаси ва жаҳондорлик маснадига етмас.

Байт:

Қасдин айламай маҳкам, саъин этмайин комил,
Ҳаргиз ўлмади кишининг ҳеч мақсади ҳосил.

Ва дуруст қасд будурки, киши бир иш кифоятига белин боғласа ва бир муҳим ишни биткармоқға машғул бўлса, бу кўшиш ва шуғлига сустлик, футур еткурмагай. Ва ҳукамонинг биридан сўрдиларки, подшоҳларнинг дуруст қасди қайси маҳалда хўб кўрунур. На вақтда корга борур? Айди: “Мамлакат душманларин йўқотур чоғда бағоят зебанда ва писандида эрур. Ҳар вақтки, подшоҳ “Фа-изā ‘азамта фатаваккал ‘алаллāх”¹ таваккули бирла ҳиммат оёқин азимат рикобиға кўйса, албатта фатҳу зафар лашкари қўш от бирла аниңг истиқболиға юзланурлар, яъни ҳар вақтки, ишнинг кифоятга дуруст қасд қилурсан, бас, таваккул қилғил, Ҳақ азза ва жалла, демак бўлур. На учунким, комил қасд душманга ғолиб бўлиб, нусрат топмоқнинг нишонидур”.

Байт:

Кўйса султон яхши қасд айлаб узангига оёқ,
Душманидин захра кетгай, бориб илкидин инон.

Келтурубдурларки, подшоҳлардин бири лой емакни одат қилди. Табиб ва ҳукамолар ани зарарин айтиб ҳарчанд манъ қилдилар, бовар бўлмади. Аҳлулоҳдин бир бузрук ани кўргали келди эрса, бағоят наҳиб ва хароб, қизил рухсорин заъфарон ва қувватлик танин заифу нотавон кўриб, холин сўрди. Султон айди: “Неча вақтдирки, бу номарғуб иш манга одат бўлубдир. Они ташларга иложим йўқ, лой емак ҳайрат оёғим лой ичра турушлик ва ювунарда одатимдин ҳасрат кўлум сийнам узра урушлик”. Дарвеш айди: “Ўзингга зарар қилишни билиб туруб на учун ерсан?”. Султон айди: “Бу одатни тарқ айларга ҳарчанд қасд қилурман, аммо ўзимга бас келолмасман”. Дарвеш айди: “Подшоҳларга хос ҳақиқий қасд сенда йўқ экан. Подшоҳлар ўз

¹ “Бирор ишга азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар”. (“Оли Имрон” сураси, 159-оят)

қасдларидин ҳаргиз қайтмаслар”. Султонга бу сўз таъсир қилди ва ғайратланди, лой емагин тарк қилурға қасдини дуруст қилди. Бу дуруст қасди барака бирла ул ёмон одати ранжидин қутулди.

Назм:

Сен агар қасдинг жиловин қайтарурсан ҳар тараф,
Қилмоғил ҳаргиз тараддуд айлабон қасдингни суст.
Топмағай ҳар ким муроди манзили сориға йўл,
Саъини қилмай тамом, қасдини этмай дуруст.
Ҳар киши қасди рикобиға қўяр пойи талаб,
Макрамат тахтиға чиқғай ўзгалардин тез-чуст.



ЎН УЧИНЧИ БОБ ЖИДДУ ЖАҲД БАЁНИДА

Жидду жаҳдинг маъноси матлуб ҳосил қилурға кўнгул рағбатин тоза қилмоқ. Жаҳдинг маъноси иш кифоятига шиддат бирла кўшиш қилмоқ бўлур ва жидду жаҳд оламгир подшоҳлар, кишваристон шаҳриёрларнинг яхши сифатларидин эрур ва бу сифат ҳимматга тобедур. Кишининг ҳарчанд ҳиммати улуғроқ бўлур. Керакким, баландҳимматлик киши жидду жаҳд қилурда машаққат тортишидин кўрқмағай. На учунки, эҳтимоли иккидин зиёда эмас. Агар жаҳд бирла мақсад этагин қўлига келтирса яхши, мурод агар иш кушоят топмай муваққуф қолса, оқиллар қошида узри ҳувайдо ва равшандур, аниг улуғ мақсад талабида ҳиммати баланд айлагани халойик кўнгуллариға зоҳиру мубайян бўлур.

Байт:

Талабда кўшиш айларман агар топсам не армондур,
Ва гар мақсуд элиға келмаса ҳам узрим осондур.

Ҳинд ҳукамоларининг масалларида мазкурдурки, мўре жаҳд камарин белига боғлади, бир тепа туфроқ бор эрдики, ани адо қилмоқлиғи бани Одамга ҳам мушкул келур эрди, андин зарра-зарра олиб бир тарафга тошур эрдики, бир куш ўтиб борурда назари анга тушди. Кўрарки, бир заиф жонивор бағоят шавқ ва завқ бирла ул тепани адо қилмоқни қасд қилиб туфроғин яна бир тарафга тез-тез элтур. Қуш айди: “Эй мавжудотлар наҳифи ва маҳлукотлар заифи, бу на ишдурки, қўлингга олибсан, на машаққатдурки, ўзингни солибсан?”. Мўр айди: “Мани ўз қавмимдин бировга хотирим тааллук топибдур. Ишқида висол тиладим эрса, жаҳд оёғингни бу тўда туфроқ узра тўхтатғил ва ани бир тарафга кўтариб отғил. Ҳоло бу ишга кўшиш қилибдурман, манинг қасдим будурки, бу шартга машғул қилиб ва бу аҳднинг уддасидин чиққайман”. Қуш айди: “Бу гумонки, қилган орзунг қадрига чоғлиқ эрмас ва бу камонни қўлга олибсан, қўлнинг куввати анга баробар келмас”. Мўр айди: “Бу ишки, аниг қасдига қадам урубман ва жидду жаҳд мақомида маҳкам турубман. Агар тамомига еткуролсам, яхши, мақсадимга етарман, агар еткуролмасам маъзур тутсалар керак”.

Байт:

Ман бўлурман саъй йўли ичра так,
Йўқтур иш инсонға кўшишдин бўлак.
Гар муродим илким ичра етгувси,

Ғам била андуҳ мендин кетгувси.
Бўлмаса жиддимдин ар мақсад тамом,
Анда мен маъзур бўлғум вассалом.

Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳи аввалги байтни мундок келтурубдурлар.

Байт:

Тариқи саъй майи ором бажо,
Лайса-л-инсону илло саъй мо.

“Мо” калимаси мунда мусаддирия бўлғай, валлоҳу аълам. Подшоҳ Фаридун ул замондаки, саломатлик тахти узра оромида, давлат насими саодат боғида ва шодмонлик шамолига маронлиги соридин вазира эрди, ирода қилдики, ўзгаларнинг тасарруфидаги баъзи мамлакатларни ҳам мусаххар қилиб фармони ичра олгай.

Байт:

Агарчи мамлакатим басдуур, vale бу жаҳон,
Ва зарби тийғ ишим ҳимматим улуғлигидур.

Бу қасдини давлат аркони умаролари бирла кенгаш қилди эрса, жамъ айдилар: “Эй малик, Худойи таоло санга мулклар берибдур. Ораста ва хазиналар ато қилибдурким, ҳама дилхаста ҳеч эҳтиёж ва зарурат йўқдир. Фитна ғуборин барпо қилмагинг ва ташвиш ўтин ёндумагинг хўб кўринмас”. Яна дедилар: “Ончаким, қўлингда бордир, қаноат қилиб андин нафъ кўтарғил ва бу мухотира иш фикрини кўнглингдин чиқарғил”.

Байт:

Фароғат айлау ишрат қилурға кўшиш қил,
Туганмагай бу жаҳон ичра орзу ҳаргиз.

Фаридун аиди: “Қаноат қилмоқ, бошни алафга эгмоқ ва кўзни ганжда ўлтурмоқ ишидин қолмоқ пирзанинг шевасидур. Фурсат вақтеки, барқдек ўтуб борур, ани ғанимат билмагин пеша қилмоқ ва кетадурған умр мазраъсидин чобуклук билан ҳусил олмоқни андиша қилмоқ керак”.

Байт:

Подшоҳлиқ камарин боғламагай,
Бўлса киши ишидин пайравлик.
Қайғуси ўзни машаққат ичра,
Кишини ҳимматидур сарварлик.

Келтурубдурларки, подшоҳи ўғлини жангга буюриб эрди. Андин хабар келтурубдурларки, маликзода таносолик пеша қилиб гоҳ-гоҳ

жомани эгнидин соладур ва қомати ҳамиясин бир кечада икки ерга тикиб ором оладур. Отаси нома юбардики: “Эй ўғлум, Ҳақ таоло иззату ҳурматни яратти эрса, қулфат ва мاشаққатни анга йўлдош қилди. Меҳнат ва мазаллатни халқ қилди эрса, ором ва истироҳатни анга ёндош қилди. Иззатни подшоҳларга берди ва мазаллатни раъоёга. Бас, иззату мамлакат подшоҳ вазифаси эрур. Амин ва истироҳат раият насибаси, бу икки бахшиш ҳар кишига бўлмас. Ночор подшоҳ керакки, осойиш бирла видоъ қилғай ва роҳатни раиятга бериб, майшат пешасин олғай. Агар мундок қилмай истироҳат йўлин тутар бўлса, иззату мамлакатдин юз ўгирмак керак”.

Байт:

Санга етгувси шоҳлик лаззати,
Яна ўзга роҳатни истама.
Шаҳаншоҳлик санда собит туруб,
Таки ўзга пирояни кўзлама.

Яъқуб Лайс аввалғи ҳолинда бисёр ҳалокат ишларга қадам қўяр эрди ва беҳад хатарнок коруборларни ўзига лозим тутар эрди. Нафси осойишидин йироқ бўлуб, машаққатлар тортишидин ором тутмиш эрди. Анга айдилар: “Сан мисгар кишисан, ўзунгга мунча жафони олмоқинг ва нафсингни ҳалокат гирдобиға солмоғингга боис надур?”. Яъқуб Лайс айдики: “Анда шерик кўбдур, анга қўл қўйгайман ва мани жидду жаҳдим ўзимни мартабага еткурмакдаки, абнойи жинсимдин ҳеч киши манга ул мартабада шерик бўлмағай”. Халойиқ айдиларки: “Ҳолингга муносиб ишга мутаважжих бўлғил. Бу пешаки, сен килурсан, бағоят мушкул, vale ниҳоят душвордур”. Яъқуб Лайс аиди: “Билурманки, омонат жонни бир кун бергумдир ва фавт юкини кўтаргумдир. Андок эрса, паст ишда талаф бўлганимдин баланд коруборлар узра ўлганим яхшироқ эрур”. Алҳақ, Яъқуб Лайс жидду жаҳди баракати бирла факир мартабасидин салтанат тахтига етти, жаҳонгирлик ва кишваркүшойлик сифатин олиб оламдан кетти.

Байт:

Иш устида жидду жаҳд ила бўл,
Кўшиш этагидин олмағил қўл.
Гарчи йироқ ўлса иш билиқдин,
Жудо этса қутулмағай илиқдин.

Чунончи, жидду жаҳд бирла ақлга келмас улуғлик иморатлари бунёдга келгай. Мунинг зиддиким, сустлик ва касолатликдир, давлат биносига вайронлик етар. Тоҳир авлодларининг биридин сўрадиларки: “Подшоҳлигинги завол топмоғига сабаб надур?” Жавоб бердики:

“Кечалар шароб ичганимиз ва саҳар вақтларида ғафлат бирла уйқуда бўлганимиз, яъни жоҳиллигимиздин мулк ишига парво қилмай нафсимизни ғафлат йўлига бошладик ва сустлигимиздин шавкат ва салтанат расмини қўлдин тошладик. Ночор ихтиёrimiz кемаси вайронлик гирдобига тушди ва умидимиз заврақи мурод соҳилига етмай, хирмон мавжига тўкушди”.

Байт:

Давлат биносини ул киши хароб айлар,
Кечалар ичиб майни, субҳ етса хоб айлар.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ СОБИТҚАДАМЛИК БАЁНИДА

Мурод сабитқадамликтин буким, муҳим кифояти узра қўймоқ ва ул ишни итмолига етмагунча андин қадам кўтармаслик ва маккора душманларни йўқотмоққа мудавомат қилмоқдур. Дарҳақиқат, сабитқадамлик юмну баракати нахлининг самараси нажот ҳамда хуррамлик фойдасининг натижасидур. Ҳар маҳлуқки, қадамин сабаб ичра солур, андин бисёр ҳусул ва манфаатлар олур. Подшоҳнинг раият ва фармонбардорларга нафъи еткурмакидин, саркашлар ва бадкирдорларни мамлакатдин сурмакдин, сабитқадамлиги хосу омм аро ошкора бўлмаса, хидам ва ҳашам итоат хатига бош қўймаслар. Ёғийлар ва фасадкорлар, золимлар подшоҳ ҳақида исён кўтариб зулм ва фасод бунёд айламакларидин ибо қилмаслар. Бас, сабитқадам бўлмоқлик подшоҳлар шеваси ва ёримандасидур. То андин истимдод тиламак керак.

Байт:

Сабот гавҳаридин бошким, кийибдур тож,
Саботсиз фалак узра бўлур анга меърож.

Ҳукамолардин бири айтибдурки: “Ҳар ким салтанатим бунёди вайронликдин эмин бўлсин деса, иш иморатини сабитқадамлик узра солсун”.

Байт:

Иш биносини сабот узра сол, эмин бўл,
Ҳар иморатки тушар асл узра бўлғай маҳкам.

Сабитқадам ул эрурки, бехуда кўй, дағдағаси бирла ўз йўли ва равишидин озмаса, ҳеч шумрўй васвасаси бирла ўз тариқи ва расмидин ёзмаса, кишига сабот рафиқ бўлмай нажот тариқи юз кўргузмас. Чунончи, ҳакими илоҳий айтур.

Қитъа:

Ёнмағайсан тараддуд ила нажот,
Хўбдур жумла васфлару исбот.
Бор эса гар улуғлук андишанг,
Топғайсан гар саботдур пешанг.

Сабитқадамликнинг таки бир аломати булки, ҳар ишгаки қадам кўяр, они тамомига еткурмакни ўзига лозим билғай. Келтурубдурларки, қайсари Рум Нўширвондин сўрди: “Иморатеки, анга қадам қўйдингиз на ҳадга етти?”. Нўширвон айдики: “Биткардим. Мен ҳаргиз нотамом иш қилмасман ва ҳар муҳимки, анга буюурман,

тамомига еткарурман”. Қайсар айди: “Бале, юонон ҳукамолари мундок айтибдурларки,

байт:

Ҳар иморатки, эранлар каби қўйдунг анга қўл,
Жидду жаҳд ила тамом айлагилу фориғ бўл.

Яъни илмеки, кўтарурсан керакким, неку нисор қилмағайсан ва сабот сифатининг яна бир нишонаси буким, сўзики, тилга жорий бўлур. То имкон борича анинг зиддида сўзламағай. Чунончи, тарихда мазкурдурки, султон Разий Ғазин майдондин ўтуб борур эрди, кўрдики, ҳаммоле бир оғир тошни кўтариб, анинг иморатин қўпормоқ учун элтур ва ул тош кўтармагида кўп мاشаққат ва ранж изҳор қилур эрди. Чун султон анинг машаққатини кўрди эрса, раҳми келиб меҳрибонлик жўшга келиб айди: “Эй ҳаммол, тошни ерга қўйгил!”. Филҳол устидан ташлади. Муддати ул тош майдон ичра тураг эрди ва чобуксуворлар отлари ҳар бор ул тош узра келганда рамида қилур эрдилар. Султоннинг аъёнлари унга арз қилдилар: “Фалон куни бир ҳаммол ҳумоюн ёрлиғинг бирла иморатингга тош элтур эрди, сан они кўриб шафқат қилиб ташлатиб эрдинг, ул тош таки майдон ичра ётибдир. Бизнинг отларимиз рамида қиладир ва они шул ҳаммолдин ўзга киши кўтаролмас, буюргилки, они яна шул ҳаммол ўқ майдондин нари элтгай”. Султон айди: “Тошни қўйғил, деб тилимга жорий бўлуб эрди. Энди бу кунда кўтаргил десам мани бесаботлиғимга ҳамл қилғайларки, они еткурмангизларки, шунда турган бўлғай”. Нақл қилибдурларки, ул тош Султоннинг охир умригача ўшал майдон ичра бор эрди ва салтанат ўғлонларига қолди эрса, улар ҳам оталари риоясин тутуб, они майдондин кўтармадилар.

Қитъа:

Шоҳ сўзи сўзларнинг жавоҳиридур,
Сақламоқлик керак ани ҳама ҳол.
То ани зидди зоҳир ўлмасун деб,
Ёд тутмоқ керак ани маҳу сол.

ҮН БЕШИНЧИ БОБ АДОЛАТ БАЁНИДА

Адолатнинг маъноси раият ҳақида баробарлик кўзламак бўлурки, то риё йўл топмагай. Адл аъсиёдурки, мулкка оройиш берур ва шуълаедурки, аниг нури бирла қоронғулик ётур ва Ҳак субҳонаху ва таоло бандаларини адл сифатига буюур. “Инналлаҳа йа’муру бил-‘адли вал-ихсāн”¹, яъни ростдурки, Худо таоло амр қилур бандаларини бир-бирлари аро адл қилмоққа ва яхшилик кўргузмоққа, демак бўлур. Адл улдурки, зулмрасидалар додини бериб, ахволлариға шафқат назари бирла боқғайлар ва эҳсон улки, ғусса тийғидин мажруҳ бўлганлар жароҳатига роҳат марҳамин ёпғайлар.

Хабарда келтурубдурларки, бир соат адл мезон палласида зиёда келур, олтмиш ҳажжи комилдин на учунким, ҳаж натижаси ҳожилардин ўзга кишига бўлмас ва адл фойдасидин ҳама хосу омм баҳра олурлар. Дину давлат икковларининг ривож ва шавкатлари аниг баракотидин барпо бўлур. Мулку миллат асбоби аниг ямини бирла муҳайё бўлиб тузалур, адлнинг савоби ҳисоб ҳаддидин нари ва қиёси ақлдин ташқаридур. Хабарда келибдурки, подшоҳларнинг бирига бу ирода тутоштики, ҳаж қилиб ҳожилар рутбасиға етгай ва хурмат қадами бирла иззат ҳаримин тавоф этғай, сафо зиёси бирла мумтоздур ва дуо ижобати бирла сарафroz бўлғай.

Байт:

Каъбани ҳар ким сафоу сидқ бирла тавоф этар,
Икки олам ичра ул шоҳлиқ мақомиға етар.

Давлат аркони вузаролар ва мамлакат аъёни умаролар арз мувафиқига етур, дерларки: “Эй малик, ҳаж адо қилмоқнинг шарти йўл амнияти эрур ва подшоҳлар душмани кўп бўлғусидир. Агар хайлу ҳашам бирла бормоқни қасд қилсанг, йўл йироқ. Бисёр машаққат бўлур ва агар андак мулозим бирла мутаважжих бўлсанг, йўл хатаридин эмин бўлмассан ва дигар подшоҳ шаҳр ичра бадандаги жон янглиғ эрур. Вақтеки, давлатнинг сояси раият бошидин йироқ бўлса, алар ҳолиға оворолик ва саросималик юзланур ва хосу омм майшати жавоҳири интизом риштасидин айрилур”. Подшоҳ айди: “Бас, сафар мұяссар бўлмаса, нечук қилайн ва ҳаж савобидин на равшан бирла баҳраманд бўлайин?”. Давлат аркони айдиларки: “Мамлакатингда бир дарвеш борким, аксар умрин Ҳарами муборак мужовиратида ўткарган.

¹ “Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюар ҳамда бузгунчилик, ёвуз ишлар ва зулмдан қайтарур”. (“Наҳл” сураси, 90-оят)

Олтмиш ҳаж шароитларин бажо келтурган. Ҳоло узлат гўшасин ўзиға олиб, борур ва келур эшигин халойик юзиға боғлаб ўлтурубдур.

Байт:

Халқ ғавғоси малол этганидин айлади рам,
Тоғ янглиғ этак ичра олиб ўлтурди қадам.

Шоядки, бир ҳаж савоби андин сотиб олмоқни мұяссар қылсанг ва аниңг савоби бирла улуғ даражага етсанг”.

Чун подшоҳни ахлуллоҳға сидқу ақидаси бор эрди, бу сўзни эшитмак бирла дарвеш қошига келди ва лаҳза сўз мужро бўлгандин кейин айди: “Эй бузруквор, ҳаж орзуси манинг замиримда росих ва мустаҳкам бўлубдур. Мулку миллат аркони манга монеъ бўладурлар. Эшитдимки, кўп ҳаж қилган эрмишсиз, на бўлғайким, бир ҳажингизни савобини манга сотсангиз, то сиз савобе топқойсиз ва мен савобе”. Дарвеш айди: “Мен ҳама ҳажимни савобини санга сотайин”. Шоҳ айди: “Ҳар бир ҳажингизни на баҳога берурсиз?”. Дарвеш айди: “Ҳаж ниятида босқан қадамларимнинг ҳар бирини тамом дунёга сотарман”. Шоҳ айди: “Мулке ва матоъедин манда андак бордур. Ул бир қадамингизни баҳоси бўлмас. Бас, бир ҳажни нечук сотиб олайин ва бу сулук бирла ҳама ҳаж баҳосини кўнгулда нечук кечурайин?”. Дарвеш айди: “Зулмрасида жумласида бир мартаба адл бирла дод берсанг ва аниңг савобини менга берсанг. Олтмиш ҳажнинг ҳамасин санга берурман, балки бу савдода бисёр суд кўрган бўлғаймен”. Бас, маълум бўлдики, подшоҳни фарзлар ва суннатдин сўнгра ҳеч тоат Худойи таоло бандаларининг маслаҳатиға машғул бўлмоғидин ва адл сифати бирла зиндагонлик қилмоқидин вожибрөқ нимарса эрмас. На учунки, агар адолат ҳимояти бўлмаса, шавкат ва давлат эгалари заифлардин дамор чиқарурлар ва андин сўнгра қавийҳоллар ҳам солим қолмаслар. На учунки, кичиклар ва улуғлар майшатлари бир-бирига боғлиқ. Аҳволи низом топмоғи адлдин бўлак нимарса бирла мумкин эрмас.

Қитъа:

Адл нуредурки, мулк андин мунаvvар бўлғуси,
Жумлайи олам насимидин муаттар бўлғуси.
Адлни пеш айла, мискинларни ҳожатдин чиқар,
То санинг ҳам жумла мақсадинг мұяссар бўлғуси.

Адлнинг фазилати ва зулмнинг касофатида ушбу нуқта кифоядурки, подшоҳни ҳамма халқ дўст тутарлар, агарчи андин манфаат кўрмасалар ҳам ва зулмни ҳама олам душман тутарлар, агарчи андин мазаррат кўрмасалар ҳам. Чунончи, бу сўз мисоли

Нўширвон ва Ҳажжож золим қиссасидур. Нўширвон оташпаст кофир эрди. Ҳажжож золим ислом заминида туғилган, тобеинлар кўрган киши эрди. Ҳар вақтки, Нўширвондин ҳикоя ўтса, адл сабабидин яхшилик бирла ёд қилурлар. Ва ҳар бориким, Ҳажжож зикр топса, зулм боисидин лаънат йиборурлар.

Назм:

Шоҳ жаҳон мулкин тутолмас, гар эмасдур додгар,
Давлати боқий топар, ҳар кимки бўлса безарар.
Мамлакат асли адолат бирла бўлмиш пойдор,
Мулк иши ҳам шоҳларға адлдин тобқай қарор.
Ҳар шоҳеким, бу жаҳонда халқ додиға етар,
Ўз мақомин жаннат ул-маъво аро обод этар.

Абдуллохи Тоҳир бир куни ўғлига айдики: “Аё, давлат бизнинг наслимизда қайси давргача боқий тургай?” Ўғли аиди: “Модомики, адл бисоти ва эҳсон фароши бизни айвонимизда ёйиғлиқдур, салтанат боқий бўлғай. Вақтеки, анга тағайюр етар, шул соат елга кетар”.

Қитъа:

То шоҳ оёқи турди адолат бисотида,
Фарқи уза ҳамиша бўлур тож сарвар.
Вақтеки, шоҳ зулм енгидин чиқарди қўл,
Бўлғай давом гарданида тавқи мудаббар.

Хабарда келтурубдурларки, одил подшоҳ ер юзинда Худойи таоло лутфининг соясидурким, паноҳ олур, андин ҳар зулмрасида ва ситамдида муқаррардурки, ҳар кимга офтоб тошидин ранже етса, истироҳат учун бир соя паноҳига борур, то ранжи роҳатга мубаддал бўлур. Бу янглиғ зулмрасидалар ҳам ситам офтоби ва шарорат ҳароратидин танглиқка қолсалар, Худо соясики, подшоҳдур, анга илтижо келтуурлар, то зулмлар бедоди қулфатидин ул амин омон сояси баракати бирла осойишда бўлур. Аймишлар,

Қитъа:

Тангри лутфи соясидур ҳар шоҳеким, адли бор,
Балки мутлақ лутфур ҳар кимга бўлмиш адлвор.
Халқни соянгга олғил ҳолидин айлаб сўроғ,
То шарофатдин фалак фарқи уза қўйғил аёғ.

Ҳукамо айтубдурларки, адлнинг маъноси халқ аро баробарлик кўзламоқлик бўлур. Яъни бир гуруҳни яна бир гуруҳга ғолиб қилмағай ва ҳар тоифани ўз мартабасида тутғай. Ва подшоҳлар тавобиъ аслан тўрт гурухдурлар.

Аввал аҳли шамшир, чунончи, умаро ва лашкарким, улар ўтга ўхшайдурлар.

Иккинчи аҳли қалам, чунончи, китобдорлар ва вазирларким, улар ҳам ҳаво янглиғ туурлар.

Учинчи аҳли муомаладур, чунончи, савдогарлар ва хунармандларким, улар сув масаллик туурлар.

Тўртинчи аҳли зироат, чунончи, дехқонларким, улар туфроқ сифатлик туурлар. Бас, вақтеки, тўрт аносирнинг бири-бирига ғолиб келса, мизожи вайрон бўлгандек ул тўрт гуруҳни ҳам бири-бирига ғалаба қиласа, мулк мизожи бузилур. Олам салоҳи ва бани одам мишиштини низоми узулур.

Қитъа:

Бордур ҳар кишида мартаба,
Ки бурун вақт топмиш ул таъйин.
Киши гоҳ ҳаддидин ошар,
Қайғуси ўнг-сўлда фитнау кин.
Ҳар кишини ўз ерида ўлтуртуруб,
Тахтинг узра ўзунгга бер таскин.

Адлни фазилати будурки, айтибдурлар одил подшоҳнинг жасадига туфроқ асар қилмас. Келтурубдурларки, Бағдод подшоҳи Маъмун халифа мажлисида бир олим ҳадис ривоят қилдилар, яъни одил подшоҳ жасадлари қабр ичра бузулмас ва бўғинлари бир-бирларидин узулмас. Маъмун аиди: “Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси ростлигига ҳеч шак келтурмасман, аммо ўзим бориб Нўширвон жасадини кўргайманким, ҳақиқатан ул адл мазҳари эрур ва ҳазрат Рисолатпаноҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам аниңг борасида муборак забонлари бирла айтибдурларки, алҳамдулиллоҳ мен подшоҳи одил замонида бўлдим”. Бас, Маъмун Мадойин шахри сари борурга мутаважжих бўлди, вақтеки, анда эрса буюрди, то Нўширвон даҳмасини очтилар, Маъмун анда кирди эрса, кўрдики, туфроқ узра ухлагандек тоза ётубдир. Уч ангуштарин қўлига солиғлиқ ва ҳар бирига насиҳат битибдирлар. Аввалгисидаги будурки, “дўсту душманни комдор қилғил”. Иккинчи насиҳат будурки, “ҳар ишга ҳирадмандлар бирла кенгашмай шуруъ қилмоғил”. Учинчи насиҳати будурки, “раиятнинг риоясин ташламоғил” ва тақи бир ривоятда андоқки, бир лавҳ боши узра осиғлик эрди. Ул лавҳга битибдурларки, “Ҳар киши тиларки, мулкини Худойи таоло улуғ қилғай, айтгилки, ўз вақтидаги олимларни улуғ тутмок, агар подшоҳ тиларки, мамлакати кўп бўлғай, айтгилки,adolatinini бисёр қилсун”. Маъмун буюрди, то

ул насиҳатларни битиб олдилар, ётқон ерини хушбүй нимарсалар бирла муаттар қилдилар ва бошини ёптилар. Тақи нақл қилибдурларки, Маъмун халифа ул даҳмаи Нўширвон ичра киргандан хосларидин бириси сўзламакка рухсат топти, айдики: “Адолат хосияти бор эрканки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло коғирнинг баданини гўр ичра туфроқ зарадидин соклабдур. Агар подшоҳ одил, ислом саодатин топган бўлса, ани дўзах ўти зарадидин йироқ тутса, не ажаб”. Бу сўз Маъмун табъига кўп хуш ўлтурди. Буюрдики, то ани ҳам ул васиятлар қаторида айттилар.

Қитъа:

Қилғуси адл сани олам аро неку ном,
Даги ақибида неку баҳту саодат фаржом.
Ғурур шавкат била дунёда сарафroz айлар,
Рўзи маҳшарда навозиш била мумтоз айлар.

Ва адлнинг улуғ иши буки, зулмрасидалар додга келсалар, сўзларига шафқат қулоғин тутғай ва улар ҳам муҳимлардин тузатмак сори марҳамат юзин ўгургай. Агар додҳоҳ сўзин ўзи айтса, анга малол бўлмағай, на учунки, подшоҳ табиб масалликдур ва ситамдида bemor янглиғ оғриқ хоҳласаки, табибга тамом ҳолин аён қилғай. Табиб ул ҳолда анинг сўзин ҳамасин эшишиб ранжи ҳақиқатига мутталъ бўлмаса, анинг муолажасига нечук ҳукм қиласур.

Хабарда келтурубдурларки, бир куни бир киши бузрукега аҳволини арз қилди. Аммо ул қулоқ солмади, яна аиди, тақи илтифот қилмади. Учинчи мартаба арз қилди эрса, аиди: “Не ажаб дардисар келтурдинг?”. Ул киши аиди: “Сенга дардисар бўладур, деб мен қаён борайин?”. Чун бу сўзни эшиitti эрса, азизга хуш келди ва ҳожатини раво қилди.

Байт:

Давлат ила бош кўтардинг, мардча қил элга лутф,
Дастрас берди Худо, афтодаларнинг иликин ол.

Подшоҳларнинг бири бир олимдин сўрдики: “Ҳар нимарсанি закоти бор дерлар, салтанатни закоти не бўлғайдур?”. Олим жавоб бердики: “Подшоҳлик ва жаҳондорликнинг закоти буким, агар бир зулмрасида додҳоҳлик қилса ва ҳожатини арз айласа, анга қулоқ солғай, жавобида лутфу марҳамат бирла сўзлагай ва дуруштлик қилмағай. Заифлар, фақирлар бирла сўзлашурга ор қилмағай. Чунки кичиклар бирла сўзлашмак улуғлар сифатидур”. Ҳазрати Сулаймон пайғамбар алайҳиссалом онча улуғ подшоҳлиғи ва пайғамбарлиги бирла заиф мўрнинг сўзига меҳрибонлик қулоғин тутиб эшитур эрди”.

Байт:

Назар солмоқ кичикларға улуғлуқни зиёд айлар,
Сулаймон мунча ҳашмат бирла боқти мүр ҳолиға.

Хабарда келтурубурларки, подшоҳи Яман дорулмұлқида адл юзи бирла ораста ва ахволи нихоли инсоф сифати бирла пироста эрди.

Байт:

Ситамға зиён, адлға суд эди,
Худо рози-ю халқ хушнуд эди.

Ногоҳ қуввати сомиъасига оғат етиб, қулоқи әшитмас бўлди. Аркони давлатни жамъ қилиб андоқ зор йиғладики, аниңг ҳолига ҳозир халойиқлар тақи йиғлаштилар ва онинг хотири тасаллиси учун тадбирлар кўргуздилар. Малик айди: “Сизлар гумон қилурсизларки, мен қулоғимнинг ҳисси зоеъ бўлғанига йиғлагайман. Андоқ эрмас, чунки қулоғим әшитмаги балки ҳама хослар оқибат фавт бўлғусидур. Оқиллар мундоғ бебақо нимарсалар учун андиша қилмаслар. Мен аниңг учун йиғларманки, ногоҳ зулмрасида даргоҳимга келгай, дод еткурмаги учун фарёд қилғай ва фарёдини қулоғим әшитмай, маҳрум бўлиб ёнғай ва қиёмат куни Ҳақ таоло қошида менинг бирла мувоҳаза қилғай. Аммо бу бобда бир фикр қилибдурманки, фикрим буким, мунодий қилингизлар, то додҳоҳлардин ўзга киши менинг мамлакатимда қизил либос киймасунларки, ул нишона бирла зулмрасидаларни тониб додига етгайман”.

Байт:

Зулмкаш додини пўрмаҳзунни дилшод айлағил,
Дину дунёни бу додинг бирла обод айлағил.

Ва бисёр подшоҳлар бир дод бермак бирла, бир мазлум фарёдига етмак бирла дунё ва охират нажотин топибдурлар. Чунончи, хабарда келтурубурларки, султон Маликшоҳ Салжуқий бир куни Зиндаруд канорида шикор қилур эрдики, ҳаво бисёр исиф бўлди, истироҳат учун бир марғзорға тушти. Мулозимларидин бир хос ясовул сайд қилмоқ учун кент ичра кирди, кўрдики, бир сигир ариқ яқосида ўтлаб юруб эрди. Хизматкорлариға буюрди, то они тутуб едилар ва бир пора гўшт андин кабоб қилдуруб еди. Мол эгаси бир пирзан эрдики, тўрт фарзанди бир аниңг сутидин овқат қилур эрди. Чун ажузга ул ҳолдин хабар топти эрса, ўзидин кетиб беҳуш бўлди. Бир кўприк бор эрдики, султон андин ўтар эрди, тўсуб ўлтурди. Ногоҳ султон кавкабай давлат бирла етиб келди эрса, ожиза қўпуб Маликнинг жиловини тутди ва ул ясовулки, колосини ўлтуруб эрди, манъ қилмоқ учун тозиёна урарға ҳамла қилди. Султон айди: “Кўйғил, мазлум бечора кўрунадур,

тафаххус қилолики, анга не зулм етубдур. Ва аниг доди кимнинг бедодидин эрурким, зулмрасидалар жароҳатлик ва хийразабон бўлурлар”. Ожиа арзга тилин очти ва айдики: “Эй Алпарслон ўғли, агар бу Зиндаруд кўпруги устида додимни бермасанг, Худой ҳаққиким, Сирот кўпруги узра сени инсофга келтурмай ҳусумат кўлимни этагингдин олмағайман. Яхши андиша қилгилки, бу икки кўпрукдин қайсини ихтиёр қилурсан?”.

Байт:

Инсоф ила додимни бугун бергилким,
Уқбода сирот устида бергунча.

Султон бу сўз ҳайбатидин пиёда бўлди ва аиди: “Эй модар, мен ул кўпрук устида жавобингни берурға тақотим йўқ. Мунда айғилки, сен на кишидин ситам кўрдинг, то додингни андин олиб бергайман”. Пирзан аиди: “Малик ушбу ясовулингдурки, ҳоли сенинг хузурингда манга уқубат тозиёнасин кўтарди ва мани маишатим чашмасин туфроқ бирла тўлдурди. Сутидин етимларим бирла ман заифанинг ризқин муҳайё қиласурған молимни ўлдуруб ва ани кабоб қилмоқи бирла бағримни кабоб қилди”. Малик буюрди, то ул ясовулга сиёsat қилиб, бир молига ҳалол молидин етмиш сигир олиб пирзанга бердилар. Ва неча вақтдин сўнг султон вафот топти ва тақи пирзан тирик эрди. Бир кеча тун ярмида пирзан султоннинг қабри бошиға борди ва ҳожат юзини дуо қибласига келтурди ва аиди: “Сенинг бу бандангки, тупроқ ичра ётур, вақтеки дармонда эрдим, манга дастгириқ қилди ва ҳам ҳоли даромда буқубдур, сен ҳам караминг бирла анинг қўлин олғил. Мен бечора эрдимки, ул маҳлуклиги ажзи бирла менга раҳм қилди. Бу замон ул ҳам бечора бўлубдур. Сен холиқлиғинг қуввати бирла анга тараҳҳум қилғил”.

Ва Маликшоҳнинг тобеъларидан бири тушида кўрди, сўрдики: “Эй Малик, Худой таоло сенга не қилди?”. Жавоб бердики: “Агар пирзан дуоси дастгириқ қилмаса эрди, уқубат чангалидан халос бўлмоғим маҳол эрди”.

Назм:

Айдики, гар қабрим узра гандапир,
Бўлмаса афвимни қўюб дастгир.
Қилмас экан раҳм манга ул Илаҳ,
Бўлур экан ғам била ҳолим табоҳ.

Ва адлнинг яна бир улуғ иши буки, дод беришда Худонинг ҳукмини арога солғай, яъни додеким, берур шариат ҳукмига мувоғик бўлғай. Мулойимлиғи вақтида ва ё ғазаби ҳолида Ҳак тарафин

қўймағойки, Худо ҳукми ҳама ҳукмлардан баланд эур. Ва ҳар кимки, Худо ҳукмига бош эгса, халойиқ аниңг ҳукмига бош эгади.

Байт:

Ҳар ердаки подшоҳи сарварлар,
Ҳақ даргоҳида ҳукмига қўймишлар бош.

Накл қилибдурларки, Маъмун халифа замонида бир киши гуноҳ қилди ва гуноҳи қўрқинчидин шаҳрдин қочти. Ул гуноҳкорнинг биродари бор эрди, ани тутуб Маъмун қошига олиб келдилар. Маъмун аиди: “Сен қочған биродарингни топғил, бўлмаса сени унинг эвазига ўлтургумдир”. Ул киши аиди: “Эй Малик, агар сенинг кишинингни мен ўлтурур бўлсам ва сен ўлтурмагил десанг, ул мени ўлтурмакдин мамнүй бўлурми ё йўқ?”. Маъмун аиди: “Менинг ҳукмумни эшитиб сени ўлтурмакдин қўлин йигар”. Ул киши аиди: “Андоғ эрса, мен санга бир подшоҳдин ҳукм олиб келдимки, сен аниңг ҳукми бирла қилурсан ва сенинг ҳукмунг аниңг ҳукмига тобедур. Агар анга бовар қилсанг, мени ўлтурмағайсан”. Султон аиди: “Келтурган ҳукмунг қайси дур?”. Ул киши айдики, будур: “Аллоҳ таоло айтади: “Ва-лā тазиру вāziratun vizra uhrā”¹, яъни ҳеч киши ўзга кишининг гуноҳ юкини кўтармас, демак бўлур.

Қитъа:

Ҳар ҳукмким, қилибдур ани ҳокими Аҳад,
Чуну чаро этгали йўқдур кишига ҳад.
Ҳукмики, зоҳир айлади султони лам язал,
Йўқ ҳеч кишига заҳраки, то қилғай ани рад.

Келтурубдурларки, Амр ибн Лайс бир кишини ғараз сўзи бирла бандға солди. Ул кишининг бир қария онаси бор эрди, арзини битиб Амрнинг ўтар йўлида тўсуб ўлтурди. Вақтеки, Амр етти эрса, кампир арзимни дарҳол еткурайин, деб аризани шитоб бирлан очганда қофознинг шарпасидин Амрнинг оти рамида қилди ва Амр аччиғланиб буюрдики, то ул заифани қувладилар. Чун Амр ул ердан ўтти эрса, ожиза яна келиб йўл устида кутиб турди, то Амр ул ерга етиб келганида доғи олдига югуруб борди, фарёд бирла дод қилди. Амр сўрдики: “Бу не мазлумадир?”. Айдилар: “Сен бандға солған фалон кишининг онасидур”. Амр андин бисёр ғазабнок эрди, юз ўгурди, илтифот қилмади. Кампир сўрдики: “Эй малик, менинг бегуноҳ ўғлум борасида ҳукминг не бўлди?”. Султон аиди: “Буким, они юз таёқ

¹ “Ҳеч бир (юк) кўтарувчи (гуноҳкор шахс) ўзга жоннинг юкини (гуноҳини) кўтармас”. (“Анъом” сураси, 164-оят)

урғайлар ва юзини қаро қилғайлар, шаҳрни айлантиргайлар ва нидо қилғайларки, ҳар киши подшоҳга осий бўлса, сазоси будур”. Кампир айди: “Бу ҳукмни сен қилурсанму?”. Султон айди: “Ори, мен қилурман”. Кампир: “Ҳар ҳукмни сен қилур эрсанг, Ҳақ таоло ҳукми қаён кетди?”. Амр бу сўзни эшитти эрса, ҳайбатидин титради ва бехуш бўлди. Бир соатдин сўнгра ҳушига келиб буюрди, то ул кишини банддин чиқариб олиб келдилар. Амр кийган хилъатини тамом солиб анга кийдирди, минган отига они миндурди ва буюрди: “Муни олиб бориб бозор ва шаҳрнинг атрофидин айлантурунгизлар, нидо қилингизларки, Худой таоло ҳукм қилур, Амр ибн Лайс на киши бўлғайки, аниng хилофин хотирида кечургай”.

Байт:

Ҳоким Худоу биз ҳама маҳкуми хоксор,
Ҳукм аниng ўлғусидур, бизда на эътибор.

Ва адлнинг яна бир улуғ иши будурки, подшоҳ раият ҳақида ниятини тузук тутғай, алар яхшиликларин кўзламакка мойил бўлғай. На учунки, подшоҳ нияти ва сўзининг ҳар соҳага таъсири бисёрдур. Агар адл ниятин қилса, халойик аро баракат ва жамият пайдо бўлур. Агар, навзубиллаҳ, зулм хаёлин кўнглида кечурса, мамлакатидин бахту барака кетгай, раият жамияти ва майшатига футур етар. Дину дунё салоҳи Шайх Муслиҳиддин Саъдий бу маънини назм силкига тортибдурларки, таржимаси будур.

Байт:

Бу тавр ўлғилки, қилсанг ҳар на ният,
Аниngдин яхшилик тобқай раият.
Агар қилса ямон андиша султон,
Бўлур андин жаҳоннинг назми вайрон.

Келтурубдурларки, подшоҳ Қубод бир кун шикорда лашкаридин жудо бўлди ва ҳаво иссиқ эрди. Ташналигидин бетоқат бўлуб, ҳар тарафга боқар эрди, то бир сояе ва чашмае топғай. Ногоҳ йирокдин бир бўлак манзиллар қароси кўрунди ва отини аниng сори суруб ёвук борди. Кўрдики, бир кўхна чатри чодир бодия ичра тикилган ва қари кампир қизи бирла аниng соясида ўлтурубдир. Чун улар узра етти эрса, кампир югуриб чиқиб жиловдин тутуб, ҳамиясиға тушуруб бор топган-тутганини унинг олдига келтурди. Қубод иштиҳоҳи борича таом еди, сув ичти ва уйқу ғалаба қилди. То лаҳза ором олиб ухлади ва чун бедор бўлди эрса, кўрдики, кун оқшом бўлубдир, кечаси анда кўнди. Кампирнинг бир соғин сигири бор эрди. Ул оқшом сахродин келди ва қизи они тутуб соғди. Сутини андоқ бисёр бердики, Қубод

кўриб таажжубга қолди ва ўзига ўзи айдики: “Бу жамоа сигиримизга киши мутталаш бўлмасун, деб қочиб сахрода ўлтурубдурлар ва ҳар куни бир соғиндин мундок бисёр сутни манга берсалар, уларнинг молига ҳалал бўлмас. Аммо хазинамга мунинг бирла манфаат етар. Бас, ният қилдимки, тахтгоҳимга борганда бу мавзеъ ҳалқини сут бермаклари учун раият ҳукмига олғай”. Чун эрта бўлди эрса, ўшал қиз соғинни яна соғди ва сути оз чиқти. Қиз югуриб онаси қошига кирди ва аиди: “Эй она, бугун сигирни кундагидин кўб соғдим. Аммо сути оз чиқти”. Онаси аиди: “Ажаб йўқки, подшоҳимиз зулм ниятин қилгандир!”. Қубод бу сўзни эшитиб таажжубға қолди ва аиди: “Недин билдинг?”. Кампир аиди: “Бу сигир ҳар эрта бисёр сут берур эрди, бугун сути кам чиқибдур. Ҳар вақтки, подшоҳ зулм ниятин кўнглидин кечурса, Ҳақ субҳона ва таоло баракатни кўтарур”. Қубод аиди: “Бу сўз ростдир”.

Бас, ул ниятни тамом кўнгулдин чиқариб, қизга буюрди. Қиз сигирни яна соғди эрса, кундагидек кўб сут чиқди. Қиз яна югуруб онаси қошига кирди ва подшоҳ яхши нияти хушхабарин еткурди. Бу жиҳатдин айтибидирлар, одил подшоҳ хўброкдур ёғадиган булутдин ва нур сочувчи офтобдин. Фирдавсий айтади:

Баҳорда ер узра тушган ҳар бир нам,
Шоҳлар ниятидин юз берар ҳар дам.
Подшоҳ нияти ўзгарган замон,
Ер узра намлардин қолмагай нишон.
Нола чекса агар шоҳ, бўлса одил,
Адлидин ҳаловат топади ҳар дил.

Бир куни иссиқ ҳавода Баҳромгўр бир боғ эшигига келди. Боғбон пир эрдики, Баҳром анга мулоқот бўлди ва сўрди: “Эй пир, бу боғда анор борму?”. Аиди: “Ха, бор”. Баҳром аиди: “Бир қадаҳ анор шарбати келтурғил”. Пир боғ ичра кирди, дарҳол бир қадаҳни анор шарбати бирла тўлдуриб чиқти ва Баҳром қўлига берди. Чун Баҳром ичи эрса, сўрдики: “Эй пир, бу боғдин йилда не миқдор ҳосил олурсан?”. Пир аиди: “Уч юз динор”. Баҳром аиди: “Подшоҳ хазинасига мундин не берурсан?”. Пир аиди: “Бизнинг подшоҳимиз дараҳт ҳосилидин ҳеч нимарса олмас, аммо зироатдин ушр олур”. Баҳром ўзига андиша қилдики, мамлакатида боғ кўпдур ва ҳар боғда дараҳтлар пишар, агар ҳалойик боғ ҳосилидин ҳам ушр берсалар, манга кўб маблағ пайдо бўлур. Анинг зиёни раиятга андакдур ва мундин сўнгра буюрайин, то боғлар ҳосилидин ҳам хирож олсунлар. Бас, боғбонға борди, яна бир пиёла шарбат келтиришни буюрди. Хийла муддатдин кейин бир қадаҳ

анор суви олиб чиқти. Баҳром айди: “Эй пир, аввалги навбат бординг, тез келдинг, бу навбат мани кўб мунтазир қилдинг ва не аввалгининг баробарида шарбат келтурмадинг?”. Пир бу йигит Баҳром эканин билмади, айди: “Эй йигит, бу гуноҳ мендин эрмас, балки подшоҳимизданур, бу замон анинг нияти бузилди ва зулм андиша қилди. Бу сабабдин баракат мевадин кетти. Мен илгари навбатда бир анор бирла бу қадаҳни тўлдурдим ва бу навбат икки анордин бу миқдор оз шарбат ҳосил бўлди”.

Баҳромга бу сўз қаттиқ таъсир қилди ва ул андишасин хотиридин чиқарди ва айди: “Эй пир, яна бир марта ул шарбатдин келтурғил!”. Пир боғ ичра кирди. Тез фурсатда ул қадаҳни анор суви бирла лаболаб қилиб, шодмон бўлуб чиқиб, Баҳромга тутди ва айди: “Эй отлик йигит, ажаб ҳолатдурки, бу соат подшоҳимиз зулм ниятин адлга алмаштириди, дарҳол баракат асари зоҳир бўлди ва бир анордин бу қадаҳ тўлди”. Баҳром суврати ҳолин пирга баён қилди. Аввал нияти бузулган қиссасин ва сўнгра ул андишасин кўнглидин чиқарган воқеасин тамом айди, сўз ул саодатманд подшоҳдин рўзгор сафҳасида ёдгор қолди. То подшоҳлар мундин насиҳат эшитғайлар ва ниятин раият салоҳи сори тутғайлар.

Байт:

Ҳар подшоҳеки, ниятин рост қилур,
Тобқай Ҳақдин ҳар наки, дархост қилур.

Ҳукамо айтибдурларки, адл борча сифат, фазилатнинг хўброки ва зулм ҳама ниятлар шумроқи эрурлар. Адл натижаси мулк боқий, мамлакат кенг ва хазина маъмур, кентлар ва шаҳрлар ободлиғидур. Ва зулм самараси мамлакат завол топмоғидур.

Сиёмак ўғли Ҳушанг васиятларида мазкурдурки, ўғлиға айди: “Эй фарзанд, зулм нишоналарин йўқотғайсен, адлу саховат илмин ошкора қилғайсен. Зулмрасидалар, ситамдидалар оҳининг ўқидин ва даргоҳингдин маҳрум ёнган меҳнаткашлар ноласидин ҳазар қилғайсан”. Айтибдурлар,

Байт:

Оҳ урса пирзан вақти саҳар,
Қилғай андин юз туман баттару баттар.

Зулм ва ситам иши оқибатда ёмонлик натижасин кўргузур. Андин андиша қилгилки, жавоб давлат заволи ва футурига сабаб эрур. Молки, ҳар нокас оёқида поймол ва ҳар хас илкида фарсадаҳолдур, анинг талабида раият бирла муноқаша қилмағилки, бешак ва бешубҳа раият паришонлиги, салтанат вайронлиғидур.

Байт:

Шоҳқим олди раиятдин хирожи бешумор,
Уй тегин бузди, қилди том узасин устувор.

Ҳикмат аҳли бу бобда масал қилибдурлар, зоҳирбинлар они ҳикоят билибдурларки, бир султон давлат аркони умаролариға айдики: “Одамлар ичидан энг аҳмоқроқ кишини топиб келингизлар!”. Бас, мамлакат улуғлари бу ишнинг пайига туштилар. Ҳакимлар, надимлар, зийраклар ва хуштабъларни мамлакатнинг атрофига йибордилар. Ва булар мутаважжих бўлуб, бу сифатлик киши топмоққа машғул бўлдилар. Жаҳон аро аҳмоқлар ва абллаҳлар аҳволидин огоҳ бўлмоққа жидду жаҳд қилдилар. Охири бир кишини кўрдиларки, дараҳт узра чиқибдур ва ўзи шоҳ учидага туруб тубини кесгали машғуллук қилур. Маълум эрдики, агар ул баланд шоҳ кесилиб, бу аҳмоқ андин йиқилса, билфарз минг жони бўлса ҳам бир саломат қолмагай эрди. Иттифоқ қилдиларки, халойик аро аҳмоқ киши бўлғай. Они олиб султон назарига келтурдилар ва онинг содир қилган ишин баён қилдилар. Султон аиди: “Бундин ҳам аҳмоқроқ киши бордур!”. Аркони давлат айдиларки: “Қандоқ киши бўлғай?”. Султон аиди: “Золим ҳокимки, жавру ситам бирла раиятга озор берур. Ўз қўли бирла давлат илдизини кесмиш бўлғай. Бу иш бирла ўзини афтодаҳол ва паришон ахвол қилмиш бўлғай”.

Маснавий:

Шоҳ дараҳт илдизи бўлмиш раиятларга бор,
Ҳар дараҳтиkim бўлур, илдиздин ўлмиш барқарор.
Ул дараҳтиkim, тутубсан шоҳ устида ўрун,
Болта бирла илдизига урмағил будур йўсун.
Чунки теша зарбидин суст ўлса ҳар бихи дараҳт,
Сарнигун қилғай ани ногаҳ тегиб бир боди сахт.
Шоҳқим, қилмиш раиятларга кўб зулму ситам,
Бил яқинким, тийғила ўз илдизин қилмиш қалам.

Хожа имом Хатиф Маданий Кафтандийнинг китобида мазкурдирки, Самарқанд вилоятида бир золим бор эрдики, халойик они жафосидин азоби ранжасида, ул бениҳоят тааддисидан иқоби шиканжасида эрдилар. Чун аниг зулми Ҳақ таоло даргоҳида ҳаддан ошти эрса, бир кун тахти узра ухлар эрди. Ҳаводин бир ўқ тушуб келиб сийнасига тегди ва орқасидан бош чиқарди. Шул соат охират йўлин тутти. Чун эрта бўлди эрса, ул ўқни сийнасидин чиқардилар ва кўрдиларки, ўқда бу байт битик эрди.

Байт:

Табға ва лил буға сиҳомун мустақиран,
Анфазу фил-излоъи мин жар вал-ибри.

Яъни ситам қилурсан, аммо ситамкорлар учун ўқлар муқаррардурки, тез ўткувчироқдур аъзога игна ўтмагидин, демак бўлур. Бир улуг шоир бу маънони қуидагича назм қилибдур.

Байт:

Эй, қўюбсан зулм бошиға жафоу жавр ўқин,
Қил ҳазар новаклардинким, қасдингта тушмиш камин.
Гар санинг отқон ўқунг фўлоду жавшандин ўтар,
Ҳойил ўлмас оҳи пайкониға кўҳи оҳанин.

Бунга жавобан ҳаким Хоқоний шундай татаббӯ ёзган:

Заиф эл тирборони камин тутмиш хабардор ўл,
Ки ҳар ким заъфи ортуқдур, қавийдур заҳми пайкони.
Ҳазар қил зулмкашлар оҳидинким, қон йиғар андин,
Уйусанг бошинг узраким етишгай сел борони.

Алҳамдуиллаҳки, ҳама мақсадларини топқон ва Ҳақ таоло лутфи бирла баланд қилғон, ҳазрат шаҳзоданинг давлатиға ҳама жаҳон халқи нозида қилсалар, Марв диёрида ватан тутқон, балки жамъи Хуросон ахли камоли шодмонликдин бошин кўкка еткурсалар, ўрни бордурки, адли осори ва эҳсон анвори жаҳон атрофига етушти, давлати шарофати шафқат бисоти ва марҳамат фирошини юзига ёйди. Дўст пойдор мамлакатидин хурсанд бўлуб нозиш қилурлар ва душманлар обдор тифи ҳайбатидин гузоришиға борурлар.

Назм:

Давлату миллатга ёвар шоҳ Абулмуҳсинки ул,
Иззу шавкат бирла тикмишдур фалак узра алам.
Адлидин ер юзи тоза, файзидин хуррам замон,
Мулк ободу раият шод, элдин борди ғам.
Давлати маншури ичра котиби ҳукми азал,
Фатху нусрат тавқеин солмоқ учун сурди қалам.

ҮН ОЛТИНЧИ БОБ АФВ БАЁНИДА

Афвни маъноси қудрати етган ҳолда гуноҳкорга уқубат қилмоқни тарк айламак бўлур. Бу сифатлар Ҳақ таоло қошида ҳама сифатлардин фазилатлироқдур ва Ҳазрати пайғамбар саллоллоҳу алайҳи вассалам Макка фатҳ бўлған куни Курайш улуғларики, алардин онҳама изо ва кулфат кўруб эрди, ҳамасин озод қилди ва айдиким: “Антум ал-атқо”, яъни сизлар озодсизлар, демак бўлур ва улар кўнгулларин афв хушхабари бирла шод қилди. Яна уларга айдики: “Лā тасрīба ‘алайкум ал-йавма”¹, яъни сизларга бугун ҳеч хавф ва маломат йўқ, демак бўлур.

Қитъа:

Биз одатимизни ҳеч тарк этмасмиз,
Яхшилиқ эшигидин йироқ кетмасмиз.
Гар аҳли жаҳон бизга ёмонлиқ қилса,
Зинҳор мукофотини кўрсатмасмиз.

Хукамо айтибурларки, гуноҳ ҳарчанд улуғроқдур, анинг баробарида афви сабаби ҳам зиёдроқ эрур. Келтурубурларки, бир киши араб подшоҳларидин бирининг неча уруғ ва қариндошларин ўлтуруб, қочиб эрди. Муддате ўткандин кейин ул киши подшоҳ қошиға келди. Подшоҳ аиди: “Ажаб журъатлик киши экансанким, мани боримда мундоғ улуғ гуноҳ қилиб туруб, уқубатимдин қўрқмай доғи қошимға келдинг”. Жавоб бердики: “Даргоҳингга қўрқмай келмагимга сабаб буким, агарчи гуноҳим улуғроқдур ва лекин сенинг афвинг андин ортуқроқ эрур”. Малик бу сўзни писанд қилиб, гуноҳини афв қилди ва инъомлар берди. Хосларидин бири аиди: “Эй малик, мундок душманни қўлга тушурдунг интиқом олмай, сўзига фирифта бўлдинг”. Малик аиди: “Андоқ эрмас, тааммул қилдимки, агар интиқом олсан, нафсим шод бўлур. Агар афв қилсан, они кўнгли шод бўлуб, дунё ва охиратда яхши от кўтаргайман”.

Мисра:

Афв ичра лаззат йўқ ул интиқомда.

Маъмун халифа айтибурки: “Агар халойиқ билсаларким, мен афв қилганимдин нечук лаззат олурлар ва мен киши гуноҳидин ўтмагимдин на ранг роҳатнок бўлурмен. Менинг даргоҳимга ҳаргиз гуноҳдин ўзга тухфа олиб келмаслар”. Искандар Арастудин сўрдики: “Фалон гуноҳкор борасида не айтурсан?”. Ҳаким аиди: “Эй малик, агар гуноҳ бўлмаса афв сифатиким, ҳама фазилатдин хўброкдур, ҳеч

¹ “Сизларга бугун ҳеч қандай хавф ва маломат йўқ”. (“Юсуф” сураси, 92-оят)

кишидин зоҳир бўлмас эрди. Бас, гуноҳкор афвнинг ойинаси эрур ва гуноҳкорлар ул сифатни бу ойинада зоҳир бўлмоқига сабаб бўлур. Бас, керакки, анинг борасида бу маънони зухурга келтурғайсан”.

Байт:

Гуноҳ афву карам кўзгусидур, эй шоҳ,
Гуноҳлик элга ҳақорат кўзи била қараманг.

Искандар айди: “Афв не маҳалда яхшироқдур?”. Арасту айди: “Ул маҳалдаким, душман устидан зафар топсанг, қўлга тушурсанг ва душманни қудратинг етганда афв қилсанг, зафар топқонингни шукри эрур”. Ҳикоятда келтурубурларки, подшоҳе хасмига зафар топти ва они асир қилиб уқубат мақомида тутдилар. Подшоҳ анга айдики: “Ўзунгни нечук кўрарсан?”. Жавоб бердики: “Худойи таоло афвни дўст тутар ва сен зафар топмоқни. Бас, ҳазрат акрам ул-акрамийн сен дўст тутадурған нимарсаки зафардур, санга берди. Афвким, Худойи таоло дўст тутар, сан ҳам они бир жорий келтурғил”. Подшоҳ бу сўзни писанд қилиб, они озод қилди. Бас, жаҳондор подшоҳларга керакким, гуноҳкордин содир бўлган ёмон ишлар баробарида мукофот кўргузмак хаёлин кўнгулларидин кўтарғайлар ва ул хижолатзадаға қудрат топқонларида шукргузорлик қилиб, афв башорати бирла навозиш қилғайларким, кишваркушой подшоҳлар ва олийрой шаҳаншоҳлар одатлари тариқи бу бўлмиш.

Байт:

Даври Одамдин бугун даврича улдур расми роҳ,
Ким улуғлардин карам бўлмиш, кичиклардин гуноҳ.

Келтурубурларки, подшоҳ муқаррабларидин бири гуноҳ қилиб эрди. Они то уйиб ва таъзив қилмоқ учун беркитдилар. Бир куни подшоҳ ул гуноҳкор борасида бир киши бирла кенгаш қилур эрди. Ул киши айдики: “Эй малик, агар мен сендеқ бўлсан эрди, анга сиёsat бирла адаб берур эрдим”. Подшоҳ айди: “Сен мендек бўлмас эрсанг, менинг ишим ҳам сенинг ишингдек бўлмағай, балки сенинг зиддингни олғайман. Онинг гуноҳин афв қилдим, на учунким, агар гуноҳ андин ёмон кўрунган эрса, афв мендин яхши кўрунур”.

Байт:

Кичиклар ёзуки гарчи улуғдур,
Улуғлар афвидур андин улуғроқ.

Агар киши ҳақида кишидин гуноҳе содир бўлса, тааммул қилғай, билгайки, агар Худой афвиға муҳтождур, ул гуноҳкордин афвини дариг тутмағайким, Худойи таоло ҳам анга афв эшигин ёпмас.

Байт:

Агар Худойи Самад бахшишига кўз тутган,
Гуноҳкор гуноҳин карам қилиб афв эт.

Хабарда келтурубдурларки, подшоҳ бир кишини бир амалга буюруб эрди, андин нописанд иш содир бўлди. Подшоҳ они мансабидин чиқарди ва буюрдики, боғлаб олиб келдилар. Ул бечорага итоб бирла хитоб қилди эрса, айди: “Эй шоҳ, андиша қилғилки, сени ҳам тонгла Худой таоло қошида итоб учун тутсалар керак. Сен ул вактда не нимарсани хушларсан?”. Подшоҳ айди: “Худойи таоло гуноҳимни афв қилмоқини хушларман”. Ул бечора айди: “Бас, сен они хушларсан, мени афв қилғил, чунки Худойи таоло афви бандаға боғлоғлиқдур. Банда бандани афв қилса, Худойи таоло ҳам они афв қилур”.

Байт:

Ман сани олдингда мужрим, сан Худонинг олдида,
Авф қил мандинки, сандин ҳам Худо афв айлагай.

Подшоҳға бу сўз писандида эшитилди ва гуноҳини бахшиш қилиб, тарбият бирла бурунги амалига буюрди.

Назм:

Афв қилмоқ яхшироқ хислатдур,
Афв қилғон соҳиби давлатдур.
Афв нуридин кўнгул равshan бўлур,
Бўйидин эл сийнаси гулшан бўлур.
Афвни Ҳақ дўст тутмиш, эй сани,
Дўст тут, Ҳақ дўст тутқон нарсани.

Лекин шариат ҳудудидин ташқари иш борасида афв кўргўзмак хўб эрмас, балки ул маҳалда қаҳр ва ғазабдин ўзга иш марғуб эрмас.

Қитъа:

Ҳар гуноҳиким бўлур ҳукми шариатга хилоф,
Қилғулук эрмас ани афв айламак бирла маоф.
Балки ул саотда шаър ичра бу бўлмиш ҳукми Раб,
Ким сиёсатгоҳ аро урмок керак чўби адаб.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ ЮВОШЛИҚ БАЁНИДА

Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг бир хўйи ювошлиқдур. “Инналлāҳа ғафūрун ҳалīм”¹, яъни Ҳақ ва ростдурким, Аллоҳ таоло мағфират қилгувчиидур, бениҳоят ювошлиқ кўргузгувчи эрур беғоят, демак бўлур. Жумла анбиё ва авлиёга бу сифатдин насиба бири будурки, аниң қуввати бирла ғазаб кучини синдирганлар. Ҳадисда келибдурки: “Эй умматлар, сизларнинг энг кучлиларингиз ул кишидурким, аччиғи келган ҳолда ўзини паст қилиб, ғазабининг заҳрини ютқон бўлғай ва нафси хоҳишидек иш қилмағай”.

Байт:

Деманг мардона ҳар кимники, ул пўрзўр, пўрдилдур,
Кишиким аччиғи заҳрин ютар, ул марди комилдур.

Ва “Инжил” китобида мазкурдурки, подшоҳларға вожиб иш буким, нафсларини ювошлиқ бирла риёзатга солғайлар ва фармон тутмоқ учун қайдлариға олғайлар, то ҳалойикдин табълариға мухолиф келгулик сўз эшитсалар, ғазаблик бўлмағайлар. На учунким, Худойи таоло аларга қудрат ва тавонолик берубдур, ҳалқни уларга зери даст ва мутеъ қилибдур. Агар ювошлиқни аччиғлари узра ғолиб тутмасалар, таҳаммуллари бирла ғазабларин босмасалар, мамлакат аҳлининг ҳар сўзи ва ҳар феъли учун қаҳр кўргазсалар, ҳалойик уруғи узулур ва мулкнинг равнақи қолмас. Яна хўб айтибдурларки,

Қитъа:

Таҳаммул айламак ганжи хираддур,
Ювош эрмас кишилар деву даддур.
Ювошлиқ девни бандға олмиш,
Ғазабни, яъни зиндан ичра солмиш.

Ва ювош киши улдурки, ғазаби селоби агарчи улуғ тоғни кўзғотгудек кучли ва даҳшатли бўлса ҳам ани бартараф қилғай ва аччик ўти қаттиқ тошни эритиб юборгудек исик бўлса ҳам, ани ўчиради. Ювошлиқ мадад қилмай, ҳеч султоннинг ғазаб ўти таскин топмас ва таҳаммул ёрий бермай ҳеч ким раёни ношойиста сўзидин юз ўгурмас. Бас, одил подшоҳ улдурки, ювошлиқ бирла умрига зийнат бергай ва аниң қуввати бирла оламни куйдурадурған ғазабини бунёдин кўтарғай.

Қитъа:

Ювошлиқ чу етти, ғазаб бўлди паст,

¹ “Зеро, Аллоҳ кечиравчан ва ҳалим зотдир”. (“Оли Имрон” сураси, 155-оят)

Ғазабга таҳаммул етурди шикаст.
Хирад сақфиғадур таҳаммул стун,
Енгиллар бўлурлар ҳамма сарнигун.

Сулаймон Варроқдин нақл қилибдурларки, айтмиш: “Бир куни Маъмун халифа хизматида эрдим. Ёқутдин бир нигин узукка қош кўрдумки, узунлиги тўрт энлик ва эни бир энлик, андок равшан ва мусафифо эрдики, офтобдек тобиш қилур эрди. Бир заргарни чорлатиб айттики: “Ангуштарни этгил ва бу ёқут анга нигин бўлсун”. Заргар ёқутни олиб уйига борди. Баногоҳ бир куни қазоу тақдири худо бўлдиким, Маъмун халифа хизматида эрдим. Ул ангуштаринни ёд қилиб буюрди, то ул заргарни ҳозир қилдилар ва чун назарим заргарга тушти эрса кўрдимки, хазон яфроғидек титрайдур. Маъмун заргардин сўрдики: “Не сабабдин изтиробда кўринурсан?”. Заргар айди: “Гуноҳимдин қўрқурман”. Маъмун айди: “Ҳар не гуноҳингдин ўтдим, то қўрқмоғинг боисини изҳор қилғил”. Заргар ул ёқут нигинни чикорди, кўрдики тўрт пора бўлубдур. Маъмун табассум қилди ва айди: “Борғил, бу тўрт порани тўрт ангуштаринга нигин қилғил ва сенинг бу бобда ҳеч гуноҳинг йўқ”. Бу сувратким, Маъмунда содир бўлди, ювошлиқнинг ниҳояти ва таҳаммулнинг ғоятидур.

Қитъа:

Ювошлиқдин бу кор касбу камолинг,
Ки ҳам андин бўлур иззу жалолинг.
Ювошлиқ шодлиқ бермиш хижилға,
Бўлур чун мумиё шикаста дилға.

Нўширвон Бузуржмехрдин сўрдики: “Ювошлиқ нечукдур?” Жавоб бердики: “Яхши хўй ҳукumatнинг тузидур на учунким, араб тилида мулойимлиқни ҳалим айтурлар, ҳалимнинг ҳарфларин ўзгартирсалар ҳилм бўлур, яъни ювошлиқ келиб чиқади. Чунончи, ҳеч таом тузсиз маза бермас, ҳеч яхши хўй ювошлиқ мадад бермай, жамол кўргузмас”. Нўширвон айди: “Ювош кишининг нишонаси қайсибур?”. Бузуржмехр айди: “Ювош кишида уч нишона бўлур. Бири буким, аччиқ юзлук ва қаттиқ сўзлук кишилар анга дуруштлик бирла сўз айтсалар, ул они баробарида яхшилик кўргузур. Чунончи, ҳазрат Хожа Ҳофиз бу ҳакда абёти латиф ва шариф машқ қилибдурлар, таржимаси будур.

Маснавий:

Ҳилмни ғояти будурки, санга
Берсалар заҳар, сан шакар бергил.
Бўлмағил кам дараҳтдинки, сани

Урсалар тош ила, самар бергил.
Қылсалар пора-пора бағрингни,
Кон янглиғ аларга зар бергил.

Иккинчи нишонаси будурки, аччиқ ўти улуғ шуъла бирла забона урғанда ва ғазабни тундбоди тоқати хирманин совурғанда таҳаммул айлаб хомуш бўлур. Бу сифат хотири итминон олиб рух таскин топмоғининг далилидур ва муҳаббат йўлига қадам урган дарвешлар ғазабига бу тариқа бирла илож қилибдурлар. Учинчи нишонаси будурки, кишидин қабих иш содир бўлуб, уқубат лозими вожиб бўлган ҳолатда агарчи қудрати бор туруб, аччиғин паст қилиб, ғазабин ютар. Хабарда келтурубдурларки, бир куни вилоят гулистонининг ганжай навшигуфтаси ва ҳидоят боғистонининг ниҳоли наврастаси волининг жигаргўшаси Ҳусайн ибн Али разиаллоҳу анҳу базме ораста қилиб, араб ашрофларини анда йиғиб ўлтуруб эрдиларким, ҳазрат имомнинг хизматкорларидан бири мис табакда иссиғ ош кўтариб кириб келди ва ул ошни ҳазрат имомнинг олдига қўймоқ қасдин қилиб юрди эрса, ҳам кўли куйганидин, ваҳми мажлис ҳайбатидин изтиробға қолиб, ўзин билмай ҳазрат имомнинг бисотлариға оёғи бахш топиб, табак қўлидин жудо бўлиб, ҳазрат шаҳзодани муборак бошларига тушти ва иссиқ ош гул янглиғ рухсоралариға қуюлди эрса, то юзидин ул ходимга боқтилар. Ходим қўрқунч бирла бу каломни тилига жорий қилди: “Вал-қāзimīn ал-ғāyza”¹, яъни беҳишт муттақийлар учундурким, ютқучидурлар ғазаб заҳрини, демак бўлур. Амирал мўъминин Ҳусайн эса “Вал-‘āfiна ‘анин-nāc”², деб айдиларки, афв қилдим, яъни афв килғучидурлар халойик ёзукларини, демак бўлур. Ходим оят тамомин ўқудики: “Валлāху йуҳиббу-л-муҳsinīn”³, яъни Худой таоло дўст тутар яхшилиқ кўргузгучиларни, демак бўлур. Ҳазрат имом айдиларки: “Сени ўз молимдин озод қилдим ва тақи овқатингга ҳар наким, лозим бўлур, они муҳайё қилиб бермакни ўзимга лозим билдим”.

Байт:

Бу билмиш суврат аҳли ичра одат,
Ёмонлик не ёмон қилмоқ мукофот.
Кишиким, пай уруб маънога етмиш,
Ёмонлик ўрниға яхшилиқ этмиш.

¹ “...ғазабларини ютадиган...” (“Оли Имрон” сураси, 134-оят)

² “...одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир”. (“Оли Имрон” сураси, 134-оят)

³ “Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”

Хабарда келтурубдурларки, ҳазрати Исо алайхис саломдин савол қилдиларки: “Ҳама нимарсалар аро қаттиғроқ ва душворроқ қайсидур?”. Жавоб бердики: “Худойи таоло ғазабидур”. Айдиларки: “Не нимарса бирла Худой ғазабидин нажот топса бўлур?”. Айдики: “Ўз ғазабин тарқ айламак бирла”. Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да бу ҳикоятга ишорат қилибдурларки, таржумаси будур.

Маснавий:

Сўрдилар Исодин: “Эй султони дин,
Недур ул душвор бўлғай барчадин?”.
Айдиким, “душворроқ қаҳри Худо,
Дўзах андин биз каби қўрқунчида”.
Айдилар: “Ҳақ қаҳридин недур омон”,
Айди: “Ўз қаҳрин йўқ этмак шул замон”.
Хашму ҳирсу шаҳватинг тарқ айлагил,
Ким эранлар ваъз будур, муни бил.

Билмак керакки, кўб вақтда ювошлиқдан ғазаб яхшироқдур не учунким, ғазаб агар ҳирс юзидин, ё тамаъ боисидин, ё худнамолик сабабидин бўлса, бисёр қабиҳдур. Аммо дин илмин кўтариб ва шариатга ривож бермак учун бўлса, бениҳоят хўб ва марғуб эрур. Масалан, агар киши ўз маҳрами ҳаётига ризо бериб, ювошлиқ пеша қилиб, хирад аҳли ва шариат қавми қошида беҳад ёмон, беғоят қабиҳ эрур, ул киши мурувват аҳли назаридин соқит бўлур. Эранлар камоли будурки, ювошлиқ ва ғазаб вақтини тааммул ва тафаккур назари бирла ихтиёр қилғайлар, то бу икки ишдин қайси бири ул ҳолга муносибдур, они пеш тутқой.

Байт:

Қаҳру лутфунг бемаҳалдур, ул эмас хўбу ҳасан,
Бўл маҳалиға боқиб гоҳи гулу гоҳи тикан.

ҮН СЕККИЗИНЧИ БОБ ХУЛҚИ МУЛОЙИМЛИҚ БАЁНИДА

Мурод хулқидин хушхүйлиқдур, ғарази мулойимлиқ бу юмшоқлиқ ва соф тийнатлиқ эрур. Биридан мурод лутф бирла дилнавоз бўлмоқ ва яна биридан мақсуд мадоро бирла корсоз бўлмоқ. Аммо хушхүйлик ҳама неъматлар яхшироғи ва жумла сифатлар зебороги эрур. Худойи таоло ҳам иймонни яратти эрса, иймон айди: “Илоҳо, менга қувват бергил”. Ҳақ таоло анга хушхўйлиқ ва саховат бирла қувват берди. Куфрни яратти эрса, куфр айди: “Илоҳо, мени қавий қилгил!”. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло они бадхўйлук ва баҳиллик бирла қавий қилди ва ҳадисда келубдурки, “Бахил ва бадхўй одам беҳиштга кирмас”.

Байт:

Кўрмадук сайр айлабон оғоқни,
Яхши хўйдин ўзга яхшироқни.

Бир куни ҳазрати Исо алайҳис салом ўтуб борур эрдилар, аблар одамга йўлуқтилар ва ул аблар ондин бир сўз сўрди. Ҳазрати Исо хушхўй ва юмшоқлиқ бирла сўзига жавоб берди. Аблар ул жавобни қабул қилмай, ихонат оғоз қилди ва ул қанчаким, арбада бирла азиятлиқ изҳор қилди эрса, Исо анинг баробарида хушхўйлиқ ва дилжўйлик бирла мувоса кўргузур эрди, ул ҳарчанд дуруштлиқ бирла мужовала қилур эрди. Ул ҳазрати Исо лутфу марҳамат тариқин пеш тутар эрди ва чун бу муноқаша узра эрдиларким, бир азиз алар қошиға келди ва айди: “Эй Набиуллоҳ, не учун бу аблар олдида забун бўлдунгким, ул ҳарчанд қаҳр бирла изо қилғоли унф қилса, бу юмшоқлиқ бирла хушхўйлук кўргузурсиз?”. Ул ҳазрат жавоб бердики: “Эшитмадингизму, “Куллу инā’ин йатарашшаҳу бимā фīҳи”¹.

Мисрать:

Кўзадин ул май тўкулғайким, ичида бордур.

Андин ул сифат ҳосил бўлур ва мундин бу суврат зуҳурга келур. Мен андин ғазаб изҳор қилмасман. Аммо ул мундин адаб ҳосил қилур ва мен анинг сўзи бирла жоҳил бўлмасман. Лекин ул менинг хулқ ва хўйум бирла оқил бўлур”.

Назм:

Бўлмасам они ишидин пурғазаб,
Ул топар бу яхши хўйумдин адаб.
Манки тиргузмишдурман мурдани,
Хулқи хущдин топмишам бу рутбани.

¹ “Ҳар бир идиш ўз ичидағини тўқади”

Яхши хўй Исо каби жонбахш эрур,
Хўйи бад ким, умрини елга берур.

Хукамо айтибурлар, хушхўйлиқнинг нишонаси ўнтадур.

Аввалги нишонаси яхши борасида элга мухолиф қилмоқ.

Иккинчи, ўз нафсидин инсоф кўргузмак.

Учинчи, киши айбини истамаслик.

Тўртинчи, ҳар кишидин ношойиста корубор содир бўлса, они яхшилиқ ишга солмоқ.

Бешинчиси, гуноҳкор гуноҳидин узр этса, қабул қилмоқ.

Олтинчиси, муҳтожларнинг ҳожатин чиқармоқ.

Еттинчиси, киши учун машақкат тортмоқ.

Саккизинчи, ўз нафсини кўрмаслик.

Тўққизинчи, кишига, халойиқга юзин тоза кўргузмоқ.

Ўнинчиси, кишига яхши сўз айтмоқ. Бу бобда айтибурларким,

Байт:

Киши халойиқиға яхши хўй кўргузким,
Беҳишт сориға раҳбар санга бу бўлғусидур.

Ва доғи на хўб айтибурларким,

Байт:

Хушдуур хушхўйлук оламда неку сиришт,
Бу мақом ичра муқим ўл, гар тилар эрсанг беҳишт.

Аммо мулойимлиқнинг маъноси юмшоқлик бирла халқ аро мадор кўргузмак бўлур. Чунончи, юқорида ишорат қилинди. Хабарда келтурубурларки, ҳар ишким, анга мулойимлик бор бўлса, камол топмоқлиқдан ўзга эҳтимол йўқтур. Ҳар нимарсаки, анга дуруштлик ва тундхўйлик ҳамроҳдур, вайрон бўлмоқдин ўзга чора бўлмас. Ҳазрати Ҳақ ўз ҳабибини бу сифат бирла таъриф қилур: Аллоҳ таолонинг сўзи: “Фа-бимā раҳматин миналлāҳи линта лаҳум”¹, яъни ё Муҳаммад, бас бахш ишиким, Ҳақ субҳона ва таолодин санга етибдур. Они сабабидин юмшоқлик кўргуздинг. Ухуд урушида жангдин қочқонларға ва сенинг хизматингда тақсир қилғанларга, демак бўлур. “Мо” калимаси мунда зойиддур. Дурушт сўз ошнолик риштасин узгусидур. Юмшоқ такаллум кишини адоват поясидин дўстлик рутбасига еткургусидир.

Байт:

Ром қилғай ўзиға ширин забонлик филни,
Судрагай ҳар ён ани айлаб бурундуқ қилни.

¹ “Аллоҳнинг раҳмати сабабли (Сиз, эй Муҳаммад) уларга (саҳобаларга) мулойим бўлдингиз”. (“Оли Имрон” сураси, 159-оят)

Ардашер Бобак салтанат тахтини ҳикмат залвари бирла ораста қилиб эрди. Фарзандини күрдиким, қимматбаҳо тўн эгнига кийибдур. Айди: “Эй ўғлим, подшоҳлар тўни андоғ керакким, ҳеч кишини хазинасида бўлмагай ва ҳеч киши яна андоғ ҳулла топиб киёлмагай. Бу либоским, сен кийибсан, ҳар кишида бордур”. Ўғли айди: “Ота, ул жомаким, анинг мисли йўқдур, қайси эрур?”. Отаси айди: “Ул жомадурким, ўруши хушхўйлиқдин, арқоғи мулойимлиқдин, юмшоқлиқдин бўлур ва агар киши бу сўзда тааммул қилса билгайки, олам аро ҳама яхши сифат хушхўйлик аро бордур”.

Қитъа:

Шоҳлару шаҳриёр аҳлиға,
Жумлаи халқнинг салоҳи учун
Хўбдур корсозлик ҳамма вакт,
Хўбдур дилнавозлик ҳар кун.

Фаридундин сўрдики: “Мулозим хизматкорни не нимарса бирла хизматда тутмоқ керак?”. Айди: “Лутф ва ювошлиқ бирла!”. Айдилар: “Мушкулларни не нимарса бирла ҳал қилмоқ керак?”. Айди: “Юмшоқлиқ ва корсозлик, муроса кўргузмаклик бирла”. Бу бобда айтибдурларки,

Қитъа:

Мухиммеки, бисёр мушкул дуур,
Бўлур қилса рифқу мадоро била.
Битар нармлиқ бирла ул кори бор,
Ки битмас эса тийғи бурро била.

Жамшид вазиридин савол қилдики: “Подшоҳларға қайси сифат бирла инсоф кўргузмак вожибдур?”. Вазир айди: “Юмшоқлиқ ва хушхўйлик бирла. Не учунким, бу сифат боисидан раиятлар ҳамиша подшоҳни давлати саботига дуо қилурлар ва лашкар ҳама подшоҳ ризосин истарлар. Салтанат раиятнинг дуогўйлиги ва сипоҳнинг ризожўйлиги бирла интизом топар. Ва дигар буким, гуноҳкорга юмшоқлиқ ва ширин забонлик бирла андоқ адаб ва гўшмол бўлурки, унф ва сиёsat бирла ул мұяссар бўлмагай”.

Чунончи, келтурубдурларки, подшоҳлардин бири юмшоқлиқ ва хушхўйлук сифати бирла машҳур эрди. Бир куни бовурчисини чорлатиб айдики: “Менга фалон навъ таом пишируб келғил ва ул таомга бисёр масаллиқ сарф қилғил”. Бовурчи ул таомни тартиб бериб ва ўзга таомлар анга ҳамроҳ қилиб подшоҳ назарига келтурди. Султон таомеки, ўзи буюруб эрди, анга назар солди эрса, бир чибин кўрди, они олиб ташлаб бир луқма қўлига олди ва доғи бир чибин анда кўрди.

Они ҳам олиб ташлади ва яна бир луқма олди, анда ҳам бир чибин күрди. То ул таомдин қўл йиғди ва ўзга таомдин тановул қилди.

Алқисса, таомдин фориғ бўлдилар эрса, ошпазни чорлатиб айди: “Бу таомники муҳайё қилдинг, бағоят лазиз ва латофатлик экан. Тонгла ҳам доғи бу ошдан наҳорга тартиб бергил. Шартики, онинг ичинда чибинлар тўла бўлмағай!”. Бу сўзнинг латофатига ҳозир бўлган ҳама кулишдилар ва таажжубга қолиб айдиларки: “Подшоҳ ошпазни силлиқлик бирла андоқ шарманда қилдиларким, адаб бермоққа ҳожат бўлмади”.

Байт:

Гуноҳ баробарида токи лутф кўргузса киши,
Киролмагай бу хижолат узра укубат иши.

ЎН ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ ШАФҚАТ ВА МАРҲАМАТ БАЁНИДА

Азимушшон подшоҳлар ва рафиъ ул-макон шаҳаншоҳларға лозимдурки, халойиқ яхшилари ҳақида марҳамат тариқин тузгайлар ва мамолик раиятлариға шафқат юзин кўргузгайлар. Не учунки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло зеридастларга раиятларни аҳли иқтидор, соҳиби ихтиёр подшоҳлар ва ҳокимлар қўлиға омонат топшурубдур, тики аларнинг паноҳида фароғат ва истироҳат бирла бўлғайлар. Синуқ кўнгуллари аларнинг раиятнавозлик ва марҳаматсозлик, жабборлар хужуми балосидин ва ситамкорлар зулми ибтилосидин эмин бўлғайлар.

Бас, шоҳ керакким, Ҳақ таолодин “ирҳам турҳаму” марҳаматин умид қилиб, ожизларга раҳм қилғай, яъни “раҳм қилғил ожизу мискинларга, агар уларга раҳм қилсанг, Ҳақ раҳматидин насиба топарсан”, демак бўлур. Салтанати рухсорига “Аш-шафқату ‘алā ҳалқиллāх”, ҳоли зебоси бирла оройиш бергай, яъни зеридастлар шафқатлари, зеридастлар узрадур, демак бўлур.

Қитъа:

Шафқат ерида кўтарди ҳар кимки алам,
Биткарди ўз ишини ва халқ ишини ҳам.
Давлат кўзи ул кишига очилмаским,
Шафқат йўли ичра кирди, урди қадам.

Охират саодати ва дунё саломати марҳамат ва шафқатга боғлиқдур. Чунончи, келтурубурларки, сulton Маҳмуд Фазнавийнинг отаси Сабуктегин аввалғи ҳолида Симжурга мулозим эрди ва авқоти танглик бирла кечар эрди. Бир отидин ўзга нимарсаси йўқ эрди. Ҳар кун шикорга борур эрди. То бир сайд қўлига тушур эрдики, кунлук овқати ул бўлур эрди. Бир куни сахро сари мутаважжих бўлди. Бир кийикни кўрдики, боласи бирла ўтлаб юур. Сабуктегин отин югуртти эрса, кийик қочти, боласи доги кичик эрдиким, онаси бирла югурмак бўлмади. Сабуктегин они тутуб олди. Қўли ва оёқин боғлаб, эгарни олдига қўюб, шаҳр сори юрди. Чун кийик боласини гирифтор кўрди эрса, бетоқат бўлуб, Сабуктегин атрофида айланур эрди ва овозин чиқариб нола қилур эрди. Чун Сабуктегин бу ҳолни кўрди эрса, раҳми келиб, оҳуи баррани бўшатиб кўя берди. Онаси келиб боласин олди ва юзин осмонга қилиб, безабонлиқ забони бирла Сабуктегин ҳақида муножот қилди.

Мисръа:

Эй Худо, санки билурсан безабонлиқ тилини.

Сабуктегин хушку холи шаҳрға келди ва кечаси ҳазрат Расулиллоҳни, саллогоҳу алайҳи васаллам, тушида кўрди ва анга айдики: “Эй Сабуктегин, ул шафқат ва марҳамат, ул карами утуфатким, ул тилсиз жонивор борасида сендин вужудга келди, анинг жиҳатидин Аллоҳ таоло сенга подшоҳлик шарафин берди. Аммо керакки, подшоҳ бўлганингда Аллоҳ бандаларига ушбу тариқа шафқат бажой келтурғайсан ва раиятинг борасида марҳамат риоясин ташламағайсан”. Бир улуғ одам айтубдурки, ҳайвонға шафқат кўргузмак бирла киши фоний жаҳон подшоҳлигин топмиш. Агар одамийзодига марҳамат қилган сабабидин боқий олам салтанат топсалар, таажжуб бўлмағай.

Қитъа:

Раиятдин олма риоят қўлин,
Раоёға топшур раият ишин.
Алар роҳатин ғамин егил,
Жигархасталардурки, раҳм айлагил.

Хукамо айтибдурларки, подшоҳлар шафқатлари осоридин бири буки, раиятни дўст тутмоқлари ота ва ўғулни тутқондек бўлғай, ҳар ишиким, ўзларига раво кўрмаслар, аларға ҳам раво кўрмағайлар, то алар борин булардин дариф тутмағайлар. Ҳамма ҳиммат шафқатлари қанчаки бордур, Худойи таолонинг раҳмати назари улар сори онча кўбдур.

Қитъа:

Агарчи раҳм айласанг, Ҳақ раҳм қилғай,
Юзунгға марҳамат эшиги очилғай.
Тутар бўлсанг, Худонинг лутфиға кўз,
Киши ҳаққида сан ҳам раҳм кўргуз.

Ардашер Бобак ўғлига васият қилдики: “Эй фарзанд, жаҳд қилғилки, то шафқат ва марҳамат бирла раиятни раиятлик мартабасидин дўстлик даражасига еткургил. Яъни навозиш ва меҳрибонлик айлаб кўнгулларин қўлунгга олғилким, ўзга аъзолари анга тобедурлар, то ондин ҳар наким хоҳиш қилурсан, осонлик бирла қўлунгга келтур”. Хукамонинг биридин сўрдиларки: “Подшоҳлар шикорининг хўброки қайсидур?”. Айдики: “Раият кўнгулларин овламоқ, не учунки, подшоҳнинг муҳаббати уларнинг кўнгуллари аро жой топса, ҳеч нимарса анинг борасида дариф тутмаслар”.

Байт:

Мулки маъно истасанг, жамъ эт кўнгуллар лашкарин,
Йиғмайин лашкарни, юрт олмоқға бўлмас эҳтимол.

Подшоҳ шафқатидан бири буки, қанча иложи бордур халойиқни зираот ва иморатга далолат қилгай, коризлар оқизмок ва ариқлар пайдо қилмоқда аларга мададкорлиқ қилғай. Келтурубурларки, Нўширвони Одил бир кентга қўйган доруғасига дастхат ёздики: “Агарчи ер вилоятингда тариғсиз қолса, сени дорга осгайман!”. Бу сўзидан ҳикмат бу эрдики, подшоҳга манфаат хирождин бўлур ва хирож вақте, бисёр бўлурким, мамлакат обод бўлса, мамлакат ободлиги зироатдин ўзга нимарса бирла бўлмас. То раиятга мададкорлиқ қилмаса ва шафқат осордин улар ҳақида зухурга келтурмаса, зироат иши мұяссар бўлмас.

Байт:

Мулк ободин тиларсан, халқни маъмур қил,
Бошларидин борча золимлар жафосин дур қил.

Келтурубурларки, Худойбандахон ўғли султон Абу Саид замонида беклари раъоёга ситам қилур эрдилар ва молларин дастурдин зиёда олур эрдилар. Бир куни Султон умароларга айдики: “Мен то бу вақт раият тарафин олур эрдим. Мундин кейин бу одатни бартараф қилдим. Агар маслаҳат кўрсангизлар, то уларни амволларин бир йўла ғорат қилоли ва ҳеч нимарса оларга қўймоли. Аммо шартики, мундан кейин мендин ҳеч улуфа тамаъ қилмангизлар ва агар мабодо бирингизлар бу тамаъ изҳор қилсангизлар, ани уқубатга гирифтор қилайин”. Умаролар айди: “Бизлар улуфасиз нечук зиндакорлик қилурмиз ва хизматингни нечук бажо келтуурмиз?”. Султон айди: “Менинг ва сизларнинг мусолаҳамиз тартиби раиятни зироат ва иморат, касбу тижоратига кўшиш қилмоқларидин ҳосил бўлур. Вақтеки, аларни ғорат қилсак, бу маҳсулотларни кимдин кўз тутмок керак. Андиша қилингизларки, агар раиятнинг уйи ва уруғларидин олсангизлар ва озуқларин есангизлар, алар ночор зироатни тарқ қилурлар. Алар зироат қилиб, ҳосил олмагандин кейин сизлар на еб ва на киярсизлар!”. Умаролар бу танбеҳларни султондин эшитдилар эрса, раият раъоёси ва навозишига машғул бўлдилар.

Қитъа:

Айди бу сўзни бузрук хурдабин,
Хўбдур шахфа раият ганжидин.
Сарф этиб бу бўлғуси охир тамом,
Лек бор ўлмиш ани нафъи давом.

Подшоҳ шафқатидин бири буки, ҳар кун умумий мажлис тузғайким, анда улуғлар ва кичиклар ҳама жамъ бўлғайлар, то доддоҳни аҳволига ўзи мутталаш бўлғай ва анга ҳар киши арзини

бевосита айтғай, зулмрасида сирриға ўзи бегумон воқиф бўлғай. Ясовуллар ва ноиблар тамаъ юзидин додҳоҳга тааруз кетуролмағайлар. Хабарда келтурубурларки, ҳарамайн акобирлари Носир халифага нома ёздиларки: “Халифалиқ санга муносиб эрмас, не учунки, ноиблар, хизматкорлар, мутааллиқлар, халойикға зулм қилурлар ва турлук жавру ситам еткуурлар!”. Ул жавоб ёздики: “Бу сўзларки, сизлар кимсизлар? Айдингизлар, андин менинг хабарим йўқдуур”. Алар доғи бир нома юбордиларки: “Бу узрки, сенинг айтганинг қилган гуноҳингдин ҳам маъқулроқдур. Бузруклар айтибурларки, ҳар нимарсаким, анинг жавобини бермак санга лозимдур. Яна бошқа кишига ҳавола қилмағил, раъё мухимларин ўз зимманга олибсан, тонгла савол вақтида жавобини уддасидин чиқмағинг лозим бўлур. Бу бехабарлик, ғофиллиғинг орага кирмас ва бу узрунг вафо қилмас. Масалан, вилоятеким, манга тааллуқлидур, агар кўпрук бузуб, бир совлик қўй андин ўтарида бир қўзини оёқи тешукка илинса ва бу сабабдин анга аламе пайдо бўлса, қиёмат куни мендин сўрғайлар ва онинг уддасидин чиқмоқ менга лозим бўлур”. Бас, ҳар кимки, подшоҳлик мансабин қабул қилса ва қудрат оёқин ҳукумат тахтига қўйса, ночордурки, бу иш ҳукуқин адо қилмоққа ружуъ қилмоқ керак. Анинг расми ва тариқин, шафқат ва марҳамат, яхшилиқ соғинмоқ бирла жорий келтурмак керак.

Қитъа:

Шоҳлик тахтида ўлтурмоғлиғинг осон эмас,
Ул мақом устида бисёр эҳтиёт этмак керак.
Ожизу мискину меҳнаткаш муродини бериб,
Фақир аҳлининг ғамин еб, ҳолиға етмак керак.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ ХАЙРОТ ВА ЯХШИ ИШЛАР БАЁНИДА

Ҳар соҳиби давлатнинг ҳиммати зиммасиға вожибдурки, бу фоний жаҳонда умри вафо қилишига боқиб яхши иш қоидасин тебратгай ва яхши амал бинолари бунёдин маҳкам этгай. Не учунки, ҳар киши яхши амал иморатин устувор қилса ва ўзи ўлгандин кейин боқий қолса, они баракотидин ҳар лаҳза файзу футух осори ул кишининг руҳига етар ва бу амални садақаи жория дерлар, яъни садақаки, файзи дарёдек ҳамиша равондур. Чунончи, масжид барпо қилмоқ, савмаа ясамоқ, хонақоҳ бино қилмоқ, лангар этмоқ, кўл қозумоқ, кўпрук солмоқ ва бу янглиғ ҳар нимарсаким, манфаати умумий эрур. Модомики, асари боқийдур. Савоби ва ҳадяси бино килгучисининг руҳига етиб турғай.

Назм:

Яхши намуна айлаб, ҳар ким вафот этмиш,
Ҳар лаҳза тоза файзи руҳи қошиға этмиш.

Ҳар бир оқил хушёрки, инобат сайқали бирла ғафлат зангини хотира ойинасидин аритса, дунё улуғлиғи завол топиши ва тўхташини билади. Албатта, бу маънони топса керакки, бу саройи фонийга келмакни хусулида ёдгоридин ўзга нимарса боқий қолмас. Ҳар олий иморатлар, шариф мавзеларки, подшоҳлар, умаролар ва давлатмандлардин қолибдур. Булар воситаси бирла ҳаётлари осори рўзғор сахнида, даврон сафҳасида событ ва битиклиқдур. Аларнинг отлари оқиллар қошида балки бисёр улуғлар ва кичик олдида машҳур ва маълумдур.

Байт:

Чунки қолмас бу жаҳони беқарор,
Яхши иш қилғилки, қолғай ёдгор.

Бу оламда ҳар нимарсанинг ёдгори событ қолур. Хусусан, яхши ишлар биноларини рақамлариким, ҳеч ҳодиса суви бирла замона лавҳлари юзидин ювулмаслар. Хайр иморатларики, бурунғилардин воқеъ бўлубдур, анинг ҳикояти отадин ўғулға, ўғулдин набирага, набирадин фурӯъ набирага ва алоҳаддиҳи-л-қиёс қулоқдин қулоққа эшитилиб, кейинги зомана аҳлига етар.

Байт:

Кетти Кисро, қолди лек айвоники, қиссаси,
Борди Нўймон, лек чу равнаки зикри бор.

Бузурглар айтибдурларки, ҳар кишиким, Худо тавфики ва лутфини ҳимояти ва лиддунё мазид ошиёнидин парвоз уруб, давлат

соясин анинг комкорлиги фарқиға солса, яъни бизнинг қошимиздадур зиёдалик ва баракат, демак бўлур. Музаййид калимаси мунда масдари мимий бўлғай, Ҳақ бахшиши ва карамининг бози баландпарвози адо бўлмас. Файз сахнидин жилва кўргузуб саодатмандлик қўлига қўнса, ҳолига лойик будурким, аҳволи сахифаларига “Ин аҳсантум аҳсантум ли-анфусикум”¹ рақамлари бирла оройиш бергай. Яъни яхши иш қилурсизлар – ўзингларга, демак бўлур. Хайрот – яхши намуналар барпо қилмоқдин ва “боқиёти солиҳот”дур, яъни ўзидин кейин қолган яхши амалларики, жория садақалардур. Охират сафари оз вақtedин муҳайё қилғай, то анинг неъматлари зикри ва карамлари шукри жаҳон атрофиға етгай, мадҳи ва оғарини ҳар замонда ва ҳар ёнда жорий бўлғай.

Байт:

Забаржад тоқ уза олтун била бу сўз битилмишким,
Карам аҳлини эҳсонидин ўзга қолмағай боқий.

Ҳадисда келтурубдурларки, киши охират манзилиға борганида ҳеч амал анга ҳамроҳ бормағай. Магар уч нимарса, аввал садақаи жория, чунончи, масжид ва хонақоҳ, мадраса ва мевалик дараҳт бунёд қилмоқ, лангар ва қудуқ, кўл ва кўпрук бино қилмоқ. Иккинчи амалки, анинг бирла халойик ҳар дам нафъ олмишлар. Учинчи, солиҳ фаразандким, анинг руҳига дуо қилгай. Бас, подшоҳлик вилоятини тасарруфиға қўл урганлар ва шаҳаншоҳлик боргоҳини тахти узра ўлтурганларга бу ярашурки, ҳимматлари меъморини аввалан масжидлар бино қилмоқ ва савмаалар барпо қилмоққа сайъ қилғайларким, “Иннамā йа‘муру масажидаллāҳи ман āмана биллāҳи”², муни шаънида воқеъ бўлубдур, яъни мундин ўзга эмаским, бино қилур Худойи таолонинг масжидларин ул кишиким, иймон келтирмишдур Худой таолога, демак бўлур.

Ҳадисда келтурубдурларки, “Ҳар кишиким, Худо ризоси учун масjid бино қилса, Ҳақ субҳонаҳу они учун беҳиштда саройе бино қилур ва кўхна масжидни таъмир айласа ҳам ҳукми будур”. Масжид иморатидин сўнгра имом ва муаззин таъйин қилмоқ, аларнинг мишатлари асбобин муҳайё айламак керак, токи фароғат ва беғамлиқ била ўз муҳимларига машғуллик қилғайлар, авқоти жустужўйи учун

¹ “Агар эзгу иш қилсангизлар – ўзларингизга эзгулик қилган бўлурсизлар”. (“Ал-Ирсо” сураси, 7-оят)

² “Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни мукаммал ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина қўрққанлар обод қилурлар”. (“Тавба” сураси, 18-оят)

ул ишлардин қолмағайлар. Яна шуки, баланд тоқили мадрасаларни бино қилмоқ керак, маъни маҳбубин ибодат пардасидин чикориб, яхши тақрир жилвагоҳида аён қиладурган мударрислар ва мағҳум дилларин алфоз дарёси қасридин таълим ғаввослиги бирла баён соҳилига чиқародурған муаллимларни анга муаййин қилмоқ керак. То дарс айтмоқлари бирла шариат илми уруғин олам саҳнига сочғайларким, они савоби ва баракоти уларнинг давлатлариға мададкор бўлғай, дигар вилоятпаноҳлар, дилогоҳ сўфилар учун покиза хонақоҳлар ва мусаффо савмаалар тартиб бермак керак. То ҳақойик толиблари ва дақойик роғиблари, уларни шариф анфослари юмни бирла мақсадлари нихояти ва матлаблари ғоятига еткургайлар. Уларнинг аҳволлари ва ҳикматлари нурлари таъсири бу хайрот боиси бўлғай.

Подшоҳларнинг шарофати моддий ва маънавий баҳт-саодат топмоқлариға сабаб ва восита бўлғай. Мадраса ва хонақоҳлар бинолари тамом бўлди эрса, алар ичра муқим бўлган толиб ул-илмлар ва дарвешлар вазифаларин доғи таъйин қилмоқ керак, то майшати маънавиятдин кўнгул жамъ қилиб, фикру зикрлариға шуғул қилғайлар. Буқъа – хайрия биноларини таъмир қилмоқ керакки, анда факирлар ва муҳтожларнинг эрталик, тушлик ва оқшомлик робиталари муҳайё бўлғай, то хайрот эгаларининг хотирлари жамъ ва ботинлари соғ бўлмоқига боис ул бўлғай. Яна доруш-шифо барпо қилиб, анда табиби ҳозиқ ва ҳакими мушфиқ муайян айлаб дорулар, шарбатлар, ғизолар ончаким лозимлиқдур, мураттаб ва муҳайё қилмоқ керак. То муни баракотидин дунёда сихҳат ва саломат бўлуб, охиратда оқибат ва каромат топқойлар. Яна мустаҳкам лангарлар таъмир қилмоқ керакки, йўл жафосидин машаққатдийда бўлган мусофиirlар оромгоҳи ва меҳнаткашида бўлган ғариблар ҳобгоҳи бўлғайки, анинг натижаси кўб ва самараси бешумордур. Яна сувлар устига кўприклар қуруб ва таъмирлаб қўйиш зарур, халойиклар они бирла ўтмоқлари осон бўлғай.

Бу хабар бағоят писандидадур. Не учунким, хабарда келтурубдурларки, ҳар киши мусулмончилик йўлида кўприк бино қилса, Худойи таоло ул кишини Сиротдин ўтмагини осон қилғай. Агар кимса жамоа манфаати учун ариқ ва ё қудук бино қилса, қиёмат куни ташналигидин эмин бўлғай. Нақл қилибдурларки, сахобалардин бири ҳазрат Расул саллоллоҳу алайҳи васалламга арз қилдиларки: “Ё Расулуллоҳ, мақсудум улдурки, онам рухи учун хайрия қилгайман ва садақа бергайман. Бу ишда манга не буюурсиз?”. Ҳазрат амр

қилдиларки: “Садақалар хўброки сувдур”. Бас, ул саҳоба бир қудук сотиб олиб, мусулмонларга вақф қилди ва савобини онасининг руҳига бахшиш қилди.

Ва яна ҳар бир киши, бузруглар мазоротин таъмир қилса, арвоҳи поклари таъмир қилғучини саодатосори ва давлатига мададкор бўлғайлар. Хайроти куллиядин бириси буким, бурунги ўтган эҳсонпеша жавонмардларким, худойи буқъалар таъмир қилиб, анга кўб мулклар ва вақф қилибдурлар, ул вақфларга муваккил кишилар таъйин қилибдурлар. Агар ул муваккилдин бедиёнатлик зоҳир бўлса, қўлидин олиб, яна ўзга амин ва муъаддин кишига топшурмоқ керак. Махсулотларни ул буқъага тааллук ва бу вақфга мустаҳик кишиларгаким, вақф қилғучини нияти уларга тааллук топмишдур, еткурмак керак. Вақф хусулотин жамъ қилмоққа диёнат-андиша ва инсофпеша кишиларни мутсадди қилмоқ керак. Балки, мунгача ҳам ҳануз эътимод қилмой неча вақт уларни тафаҳҳус қилиб хиёнатлари эҳтимолидин кўнгулни жамъ қилмоқ керак. Яна вақф муҳими ни осон тутмоқ рано эрмас, на учунким, бу ишга машғул бўлмоқ шариатни тақво қилмоқ бўлур ва ҳар кишики, вақф ишига шариат дастури бирла ривож берса, “Ал-дāллу ‘алал-хайри ка-фā ‘илиҳи”¹ ҳукми бирла ажру савоб вақф қилғучига шерик бўлур, яъни яхши ишга далолат қилгучи ажру савобда ул ишни бажо келтурган киши янглиғдур, демак бўлур.

Байт:

Хайр қил, ё хайрға бўлғил далил,
Токи топқил қилғучи янглиғ савоб.

Ва онча хайр бобида сўз узайганидан мақсад бу эрдики, садақоти жориянинг савоби беҳад ва бепоёндур.

Келтурубдурларки, бузрукларнинг бири хиёнат омонатин ажал муваккилига сипориш қилиб эрди. Вужуди раҳтин бу фоний манзилдин жовидоний саройига элтиб эрди. Они тушда кўрдилар ва анга вафотидин кейин воқеъ бўлган ҳолатлардин сўрдилар эрса, айди: “Муддате эрдики, азоб сиканжасида гирифтор ва уқубат уқоби чангалида заифу низор эрдим. Ногоҳ нажот алтофномаси карами илоҳий девонидин етти. Ҳак субҳонаҳу ва таоло гуноҳларимни афв қилди”. Сойил яна сўрди: “Ҳеч маълум қилдингмуким, нажот сабаби не эрди ва не боисдин санга халослиқ рў берди”. Жавоб айдики: “Биёбонеда лангар таъмир қилиб эрдим. Дарвеш ҳаво иссиғида келиб

¹ “Яхши ишга далолат қилувчи мукофоту савобда ул ишни бажо келтирган кишига тенг бўлади”

ул лангар тамоми соясида осойиш истироҳат қилди ва майшати роҳатға бадал бўлган сабабидин бу равиш бирла дуо қилди: “Худоё, бу мавзени бино қилган кишини мағфират қилғил”. Дарҳол анинг дуоси ўқ ижобат нишонасига тегиб, Худойи таоло мени омирзида қилди ва жаҳими ҳуфрадин наъим равзасиға еткурди”.

Байт:

Иш юзиға фикр ила ҳарчанд боқтим, англадим,
Яхши иш яхши экандир, андин ўзга ҳеч экан.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ ЖУДУ САХОВАТ ВА ЭҲСОН БАЁНИДА

Жуду саховат халойиққа манфаат еткурмак бўлур ва эҳсон яхшилик кўргузмак эрур. Саховат яхшилик от чиқормоқнинг сабабидур ва эҳсон кўнгулни дўст тутмоқнинг боиси эрур ва ҳеч сифат ва хислат одамларга, хусусан, улуғлару давлатмандларга жуду саховатдан хўброк эрмас.

Қитъа:

Киши топқай шарафни жудидин,
Хурмат қурбни сужудидин.
Кишиким, йўқ анингда бу икки,
Иш йўқлуғи хўбдур вужудидин.

Хабарда келибдурки, саховат беҳиштнинг дaraohларидин эрур ва ҳақиқатда ниҳолидурким, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг хушнудулиги жўйбори канорида унмиш ва шоҳ баландликда аъло юксалиш аламинга уланмиш. Дунёда яхши от кўтармакнинг шукуфасидур, охиратда каромат ва саодат топмок мевасидур.

Байт:

Бу сахо шохедуур, бир мева жаннат боғидин,
Вой ангаким, сахв ила ани бермиш иликидин.

Хукамонинг биридан сўрдилар: “Айбидурки, ҳама яхши ҳунарларни ёпар надур?”. Жавоб бердики: “Бахиллик!”. Ва яна сўрдилар: “Яхши ҳунариким, жумла айбларни босар, қайси?”. Жавоб бердики: “Саховат”.

Байт:

Ҳунар саховат эрур, андин ўзгаси ҳама ҳеч,
Агарчи ҳар иликинг юз ҳунар қилур изхор .

Яхши билмак керакки, киши ўз молини инсонлар учун сарфламаса, улуғлик ва сарафrozлик тавсанин қайдига ололмас.

Назм:

Тажриба қилдим ҳама андишадин,
Ким йўқ эрур саховат пешадин.
Хос келибдур карам учун дирам,
Бўлди дирам қофиясида карам.

Искандар Арастудин сўрдики: “Дину дунё саодати не нимарсадин бўлур?”. Айди: “Саховат ва эҳсондин. Аммо дин саодати бўлмоқи буки, Ҳақ субҳона ва таоло ёрлақар: “Ман жā’а бил- ҳасанати фа-лаҳу

‘ашру амсāлихā’¹, яъни ҳар кишиким, даргоҳига бир яхши иш келтуур. Бас, берурман анга ул келтурган янгилиғ ўн яхшилик, демак бўлур. “Бо” калимаси мунда таъдия учундир ва “то” калимаси вахдат учун.

Байт:

Тангри даргоҳига гар бир тухфасидин етгуси,
Бир васлинг бирла ул андоғ ўн инъом этгуси.

Аммо дунё саодати бўлмоқи буким, “Ал-инсāну ‘абду-л-ихсāни”² хукми бирла халойик кўнгуллари қушин карам доми бирла сайд қилса бўлур. Яъни одамийлар саховатнинг қулидурлар, демак бўлур. Чун кўнгулким, султондур киши қайдига тушса, баданким аниг тобеъи эрур. Табиатин тутуб доги ул домга илинмай иложи бўлмас. Бу мазмун бирлаким, вактеки, халойикни қайдига тушурса, саодат эшиклари аниг юзига очилур ва муродлари асбоби ҳама муҳайё бўлур. Хабарда келтурубурларки, Хусрав Парвизнинг бир лашкарбоши муборизи бор эрдики, лашкарликда маъруф ва машҳур, яхши тадбир ва қавий шижаот бирла мамолик атрофида мавсуф, мазкур эрди. Андоғ муқарраб ва мўътамад эрдики, ҳеч муҳимда Хусрав аниг кенгаш йўлидин ташқари чиқмас эрди.

Байт:

Мамлакати ҳусниға зийнат эди,
Давлати бозусида қувват эди.

Бир куни хабаргирлар Хусрав самъига еткурдиларки, бизлар андоқ озмойиш қилдуқким, сенинг ул сипаҳсолоринг оқибат фармонинг йўлидин чиққуси, саркашлиқ ва исён, адоват ва туғён тариқин тутқусидир. Бас, бу суврат вуқуъга келмасдин бурун иложига машғул бўлмоқ керак.

Қитъа:

Воқеа фикрини бўлмасдин бурун қилмоқ керак,
Иш иликидин борғонидин сўнгра суд этмас дариф.

Хусрав бу хабарни эшилти эрса, андишанок бўлди ва тафаккур қилдики, агар ул қасди илики бирла муҳолифат жиловин қайтариб, мамлакатларнинг бири сори юзланса, сипоҳларим зубдалари ва лашкарим умдаларининг тўлароқи аниг бирла мувофиқат йўлин олурлар, эҳтимоли борким, аниг ёғий бўлмоқнинг овозасидин мамлакатим зобитасиға футур ва салтанатим қоидасиға қусур етғай.

¹ “Кимки бир савобли иш қилса, унга ўн баробар кўпайтириб ёзилур”. (“Анъом” сураси, 160-оят)

² “Одамларнинг кўнгли саховатнинг қўлидадир”

Қитъа:

Ёғий бўлур, бўлса мабодо агар,
Мулкум аро бўлғусидур шўри шарр.

Бас, давлат хослари ва тадбиршунослари бирла кенгаш қилди, эрса ҳама иттифоқ қилдики, они бандға солмоқ керак. Хусрав бу яхши тадбирларига оғарин ўқиди. Тонгла бўлди, эрса ул амирни мажлисга чорлатиб бурунги мартабасидин юқори ўлтурғузди. Анинг яхши авсоғ ва мақбул авзои, писандида афъоли ва сутуда ахволин тилиға жорий қилди. Яхши нафис матолар ва накдиналар, ўзга амволлар ва хазиналар анга ўзининг муносабатидин ортуқроқ инъом қилди. Ва ул бандға солмоққа маслаҳат кўрсатган мудаббирлар фурсат топиб арзи мувакқафиға еткурдиларки: “Эй малик, ул кун қилган кенгашга не учун тахаллуф қилдинг?”. Хусрав табассум қилиб айдики: “Мен ул маслаҳат хилофида иш қилмадим ва айтган сўзимдин қайтмадим. Сизлар айтиб эрдингизларки, бандға солмоқ керак. Мен тасаввур қилдимки, ҳамадин маҳкамроқ банд бирла боғлагайман. Кўрдумки, эҳсон ва инъомдин маҳкамроқ банд йўқдур. Анинг бирла боғладим. Яна тааммул қилдики, бир узви ё икки узвиға тушган банд сахлдор. Бас, кўнглини бандимга олайки, кўнгул подшоҳдур. Жамъи аъзолар аниг тобеъи, вақтеки, подшоҳ банд ичра бўлса, ўзга хидам ва ҳашамин бандга солмоққа ҳожат бўлмас. Демак, темур бандға эгав сурсалар, бузулуб ажрағусидур. Аммо жуду саховат бандиким, аниг кўнгулига солибман, ҳеч нимарса бирла сува бўлмас”.

Масалларда келибдурки, ваҳший қушни дом бирла сайд қилса бўлур, одамини эҳсон ва инъом бирла.

Назм:

Улусни сайд қил инъом бирла,
Ёбон ваҳшийларини дом бирла.
Киши хасмин карам бандига олғай,
Ки, ҳошо тийғ била они кеса олғай.
Агар душманга кўргузсанг саховат,
Чиқорғай кўнглидин кину адovат.

Ва андоқки, Хусрав хаёлида кечиб эрди, ул амири адоватгирнинг мухолифати ўти эҳсон ва инъом сарчашмаси сувидин ўчи, кинаси ниҳолининг илдизи сийнаси боғчаси сахнидин карам ва саховат сарпанжаси зўри бирла тамом юлунди. Андин сўнгра ният холис ақидат бандалар янглиғ жонсипорлик камарин хизматкорлик белига боғлади ва қолғон умри ичра Хусравнинг фармон йўлидин ҳаргиз чиқмади.

Байт:

Кўргач ул янглиғ навозишлар анинг эҳсонидин,
Чиқмади ҳаргиз умри борича фармонидин.

Ва бу рубоий ҳам ушбу мазмунга муносиб кўрунур.

Рубоий:

Ҳар ким караминг кўрса, санга ёр ўлғай,
Яхши сифатинг тилиға гирифтор ўлғай.
Душманга агар сахову эҳсон этсанг,
Умри борича санга вафодор ўлғай.

Саховат фазилатидин бириси будурки, сахийларни халойик кўнгуллари дўст тутарлар. Агарчи аларнинг эҳсонидин манфаат кўрмасалар ҳам. Масалан, агар Кошғарзамин халқи Ҳиндистонда бир саховатпеша жавонмард бор, деб айтсалар ҳам дўст тутарлар ва агар анинг эҳсониға офарин ўқудилар. Балки, каримеки, ҳаёт эмасдур, они ёд қилсалар, ҳама анинг мадҳу саносин айтурлар. Чунончи, Хотами Тоий вафотини тарихга тўққуз юз қирқ беш йил ўтуб эрмиш, андин то бу рисоланинг туркий бўлганини тарихига минг юз йигирма олти йил ўтубдур, ҳануз зикри баҳори мадҳу офарин риёхи бирла муаттар ва руҳафзо яхшилиғи ҳикояти чамани саноу таҳсин гуллари бирла музайян ва муаттардур.

Байт:

Хотам Тоий жаҳондин кетти, лекин то абад,
Яхши авсофи сахо аҳли аро қолди санад.

Хабарда келтурубдурларки, вақтеки, Хотамнинг жавонмардлиги овозаси Араб жазираси то Яман дор ул-мамлакатиға тамом етти, саховати шухрати Шом вилояти ва Рум мамлакатига етти эрса, Яман малики, Шом подшоси ва Рум қайсари анга адоват қила бошладилар. На учунки, уларнинг ҳар бириси саховат даъвосин ва жавонмардлик лофин ураг эрдилар. Аммо Хотамнинг зикри замон аҳлининг забонида тўлароқ жорий бўлуб эрди ва анинг жуду карами вазифаси ҳама атрофига етиб эрди.

Байт:

Абру дил анинг жудидин эрди шармсор,
Ҳиммати олдида олам молиға йўқ эътибор.

Бас, ночор уларнинг ҳар бириси анинг бирла сулук тариқин пеш тутар бўлдилар. Аввало Шом подшоси озмойиш қилмоқ учун Хотамдан юз қизил юнглук қарокўз тева тилаб, киши юборди. Бу янглиғ тева Араб вилоятида камёбдур ва агар топилса ҳам беҳад кийматбаҳо бўлур эрди. Бу пайтда шундай ранглиқ тева Хотам молида

йўқ эрди. Шом подшоҳининг кишиси Хотам қошига келиб подшоҳ пайғомини еткурди, эрса Хотам қабул қўлин фармонпазирлик сийнасига қўюб жавобида самиан ва тавъиан тилига бу мисрани жорий қилди.

Мисраъ:

Ҳар ҳукмингга биз банда фармонбардор.

Бас, элчини яхши манзилга тушуриб ва зиёфат асбобин, чунончи, унинг ҳолига муносиб эрди, ондин ортуқроқ муҳайё қилди. Ўз тобеъларини йифиб буюрдики, араб қабилаларига борингизлар ва нидо қилингизларки, ҳар киши бу навъ тевани Хотам қошига олиб борса, икки баҳосига олур. Доғи ул кишига йўл ранжи ижорасин бериб, инъом бирла моломол қилур. Ҳосил, бу тариқа бирла ул навъ юз тевани қарз олиб, Шом подшоҳига йиборди. Ва элчи буларни подшоҳ назарига еткурди эрса, кўруб ҳайрон қолди ва айдики: “Мен ул аъробини озмойиш қилай десам, ўзини биз учун мундок беҳад қарзга солибдур”. Бас, ул соат буюрдики, бу теваларга Миср ва Шомнинг пурбаҳо матоларидин юклангизлар. Юкладилар эрса, Хотам мунодий қилдурдики, “Ҳар кишиким, менга тева сотибдур, жамъ бўлсунлар ва ўз теваларин тониб, устидаги юки бирла олсунлар!”. Бас, тева эгалари келиб теваларин юки бирла олиб кеттилар ва ҳеч нимарса ондин Хотам олмади. Бу хабар Шом мулкига етти эрса, айдики, бу ҳиммат одамийзод қўлидин келмас. Хотамни сахо ишида мусаллам тутдим, деди.

Байт:

Сахий Хотамким, шухрат олмиш,
Дегандек, ростдур беҳуда эрмас.

Рум қайсарики, Ҳирақл дер эрдилар, вақтеки, Хотам жудининг дабдабасин эшилти эрса, они тафаҳҳус қилмоқнинг фикрига тушти. Ногоҳ қулоқига еттиким, Хотамнинг бир бодпойи жаҳонпаймой оти бор эрмишки, ўқдек тез ва умрдек чобуки Рум қадамлиқда барқ анга ўзин ўхшатмоққа ибо қилмиш, чустком боди сабо анинг қадами ғуборидин тўтиё билмиш.

Байт:

Чу Ширин отидек Гулгун хушрав,
Анга эргашолмас Шабдези Хусрав.
Югурса барқ янглиғдур сабки хез,
Ки, пўя вақтида сарсар каби тез.

Қайсар вазирини чорлаб, айдики: “Хотамнинг саховати хабари Арабу Ажам аро фош бўлди. Жавонмардлиги ва муруввати шухрати Қофдан то Қофни тутти. Мен эшиттимки, бу сифатлик оти бор эрмиш хотиримда кечарки, они аҳволи нақдини озмойиш маҳкамига ургайман ва ул отни тиламак учун киши юборгайман. То анинг саховати кайфияти маълум бўлғай”.

Қитъа:

Тилай андин бу янглиғ бодпони,
Саховат пеш этиб, гар берса они.
Солайким, жуд ишида ҳиммати нағз,
Ва гар на шухратидур пўсти бемағз.

Бас, лойик ҳадялар ва тухфалар бирла ул отнинг талабида Хотамга бир элчи йиборди. Чун элчи бани Тай қабиласига етти эрса, ногоҳ қазодин ҳаво совуқ бўлди. Кор ёғди ва Хотам элчи хабарин олиб истиқболига чиқти. Они яхши, покиза манзилга тушурди ва зиёфат учун от сўйингизлар, деб буюрди. Ходимлари Хотамга айдиларки: “Отлар биёбондадур. Эшикда шул яхши отдан ўзга от йўқдур”. Буюрдики: “Шу отни сўйингизлар”. Зиёфат қилдилар ва таомдин фориғ бўлди эрса, истироҳат асбобин элчига муҳайё қилиб, ўзи саройга келди. Ул кеча ҳеч навъ сўз воқеъ бўлмади.

Эрта тонгда Хотам яна элчи қошига узроҳликга келди эрса, Қайсарнинг номасини, олиб келган тухфаларини Хотамнинг олдида қўйди. Хотам анинг мазмунига мутталаш бўлди эрса, бағоят андишанок ва маҳзун бўлди. Элчи Хотамнинг чехрасидаги бу навъ малолат асарин зоҳир кўруб, айдики: “Эй жавонмард, агар отни беришга мунча паришонлик кўргузсанг, бизнинг ҳам мунча шиддатимиз йўқ”. Хотам жавоб бердики: “Агар мундоқ минг от бўлса ва они бир саҳл киши тиласа, ҳеч назаримга илмай берурман. Ҳусусан, Рум янглиғ улуғ вилоятнинг азимушшаън подшоҳи мендек хоксорни бир от тилаги бирла сарафroz қилғай ва бу оз хизматим учун мундоқ улуғ элчини тухфа бирла мен каминага дилнавоз айлагай. Бас, мени бу қадар малолатим ва маҳзунлуғим ул ҳасрат ва надомат учундурким, сизга зиёфат қилганим шул от эрди. Кошки, бурунроқ хабар топқай эрдим. Ани зое қилмағай эрдим ва султон хизматидин маҳрум қолмағай эрдим”.

Назм:

Ул от дерсиз, ани бод суръат,
Туну кун айладим сизга зиёфат.
Ҳаво беҳад совуқ эрди, ёғиб кор,

Ки, йилқи сори бормоқ эрди душвор.
Йўқ ўлғач ўзга от эшигимда боғлиқ,
Ани кўрдум зиёфатга яроғлиқ.
Муруватдин эмаским бир замоне,
Гурусна бўлғай уйда меҳмоне.
Минг от андоғ агар йўқ бўлса бўлғай,
Ки, олам яхши отим бирла тўлғай.

Рум қайсарига бу от насиб бўлмади эрса, Хотам яна яхши отлар хижози тезком ва бодпой элчидин йиборди ва элчини ҳамул диёр тухфалари бирла моломол қилди. Вақтеки, элчи ёниб борди эрса, Қайсар бу ҳолга мутталаъ инсоф сифатин пеш тутти ва айдики: “Хотамнинг саховат расми ва муруввати қоидасини мусаллам туттум”.

Байт:

Деса бўлғайким, бани Одамаро,
Келмади андоғ яна соҳиби сахо.
Билдилар они мусаллам хосуом,
Жуд иши анинг била бўлди тамом.

Яман мулки подшоҳе эрдиким, сахо ва карам сифати анга ғолиб, эҳсон кўргузмак учун фақирлар ва муҳтожларга инъоми моидалари хосу омм ҳақида бисёр, икроми фокиҳалари мискинлар ва дармондалар учун ҳамиша етар.

Байт:

Очилса илки баногоҳ қилур учун эҳсон,
Йитар эди бу жаҳондин фақирлик яксон.

Подшоҳнинг хоҳиши андоқ эрдики, халойик тилида они саховатидин ўзга зикр мазкур бўлмағай ва олам атрофида онинг эҳсон-инъомидин бўлак нимарса машҳур бўлмағай. Бу сабаб ҳар ким онинг қошида Хотам сифатин айтса, ғазаби ўти тез бўлуб изо қилмоққа қадам қўяр эрди. Айтур эрдики: “Хотам менинг вилоятим раиятларидин бир сахронишин кишидур. Анда на жаҳондорлик мартабаси бор, на мамлакатдорлик мансаби, на оламгирилик қуввати бор ва на кишваркушойлик шавкати.

Байт:

На анингда тахт бор ўлғай, на тож,
На хизона, на божу хирож.

Бас, маълумдурки, анинг қўлидан не равиш саховат келур, неча оти, теваси ва қўйлари бордур. Анинг бирла не микдор, карам кўргузур. Мен Хотамнинг бир йиллик ҳосилини бир кунда бир гадойга

берурман ва аниңг юз меҳмондорлигини бир меҳмоннинг эрталигига сарф қилурман”.

Байт:

Тафовут қўй икимизға ародা,
Ки, ман отликдуурман, ул пиёда.

Алқисса, Яман малики бир куни улуғ жашн барпо қилди ва подшоҳона даъват ораста қилди. Анда хосу омни жамъ айлади ва улким, оқшомгача офтоб янглиғ зарбахшлиқға машғул бўлди. Ва дарёдек гуҳарфошлик кўргузур эрди. Ногоҳ бу аснода,

Байт:

Бирав Ҳотам сифатин зикр қилмоқға оғиз очди,
Сахосин баён қилмоқ била эл сори дур сочди.

Бу сўз рашкидин паришон бўлди ва ҳасад тамури ҳаракатга келди. Ўзига андиша қилдики: “Ҳеч важҳ бирла замона аҳли тили Ҳотам зикридин хомуш эрмас, аниңг мурувватпешалик ва саховатандишилиги халойиқ кўнглидин фаромуш эрмас. Бас, маслаҳат будурки, тадбир киштийбонини ёрмандалиғи бирла аниңг ҳаёти завракини фано ғарқабосига солғайман ва тазвир устодининг мададкорлиги бирла зиндагоҳлиги рақамин умргузорлиқ лавҳидин тарошлаб олғайман”.

Байт:

Ки, бордур жаҳон сахнида Ҳотам,
Мани яхши демаслар аҳли олам.

Аниңг пойтахтинда бир айёрпеша бордурки, бир дирам учун юз хуни ноҳақ қилмоққа бел боғлар эрди ва андак фойда кўб халқнинг кўнгуллари шишасин жафо тоши бирла синдирур эрди.

Байт:

Париваш кўзидек эрди хунрез,
Ки, маҳвашлар сочилик фитнангиз.

Подшоҳ ани ҳузурига чорлаб, илтифотлар кўргузди, ваъдалар қилди ва айдики: “Ўзунгни Ҳотам қабиласига еткургил ва ҳар ҳийла бирлаким кўнгулга етар, ҳар шуъбадаки хотиринг қабул этар, они ҳаёт мулкидин мамот шаҳристонига юборғил, хотамийларни мотами қилғил. Агар бу ишни вуқуъга келтурсанг, сени подшоҳона инъом ва хусравона икром бирла сарафroz қилғайман”. Бас, айёрпеша ва васвасандиша Ҳотамни ўлдурмакнинг уҳдасин олиб, Тай қабиласига мутаважжух бўлди.

Бир муддат сахрода юруб, Тай қабиласига етти. Чун ул қабилани илгари кўрмаган эрди. Ҳотам манзилин хабарини ололмай юрур эрди.

Ногоҳ бир йигит билан мулоқот бўлдиким, хушрўй ва хушхўй давлатмандлик аломат чехрасидин тобон ва аржумандлик нишонасидин дурафшон. Чун йигит анинг ғариб эканин билиб меҳрибонлик ва ширинзабонлик бирла аҳволин сўрди ва айди: “На ердан келурсиз ва на ерга борурсиз?”. Айёрпеша жавоб бердики: “Ямандин келурман. Шомга бормоқни қасд қилурман”. Йигит илтимос қилдики: “На бўлғай бу кеча менинг кулбамга қадам ташрифин еткурсангиз, то хизматкорлик мазҳарин шараф назарингизга еткурсам ва уйим сахнин ҳузурингиз юзи бирла ёрутсангиз, то жони дил миннатдор бўлсам”.

Байт:

Уйимға кир, мани бир дам овутғил,
Юзунгдин тийра кулбамни ёрутғил.

Бас, айёрпеша ул йигитнинг хушхўйлуғи ва дилжўйлиғиға дилбаста бўлуб, анинг манзилига борди ва ул йигит андоқ зиёфат ва меҳмондорлик расмин бажо келтурдиким, айёрпешанинг хотирига ҳаргиз мундоқ базм ҳузур қилиб, бу суврат базм тасаввур бўлмаб эрди. Ҳар лаҳзада гуногун таомлар ва рангаранг шарбатлар тартиб берур эрди.

Байт:

Ҳар нафас анинг зиёфатиға бок,
Овқатлари бир-биридин хўброк.

Меҳмон ҳар соат ул йигитнинг бағоят матъамот ва бениҳоят машрубоий муҳайё қилғонига таҳсин қилур эрди ва айтур эрдиким,

Байт:

Боракалло, базм иши мундоғ керак,
Элда ҳимматлиқ киши, мундоғ керак.

Ҳосил ул кечани бу тариқа бирла охирига еткурдилар. Чун субҳ маҳваши анбарин зулфи ниқобин чехрасидин кўтариб машриқ сорида жилва кўргузди эрса, меҳмон сарманзилдин иқомат раҳтин кўтариб мақсуди талабига мутаважжуҳ бўлмоқни қасд қилди. Ул меҳмон видоидин маҳзун ва гирён бўлуб, оташафрўз ва жигарсўз байтни тилига жорий қилур эрди.

Байт:

Юз доғ тушти кўнглумға етгач жудолиғинг,
Эй, кош бўлмағай эрди бу ошнолиғинг.

Мезбон бисёр муболаға ва дилнавозлиқ бирла айдики: “Эй ёр кироми, не бўлғайким, икки-уч кун мунда иқомат қилсангиз ва мени

сұхбатингиз файзи бирла сарафroz айласанғиз”. Айёрпеша турлук узрлар этакига қўл уруб айтур эрдики,

Байт:

Ҳайл қилманг мени бу ерда бисёр,
Ки, бошимда менинг мушкул ишим бор.

Йигит айдики: “Ул ишингдин мени огоҳ қилғил ва муҳимиғаким, шуғул қилиб сан менга айтғил, то қўлумдин келишича ул коруборингда сенга мададкор бўлғайман”. Айёр чунки ул йигитнинг хушхўйлуғи ва дилжўйлиғини бениҳоят кўруб эрди. Ўзича тафаккур қилдики: “Бу кулли муҳимиғаким, қадам қўюбман бу янглиғ ёрсиз, бу навъ мададкорсиз саранжом топмас. Олийҳиммат кўрунадурки, ғоят кўнгулчан йигит, ишбилармон жавонмард ва камбағалпарвар кўринади. Ҳеч маслаҳат мундин яхшироқ эмасдурки, сирримга маҳрам қилғайман ва бу мушкул ишимда они ўзимга ҳамдам билғайман”.

Назм:

Бир гули бу гулистондин бемадад,
Узса бўлмас гарчи гулдур беадад.
Ёр илкини тутуб бўлса равон,
Етгайсен манзил бошиға бегумон.
Ёрдин коринг мукаммал бўлғуси,
Ҳамнафасдин мушкулинг ҳал бўлғуси.

Чун андишасин мунго еткурди эрса, йигитга ул муҳим ишни маҳфий тутмоқ жиҳатидин савканд берди ва доғи бисёр муболага ва таъкид қилди. Охирида анга сиррин айта бошлади. Айдики: “Яман подшоҳига эшитилибдурки, бу навоҳида Хотам отлиғ бир киши бор эрмиш. Саховат ва жавонмардлик лофин, мурувват ва дилнавозлик газофин ураг эрмиш. Бу хабардин анинг кўнглига ҳасад васвасаси ва рашк дағдағаси тушмиш. Манки, олам аро бадкирдор ва паришон рўзғордурманки, майшатим дуздлик ва айёрлик бирла кечар. Замоне боргоҳиға чорлади, беҳад дилнавозлик ва марҳаматсозлик қилиб айдиким, мен санга бисёр хазина ва бешумор дафина берай. Шартики, Хотамни ўлдурғайсан ва бошин тухфа қилиб келтурғайсан. Мен бу ваъда жиҳатидин ва майшатим заруратидин ул ҳукмни қабул қилиб бу қабилага келдим. Бугун ҳайрондурманки, бу дунёда на Хотамни билурман ва на манзилидин хабар олурман. Сенинг бу навъ дилбарлиғинг ва бу қисм ғарибпарварлиғингдин ғариб ва ажиб эрмас, Хотамдин менга нишона берсанг. Они ўлдурмагимда менга ёварлик кўргузсанг. То мен подшоҳ қошида қилган аҳдимнинг уҳдасидин

чиқсан ва сенинг давлатингда они ваъда қилган инъомларин олиб моломол бўлсан”. Чун йигит бу сўзни эшитти эрса,

Байт:

Кулиб айдиким, Хотам ман эурман,
Бошим кеским, дариғ этмай берурман.

“Эй меҳмони азиз, қўпқилким, аҳлу аёлим ва хизматкорларим хабардор бўлмасдин бурун бошимни олғил ва бошни олиб йўлингга мутаважжих бўлғил, то Яман подшохининг мақсади ҳосил бўлуб, сенинг муродинг мұяссар бўлғай”.

Байт:

Чу, айёр ул замон Хотамни билди,
Хуруш айлаб, оёқиға йиқилди.

Сўнг Хотамнинг қадамига кўзун суртуб, бўса қилур эрди. Айтур эрдики,

Байт:

Аё, эй олийҳиммат, сўзи тотлиқ,
Кечургилким, сенга бўлдум уётлиқ.
Сенингдек яхшиға бўлғоч бадандеш,
Хижолатдин урубман ман жонима ниш.
Агарчи тийғдек эрдим, бир оғат,
Ки, ҳоли қатлингға йўқ манда тоқат.
Сенинг сориға ҳаргиз тийғ отмам,
Ки ҳошо, тийғким гул бирла отмам.
Бу янглиғ узрдин беҳад дам урди,
Йўлин тутиб Яман сориға бурди.

Хуллас, Хотам анга йўл жабдуғин муҳайё қилиб узатти. Айёр маълум муддате йўл юруб, қатъ қилиб подшоҳ назарига борди. Хотамнинг аҳволин ва сувратин тамом баён қилди. Малик инсоф юзасидин Хотамнинг озодалиги ва жавонмардлигига иқрор бўлди ва айдики: “Одамийзод аро бу янглиғ карам ҳеч кишидин вуқуъга келмас ва мавжудот ичра ҳеч махлукдин бу навъ саховат содир бўлмас”.

Байт:

Юз минг ўлғой, бу жаҳонда бергучи кишига дирам,
Лек кимдур ул кишиким, жонини қилғай карам.

“Жавоҳиру-л-амора” китобида келтурубдурларки, вақтеки, Хотам вафот бўлди, эрса они дағн қилдилар. Қазодин баногоҳ анинг қабри бир мавзеда воқеъ бўлуб эрдики, ондин ҳар бор сел ўтар эрди. Вақти бўлдики, ямғур ва улуғ сел келди, Хотам қабри вайрон бўлмоғига

ёвуқлашди ва ўғли бу ҳолдин воқиға бўлуб, жасадини яна бир ерга элтмоқини қасд қилди. Чун қабрини очтилар эрса, кўрдиларки, ҳама аъзоси тўкулубдир, магар ўнг қўликим, ҳеч важҳ бирла тағайор топқони йўқ. Тириклик вақтидек турубдур. Ҳозирлар ҳама таажжубда қолдилар. Аларнинг ичида бир соҳибдили бор эрдиким, айди: “Эй одамийлар, сизлар бу маънодин таажжуб бўлмангизлар ва Хотамнинг кўли тоза қолганин тонг кўрмангизларки, ул жавонмард бу кўли бирла сойилларга бисёр ато қилур эрдики, хайру саховатининг ҳимоятида кўли солим қолмиш”. Бас, коғир бутпараст саховати воситаси бирла гўрда бузулмоқи халалдин солим қолса, таажжуб эрмаским, мўмин худопараст Ҳақ таоло бандаларига мурувват ва эҳсон кўргузмоқи бирла дўзах ўтида куймак оғатидин эмин бўлғай. На учунким, охиратда адо бўлғусиз улуғ давлат топмокдур ва дунёда хайру саховат коидасин тебратмоққа боғлиқдур.

Байт:

Аҳли давлат умрдин кўз ёптилар,
Давлати боқий карамдин топтилар.

Доро ҳукамоларнинг биридин сўрдики: “Салтанат зийнати недур?”. Айди: “Иzzат бирла умр сурмак”. Доро яна сўрдики: “Иzzатни не равиш бирла мұяссар қилса бўлур?”. Айдики: “Дунё молини хор тутмоқ бирла. Ҳар кишики дунё зар-zewarin хор тутар, ҳама элнинг назарида азиз турар, кишики зар-zewarга ружуъ қўйса, халойик они хор ва бекадр кўрарлар. “Ва биллаҳи ат-тавфиқ”, яъни “дунё матоин назарида сахл тутуб, хайру эҳсонга ружуъ қилмоққа тавфиқи Ҳақ субҳонаҳу ва таолодиндур”, демак бўлур.

Қитъа:

Молдин мақсад санга бўлғай буқим,
Токи ул тан ҳифзиға бўлғай сипар(қалқон).
Қилса ҳар ким танни молиға фидо,
Ҳам тану ҳам молидин бўлғай хатар,
Ҳар каримиким, тутар молини хор,
Доимо иззатдин ўлғай баҳравор.

Валҳамду лиллаҳи таолоки, олам аҳлининг шаҳзодаси – лутфу карам боғининг ниҳоли навбодаси, салтанату жаҳонбонлик осмонининг офтоби, азимат ва гитиситонлик боргоҳининг султони комёби, Доройи жаҳоноройи ва банди кишваркушой,

Қитъа:

Мулку давлат ёвари султон Абулмуҳсинки, ул,
Абри найсондек жаҳон саҳниға бермишдур ривож.

Лутфу эҳсони сахо андоғ фаровон айлади,
Ким йўқолди даврида олам юзидин эҳтиёж,
онинг мурувват ва саховат қоидаси, эҳсону футуввати зобитаси
Хотамнинг саховатномасига печу тоб берди ва Маън ибн Зоида¹нинг
эҳсони дафтарига қалам урди.

Қитъа:

Ки Хусрави замонсан ва даврон Фаридуни,
Султони адлдурсан, ҳам подшоҳи жуд.
Адлинг жаҳонни тузгучи, ҳукминг низоми мулк,
Жудинг гадо паноҳи, илкинг паноҳи жуд.

Ҳақ субҳонаҳу аниңг эҳсони маншурини “Ва ҳува муҳсинун
фалаҳу ажрун ‘инда Раббиҳи”² тавриқи бирла ҳурматлик қилғай, яъни
кишиким, ўзини Худо итоатига берди ул неку кор эрур. Бас, событдур
анга ажр парвардигор қошида, демак бўлур. Инъом нишони ва
гадолиги белгисини алмуҳсинийн тугроси била зийнатлик қилғай,
яъни Иброҳимга мукофот берган янглиғ, яхшилик қилғучиларга
мукофот бераман, демак бўлур.

¹ Маън ибн Зоида – Абулфазл Маън ибн Зоидаи бин Абдуллоҳ аш-Шайбоний. Машхур
саховатпеша. Араб баҳодир ва фасиҳ (сўз устаси)ларидан. Вафоти 151 ҳижрий қамарий.

² “Йўқ, кимки юзини (ўзини) Аллоҳга бўйсундирса, Робби ҳузурида унга ажр муҳайёдир”.
 (“Бақара” сураси, 112-оят)

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ ТАВОЗУЬ БАЁНИДА

Тавозуънинг маъноси ўзини камсуқум тутмоқ бўлур. Тавозуъ қилмоқ баланд мартабали бўлмоқнинг сабабидур. Чунки ҳадиси набавий бу мазмунга далолат қилур. Ҳазрат Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтибдики: “Ман тавада‘а лиллаҳи рафа‘аху аллаҳу”¹, яъни пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам айтибдурларки, киши Худо ризоси учун ўзин паст тутар, Худойи таоло аниг даражасин баланд қилур.

Байт:

Тавозуъ сени қилғуси аржуманд,
Шарофат юзидин қилур сарбаланд.

Сомоний подшоҳларидин Наср ибн Аҳмад ўғлига шундай васият килди: “Эй фарзанди дилбандим, агар хоҳласангким, менинг бу бисёр машаққат бирла қўлга келтурган мамлакатим сенинг қўлунгда узок турғай, иложи буким, хазинага эътимод қилмағилким, молга завол етгусидир. Лашкарга ишонмағилким, охири улар хизматингда боқий турмаслар ва мулкнинг давомийлигига такийя қилмағилким, охири вайрондур. Бас, карам қилмоққа шуғул қилиб тавозуъ зиёда айлағилким, карам тавозуъ кўнгуллар қушини сайд қилурга икки домдурлар. Ҳар кишиким, бу икки домнинг бирига илинса, халос бўлурга иложи бўлмас. Гўё Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам “Сайиду-л-қавми хадимухум”² иборати бирла бу маънога ишорат қилибдурлар, яъни ҳар қавмнинг улуғи тавозуъ пеша қилиб хизмат қилғучиси эрур, демак бўлур. Бас, ҳар кишигаким, хизмат бирла тавозуъ айласанг, аниг кўнгуллари сенга илинур ва муҳаббатинг домига тушурким, ҳаргиз фармонингдин чиқмас. Сен аниг хожаси бўлурсан”.

Қитъа:

Тавозуъдур кўнгулға рўшнолик,
Топар бегона андин ошнолик.
Тавозуъ кишини давлатманд этгай,
Тавозуълук киши иззатга етгай.

Тавозуъ улдурки, киши ўз микдорини бошқа кишининг микдоридин кам билгай. Ўзининг иззат ва ҳурматин бартараф қилиб, кишини иззат ва муҳтарам тутғай. Тавозуъ қилмоқдин андоқ киши

¹ “Кимки Худо ризоси учун ўзини паст тутса, Худойи таоло унинг даражасини баланд қилади”

² “Бирор қавмнинг улуғи уларнинг ходимидир”.

пархез қилурким, зотида улуғлук ва шарофат бўлмаса. Аммо ул кишиким, ҳақиқат зоти шариф ва мартабаси баланддур, тавозуъ қилмоқдин қўрқмас, не учунким, тавозуъ анинг улуғлигин ҳеч кам қилмас, балки иззат ва шавкатини ҳам халойик, ҳам холиқ қошида зиёда қилур.

Байт:

Улуғларнинг тавозуъ зийнатидур,
Гадоларнинг тавозуъ одатидур.

Бу сўздин маълум бўладики, такаббур қилмоқ ноқислар ва одамийлик тариқидан чиқсан халойиқларнинг сифатидур ва такаббурдин ғаразлари ўз нуқсонларини ёпмоқлик эрур. Аммо билмайдурларки, дарҳақиқат, такаббур сифати уларнинг қабоҳатларин ошкора қилиб, хору бемикдор айлар.

Қитъа:

То иложи бордур, кибр айламаклик хўб эмас,
Кибрлик шайтон сифатийлар кибрисидин бар емас.
Кибрни ташлаб, агар қилсанг тавозуъ бе риё,
Хос тутқай даргаҳи ичра Худои кибриё.

Тавозуъ ҳама кишидин хўб кўрунур. Аммо давлат аҳлидин хўброк, не учунки, тавозуъ улуғликнинг зийнатидур. Келтурубурларки, Ибн Самок Хорун ар-Рашид халифани мажлисиға келди. Халифа туруб анга таъзим бажо кетурди. Ибн Самок айди: “Эй халифа, тавозуъ подшоҳларга подшоҳликларидин ортуқроқдур”. Халифа айди: “Яхши айдинг, доғи ҳам тавозуъ тавсифин қилғил!”. Ибн Самок айди: “Ҳар кишигаки, Худои таоло мол ва жамолда улуғлик берибдур, ул киши моли бирла Худои таоло бандалариға эҳсон қилса ва жамоли бирла порсолик кўргузса, улуғлик бирла тавозуъ пеша қилса, Худои таоло они хослари зумрасига олур”. Хорун ар-Рашид бу сўзларни писанд қилиб буюрди, то давот, қалам келтурдилар ва ўз қўли бирла бу насиҳатларни битиб олди. Бу сўзни битиб олмоқ халифанинг тавозуъси нишоналари эрди.

Байт:

Яқин билмак керакким, ҳеч они,
Киши кўрмас тавозуъдин зиёне.
Тавозуъ қилғусидур кишини комил,
Тавозуъдин бўлур мақсуди ҳосил.
Тавозуъ пеша қилғон севар ўлмиш,
Худо лутфиға бешак мазҳар ўлмиш.

Тавозуъ ва эҳтиром ашрафлар, саййидлар, олим ва машойихлар борасида бисёр хўбдур. Чунки бу тоифага ҳар киши тавозуъ қилса, давлат бозуси қувватлик ва шавкати алами рифъатлик бўлур. Аммо Ҳасан Шайбоний раҳматуллоҳи алайҳ Рашид қошига келди эрса, Рашид анга кўп эҳтиром қилиб таъзимлар бажо келтурди. Чунончи, оллиға пешвоз югурди ва ани ўзининг ўрнида ўлтурғузди. Вақтеки, кетгали турди эрса, на чанд қадам бориб узатти. Хосларидин бири айди: “Эй халифа, бу тавозуъким, кўргуздунг, анинг бирла подшоҳлигинг ҳайбати ва қадри синди”. Рашид жавоб бердики: “Ул ҳайбатеким, тавозуъ сабабидин зойил бўлур, анинг синғони яхшироқ ва ул қадрики, бузургларга эҳтиром қилмоқдин кам бўлур, анинг йўқ бўлмоқи хўбдур”.

Байт:

Қадреки, тавозуъ сабабидин бўлур ул кам,
Бўлмас киши ул қадр ила ҳаргиз мукаррам.

Келтурубдурларки, Исмоил Сомоний Хурносон подшоҳи эрди. Бисёр муazzам ва мукаррам. Бир куни бир олим анинг қошиға келиб эрди. Бехад ва бениҳоят азиз айлади. Вақтеки, ул олим мажлисдин чиқор бўлди, эрса орқасидин етти қадам юруб узатти. Кеча бўлди эрса, ҳазрат Рисолатпаноҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни тушида кўрди. Анга айдилар: “Эй Исмоил, менинг олим умматларимдин бирини эъзоз туттинг, шул сабабдин сенинг ҳақингда дуо қилдимки, илоҳо Исмоилни икки жаҳонда азиз тутғил. Ва етти қадам они орқасидин бординг, дуо қилдики, илоҳо етти кишини анинг наслидин подшоҳ қилғил ва етти дўзах ўтини анга ҳаром айлағил”. Ва бу икки дуо мустажоб бўлди.

Тавозуънинг бир аломати буки, киши солиҳлар, олимлар ва дарвешлар сухбатига мойил бўлғай. Аммо олимлар ва дарвешлардин мақсад ул жамоат эмаски, ўзларини уламои раббоний ва машойихи ҳаққоний сувратларида халойикқа кўргузурлар. Дунёлик жамъ қилмоқ тамаидан ҳақ сўзни хушомад бирла ясарлар, балки андоқ кишининг сухбатига бормоқ керакки, халойиқнинг сухбатин хоҳламагай ва ул кишига эътимод қилмоқ керакки, киши анга эътимод қилмоғин хушламагай!

Хабарда келтурубдурларки, Абдуллоҳи Тоҳир вақтеки, Хурсонга подшоҳ бўлуб борди, Нишопурга тушти ва ул вилоятнинг ҳама улуғлари, акобирлари анинг саломига келдилар. Бир ҳафтадин сўнгра сўрдики: “Менинг қошимға келмаган киши диёргизда борму?”. Айдилар: “Ҳар кишики, бу шаҳрда оти ва сўроғи бордур,

сени кўргани келдилар. Магар икки дарвешким, гўшада ўлтурубдирлар. Жаҳон маҳлукотини кўрмакдин кўз юмубдирлар ва халқ ғавғосидин қочиб, холик зикрига машғул бўлубдурлар”.

Қитъа:

Тилаб ганж ичра ётмишлар Худони,
Чиқормишлар кўнгулдин мосувони.
Кўрарлар икки оламни назарсиз,
Учарлар фаршдин то Арш парсиз.

Абдуллоҳ сўрдики: “Бу икки тан кимлардур?”. Айдиларки: “Аҳмад Ҳарб ва Аҳмад Асламким, уламои раббонийдурлар. Подшоҳлар ва умароларни қошига бормоққа тараддуд қилмағайлар”. Абдуллоҳ аиди: “Агар улар мен сори келмакни макрух билсалар, мен улар сори борай”, – деб отланди ва Аҳмад Ҳарб сори юрди. Бир кимса югуруб келиб хабар қилдики, Абдуллоҳ сенинг қошингга келур. Аҳмад қочорга илож топмади, туруб эрдики, Абдуллоҳ анинг савмаасиға кириб келди. Аҳмад туруб муддате бошин қуи солиб турди. Абдуллоҳ ҳам анинг табиатин тутуб ўлтурмади. Соате ўтгандин кейин Аҳмад бошин кўтарди ва аиди: “Эй Тоҳир ўғли, эшитиб эрдимки, бисёр хушхўй ва хушрўй киши эрмишсан. Ҳоли кўрдумки, айтгандин хўброкдурсен, эмди насиҳатим буки, бу яхши юзунгни Худойи таоло амрига нафармонлик қилиб зишт айламағайсан ва мундок кўрклик рухсорани дўзах ўтига ўтун қилмағайсан”. Бу сўзни аиди эрса, юзин қиблага ўгуруб намозга машғул бўлди. Абдуллоҳ йиғлаб ул азизнинг уйидин чиқти ва Аҳмад Аслам қошига борди. Аммо Аҳмад Аслам келурин билиб эшигин беркитти. Абдуллоҳ ҳарчанд жидду жаҳд қилди ва лекин они кўрмак мұяссар бўлмади. Айдиларки: “Сабр қилинг, токи рўзи жумъа етгай ва ул азиз намози жумъага чиқар. Шул вақтда мулокот бўлмоқ керак”. Абдуллоҳ уйига борди. Жумъа куни бўлди эрса, Абдуллоҳ отланиб Аҳмади Асламнинг уйига яқин кўча бошида турди. Шайх савмаадин чиқти. Масжид тарафига юрмакка мутаважжих бўлуб эрди, кўрдики, кўча узра отлиқлар турубдилар. Турган ерида тўхтади. Абдуллоҳ отидин тушуб Аҳмаднинг олдига келди ва салом қилди. Аҳмад саломига жавоб бериб сўрдики: “Сен кимдурсан ва не ишинг бор?”. Абдуллоҳ аиди: “Мен Тоҳирнинг ўғли Абдуллоҳдурман. Сизни зиёрат қилғоли келдим”. Аҳмад аиди: “Ҳошоким, сенинг менинг бирла ишинг бор-у менинг сенинг бирла не сўзим бўлғай”. Бас, юзин том тарафига тутуб турди ва Абдуллоҳнинг юзига ҳаргиз боқмади. Абдуллоҳ бу ҳолни кўрди эрса, бехуд бўлуб азизнинг оёқига йиқилди ва юзин анинг қадами туфроқига

кўюб муножот қилдики: “Илоҳо, бу эр сенинг ризоинг учун мени ёмон кўрди ва мен бу яхши бандани дўст тутдим. Ул душманлик ва бу дўстлик ҳаққи-хурматики, иккаласи сенинг ризонг учундурлар, менинг ёмонлигимни анинг яхшилиги баракатидин кечурғил!”. Бу ҳолда эрдики, хотифдин овоз келди: “Эй Абдуллоҳ, бошингни кўтарғил, гуноҳингни бу азизнинг ибодати ҳукмида билдим”.

Қитъа:

Агарчи йўқдур мендин ёмонроқ бу жаҳон ичра,
На бўлғайким, Худоё, лутфдин қилсанг қиёматда.
Ёмонлар ўзини ҳам яхшилар турган макон ичра.

Келтурубдурларки, подшоҳлардан бири бир дарвешни кўргали келди эрса, дарвеш алҳол саждага борди. Шоҳнинг вазири сўрдики: “Эй азиз, бу нечук сажда эрди?”. Дарвеш айди: “Саждаи шукр”. Яна сўрди: “Не боисдин саждаи шукр қилдинг?”. Дарвеш айди: “Анинг учунки, Худойи таоло подшоҳни менинг қошимга келтурди ва менга анинг тарафига бормоқни насиб қилмадики, подшоҳларга дарвешлар зиёратига келмак ибодатдур. Дарвешларга подшоҳ сухбатига бормоқ маъсиятдур. Бас, подшоҳга ибодат ҳосил бўлди ва мендин маъсият содир бўлмади. Мунинг шукронасига сажда келтурдум”.

Қитъа:

Шоҳ агар дарвешларни сўрмоқидин урса дам,
Давлати қўймиш баландликдин фалак узра қадам.
Ҳар кишиким, саодатин айлади дарвешидин,
Яхши имдод айлабон олғай Фаридундин алам.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ ОМОНАТ ВА ДИЁНАТ БАЁНИДА

Дин уламолари ва аҳли ирфонлар мундоғ айтубдурларки, омонат яхши сифат аро рукни азимдур ва диёнат хулқнинг илдизи эрур. Иймон омонат бирла тамом бўлур. “Ла иймаана ли-ман ла амоната лаху”, яъни иймон йўқтур ул кишида омонатга хиёнат қилур. Шариат қоидаси диёнат расмини сақламоқ бирла низом топар.

Қитъа:

Шаръеки, қарор олди сиёсат узра,
Дин қоидасин қўйди диёнат узра.
Кўнгулда агар бўлса амонатдин асар,
Етмас дўзах ўтидин ҳеч зарар.

Тафаккур назари бирла ҳар кас чехрасига боксанг ва тааммул басари бирла ҳар кўрган, эшитган нимарсага қарасанг, билгайсанки, анинг бир ҳадди омонатга чотиғлик ва бир ҳадди хиёнатга чотиғлик эрур. Бас, киши ул ишда омонат сақламаса, хиёнат қилмиш бўлғай ва ҳар нимарсаки, Худойи таоло бандага берибдур, ул анда омонатдур. Масалан, кўз омонатидурки, анинг бирла қудрати илоҳий осорига қарагайлар. Кулоқ омонати ул эрурки, анинг бирла Худойи таоло каломин, расули Худо ҳадисларин ва аҳлуллоҳ насиҳатин эшитгайлар. Тил омонатидурки, анинг бирла Ҳақ таоло зикрин этгайлар. Кўл омонатидурким, анинг бирла халойиқга нафъ еткургай. Қолганлари шунга қиёс. Мабодо, агар киши кўзин ҳаром сори очса, қулоқни ношойиста сўзларга солса, тилин ялғон бўхтонга югуртса, қўлин мусулмонлар озорига узотса, Худойи таолонинг омонатига хиёнат қилубдур. Наҳийи раббонийнинг: “йā айуҳаллазина ӯманӯ лā тахӯнллāҳа”¹ сўзибур, анга қулоқ солмабдур. Яъни эй иймон келтурганлар, огоҳ бўлингизларки, хиёнат қилмонгғизлар Худойи таолонинг омонатига, демак бўлур.

Байт:

Шарм тутмассанмуким, кўрмиш хиёнатни Худо,
Ҳеч қўрқмассанмуким, етгай хиёнатингга фано.

Подшоҳларга бу омонатларни сақламоқдин сўнгра ўзга омонат муҳофазати ҳам лозимдур, яъни раъоёким, Ҳақ таолонинг подшоҳ қўлига топшурган омонатлардур. Агар уларнинг муҳофазатида хато қилсалар, омонатдорлиқлари арконига футур ва қусур етар. Ҳукамо

¹ “Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга ва Расулга хиёнат қилмангиз ва омонатларингизга билиб туриб хиёнат қилмангиз!”. (“Анфол” сураси, 27-оят)

айтибдурларки: “Агар подшоҳ золим амалдорни амалга буюрса ва раият муҳимларин андоқ ситамкорга ҳавола қилса, раъоё ҳуқуқида хиёнат кўргузмиш бўлғай. Не учунки, ситамкорни заифлар ва ожизларга мутасадди қилмоқ, бўрини қўйларга чўпон қилгандек бўлғай”.

Қитъа:

Масалдурким, ситамкора бўридур,
Раиятлар анга қўй-қўзибур.
Бўрини айласанг қўйларга сардор,
Бало илкига бўлғайлар гирифтор.

Диёнат сўзини мулоҳаза қилмоқ ҳам лозимдур. Диёнатнинг маъноси омонат сақламоқлик бўлур. Ул омонат Худонинг дини ва банда аросида махфий бўлғай ва киши анга мутталаб бўлмағай. Магар изҳор қилгандин сўнгра ва диёнат расмин сақламоқ икки жаҳон саодатига боис эрур, балки Худо ризосига сабабдур.

Байт:

Бедиёнат сори рў бермиш дунё ва не дин,
Ҳосил бўлғай гар диёнат айласанг.

Диндор кишилар халойик назарида ҳамиша азизу муҳтарамдурларки, Нўширвоннинг аввалги замонида ҳануз адолат аламин кўтариб эрди ва айшу ишратга машғул бўлиб, раият аҳволига назар солмаб эрди. Анинг ҳимоясида бир киши бор эрдики, карам сифати бирла ва меҳмонга яхши пеш келмакидин овозаси халойик тилида мазкур эрди.

Байт:

Жудидин фақир аҳли дилшод эрдилар,
Танглиқ бандидин озод эрдилар.

Иноъми хони ҳамиша ёзук эрди. Хосумни давом меҳмондорлиғига индаюр эрди. Вақтеки, анинг эҳсони овозаси шухрат топти ва жавонмардлиги хабари халойик аро фош бўлди эрса, Нўширвон имтиҳон учун савдогарона либос кийиб они уйига борди ва ул жавонмард Нўширвонни танимади. Аммо олдига пешбоз чиқиб, они бир дилкушой ва роҳатафзой суффада ўлтурғузди. Муруват расмин, зиёфат қоидасин ва меҳмондорлик равишин чандон бажо келтурдики, Нўширвон таажжубға қолди ва алар сухбат тутқон суффадан боғ тарафига панжаралар очуқ эрди. Ул боғда узум бисёр пишиб, мавсумига етиб туур эрдики, панжарадин муъяна кўрунур эрди. Чун мажлис охир бўлди эрса Нўширвон айди: “Эй хожа, мен бир савдогар кишидурман, сизнинг муруват ва жавонмардлигинизни

эшитиб келиб эрдим. Бисёр тасдиқ бердим, анчаким сизнинг эхсонингиз шухратин халойиқ баён қилур эрдилар. Андин минг чандон ортукроқ экансиз. Эмди уйимга борурман. Бетакаллуф айтингки, сизга не тартиб берайин ва не тухфа юборайин?”. Жавонмард айдики: “Эй меҳмон, давлатимда ҳеч нимарсадин камчилигим йўқтур. Магар буким, узум егали майлим келур, агар сизни бир боқقا узум сайрига олиб борсалар ва ё бир ердин сизга узум тухфаси келтурсалар, қадаре андин юборгайсиз”. Нўширвон айди: “Боғингизда узум кўб кўрунадур. Не учун емассиз?”. Айди: “Эй меҳмон, бизнинг подшоҳларимиз золим ва ғофил кишидур. Раиятдин парвоси йўқ, бу диёр халқи боғларининг узумлари мавсумига етибдур ва подшоҳ ҳануз ушр олур. Таъйини қолмади ва халқ ушр берурни мулоҳаза қилмай узум ерлар. Мен андин маҳрумдурман, бу жиҳатдинки, боғим ичра подшоҳ ҳақи ҳануз бокийдур, они адо қилмай узум есам, бегона киши ҳақида хиёнат қилмиш бўлгайман. Менинг мазҳабимда хиёнат ва бедиёнатлик ҳаромдур. Ҳар йил одатим бу эуреки, дарахтларим ғўра боғлаган замон боғ эшикини беркитиб, муҳр солурман ва анда ҳеч кишини киргали қўймасман, то подшоҳ ушрини олгунча. Вақтеки ушр олди эрса, андин сўнгра емакка қадам қўярман”. Нўширвон бу ҳикояни эшитти эрса, йиғлади ва айдики: “Эй жавонмард, ўшал подшоҳи золим ва ғофил мендурман. Сенинг бу қасами диёнатинг сабаби бирла ғафлат уйқусидин уйғондим ва аҳд қилдимки, мундин кейин раият ҳолидан бехабар бўлмағайман, адл тариқидин чиқмағайман”. Бас, Нўширвон ул кишини кўб азиз ва мукаррам айлади.

Қитъа:

Топқуси ҳар иш диёнатдин низом,
Ҳам омонатдин киши комил бўлур.
Ҳар киши бўлса диёнатлик, анга
Икки олам давлати ҳосил бўлур.

Хабарда келибдурки, Балх ҳокимининг ўғли бир куни сахрога тамошо қилғоли чиқиб эрди. Ногоҳ гузари бир паст томлик ихотаға тушти. Анда кўрдики, бир пир, зуннор белида ва кетмон қўлида олибдур. Дарахт тикиб юур. Амирзода айди: “Эй пир, дарахтким тикарсан, мевасин ерга умрунг ёрий бермас. Бехуда не учун ташвиш тортарсан?”. Пир айди: “Ўзгалар дарахт эктилар, мевасин биз едук. Биз дарахт эксак, яна кейингилар егайлар ва шоядки насиб бўлса, биз ҳам егаймиз”. Амирзода йигит наврасида қасам ичтики: “Сен бу боғ мевасин ея олмассан”. Амирзода бу сўзни айтиб ўтти. Пир сўрдики:

“Бу ким эрди?”. Айдилар: “Балх ҳокимининг ўғлидур”. Бу воқеадин сўнгра икки-уч йил ўтти эрса, амирзодага яна сайр қилмоқ ҳаваси пайдо бўлур. Тобеълари бирла отланиб чиқти. Ногоҳ бир боғ эшикига еттики, бағоят дилкушо ва бениҳоят равзай хушҳаво .

Байт:

Дараҳти барча авжға етишмиш,
Ки, шоҳ узра шириң мева пишмиш.
Қўнуб қушлар дараҳт устида ҳарён,
Бўлурлар сайрамоқ бирла хуш алхон.

Амирзодага бу мавзеъ бисёр хуш кўрунди. Боғ ичра кирди. Пирни кўрдики, зуннор белида ва бу навъ боғ ичра юур. Пир доғи амирзодани кўрди, аммо танимади. Амирзода ҳам пир ҳақиқатидин мутталаш бўлмади. Алқисса, пир шириң ва латиф мевалардин табакқа тўлдуруб амирзоданинг назарига келтурди. Амирзода пораи тановул қилди ва ул мевадин андаки пирга ҳам берди. Пир мевани қўлига олди, они емай амирзоданинг мулоғимларидин бирига берди ва айди: “Мен бу боғ мевасин емасман”. Амирзода айди: “Не учун?”. Пир айди: “Бу жиҳатдинки, ул замонаки, мен бу боғ дараҳтларин тикиб юур эдим, ҳокимнинг ўғли бу ерга келди, бу дараҳтларни тикмагимда менга сарзаниш қилди ва айдики: “Умрунг ўтубдур, гўр лабига келибсан, доғи мундоқ узоқ тамаъни қилурсанки, бу дараҳт эгасисан ва ул неча йилдин сўнгра мева кўрсатгай. Они егайсан”. Бу сўзига жавоби айтиб эрдим, талоқдин савканд ичтики, эҳтиёт учун аҳд қилдимки, умрум охир бўлгунча бу боғ мевасин емагайман. То ул амирзодага талоқ воқеъ бўлмагай ва мен бу ишда диёнат уҳдасидин чиққайман”. Амирзода айди: “Эй пир, ўшал Балх ҳокимининг ўғлики, савканд ичиб эрди, мендурман. Бас, диёнатким сақлабсан, муни жиҳатидин вазирликни сенга бердим ва ҳеч муҳимга сен маслаҳат кўргузмай шурув қилмагайман”. Пир бу сўзни эшитти эрса, лаҳза бошин қуи солди. Андин сўнгра бошин кўтарди. Айдики: “Қабул қилдим, аммо мусулмон подшоҳга габр ғайридин вазир раво эрмас”, деб зуннорин кесди ва калимаи шаҳодат тилига жорий қилди. Ул диёнатининг баракоти бирла ислом давлатига мушарраф бўлди.

Байт:

Гар улуғлуқни тилар эрсанг диёнат бирла бўл,
Ким будур мулки саодат сориға бормоқға йўл.

و چون پادشاه بصفت عفت از اسره بود سرآینه ظاهت فسق و فجور از
 غرضه نمکت دور شود و غالباً به عار و بد نامی بزن و فرزندگی نرسد
مشنی عفت ایجاد کر رایت او دل و دین را خام بسوزاند
 نفس و زنگنه خوار و زار شود روح بقیه بول کرد کار شود
 الحمد لله والمن که این شاهزاده کامکاره عالیست از این جنح و دلت
 برخورد از ماد **بیت** روی خوبیت و کمال و هنر و دامن **بیت**
 لا جرم محنت پاکان و و عالم با او **بیت** دلم در **بیت**
 و این حیات نعمت از قول ناپسندیده و فعل ناپسندیده و خود را
 وحدت در پای حرمت نکاهه داشتن و اب روی دیگران نارنجیان و
 حنفیت ادب ایت کرد و جمیع احوال منابع حضرت رسالت صلوات
 و سلامه غلبه خاید که ادب کامل است چه در مکتب خانه آذینی **بیت**
فاحش پسی مانذا و مودب و حذب نشد **بیت**
 ادب اموز ازان ادب کرد او ادب از حضرت خدا اموخت
 برگشی خواه سین که در عده حال **بیت** از لوح کسر برای اموخته
 و ادب از تک رسن سکون ناید حضوضها از ملوک جهاندار و سلاطین بزرگ



ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ ВАФО-АХД БАЁНИДА

Вафо жавонмардлар, соҳибкамоллар ишлари дур. Аҳди мустақил эранларниң ҳунари эрур ва агар аҳд рухсораси вафо бирла аройиш топса бўлурким, ҳеч кишининг кўнгул қуши аниңг риштаси бандидан кутулолмас. Чунончи, Ҳак субҳона ва таоло амр қилдики: “йā айиүҳалазина ҳаманӯ авфӯ бил-‘уқӯди”¹, яъни эй мўминлар, вафо қилингизлар бир-бирингизлар бирла боғланган аҳдларга, демак бўлур. Вақтеки яна бир ерда ҳам буюрубдурки, Аллоҳ таолонинг сўзи: “ва авфӯ би-‘аҳдӣ ӯфи би-‘аҳдикум”², яъни вафо қилингизлар менинг аҳдимга, агар вафо қилсангизлар, мен ҳам вафо қилурман аҳдларингизга, яъни агар менинг бирла боғлаган аҳдларингизга вафо қилсангизлар, аниңг эвазида яхши мукофот берурман сизларга, демак бўлур. Бу оятда амр сийғасидин кейин ҳарфи шарт муқаррардур, ва аллоҳу аълам биссавоб. Ва ҳадисда келибдурки, “Лā дīна лиман lā ‘аҳда лаҳу”, яъни “Аҳдига вафо қилмаган кишида ислом дини йўқдир”, демак бўлур. Дин ул кишида комилдурки, аҳдни мулоҳаза қилғай.

Байт:

Жаҳд айлаб топмамиш аҳли назар,
Оlam ичра аҳддин яхши ҳунар.

Келтурубдурларки, ҳазрати Исмоил алайҳиссалом бир куни бир дўсти бирла ҳамроҳ ўтуб борур эрди. Бир уй эшигига еттилар. Дўсти айди: “Эй Исмоил, бу уй менинг уйимдур, агар ҳамроҳлигимни дўст тутсанг, менинг бу уйда андаки ишим бор. Мен кириб анга саранжом бериб чиққунча, сен ушбу ерда турғил ва мен дарҳол қошингга чиқарман”. Исмоил алайҳиссалом бу ваъдани қабул қилиб, мундок қолди. Ул киши уйига кирди ва айтган ишига саранжом берди. Аммо ҳазрати Исмоил ҳолини хотиридин фаромуш қилди. Ул уйнинг яна бир тарафдин йўли бор эрди, андин чиқиб яна бир жонибга мутавважих бўлди. Алқисса, уч кун ўтгандин кейин ул киши уйи саридан яна келди, кўрдики, ҳазрати Исмоил аниңг эшигин олдида мунтазир ўлтуруб эрди. Айди: “Жаннат шажарининг меваси ва эй миллат отаси ўғли, мунда не учун ўлтурдинг?”. Исмоил айди: “Ул замонеки, мени ваъда бирла ўлтурғузуб эрдинг. Шу ваъдани сақлаб, сенинг қайтиб чиқишингга кўз тутуб ҳалигача ўлтурубман”. Ул киши

¹ “Эй, имон келтирганлар! Битимларга вафо қилингиз!”. (“Моидо” сураси, 1-оят)

² “Эй, Исроил авлоди, сизларга инъом этган неъматимни эслангиз, аҳдимга вафо қилингиз, токи Мен ҳам сизларниң аҳдингизга вафо қилай ва Мендангина қўрқингиз!”. (“Бақара” сураси, 40-оят)

айди: “Менинг таъхир қилғоним билиб не учун туруб кетмадинг?”. Ул ҳазрати Исмоил айди: “Сен келгунча турмоққа ваъда қилиб эрдим. Ваъдамга хилоф келтурмакни раво кўрмадим ва агар йиллар ўтуб келмасанг ҳам мунда ўлтуур эрдим, бу кўйдин кетмас эрдим”. Бу важҳдин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Исмоил алайҳиссаломни бу нав каломида тавсиф қилди: “Иннаҳу қāна җāдīк ал-ва‘di”¹, яъни Исмоил пайғамбарки, ваъдасида содик эрди ва аҳдига вафо қилгучи, демак бўлур.

Байт:

Аҳд айлабон уҳдасидин чиқса ҳар неку ниҳод,
Ҳар на ким қилдинг гумон, ул бўлғуси андин зиёд.

Маълум бўлдики, халқнинг аҳдига вафо қилмоқ писандидадур. Андин сўнгра маҳфий қолмагайки, Холиқнинг аҳдига вафо андин писандлироқ эрди. “Ҳикоёту-с-солиҳин” рисоласида келибдурки, бир хожа бор эрдиким, анинг бир порсо ва худопараст қули бор эрди. Ногоҳ бу хожа bemor бўлди эрса, Худойи таолога аҳд қилдики, агар оғриқимдин тузалсан, бу қулни озод қилай. Неча вақтдин сўнгра Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хожага шифо берди. Аммо хожанинг қулига бисёр муҳаббати бор эрди. Озод қилмади ва яна bemor бўлди. Қулига айди: “Борғил, табиб келтургил, менга илож қилгай”. Қул тошқари чикти ва доги қайтиб кирди. Хожа айди: “Табиб қани?”. Қул айди: “Табиб айтадурки, ул хожа менга муҳолиф қиладур ва айткон сўзига вафо қилмайдур. Мен анга илож қилмасман”. Хожа айди: “Эй ғулом, табибга айтғил, мен муҳолифидин ёндим ва аҳдимни ушотганимдин тавба қилдим”.

Мисраъ:

Агарчи кетса бошим, кетмагайман аҳд бошидин.

Ғулом айди: “Эй хожа, табиб айтур, агар ул вафо сифатин пеша тутса, мен доги шифо шарбатин дориғ тутмасман”. Хожа бу сирдин вокиф бўлуб, қулни озод қилди. Дарҳол табиби ҳақиқийдин шифо шарбати мұяссар бўлди.

Байт:

Агар қилсанг вафо аҳдинғаким қилдинг Худо бирла,
Санга ҳам раҳмат лутфи била Тангри вафо қилғай.

¹ “Китобда Исмоилни ёд этинг! Дарҳақиқат, у ваъдасида содик турувчи ва элчи – пайғамбар эди”. (“Марям” сураси, 54-оят)

Келтурубурларки, подшоҳга бир мушкул муҳим пеш келди ва аҳд қилдики: “Агар Худойи таоло бу ишимни кўнглумдагидек қилса, хазинамда ҳар нақдиким бор эрди, фақир ва мискинларга садақа қилайин!”. Ҳак субҳонаҳу ва таоло аниңг муҳимини тез фурсатда муродига мувоғиқ кифоят қилди. Подшоҳ хоҳладики, аҳдига вафо қилғай. Хазиначини чорлади ва амр қилди: “Хазина нақдиналарин ҳисоб қилғил”. Ҳисоб қилдилар эрса, бисёр маблағ чиқти, умаро ва давлат аркони айдилар: “Эй малик, бу миқдор беҳад молни дарвешларга бериб бўлмас. Агар берсанг, лашкаринг жабдуқсиз колур”. Подшоҳ аиди: “Ман аҳд қилиб эрдим: бу нақдиналарни мискинларга ва заифларга садақа қилғайман”. Давлат аркони айдиларки: “Бу масалани олимлардин сўрадик. Олимлар айдилар: “Вал ‘амилина ‘алайҳа’¹ ҳукми бирла мулозимлар ҳам садақа мустаҳиқларининг қаторидадурлар, яъни садоқат амволин факирларга, мискинларга ва олимларга, яъни садақани жамъ қилгучиларга, демак бўлур, валлоҳу аълам биссавоб”.

Алқисса, малик бу воқеадин мутахаййир бўлуб равоқ устида ўлтуруб эрди, панжарадин кўрдики, йўл узра бир девона ўтуб борур эрди. Буюрди, то ул девонани олиб келдилар ва андин бу бобда кенгаши тилади ва аиди: “Эй девона, мен Худойи таолога аҳду шарт қилиб эрдимки, агар менинг муҳимим кифоят қилса, ҳар нақдики хазинамда бор, они факир ва мискиналарга улаштуройин. Эмди ул муҳим кифоят бўлди. Хазина ва мол бисёрдур. Умаролар они фуқарога тасарруф қилмоққа рози бўлмайдурлар ва олимлар сипоҳларга истиқроҳ событ қиладурлар, сен не дерсан?”. Девона аиди: “Молни факирга тасаддук қилмоқни ният қилган вақтинда сипоҳини хотирингда кечуруб эрдингму?”. Подшоҳ аиди: “Гадолар ва муҳтоҷлардин ўзга кишини кўнглумда кетурмаб эрдим”. Девона аиди: “Андок эрса, гадолар ва фуқароларга бергилким, нияtingда алар кечмиш”. Умаролардан бири аиди: “Эй хожа ва эй девона, мол беҳисобдур. Сипоҳлар бежабдуқ, бу нечук раво бўлмиш”. Девона ул амирдин юз ўгуруб, подшоҳ тарафига боқиб аиди: “Эй малик, кимсан аниңг бирла аҳд қилибсан ва амволинг они ҳақида назр қилибсан. Яна анга эҳтиёжинг тушарми ё йўқ. Агар яна ишинг анга тушар бўлса, аҳдингга вафо қилғил ва агар анга муҳтоҷ бўлмасанг, ҳар на хоҳласанг, ўзунг билурсан”. Подшоҳ бу сўздин мутаассир бўлуб, бисёр йиғлади. Буюрдики, тамом хазинани фуқаро ва мискинларга улаштурдилар.

¹ “Садақа фуқароларга, мискинларга ва амалдорларга, яъни садақани йиғувчиларга”

Назм:

Анга мұхтож бўлгунг, охири кор,
Бас, анинг ҳақида бўлгил вафодор.
Аларким, бўлдилар соҳиб ҳукумат,
Вафодин топтилар бу навъ давлат.
Вафо қилмоқ эрур шаҳлар йўсуни,
Эр улдурким, егай аҳди ғамини.

Ўз аҳдини яхши сақламоқ подшоҳлардин хўб кўрунгандур. Яна кишидин хўб кўрунмас не учунки, уларнинг сўзлари ҳама кишиларнинг қулоғига етар ва аҳволлари ҳар мажлисда баён топар. Бас, ҳама халойиқаларнинг аҳду паймонларига мутталъ бўлур. Вақтеки аҳдларин итмолига еткурмасалар, уларга дўст-у душманнинг эътимоди қолмас. Ҳушанг васиятларида мазкурдурки, ўғлига айди: "Эй фарзанд, аҳд ушотмоқдин ва ваъдага хилоф иш қилмоқдин парҳез қилғилки, анинг шумлиги тез фурсатда етар.

Байт:

Аҳдинг белиға ургил албатта вафодин қўл,
Жаҳд айлагил зинҳор аҳдинг узра маҳкам бўл.

Подшоҳларға салтанат аҳди уҳдасидин чиқмоқ барчадин лозимроқдур. Келтурубдурларки, Афросиёб сипоҳлар аро золимни англамоқ ва воқиф бўлмоққа бисёр машғул бўлур эрди. Бир куни мусоҳиблар ва надимлар айдилар: "Эй малик, бу бобда тўло машаққат тортарсан ва бир дам ҳузур олиб айшу тамоша сари юз қўймассан". Афросиёб айди: "Мен ваъдамга хилоф қилмоқимни раво билмасман". Надимлар айдилар: "Биз сендин ҳеч ваъда эшитмадик". Айди: "Подшоҳлик менинг зотимда ваъдадурки, гарданимга олмишман. Бас, зарурдурки, бу ваъдага вафо қилғайман. Вафо қилғаним буки, зулмрасидалар, ситамдийдалар додини золим ва ситамкорлардин олиб бергайман. Ва подшоҳеким бу тариқа бирла қилмаслар, ваъдасига хилоф қилмиш бўлғай".

Мисраъ:

Хилофи ваъда зоҳир ўлмағай дин аҳлидин ҳаргиз.

Подшоҳ ҳукамонинг биридин сўрдики: "Қайси сифат кишини азим ва мукаррам қилур?". Айди: "Ваъдага вафо қилмоқ". Яхши аҳд хосиятларидин бири буки, жаҳоннинг боқий турмоғи анга боғлиқдур. Не учунким, олам мадори подшоҳликдур ва подшоҳ лашкари борасида қилган аҳдида турса, анга эътимод хизматига бел боғламаслар. Подшоҳлар ҳам лашкарга хазинани ул умид бирла сарф қилурки, душман пайдо бўлганда вафо қилғайлар. Агар дуруст аҳду вафо расми

орадин кетса, мулк низомига ҳалал етар. Ва дөғи буким, савдода ва муомалада, зироат ва тижоратда, аҳдлар кўб бўлур. Агар аларга вафо қилмасалар, жаҳон тузуки ва низоми йўқ бўлғай. Бас, вафо йўлидин юз қайтармаслик керак. Вафодорликлар сухбати сори югурмак керак.

Байт:

Майл анга қилким, сенга вафо,
Қочмағай сендин агар етса жафо.
Борким, бу қисм ёри создур,
Жон фидоси бўлса дөғи оздур.
Чунки маҳбуб эрмас андоғ ҳеч ёр,
Гар вафо қилмас, анга не эътибор.
Ёр бордур, олам ичра бешумор,
Лек топилмас вафо айларға ёр.
Ихтиёр эт сидқ аҳли хизматин,
Истағил аҳли вафолар сухбатин.

“Хурсон тарихи”да мазкурдурки, вақтеким, Яъқуб Лайс кишваркушойлик аламин кўтариб Нишопурга келди эрса, Муҳаммад Тоҳир Нишопурга ҳоким эрди, анинг итоатин қабул қилмай шаҳрни беркитти. Яъқуб Лайс атрофини қамаб тушти. Муҳаммад Тоҳирнинг сипоҳлари Яъқубга хизматкор ва фармонбардорликларини изхор қилиб, пинҳон хатлар чиқардилар. Магар Иброҳим отлиқ бир ясовул бор эрди. Ул ҳеч навъ китобат қилмади ва ҳеч кишини анга чиқармади. Вақтеки, Яъқуб Лайс Нишопурни олди ва ҳалқ они ҳам тухмат забтига киргуди эрса, Иброҳимни чорлади ва айдики: “Ҳама ёру биродарларинг менга хат чиқардилар. Сен не учун менга қуллук изхор қилмадинг?”. Иброҳим аиди: “Эй малик, бурун сенинг бирла ошнолик ва ҳамкорлик эрмас эрдиким, ёд қилсам. Муҳаммад Тоҳирдан ҳеч кўнгул оғринчим йўқ эрдики, анга мухолифат қилсам ва раво билмадимки, анинг ҳама инъому эҳсонлари ҳақини аҳду паймон ушотмоқ бирла тошлагайман”.

Байт:

Ман ул эрмаским, вафо даргоҳидин бош олғайман,
Қилсалар гарчи танимни банди бандидин жудо.

Яъқуб Лайс аиди: “Сен тарбият қилмоққа лойик ва яқинлик рутбасин бериб азиз тутмоққа муносиб киши экандурсан”.

Мисраъ:

Бу вафодор ўлғонингда айладим юз оғарин.

Бас, Иброҳимни лутфу карам бирла сарафroz қилди ва ул қавмки,
ўз валинеъматлари ҳақида ёмон соғинч қилдилар, уларни турлик
уқубатлар бирла ўлдурдилар.

Қитъа:

Ҳамнафаслар ҳаққини соқламагандин уз умид,
Бевафолар сухбатига урмагил ҳаргиз қадам.
Яхши аҳдинг бирла оламда кўтарсанг яхши от,
Ўткаур бахтинг баландлик бирла гардундин алам.



ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ РОСТГҮЙЛИК БАЁНИДА

Ростгүйлик охиратда нажот топмоқни натижа берур.

Байт:

Ростгүйлар бўлғуси тонгла уқубатдин халос,
Жаҳд қилғил умрунг ичра то улардин бўлгайсен.

Бузурглар айтибдурларки, сўз арсаси андин етгай. Вақтеки, ростгүйлик гули сўз чаманида манфаат мевасин берса, нафси нотиқа ёлғон тикони шохига орайиш бермак ярашмас.

Байт:

Ҳайфким, пок тилни сан бисёр,
Қилсанг, олуда кизб лафзидин.
Сидқидин гар оёқни йиғмас эрсанг.
Бошинг ўтгай фалакнинг авжидин.

Бузурглардин бири айтибдурларки, бир тақдири ёлғон айтмоқ азоб боиси ва рост сўзламак савоб сабаби бўлмаса ҳам оқил ёлғондин парҳез қилиб ростгўй тарафига майл қилмагай эрди. Бу важҳдин ёлғон сўз кишини хор ва бекадр қилур.

Байт:

Агар ёлғон десанг, бўлғунгким кам-кост,
Азиз ўлғунг агар бўлса сўзунг рост.

Келтурубдурларки, Мустаршид халифанинг васиятномасида айтибдурки: “Эй фарзанд, агар хоҳласангким, ҳама халқ сендин кўрқойлар, зинҳор ёлғон сўзламагилки, ёлғончи киши беҳайбат бўлур. Агарчи минг шамшир анинг ҳимояси учун атрофида бўлсалар, яъни агар минг тийғи бараҳна, шон-шавкат ва азимати учун тутуб турсалар, лекин анинг забони шамширида ростгүйлик жавҳари бўлмаса, халойиқ назарида ҳеч ҳайбат ва салобати бўлмас”.

Назм:

Ростлиқ сори айласанг кўшиш,
Бўлғунг осуда, ўнгланиб сенга иш.
Ҳар кишидур жаҳонда кажрафтор,
Қул бўлур ростлиқға охири кор.
Бўлғач ўқ, ростлиқ ила қоим,
Анга таъзим ёй қилур доим.

Хабарда келтурубдурларки, Ҳажжож золим жамъини ўлдуур эрди, ул жамъидин вақтеки, бирига навбат етти эрса айди: “Эй амир, мени ўлдурмагилки, сенинг ҳақингда хизмат бажо келтурдим”.

Ҳажжож айди: “Менга не хизмат қилдинг?”. У киши айди: “Фалон душманинг сени ғийбат қилур эрди ва сенинг борингда яхши сўзларни айтур эрди. Мен они манъ қилдим ва душманингдин тилини йифдурдим”. Ҳажжож айди: “Бу бобда гувоҳинг борму?”. У киши айди: “Гувоҳим бор”, деб ул жамъдин бир асирни кўргузди. Ул асир агарчи бу воқеадин бехабар эрди. Аммо ул киши нажот учун аёдиким: “Рост айтадур. Мен ҳозир эрдим, они сенинг ғийбатингдин манъ қилдим”. Ҳажжож айди: “Бу воқеада ҳозир туруб сен ҳам не учун манъ қилмоқда анга ёрдам қилмадинг?”. Асир айди: “Мен сени душман тутар эрдим. Ул жиҳатдин манъ қилмоқ менга лозим бўлмади”. Ҳажжож иккиласин ўлумдин озод қилди. Бирини хизмат исбот қилган сабабидин ва бирини рост айтган жиҳатидин. Бу воқеа мазмуни бирла бу масала халойик аро машҳур бўлди, “Ин кона ал-кизбу ножий фасидку анжа”, яъни “Агар ёлғон айтмоқ кишини халос қилгучи эрса, рост айтмоқ халос қилғучироқдир”, демак бўлур.

Қитъа:

Ростлиқ қайдаким кўтарди алам,
Ҳақнинг имдоди бўлғай анда ҳам.
Қолмағай ростлар иши пинҳон,
Қилмағай рост сўз кишига зиён.

Ёлғон сўз кишини обрўсин тўкар, ҳазлу мазоҳ учун ҳам кишини ул янглиғ беиззат қилур. Хусусан, ҳукумат ахлиним, агар ҳазлу мазоҳга мойил бўлсалар, ҳайбат ва шавкатларига нуқсон етар. Мумкиндурки, ҳазлу ўйундин кишини кўнгли оғригай ва ул сабабдин кийна тутқай, фурсат топиб интиқом кўшишига тушгай, ул боисдин фитналар пайдо бўлғай.

“Рўшнойинома”да ҳам ушбу мазмун мазкур эрдики, таржумаси будур.


Назм:

Ҳазлу ёлғонни қилмағил пеша,
Урмағил ўз оёқингга теша.
Айлагай ҳазл шоҳни хира,
Ойни туфроқдин қилур тийра.

Қудратли инсонлар ва ҳукумат кишилари-а халқни ғийбат қилмоқ муносиб кўрунмас. Не учунки, Худой таоло уларга ҳар навъ сўзни ибо қилмай юзига рўбарў айтмоқقا қудрат берибдур. Бас, андоқ эрса, ўзни ғийбатгўйлар тоифасига олмоқ оқиллар равишидин эрмас, балки мулозимларни ҳам ғийбатдин манъ қилмоқ керакки, ғийбатнинг зарари дунё ва охиратда бисёр, бешумор эрур.

Байт:

То иложинг бор эрса, қилма кишини ғийбат,
Чунки ғийбатчи эрур эл кўзида беиззат.
Ҳар киши айласа ғийбат, сан анга солма қулок,
То гуноҳига анинг қилма ўзунгни ўрток.



ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ ХОЖАТ РАВО ҚИЛМОҚ БАЁНИДА

Агар киши тиласаким, ҳожат раво бўлғай керакки, иложи борича халқни ҳожат раводин чиқаргай. Ҳадисда келибдурки: “Бандасига Ҳақ таоло ёрий берур, мадомики, ул ҳам аниңг бандаларига ёри берса”.

Байт:

Агар Худойи Самад бахшишига кўз тутсанг,
Шикасталарга карам бирла лутф, раҳм айлагил.

Бошқа бир ҳадисда келибдурки, ҳар кишиким, Худойи таоло неъматларидин бисёр насиб топибдур, аниңг бениҳоят атоси ва беғоят фазлидин дунё анга муҳтоҷларнинг ҳожатларин раво қилмоқ, ожизлар ва афтодаҳолларнинг ҳуқуқин чиқармоқ, ҳар кишига мол неъмати андозасига қараб вожиб эрур. Яна буки, кишининг қудрати ва ҳукумат не миқдорки зиёдадур, анга фуқаро ва мискинлар ҳожатларин бермоқ онча тўлароқ лозим бўлур. Бас, соҳибсаодатеки, анга Ҳақ таоло подшоҳлик давлатин берибдур, аниңг азимати аламин жаҳондорлик ва комгорлиқ аросасида кўтарибдур. Керакким, халқнинг овқатлари лавозимини уҳдасидин кўтаргай ва қудратининг борида муҳтоҷларнинг ҳожатларин адo қилмоқни ғанимат билгай. Ҳеч мустаҳиқнинг матлуби суврати ва мақсуди чехрасини бепарволик ҳижоби ва бехабарлик ниқоби ичра тутмоқни раво кўрмагай. Агар тиласаки, саодат гули давлат чаманида очиғлик бўлғай ва мурод шукуфаси мамлакат боғида салтанати шоҳ узра пайваста жилва кўргузгай, дармондалар муродларин бермакни ғанимат тутгай, маҳрумлар ва бечоралар ҳожатларин раво қилмоқни дунё ва охират саодатининг боиси билгай.

Қитъа:

Бор эса Ҳақдин умидинг, давлатингнинг борида,
Лутфу шафқат бирла қилғил халқ умидин раво.
Фуқаро аҳлига муродин бериб шод айлагил,
То санга ҳам бергуси барча муродингни Худо.

Ҳадисда келибдурки, “Мўъминнинг кўнглига шодлик еткурмоқ савобида одамлар ва парийлар ибодатларига баробардур”. Бас, подшоҳлик шарти будурки, ҳамиша муҳтоҷларнинг ҳожатларига мунтазир бўлғай ва кўнгулларини ҳожатларин раво қилмоқ бирла шод қилғай, то бу мазкур бўлған улуғ савобдин маҳрум қилмағай.

Искандар Зулқарнайн бир куни эртадин оқшомгача ҳукумат мажлисин тузуб ўлтуруб эрди. Ҳеч киши аниңг қошига келиб ҳожатин изҳор қилмади. Бас, мажлисдин тураг вақт бўлди эрса, хослар ва

надимлариға айдики: “Бугунни умр ҳисобида санамайдурман”. Улардан бири айди: “Эй шоҳи жаҳонпаноҳ, бугун андок кун эрдики, умрунг сиҳнату саломат, яхши сұхбат ва фароғат бирла кечага етти. Давлат асбобин ҳама мақсадунгга мувофиқ ва муҳимларинг муродларингга мутобиқ, хотиринг фароғат мұяссарлиги бирла масур, сипоҳ мұкаммал ва хазона маъмур. Агар бугунни умр ҳисобида күрмасанг, яна не кунни умр деса бўлур?”. Искандар айди: “Ул кунки, аниң ичра подшоҳдин зулмрасидаларга роҳат етмаса ва маҳрумининг ҳожати раво бўлмаса, они нечук умр қаторида билса бўлур”.

Қитъа:

Ҳаёт ичра будур, бил умрким,
Халойик нафъини шуғлида кечгай.
Ушбу янглиғ тирикликтин не ҳосил,
Ки, доим нафснинг фикрида кечгай.

Келтурубдурларки, Хитой подшоҳи Искандардин сўрдики: “Подшоҳлик лаззатини не нимарсада топдинг?”. Искандар жавоб бердики: “Уч нимарсада: аввал, душманларни забун ва афтодаҳол қилмоқда. Иккинчи, дўстлар ва ёриймандларни сарафroz этмоқда. Учинчи, муҳтоҗларнинг ҳожатларин раво қилмоқда . Булардан бўлак ҳар лаззатики бордур, эътибори бўлмас”.

Маснавий:

Эрур шаҳлардин ушбу равиш хўб,
Ки, душманларни қилғай хор мағлуб.
Иккинчи, дўст дўстларни шод қилғай,
Раият кўнглуни обод қилғай.
Учунчи будур, эткай ҳамиша,
Кишини ҳожатин бермакни пеша.
Басе, шоҳларки, бўлдилар жаҳонгир,
Жаҳондин ўттилар ҳар қайси бир-бир.
Уларни давлати у кишига колмиш,
Ки, онингдин халойик наф олмиш.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ ОҲИСТАЛИҚ ВА ОШУҚМАСЛИҚ БАЁНИДА

Бир ҳадисда шундай ёзилган: “Ат-та’аннӣ мин ар-раҳмāни вал-‘ажалату мин аш-шайтāн”, яъни ҳар ишда оҳисталиқ ва ошуқмаслиқни Ҳақ таолога нисбат берибурлар. Ва ошуқмоқлиқ ва шитобкорликни шайтон васвасасидин билибурлар, яъни оҳисталиқ раҳмондиндур ва шитобкорлиқ шайтондин, демак бўлур. Оҳисталиқ ҳама ишларни камолга еткуур ва шитобкорлиқ кўб муҳимларга зиён келтуур. Ҳар кишики, анга оҳисталиқ ва оғирлиқ бирла қўл қўярлар. Бисёрдурки, кўнгул хоҳиш этгандек саранжом топар ва ҳар муҳимики, анга қизиқлик ва сабуқлик бирла шуруъ қилурлар. Аскар андоқ бўлурки, ирода ва мақсад қилган янглиғ тамом бўлмас, балки дунё хижолати ва уқубати маъсиятига сабаб бўлса керак.

Байт:

Сен жаҳоннинг ишларин оҳиста қил,
Иш қизиқлиқ бирла битмас, муни бил.
Шам ёруғоч қизиқлиқдин басе,
Ҳам ўзи куйди-ю, ҳам парвонаси.
Банд ишларни ошуқмаслиқ очор,
Ҳеч пушаймон бўлмағай оҳистакор.

Келтурубурларки, Парвиз ўғлига васият қилдики: “Эй фарзанд, сен нечукки, раиятга ҳокимсан, ақлинг ҳам сенга андоқдур. Раият нечукки, сенинг фармонингдин чиқмаслар. Ҳам улар янглиғ ақлинг ҳукмингдин тажовуз қилмоғил ва муҳимки, сенга пеш келур анда таомил қилғил ва ақл ҳукми бирла кенгаш қилғил. Хусусан, ул муҳимдаким, андин халойиқнинг ўзларига ва ё молларига зиён етар”.

Байт:

Ҳар ишда бўлмоғил сен бетааммул,
Ошуқмоқни кўнгулдан ташла билкулл.
Кишиниким, тааммул бўлди ёри,
Муродига мувоғиқ бўлди кори.

Хушанг васиятларида мазкурдурки, “Лайса мина-с-суръати” мазмуни бирла сипоҳ муҳимиға шуруъ қилмоқда шитоб ва енгиллик кўргузмаслик керак. Яъни шитобкорлиқ яхши ишларнинг саноғинда эрмасдур, демак бўлур. Аччиқ билан бўлган замонда, ғазаб илкига бермаслик керак ва фикр юзидин муҳим охирига назар солмоқ керак. На учунки, иш воқеъ бўлгандин кейин мабодоки, пушаймонлик рав берса, ул ҳолда дариг ва надомат ҳеч фойда қилмас.

Қитъа:

Сиёсат борасида қилма суръат,
Ошуқмоқни еткуур өхир надомат.
Бўлур ўлтурса, юз кишини замоне,
Вале тиргузса бўлмас ҳеч они.

Енгиллик ўқ масалликдурки, ёйдин кетса, келтурмак мушкулдур ва оғирлиқ қилич янглиғ эрурки, хоҳласа корга йиборур ва агар хоҳиш қилмаса қўлида қолур, ҳеч зарар қилмас. Шитобкорлик ҳукумат аҳли мазоҳига ҳеч вақтида ғазаби ҳолатидагидек ғолиб бўлмас. Бас, уларга лозимдурки, ул вақтда ҳукмлари жиловин тортгайлар ва ул муҳимнинг оқибати сувратин фикрлари ойинасинда кўргайлар.

Келтурубдурларки, Ардашер Бобакки, улуғ подшоҳлардин ва комкор шаҳаншоҳлардин эрди. Буюрди, то уч руқъага уч хат ёздилар ва ул руқъаларни хос ғуломларидин бирига бериб айдики: “Мизожим тағайюр топқони пешонамда зоҳир бўлса, аччиғу ғазаб асари юзумда пайдо бўлса, мен шитоб кўргузсан, ҳукм сўрмасимдин бурунроқ ул руқъалардин бирин арза қилғил ва агар кўрарсанки, ғазабим ўти ҳануз ўчмайдур, яна бирини менга кўрсатғил ва агар анинг бирла ҳам бас бўлмас, учинчи руқъани назарга келтурғил”. Аввалги руқъанинг мазмуни бу эрдики: шитоб қилмағил ва ихтиёринг жиловин нафси аммора илкига бермагилки, сен маҳлуксан ва сени яратган Холик бордурким, сендан қавийроқ эрур. Иккинчи руқъанинг мазмуни будурки: оғирлиқ пеша қилғил ва зеридастларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло сенга омонат топшурубдир, алар борасида шитоблик бирла иш қилмағил, жамоатеким, сенга фармонбардор ва мағлубдур, аларга раҳм қилғил, то худойким сенинг узра ғолиб эрур, анинг мукофотига сенга ҳам раҳм қилғай. Учинчи руқъада бу маъно битиб эрдики, ҳар ҳукмеки килурсан, анда шариатдин тажовуз қилмағил ва инсоф тарафидин чиқмағил.

Байт:

Ғазабнинг тавсани тез қилма,
Ки қаҳринг тифини хунрез қилма.

Тарихларда айтибдурларки, вақтеки, Аҳмад Сомоний вафот топти, ўғли Наср олти ёшда эрди. Сомоний улуғлари они отаси тахтида ўлтурғуздилар, то Наср болиғ бўлгунча ҳар муҳимики, пеш келса, анга умаро ва аркони давлатлари иттифоқлари бирла ҳукмин килур эрдилар. То ўғил балоғат сарҳадига етди эрса, ўзи ҳукм сура бошлади. Отаси мамлакатини забти қабзасига олди. Бисёр яхши хулқлар ва писандида сифатлар они вилоятида ҳосил эрди. Аммо

йигитлиги, бетажрибалиги ва ғуури жиҳатидин бот аччиғи келур эрди. Тааммул қилмай ҳукм қилур эрди ва андак гуноҳ учун кишига бисёр укубат қилур эрди. Бир куни вазирига айдики: “Менинг зоҳиримда ҳеч айб кўрармусан, айтғил. Анинг дафъига машғул бўлайин”.

Вазир аиди: “Аллоҳга шукрки, олий зотинг улуг яхши сифат бирла ораста ва покиза хулқлар сенда бекаму кўст. Эй шахзодаи моидаси пурфойда, хосуом назарларида ҳурматлисан. Карам ва муруват овозасин олам атрофиға чиқарибсан ва хулқунг хонида латиф неъматлар ва шариф шарбатлар мухайё қилибсан. Аммо бу хон узра туз камроқдур ва тузсиз ҳеч таом маза бермас”. Наср айдики: “Бу хоннинг тузи недур?”. Вазир аиди: “Ҳукм сўрар вақтда оғирлик ва таҳаммул пеша қилмоқдур. Ул нимарсаки, бу хонни вайрон қилур ғазаб ва сабуклик эрур”. Наср аиди: “Ҳар неким, сен айдинг билдим ва бу айбим бори ўзумга ҳам маълум эрди. Аммо бу сифат менга одат бўлубдур ва табиатим мунинг бирла хўй олибдур. Мунга не тадбир қилса бўлур?”. Вазир аиди: “Агар хоҳласангки, ҳукм қилур вақтинда оҳисталиқ ва ошуқмаслиқни варзиш қилгайсан. Керак сенинг хизматингда покиза сийрат бузурглардин киши бўлғайким, ғазабинг ғолиб бўлган маҳалда сенга манъ бўлолғай ва сендин шарофат қилолғайким, то бу иш қарор топқай”. Бас, савдогаре бор эрдики, бисёр бузург, хушманд ва оқил. Шахзода они чорлатди ва муқарраблик рутбасин бериб, буюрдики: “Ҳар кишиким, мен они укубатга фармон қилурман, сен ул ҳукмни уч кун таъхир қилғил. Уч мартаба они менга келтуруб арз айтғил ва андин сўнгра агар укубатга ҳукм қилсан, юз таёқдин кам урмағил, хосуом надимларга айдики, сизлар ул гуноҳкореким, афвға лойикдур, они мендин яхши равишлар бирла тилангизлар”. Ва чун Насрнинг ҳукумати иши бу навъ топти эрса, андак замондаadolati дабдабаси ва салтанати тантанаси жаҳон атрофиға ва олам акнофиға мунашир бўлди.

Байт:

Бўлма лочинлар каби сен тез пар,
Сол қадам оҳистаки, чун шери нар.
Ол жиловин чустроқ андишанинг,
Чун хатоси тўлароқ бу бешанинг.
Ишким, узоттинг анинг устида қўл,
Шуғлида оҳиста-ю оҳиста бўл.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ КЕНГАШ ҚИЛМОҚ БАЁНИДА

Ҳақ субҳона ва таоло ҳабибига буюрдики: “Ва шāвирхум фил амри”¹, яъни қилғил асҳоб бирла ҳар ишниким, сенга воқеъ бўлубдур, демак бўлур. Бузурглар айтибурларки, ҳазрат Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бовужуд буким, ҳама халқдин донороқ ва румузи илоҳий ва тақдирот субҳонийга воқифроқ туруб, Худойи таоло анга кенгаш қилмоқни буюрмоқда. Ҳикмат бу эрдики, ҳар муҳим пеш келса, анга кенгаш бирла шуруъ қилмоқ, ул ҳазратдин сўнгра уммат аро суннат қолғай. Не учунки, кенгашнинг фойдаси кўбдур. Аввал буким, ишларнинг салоҳига ёвук қилур. Иккинчи буким, ҳар киши ишига кенгаш қилғандин сўнгра, мабодо ул иш яхши кифоят топмаса ҳам, андин ҳеч фойда кўрмасалар ҳам, муқаддар бўлурки, халойик анга таън тилларин очмаслар, балки они маъзур тутарлар. Учинчи буким, бир киши зеҳни муҳим атрофи ва жавонибини ихота қилолмас. Вақтеки, йиғилсалар ва ул воқеъ бўлган муҳим салоҳига раҳнларин югуртурсалар, ҳар қайсиларнинг хотирига бир тасаввур етар ва бу иродадин қаю маслаҳатким, яхши ва савобдур зоҳир бўлур.

Бас, ихтиёр аҳлига лозимдурки, “Лā қавāба ма‘а таркил машварати” иқтизоси бирла ҳар ишдаким, аларга пеш келур ва ҳар муҳимдаким юз кўргузур, анга оқиллар бирла кенгашмай шуруъ қилмагай, яъни кенгашни тарқ қилмоқ бирла иш қилинмас, демак бўлур. Ва мушкулларни ҳал қилмоқда кенгаш қилмоқни одил ҳоким ва хуқуқшунос мумаййиз билгайларки, неча ақлнинг тадбири бир ақлнинг тадбиридин хўброқ ва фойдалироқ эрур.

Қитъа:

На учун боғладинг, эй дўст, кенгаш эшигин,
Ақлнинг мазҳабиға сен магар ўлдунг мункир.
Ҳикмат аҳли аро машҳурдур бу сўзким,
Тўла ақл ўлғуси тадбирга бирдин қодир.

Шундай экан, воқелар вуқуъ ва ҳодисалар хусусида кенгаш қилмасга чора йўқтур. Ҳукумат аҳли ва тажриба хайли, хушманд вазирлар ва оқибатандиш пирлар бирла кенгаш тузмак керак. Улар тадбирлари мақбул ва маъқул эрур. Яхши тадбир сайд янглиғдурки, ҳар кишининг қўлига тушмас ва агар жамоати жамъ бўлсалар, орасида қочиб қутулмас, ҳар мушкул ҳодисаки, пеш келур агар тадбир бирла кифоят топар бўлса, яна ўзга нимарсага майл қилмас. Керакки, ҳар

¹ “...ва улар билан кенгашиб иш қилинг!”. (“Оли Имрон” сураси, 159-оят)

матлубеки, тадбир бирла мұяссар бўлур, ўқ ва шамшир бирла илож бўлмас.

Байт:

Кенгаш қилмоқ била ишларни тузгай оқил, комил,

Ки минг лашкар била гарчи мұяссар бўлмағай ҳаргиз.

Келтурубдурларки, Рум қайсари Миср подшоҳи бирла ёғий бўлди эрса, лашкар тортиб бир-бирларига қасд қилишдилар. Румийлар лашкарида бир киши бор эрди, ҳар воқеаи булар аро хабардор бўлур эрди, Миср подшоҳига андин хабар еткуур эрди ва муни ростлиғиға Рум қайсари огоҳ бўлди. Аммо ул кишига ҳеч маълум қилмади ва они сўз еткуришини асло манзур қилмади. То жанг ёвуклашди эрса, Қайсар ул кишини чорлатди ва ўзининг қошида они бир ишга машғул қилди. Ул ҳолда лашкар бошчилари ва сипоҳлар улуғларини жамъ қилиб айдики: “Эй муборизлар, огоҳ бўлунгизларки, Миср подшоҳини беклари менга нома юбордилар ва савганд ёд қилибдурларки, вақтеки жанг сиёқи рост бўлур, биз ул ҳолда подшоҳимизни тутуб, қўл ва гарданин боғлаб сенга элтурмиз. Бас, сизлар кўнглунгизларни жамъ қилингизлар ва тамом шиддат бирла жанг қилмоққа машғул бўлунгизлар”. Ва ул киши бу сўзни эшитиб мутаҳаййир бўлди. Дарҳол мажлисдин чиқиб, бу мазмунни битиб, Миср подшоҳига йиборди. Чун маликка бу ҳолни маълум қилди эрса, қўрқти ва тўхтаб жанг қилмоқни маслаҳат кўрмай, қайтмоққа бошлади. Ва Қайсар онинг орқасидин лашкар юборди ва ул лашкар қувлаб бориб молу ҳашамин қўлга тушуруб қайтдилар. Бу тадбир бирла жанг қилмоққа ҳожат бўлмади. Душман шикаст топти.

Қитъа:

Киши тадбирни тарқ этса тутолмас мулкин,

Чунки иқлим кенгаш бирла топар назми сиёқ.

Мулк тасхириға даркор хайлу ҳашам,

Лек тадбирдур барчасидин лозимроқ.

Подшоҳлардан бири ҳукамоларнинг биридан сўрдики: “Тадбир яхшироқмудур ва ё шижаот?”. Ҳаким жавоб бердики: “Шижаот тийғ янглиғдур. Тадбир они корга йибарадурған қўл масаллик. Ҳар кишининг қўли тийғсиз корга борур. Аммо ҳеч тийғ қўл мадад қилмай ишга ярамас”. Бузурглар айтибидирларки, “Ат-тадбіру қабл аш-шужā‘ати”¹, яъни тадбир кишига шижаатдин бурунроқ даркордур, демак бўлур. Бир азиздан сўрдилар: “Кенгашнинг хўброки ва

¹ “Тадбир кишига шижаатдин бурунроқ даркордир”

тадбирнинг яхшироқи қайси дур?”. У айди: “Иложи борича фитнани йўқотмакка кўшиш қилғайлар”. Миср подшоҳи Паётала даврида бу воқеа бўлди ва суврати ҳол мундок эрдики, душмани азим Хуросондин аниг мулкига қасд қилди ва ул ҳам бисёр лашкар жам қилиб душманни дафъига юз келтурди. Подшоҳ Паёталанинг беклари ва сардорлари оқибатандишлиқ пеш қилиб, ул душманга ёшурун нома юбордилар ва ҳама ихлосу эътиқодларин анга изҳор қилдилар. Подшоҳ Паёталанинг душмани бу нома мазмунларин эшитиб хушвақт бўлди ва буюрди, то ҳама номаларни сандуққа солдилар ва оғзин муҳр қилиб хазинада қўйдилар. Чун жанг воқеъ бўлди эрса, баногоҳ подшоҳ Паётала ул душманига ғолиб келди ва душман қочти. Ҳама хазина ва амвол подшоҳ Паёталага тушти ва ул номаларким, умаролари ани душманга йибориб эрдилар. Ул ҳам сандук бирла қўлига келди ва подшоҳ Паёталага номалар мазмунлари маълум бўлди. Аммо сандуқни оғзини очмади, шундок муҳри бирла қўйди ва ўзига андиша қилдики, агар бу хатларни ошкора қилсам, умароларға кўрсатмагим лозим бўлур. Алар бу ҳолдин воқиф бўлгандин сўнгра мендин ваҳмнок бўлурлар ва ўзларидин зарарни дафъ қилмоқ фикри бирла менга қасд қилурлар ва фитна ўти улғаюрким, они паст қилмоқ бағоят мушкул бўлур андиша қилди эрса, дарҳол даргоҳи хослари ва боргоҳи муқаррабларини жамъ қилди ва ул сандуқни келтурдилар. Ичиндаги номаларни аларға кўрсатти. “Бу ул хатлардурки, лашкарим улуғлари оқибатандиши қилиб душманга хат ёздилар. Уни жам қилиб бу сандук ичра қўймиш ва муҳр бирла турубдур. Ҳоло ҳам ўшал муҳри бирла турубдурки, то қўлга тушгандан бери аниг оғзин очган бўлсам, номалар мазмунини ўқуган бўлсам, номани битгучини маълумин билган бўлсам, Худойи таоло ҳақида пиёда ҳаж қилмоқ гарданимга лозим бўлсун”, деди. Бас, бу қарорни ёд қилиб буюрдики, то ўт ёндурудилар ва ул номаларни куйдурдилар эрса, ҳама кўнгуллари қарор топти. Аниг мутобибатида яқдил ва якжихат бўлдилар. Бу тадбир бирла жумла лашкарни фармонига мутеъ қилиб, миннати қўлига гаров қилди.

Қитъа:

Топар тадбир ила ишлар саранжом,
Ки, андиша ишға бормас тифи қалқон.
Ишонма ганж ила лашкарга зинҳор,
Кенгаш қилмоқни бил, яхши мададкор.

Айтибурларки, улуғлар ва кичиклар, амин ва мультамадбурлар, улардин кенгаш тиламак керак. Шундай вакт бўлурки, кичик

кўнгулларига тадбир етарким улуғ замирида ҳаргиз кечмас, киши кенгашидин зиён кўргани йўқдур. Марв уламоларидин бирининг бир соҳибжамол қизи бор эрди. Шаҳрнинг ҳама улуғлари анга хостакорлик қилдилар ва ул олим мутаҳаййир эрди. Айтур эрдиларки: “Аё, қизимни қайсига бермакнинг маслаҳати бор экан?”. Ул олимнинг ҳамсояликида бир габр бор эрди. Олим они чорлатти ва аиди: “Эй ҳамсоя, менинг бир қизим бор, бисёр халқ анга хостакорлик қилурлар ва мен бу бобда ҳайрондурман. Сен не маслаҳат кўрарсан?”. Габр аиди: “Мен ислом динидин бегона кишидурман. Сизларнинг кенгашларга нечук муносабатим борки, бу сўзни мендин сўрарсиз?”. Олим аиди: “Агарчи ислом динидин бегонасан, аммо марди ойини фарзонасан. Бузурглар кенгаш бобида муболага қилиб айтибурларки, донишманд киши бирла кенгашмок керак. Ва ҳадиси шарифда келибурки, “Ал-мустаншару му’таманун”¹, яъни кенгаш ул кишидин тиламак керакки, киши андин эмин бўлгай, демак бўлур. Бас, ҳоло сен на равишким, маслаҳат кўргузурсан мен анга борурман ва они ихтиёр қилурман”. Габр аиди: “Никоҳда кафорат, яъни кадхудо бўладурган эр ва куёвга тегадурган хотуннинг баробарликлари шарттур. Кафорат мусулмонлар мазҳабида дину миллат бирла бўлур, бизнинг расмимизда асли насаб бирла ва замона аҳли равишида молу улуғлик бирла. Эмди тааммул қилғил, агар ўзунга борсанг, динни ихтиёр қилғил, агар бизнинг расмимизга келсанг насаб эътибор қилғил ва агар замона аҳли одатига амал қилсанг, мол ва жоҳ талаб қилғил!”. Олимга бу сўз бисёр хуш келди ва айдики: “Дин ҳамага ғолибдур. Динни ихтиёр қилдим”. Олимнинг Муборак отлиғ бир қули бор эрдики, “Ман ҳеч кишини Муборакдин қавийдиндонроқ кўрмайдурман. Бас, қизимизни анга никоҳ қиласин”, – деб чорлатти ва анга аҳд қилди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Муборакка ул қиздин фарзанд бердики, ислом аҳли онинг пешвоси ва дин хайлиниң муқтадоси, зоҳидлар аро якто ва орифлар аро беҳамто, Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳу алайхи улдурлар.

Байт:

Кенгашдин юз ўгурманг, чунки айтибур ҳирад,
Ки давлат аҳлиға йўқдур кенгашдин яхшироқ раҳбар.

Бас, подшоҳларга лозимдур ҳар гириҳеким, пеш келса, они тадбир илики учи бирла ёзгайлар ва ҳар ҳалалеким, рўзғор ҳаводисидин пайдо бўлса, кенгашнинг ёриймандалиғи бирла анинг дафъига илож қилғайлар.

¹ “Шундай киши билан кенгашиш керакки, одам унга ишона олсин”

Байт:

Тийғинг ўлтургуси душманнинг бирин,
Лек тадбириңг йўқ этгай барчасин.
Бўлмагил мағур сан ўз ақлингга,
Ол кенгаш ойинасини илкингга.
Хуш аҳли доманидин олма қўл,
Топғайсан мақсадни сориға йўл.

Ва ҳам бу бобда айтибдурларким:

Қитъа:

Кенгаш бирла ҳар ишға қўл урарсан,
Кўрарсан ул ишингдин суд бисёр.
Агар ҳар нарсани қилсанг кенгашсиз,
Яқин билғилки, бўлғунгдур зиёнкор.

ЙИГИРМА ТҮҚҚУЗИНЧИ БОБ АНДИША ҚИЛМОҚ ВА ҲАР ИШ ОХИРИН КҮЗЛАМОҚ БАЁНИДА

Марди оқил керакки, номи яхши шахс ва эҳтимоллик нимарса борасида хүшёр ва ҳазарнок бўлғай, онинг оқибатига эҳтиёт фикрини юритгайким, мабодо ондин бирорвга халале ва заҳмате маълум бўлса, воқеъ бўлмасдин бурунроқ имкони борича бир ҳунар қилғай! Бу хислат ҳукумат аҳлига ҳама хислатлардин хўброкдур. Афросиёб сўзлариурки, ҳар киши андиши дурбинлик заррасин кесса, душманнинг макри ва ҳийласи ўқидин эмин бўлғай. Ҳушманд ул кишиурки, йироқни қарагай, то мабодо шарру фасод аломатин таваҳҳум қилса, дарҳол чорасиға машғул бўлғай. Ул киши эрурки, то бало бошига етмагунча ғафлат уйқусидин уйғонмағай. Масалан, оқил ва ҳүшёр кўрсаки, бир душман қўлига тош ва чақмоқ олибдур, қасд қилурки, ўт чиқаргай ва онинг хонумонин куйдургай. Керакки, ул тадбиркор дарҳол аниңг тадорики ва иложиға машғул бўлғайки, андин ул душман ҳаргиз огоҳ бўлмағай.

Мисраъ:

Зоҳир ўлмасдан балое борғил, ўз фикрингда бўл.

Бундай андиша дурбинликини араб луғатида “ҳазм” айтурлар. Бузургедин сўрдиларки: “Ҳазм надурким?”. Айди: “Ҳазмнинг асли маъноси бадгумонлиқдурки, “Ал-ҳазму сў’у-з-занни”, яъни “Ҳазм кишини ёмонлик бирла гумон қилмоқдур”, демак бўлур. Бир ҳаким айтубдирларки, бўлмагил баднафс, бўлгил бадгумон, токи топқайсан фитна ва шаррдин омон. Ҳазрат мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сида келтурибдирларки, таржимаси будур.

Мисраъ:

Ҳазм улким, бадгумонлик айласанг.

Ҳар кишики, бу сифат анга ғолиб бўлмиш, албатта гинажўйлар хужуми сайли етмасдин бурун ҳодиса ерларига илож илики ва фикр қуввати бирла маҳкам сад боғлар, оғат йўлларин воқеа зуҳуридин илгари яхши тадбир билан беркитар. Замон аҳлининг ростгўйликларига эътимод қилмас ва даврон ҳалқини ҳамдамлик ва ҳамнафаслигига ишонмас, сирига кишини маҳрам қилмас. То муфсидлар шарридин эмин бўлур.

Қитъа:

Дин ила дунё амонин ҳар кишиким истади,
Ҳазм анга раҳбарлик этмади, мақсудига етмади.

Ҳазм остида кўрмишдур муродин ул киши,
Ҳазмдин маҳфил ясаб, они мусаффо айлади.

Иброҳим имом аввалғи навбатдаки, соҳибуд-даъва Абу Муслимни Хурасонга йиборди, охир васияти бу эрдики: “Агар хоҳласанг, даъватинг сўзи халойиқ аро жорий бўлғай ва муҳиминг кўнглунг хоҳиш этгандек тугашини истасанг, ҳар кишики, ондин ёмонлик гумони кўнглунгга етар, они ўлтурмакка кўшиш қилғилким, подшоҳлар ҳазмидин бири буки, кимгаки бадгумон бўлсалар, они мамлакатларидин йўқотғайлар”. Ва бу бобда айтубдирларки:

Байт:

Қаю кишидинки кўнглунгдур гўризон,
Кўтаргил тезроқ они ародин.

“Салоҳий тарихи” асарида мазкурдурки, вактеки, Шеруянинг ўғли Асқор Рай мамлакатин мусаххар қилмоқни қасд қилди эрса, Симонга борди. Они мунга тарғиб қилдиларки, Абу Жаъфар Симонийни ўлтургай. Абу Жаъфар бу хабарни эшитти эрса, қўрқди. Бир маҳкам қальаси бор эрди, анга беркинди. Вактеки, Асқор Рай вилоятини тасхир қабзасига келтурди Дайламийни оғир лашкар бирла ул қалъага йиборди. Ҳарчанд кўшиш қилдилар, аммо қалъани олмоқ мұяссар бўлмади ва ялмини бир кишини восита қилди. Ўзининг ва Абу Жаъфарнинг орасида сулҳ тарҳин солғай ва сулҳни маслаҳатин анга анжом бердиларки, Абу Жаъфар Дайламийни қалъага элтгай ва меҳмондорлик қилгай.

Бас, Абу Жаъфар бу сулҳни қабул қилиб, зиёфатни тартиб қилиб, дайламийни чорлади ва дайлами лашкар улуғлари ва сипоҳ баҳодирлари бирла иттифоқ қилдиларки, қалъага киргайлар ва Абу Жаъфарни ўлтургайлар. Бас, у иттифоқ бирла дарвозасига келдилар эрса, Абу Жаъфар буюрдики, дайлами ҳисор ичра танҳо киргай. Бас, танҳо кирди ва тобеълари ташқари қолдилар. Ул вақтда Абу Жаъфарга оёқ оғруки пайдо бўлуб эрди ва тебранмоқقا мажоли йўқ эрди. Равоқ узра ўлтуриб эрдики, ул равоқ атрофида хандақ ва хандақдин қалъа ташқарисига пинҳон йўл бор эрди. Дайламийни ул равоқда келтурдилар ва зиёфатдин форуқ бўлуб, замоне ҳар навъидин сўзлашиб ўлтурдилар. Бу аснода дайламий Абу Жаъфарга айдики, хилват қилғил, то мамлакат асроридин сирни сенга айтайн. Бас, Абу Жаъфар буюрди, то ҳама тобеълар чиқиб кеттилар. Магар бир ғуломки, кичик эрди ва ул иков олдида хизматга машғул эрди. Чун равоқ хилват бўлди, дайламий дарҳол турди, эшикни беркитти ва ханжар тортиб Абу Жаъфарни ўлтурди. Ул ғулом кўрқинчидин бехуд

бўлиб овозин чиқармоқقا захраси йўқ эди. Бас, дайламийнинг этиги ичида бир ипак арқони бор эрди. Они чиқарди, равоқнинг туйнути ва даричалари очук эрди. Улардин бирига арқон учин маҳкам қилди ва ондин хандақ лабига тушти. Ул маҳфий йўл бирла чиқиб лашкарига кўшулди.

Алғараз, агар Абу Жаъфар ҳазмни пеш тутса эрди ва давр андишаликни варзиш қиласа эрди, анинг бирла хилват қилмас эрди, душман анинг ҳалокига фурсат қилмас эрди. Хабар ва тарихномаларда бу навъ ҳикоялар бисёрдурки, кўб кишилар ҳазм ва эҳтиёжни тарқ айлаб, ғафлатга кўшиш қилғай. Бу сабабдин нест ва нобуд бўлубдирлар. Бас, ҳеч муҳлиқ ва беандишлиқ хавфлироқ эрмас.

Байт:

Ҳазмни пеш айлаким, ғафлат йўлидур пурхатар,
Эҳтиёт айлаб қадам қўйким, бор анда шўру шарр.
Ёғса гар ёмғур хаёлингдин кечургил муниким,
Еткусидур сел уйингға, айлагил андин ҳазар.
Бўлмағил ғафлатда, тарқ этмагил ҳазмингниким,
Ҳазмдур даврон балоси ўқиға маҳкам сипар.
Ҳар кишиким, дурбийну оқибат андишдур,
Бўлғуси, албатта, ул доим ўзидин бохабар.
Бўлса ўзидин бохабар, анинг ниҳоли давлати,
Доимо бўлғай муроди боғи ичра борвар.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ ШИЖОАТ БАЁНИДА

Ул қувватедур миёнаҳолким, жубн¹ ва таҳаввур орасида бўлубдур. Жубн бағоят қўрқоқдур ва таҳаввур беҳад юраклик бўлмок, ўзини bemalol тутиш эрур. Шиҷоат фазилат оналаридиндур, яъни улуг яхши сифатлардин эрур. Шиҷоат тавсифида келибдурки: “Инналлаҳа йуҳиббу аш-шужжā”², яъни Ҳақ субҳона ва таоло дўст тутар шиҷоатлик кишиларни, демак бўлур. Хабарда келибдурки, “Табаррук истангизлар шиҷоатлик кишиларни, улар парвардигоридин яхшилик гумонин тутарлар ва жанг куни бедиллар қочмоққа эътимод килурлар”. Пурдиллар Ҳақ субҳонаҳу ва таоло фазлига ишонурлар. Ҳазрат Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам муборак зотларининг шиҷоатга нисбат беруб айдиларки: “Ризқий фий таҳти румҳий”, яъни “Менинг ризқим найзамнинг соясидадур”, демак бўлур. Сўзда ғаразлари асҳобни ғазот вақтида қитол олатин журъат бирла ишлатмак, ўзлариға жангу жадал лозим билмакка ҳарис қилмоқ эрдилар.

Байт:

Олғуси ҳар ким шужоъ ўлса жаҳон,
Келмади бедил қўлидин ҳеч кор.
Ҳар киши жанг ичра журъат кўргузур,
Ўзни қилғай тахт узра тождор.

Холид бин Валидки, ислом лашкари аро маъруф ва машҳур эрди, бу фоний дунёдин риҳлат қилур бўлди эрса, ҳасрат ёшин кўзидин мисоли ямғур янглиқ тўкар эрди. Айтур эрдиларки: “Воҳасрато, бисёр жанг сафларин ушоттим, бешумор майдонларида шиҷоатлар кўргуздум, бағоят зарб жароҳатин ва таън аламин кўтардим, ҳоли қари кампирлардек тўшак устида ўларман ва чун ажалдин чорам йўқдур. Азиз жонимни некномлик баҳосига берғай эрдим ва шаҳидлик саодатин топқай эрдим”.

Бу сўз ҳам андиндурки, бедиллар қочмоқни жон ҳимояти билурлар. Аммо бу каж хаёл ботил тасаввур эрур. Не учунки, журъат ва далирлик душманнинг оғизларидин тишларини тортғай ва сустлук, қўрқоқлик душманни эркаландурув бу даражадандурки, бисёр бедиллар ва қўрқоқлар шамшир дамида ҳалок бўлур, далирлар ва журъатликлар ҳалокат маҳлакасидин нажот топар.

¹ Жубн – қўрқоқлик.

² “Аллоҳ шиҷоатли кишиларни яхши кўради”.

Қитъа:

Ҳар кишиким, жангда құрқунчоқ, бедил эур,
Билки, душман қўлида жонини ул эрга берур.
Разм ичра эранлар қошида қил журъате,
Токи халқ ичра эранлик бирла топқил шухрате.

Подшоҳлардин бири жанг ерида наъра урар эди ва лашкарнинг муборизлариға айтур эрдики: “Эй ёронлар, бугун имтиҳон кунидур. Ҳарб маъракаси ва эранлар кўраси эур. Ул кишики, журъат бобида зари холис янглиғ бўлса зўр саломат чиқар, ул кишики, қўрқунч ғиши бордур, бу қўра ичра солим қолмас”.

Байт:

Хушдурки, гар маҳак келса ароға тажриба,
Токи бўлғай қаро юз ҳар ким анингда ғашдур.

Шужоъ эр улдурки, ўзини улуғ душвор ишлар шуғлига ҳарис қилгай, улуғ ва сардорлик даражасига тараққий қилмоқ жиҳатидин кўнглини жафолар ва аламлар юкин кўтартмакка тарғиб қилғай. Ё они азимати шухрати олам атрофига кетгай ва шавкати овозаси масал янглиғ оғоққа етгай.

Қитъа:

Керак бизга шижаот бирла шухрат,
Ки анингдин киши топқай шарофат.
Эр улдурким, ўзин машҳур этгай,
Ки шухрат топилиб, жон кетса етгай.

Афросиёб лашкарига буюур эрдики, “ўлмоқға ҳарис бўлингизлар, токим узун умр кўргайсизлар ва жонингизларни ўлумга чоқирингизлар, то давлат ва иззат сармоясин қўлингизларга келтургайсизларки, улуғлуқ икки нимарсадин бўлур. Яхши от чиқариб ўлмакда ва ё халойикқа мақбул бўлуб умр сурмакда”.

Қитъа:

Агар тутса ўлумни ҳар киши хор,
Шижаот бирла бўлғай олиймиқдор.
Кишиким, жонини тутса муazzаз,
Жаҳондор ўлмағайдур турфа душвор.

Амирул-мўминин Муртазо Али карамуллоҳу важҳаҳу корзор вақтида куффор сафига ўзин урар эрдилар. Ҳар тарафдаки, лашкар тўлароқдур, ул сори юз қўяр эрди, далирона жанг йўлиға кирад эрдилар ва жаҳондин вахм етмас эрди. Бир одам сўрдики: “Эй амир, не ажаб журъат кўргузурсиз. Ўз аҳволингизни соқламоқдин тағофул қилурсиз?”. Ва ул жанг бешасининг шери ва шижаот майдонининг

далири айдики: “Таъйин билурманки, агар ажал етган бўлса, ҳазар суд бермас. Агар ўлум ҳукми қазо ҳукмидин содир бўлмаган бўлса, менга бу шижаат зиён қилмас ва бу бобда икки байтни айтмиш.

Шеър:

Ло йуъти мин ал-мавти ин афар,
Йавма йуқаддиру ва йавма лам йуқаддар.
Йавма ло йуқаддару ло йаътил қазо,
Йавма йуқаддару ла йуғни-л-ҳазар.

Яъни, “кутқоролмас мени ўлумдин қочмоқким. Ул кунки, муқаррар бўлубдур ўлум, ул куни, муқаррар бўлмас ўлум етмас. Ул куни, муқаррар бўлар, суд бўлмас мунга ҳазар”, демак бўлур. “Ло йуъти ва ло”, яъни калималарда шафъул ба маҳзуфдур, африни охири сокинлиги қофия риояси учундур. “Йуқадр ва лам йуқадр ло йуқадр ва йуқадр” калималарида мафъул молам ясам фоил замири мустатарлардурким, рожеъдур. Мавтға буларнинг мисраларида мусбат ва манфийлиги тартиб бирла бўлмайин, “лаф” ва “нашр” мушавваш келмаклари шеър вазни мулоҳазаси ва ҳам қофияси риояси учун бўлғай. Ва дигар буларнинг коҳмози ва мазорасига келмоғи анинг учун бўлғойки, тақдирот Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг сифатларидиндурки, ул замонда мубарро эрур. Ул жиҳатдин билмажоз гоҳи ҳол ва гоҳи истиқбол замонлари бирла тағайюр қилдилар, валлоҳи аълам биссавоб. Ва бу байтлар мазмунига бузурглар форсий назм бирла тартиб берибдирларки, туркий таржимасидур.

Рубоий:

Ҳазар қилмоқ ўлумдин бу икки кавн ичра суд этмас,
Ўшал кунким қазо етгай, ўшал кунким қазо етмас.
Ўшал кунким қазо етса, бу кўшиш бермағай суде,
Ўшал кунким қазо етмас, ҳаёting ўрнидин кетмас.

Ҳақиқат буким, то киши жон саркўйидин¹ ўтмас, жанг куни андин писанд қилғудек иш ва ҳикоя қилғудек воқеа кўз тутолмаслар керак.

Байт:

Токи кўнглунг жонға боғлуқдуур, жон жисмға,
Ўз канорингда қачон еткунгдуур мақсадунгға.

Келтирибдурларким, вақтеки, ҳабаш лашкари Яман вилоятига ғолиб бўлдилар. Сайф Зулязанки, Яман подшоҳи эрди, ночор жалойи ватан бўлуб, Нўширвонни паноҳига бориб, андин мадад тилади.

¹ Саркў – тош ҳавон, тошкели.

Нўширвон буюди, то дузлар, қароқчилар, айёрлар ва аҳли фитналарким, зинданда маҳбус эрдилар, чиқардилар ва уларга аслаҳа бериб Сайфга ҳамроҳ қилдилар. Бу жамоат минг ва саккиз юз киши эрдилар. Бас, Сайф ул жамъини ўзига ёр қилиб, кема бирла дарёга кирдилар. Муддати, дарё ичра юриб Яман соҳилига еттилар ва кемадан чиқтилар. Сайф буюди, то ҳама кемаларни ушоттилар ва барча озукни дарёга оқизиб юбордилар. Айдики: “Эй ёронлар, Яман мулкига келдук. Эмди душман бирла уруш қилмоқ керак. Ва ҳоли сизлар икки иш орасида тушубсизлар. Яхши тааммул қилингизлар, ё ўлмак керак ва ё ғолиб келмак”. Ва ул гуруҳ бу сўзни эшиттилар эрса, мутаҳаййир бўлдилар. Ёниб кетарга озук йўқ ва кемалар ҳама синуқ. Ночор жонларидин кўнгул кўтардилар ва жидду жаҳд бирла мардонавор урушға машғул бўлдилар. Андак соатда бу оз жамият ҳабашнинг бу навъ улуғ лашкариға ғолиб бўлдилар. Бас, жанг кишиси керакки, кўрқунча кўнгул сори йўл бермагай. Рустами достон айтибдурки: “Беморлик тўшаги узра ётиб ўлмакдин, жанг ичра минг заҳм етмагини дўстроқ тутарман”.

Байт:

Хуш дуур гар яхши от бирла ўлум етса баҳам,
Топилиб яхши лақаб жон борса бўлмас ҳеч ғам.

Подшоҳлардин ҳар қайсисининг журъат ва шиҷоати бисёрроқ бўлди ва оғир маشاққатлар кўтармагида зиёдроқ тоқат кўргузди. Чустроқ мақсади манзилига етти ва муроди чехрасин қасд ойинасида кўнгли тилагандек кўрди. Келтурубдурларки, вақтеки, Амр Лайснинг иши уйғонди эрса, ирова қилдиким, Хуросонни мусаххар қилғай. Бир куни отланмоқ қасдин қилди ва ҳама амирлари боргоҳи эшикига йиғилдилар. Ул тамом силоҳин кийиб ташқари чиқиб эрди, мунажжимлар айдиларки: “Ҳоло бу соат наҳсдур. Отланишни таъхир қилғил, токи саккиз соат ўтгай. Андин кейин яхши соати етар. Анда отланмоқ керак”.

Бас, Амр ул силоҳи кийимлик том устига чиқти. Ҳаво бағоят иссиқ эрди, то саккиз соат ўтгунча анда турди. Давлат аркони бу навъ иссиқ ҳавода оғир силоҳ бирла бу қисм сабру қувватига ҳайрон қолдилар ва чун саккиз соат наҳс ўтуб сайд вақти бўлди, эрса томдин тушуб отланди ва мақсади тарафига мутаважжих бўлди. Жамъ сўрдиларки: “Эй подшоҳ, бу иссиқ офтобда оғир силоҳ бирла мунча турмоқингизга боис на эрди?”. Жавоб бердики: “Менга улуғ иш келибдурки, анга нозиклик ва таносолиқ бирла қадам қўймоғим халал еткуур. Мен нафсимни имтиҳон қилдимки, иссиқ ҳавода оғир силоҳ

күтартмакка тоқати бор ё йўқ. Кўрдимки, мақсуд ҳусули юз келтурди”. Чун Амр Лайс давлат талабида то бу навъ жаҳд қилди, етти ул даражагаким:

Байт:

Аруси мамлакатни ул киши ақдига олғайким,
Дарогуш айлагай доим қиличу найзау ханжар.
Кишиким, ташласа нозу таннаъум бирла роҳатни,
Қилур парвардигори они олам аҳлига сарвар.
Чаманда шоҳлик расмини гул яхши билур, чунким
Бу ранг нозуклуғи бирла тикандин айлади бистар.

Бу Яъқуб Лайсдин манқулдурки, бир куни сухандон йигитлардин жамъ бир мажлисда ўлтуриб эрдилар ва ҳар навъ таройиф ва латойифдин баён қилушур эрдилар. Яъқуб Лайс ҳам ул орада бор эрди. Ҳануз мамлакат талабига кўнгул бермаб эрди. Бироқ мардлик ва мардоналиқ илмин кўтариб эрди. Бас, бири айдики: “Ҳама лиbosлар латифроғи хитойи атласдур” ва яна бири аиди: “Жумла тожлар зарифроғи Рум тоқийаси эрур” ва доғи бири аиди: “Жамъи манзиллар яхшироқи гули райхонлик бўстондур”. Бири такрир қилдики: “Барча шароблар хўброки соғгуна чағир эрур”. Бешинчи баён сояси бўлур: “Соялар аро манфаатликроғи тол сояси бўлур”. Олтинчи такаллум сурдики: “Овоз марғуброғи уд нағмаси бўлмиш” ва ўзга талаффуз қилдики: “Ҳамсухбат, ҳамнафас бўлмоғига хушрўй ва хўбсуват хонлар лойикроқ кўрунур”. Бас, навбат Яъқуб Лайсга етти эрса, айдилар: “Сен ҳам хотирингда кечадурганни айғил”. Лайс айдики: “Либослар хўброки зириҳ ва тожлар маҳбуброғи дубулға, манзиллар марғуброқи жанг ери ва шароблар матлуброқи душман, соялар нофеъроқи найза сояси ва овозлар матлуброқи от кишиноқи, ҳамнафаслар мақбулроқи муборизлар, шужоъ ва баҳодирлардур”. Ҳазрати амирул-мўъминин Али каррамаллоҳу важҳаҳу ашъорларида келибдурки:

Ас-сайфу вал-ханжару райхонуно,
Уффин аллан-наржиси вал-анаси.
Шаробуна мин дами аъдоина,
Вал-каъсу мин жимжиматир-раъси.

Афвки, каср бирла мабнодур. Асмоъи афъолийдин эрур ва натажжарнинг маъносида келур, яъни шамшир ва ханжар қошида гули нарjis, гули косанидин дилтангдурмиз ва буларни хоҳиш қилмасмиз,

демак бўлур. Бу икки байт мазмунин мусанниф Воиз Кошифий раҳматуллоҳи алайҳи форсий назм қилибдурларки, таржумаси будур.

Қитъа:

Гулу райхонимиздур тийғу ханжар,
Керакмасдур гули кос ила наргис.
Шаробимиз даги душман қонидур,
Ки боши косаси жом ўлсадур, бас.

Подшоҳга керакки, онинг заҳрдор найзасининг учи дуздлар янглиғ жон жавҳарин олмоқ учун душман сийнаси хазинасига нақб ургай ва обдор шамшири айёрпешалар каби рух гуҳари қасдин қилиб, бадан дуржи ичидин бош чиқарғай. Подшоҳ ўзи далир бўлса, лашкари журъати зиёда бўлур, бедил шоҳга оламгирилик давлати мұяссар бўлmas. Ва “Насойих ул-мулук”да келтурибдурларки, йигитеким, анда адаб йўқдур, гулсиз бўстонга ўхшар, дарвешки, анда маърифат йўқдур, нурсиз дийда янглиғ эрур. Соҳибжамолки, ҳаёси йўқтур, бенамак таом масаллик эрур ва олимеки, парҳезкор эмасдур, югансиз отга ўхшар. Молдореким, анинг саховати йўқтур, мевасиз дарахтга менгзар ва подшоҳеким,adolat йўқдур, булатдек бўлмишки, анинг ямғури бўлmas. Сипоҳеким, бешижоат эрур, савдогарки бесармоядур.

Келтирибдурларки, араб подшоҳларидин бириға бир куни душман бирла жанг қилмоқ лозим бўлди. Вақтеки, икки лашкар тузишиб турдилар. Араб лашкарининг умаролари подшоҳлариға айдиларки: “Эй подшоҳ, жанг иши икки ҳолдан ташқари эрмас, ё нусрат топмоқ ва ё шикаст емоқ. Агар қазо ҳукми бирла мабодо шикаст топсак, сени не ердин истармиз?”. Подшоҳ жавоб бердики: “Агар мен қочсам ҳар кишики мени ул холда истаса, Худойи таолонинг раҳматидин маҳрум бўлсун! Лекин агар душман ғолиб бўлса, мени отлар оёқи остидин истасангизлар”. Бу сўздин ғарази ул эдурки: “Ё ғолиб бўлгумдур ва ё душман тифи заҳрида ўлгумдур”.

Байт:

Ёки чиқғум чарх устиға баланд,
Ё оёқ остида ўлғум сарғиганд.

Нақл қилибдурларки, ул подшоҳ ўшал жангда душман лашкарига ўлум ямғуридин беҳад ёғдуур эрди. Токи офтоб туш вақтига келди, бениҳоят иссиқ бўлди ва муборизлар сийналарига ҳарорат ғалаба қилди. Лаблари ташналиқдин хушк бўлди, жанг ғубори рухсорига ўлтурди. Ул вақтда хос ғуломларидин бири бир тарафда сув кўтариб подшоҳ орқасидин отин югуртуур эрди, токим анга етти ва аиди: “Эй подшоҳ, ташна бўлганурсан, лаҳзаи таваққуф айлагил ва бу сувдан

порае нўш қилғил!”. Подшоҳ айди: “Тийғим мэндин ташнароқдур, то ул душман қони бирла сероб бўлмаса, мен ҳам ташналигига таскин бермагайман!”.

Бас, анинг дуруст қасди, тамом журъати ва комил шижаоти баракотидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло анга душман узра зафар берди.

Байт:

Кишига Ҳақ таоло бўлса ёвар,
Анга кимдурки, то бўлғай баробар.

Искандардин сўрдиларки: “Шиҷоатлик подшоҳ нишонаси недур?”. Ул айди: “Улким, душман черики саноғидин қўрқмағай, балки тафаххус қилмағайким, не ердадур ва ҳар ойина бу қисм амир далир”.

Байт:

Агар шамшир ҳинд олса иликка,
Паришонлиқ берур душман сафиға.
Агар олса найза, гурзи гароний,
Жаҳон халқиға тушгай кўзғолони.

Нўширвон Бузуржмехрдан сўрдики: “Шиҷоат недур?”. Жавоб бердики: “Кўнгул қуввати”. Нўширвон айди: “Не учун илик қуввати демассан?”. Ҳаким айди: “Агар кўнгул қуввати бўлмаса, қўлда қачон қувват қолур, Ваҳоланки, мен эшитдимки, муборизлардин бири пир бўлуб эрди ва пирлик заъфи бирла доғи кўнгул қувватимиз эрди. Бир куни хоҳладики, отлонғай. Икки киши бозусидин кўтариб отға миндурди. Ногоҳ бир беадабе анга таъна қила бошлади ва айди: “Бу пирки, ҳар бор отлонғанда икки киши лозим қилур. Мундин не иш келур ва шиҷоатнинг не миқдори моҳасал бўлур”. Пир бу сўзни эшитди эрса, айди: “Орий, менга икки киши керакки, отға миндурғай. Аммо минг киши керакки, мени отдан тушурғай”.

Нўширвон ҳакимнинг бу сўзидин мусаллам тутти ва айдики: “Рост айдинг, қўл қуввати кўнгул қувватига тобеъдур”.

Мисраъ:

Гар кўнгул қувватли ўлса, бўлғуси бозу қавий.

Искандар олам тасхирига отланур эрди, Арастуни чорлади ва айди: “Эй ҳаким, бу майдонга қадам қўйдум ва бу муҳимни олдимга олдим. Албатта, менга дўстлар ва душманлар пайдо бўлурлар. Бас, уларнинг ҳар бирларига бир нечук сулукат пеш тутойин?”. Арасту айди: “Эй подшоҳ, асли буким, то иложинг бордур ўзунгга душман пайдо қилмағил ва дурустларга хорлиқни раво кўрмағил. Мабодо, агар душмани зоҳир бўлса, анга дилнавозлик ва марҳамат созлик айлағил,

то дўст бўлғай, дўстни иззат ва марҳамат бирла сарафroz айлағил, то дўстлукдин кечмасун”. Искандар аиди: “Доғи ҳам зиёдалағил!”. Ҳаким аидики: “Душман ишидин ғофил бўлмағил, агарчи оз бўлсалар. Лашкарларингга эътимод айламағил, ҳарчанд бисёрдурлар. Токи муҳим нармлик бирла кифоят топса, шамширни ғилофдин чиқармағил!”. Искандар аиди: “Шоядки, ишим душман бирла урушмоққа анжом топқай, анда не равиш амал қилайин ва не навъ анга қадам қўёйин?”. Ҳаким аиди: “Жанг вақти иккидин тошқари эрмас, ё сен киши бирла урушқоли борурсан, ё киши сенинг бирла жанг қилмоққа келур. Агар сен киши жангига борурсан, керакки ўн шартга риоя қилғайсан:

Аввал буки, ул жангдин ғаразинг хайру салоҳдин ўзга нимарса бўлмағай ва матлубунг Ҳақ динига ривож бермак, золим ва фасодни олам сахнидин йўқ этмак бўлғай!

Иккинчи улки, Ҳақ таолонинг даргоҳига мутаважжих бўлмоқ ва андин ёри тиламоқ, дуои хайр ва садақотига кўшиш қилмоқ, ахли қубурдан мадад тиламак.

Учинчи ҳазмдур, андишлиқдин ғофил бўлмаслик, хабаргирлар ва жосусларни даркор қилмоқдур, душман лашкарин аҳволи кайфиятидин ва кишиларининг саноғин тафаҳхус айламакни вожиб билмак.

Тўртинчи, лашкарини ўзига ҳамроҳ қилмоқ керакки, ҳама яқдил ва яқзабон бўлғайларки, сипоҳ иттифоқи, зафар ва қувват боиси, фатҳ ва нусрат сабабидур. Чунончи, айтибурлар:

Назм:

Зафар устиға зафар ул кишиға ҳосил эрур,
Ки ҳамма лашкари пурдиллиғ ила яқдил эрур.
Кишиким, фатҳу зафар гарданиға солди каманд,
Яқдилу яқжиҳат ила иши бўлди баланд.

Акобирлар бирла мувофиқ ва бузургларга мутаффак бўлмоқни лозим билмак.

Бешинчи, лашкар хотирларин рўзи муҳаббатига яхши сўзлар бирла боғламоқ ва улуғ ваъдаларга вафо айламакни кўнгулда ният қилмоқ керак.

Олтинчи, то илож бор эса жанг майдонига ўзи кирмак керак. Мабодо кирмай, агар шикасте етса, анинг тадорикин қилиб бўлмас.

Еттинчи буки, сипоҳ сардорлиги ва лашкар бошчилигига андоқ кишини буюрмоқ керакки, бу уч сифат бирла ораста бўлғай. Аввал шужоъ ва қавийдил бўлғай. Далирлик ва баҳодирлик бирла халойик

аро шұхрат топқон бўлғай токим, андин душман кўнглига тарс ва халос тушгай. Ва дигар яхши кенгашлик ва комил тадбирлик бўлғайки, жанг ерларин ва уруш маҳалин хўброк корга борур, турлук ҳийла ва макрлар бирла иш қилгайки, макр кўргузмак жанг ишида макруҳ эрмас, балки мустахсантур. Чунончи, хабарда келмиш: “ал-ҳарбу ҳадаъатун”, яъни “жанг қилмоқ фириб бермакдур”, демак бўлур. Ва дигар улки, бисёр жанг кўрган бўлғай ва ёғийлик ишин тўла тажриба қилган бўлғайки, тажрибанинг фойдалари бениҳоятдур.

Саккизинчи шарт улдурки, киши жанг шижаот муборизлиққа коруборин ўзгалардин зиёдароқ кўргузса, анга инъом васила ато қилмоқни, таҳсин ва офарин ўқумоқни зиёдаламак, балки бу бобда бисёр кўргузмак керакки, то ўзгалар ҳам ул тамаъ бирла жанггузорлик ва жонсипорликка роғиб бўлгайлар.

Тўққизинчи, жанг куни ғафлатдин йироқ бўлмоқ керак. Бисёр воқеъ бўлубдурки, зафар топмоққа ёвуқлашганда бир нафас жангдин ғофил бўлса, иш дигаргун бўлмиш.

Ўнинчи буки, агар душман лашкари шикаст топса, орқасидин бормоқ керак ва бошлиқда улар тарафига киши юбормак керак. Неча навбат бу иш вуқуъға келубдурки, қочқон душман лашкари орқа ёниб, ул юборган кишиларни ҳалок қилибдурлар ва андин кувват топиб ғолиб бўлган улуғ лашкарни мағлуб қилибдурлар.

Агар киши сенинг бирла урушмоққа келса икки ҳолдин ўзга эрмас: ё сен анинг бирла баробарлик қилгунгдур, ё йўқ, демак бўлур. Агар баробарлик қилмоққа тоқатинг бор бўлса, аввали буки, ҳар навъ бирлаким, тадбир мумкиндур. Они душманлик мақомидин ўткармак ва агар бу суврат мұяссар бўлмаса, жанг шартларики, мазкур бўлди, онинг амали бирла урушга машғул бўлмоқ керак. Агар баробарлик қилмоққа тоқат йўқдур жосус ва қоровулларни ишга солиб, жангда улар ишлариға забт қилмоқ керак, йўлларни сақламоқ керак, қалъаларни мустаҳкамламоқ ва захира жамъ қилмоқдур. Сулҳ талабида мол харж қилмоқни ҳийла ва макрлар бирла мадоро кўргузмакни вожиб билмак керакким, эҳтимол кўп эрмас ва агар душман толиби сулҳ бўлса, қабул қилмоқ керак, асло дуруштлик қилмай. Не учунки, ҳар кишиким, сулҳга роғибдур, охир зафар ва нусрат топқусидур”.

Назм:

Қилмағил истезаким, бордур сitez,
Қилғуси инсоф боғин баргрез.

Бил, ситета бирла гина улғаюր,
Хонумон бунёдин ул вайрон қилур.
Сулҳ йўлида қилур аҳли сайр,
Сан бу йўлни қўймаким, “Ас-сулҳу хайр”¹.

Искандар бу сўзни эшитиб олди ва ўзига дастурул-амал қилиб, жанг сулҳ биносин мунинг узра кўйди. Ва чун шижаат давлат ахлига ҳама сифатлар хўброқидур. Ул жиҳатдинки, бу бобда сўз узайди. Алҳамду лиллаҳки, шоҳзодаи жавонбаҳт ва пуртадбир:

Байт:

Абулмуҳсин он шоҳи равшан замир,
Жавон бўлди, даврида даврони пир.
Жаҳондор шоҳики, тутса масоф,
Йитар ҳайбатики, зўридин кўҳи Коф.
Чиқарса агар жангда тийғи тез,
Қилур тийғ ила тоғни зеру забар.

Комкорлик бозусини қуввати ва баҳт бедорлик илкини нусрат бирла зафар пайкар алами ҳар тарафғаким мутаважжих бўлур, фатҳу нусрат ва қўш от бирла онинг рикоби истиқболига келур. Баланд ҳиммати ва аржуманд иродаси ҳар жонибғаким, юз қўяр, иқболи истиъжол боли бирла онинг омий алами тараф учар ва саодат мувофиқат қўли бирла онинг хизмат оёқин қучар.

Байт:

Ҳар тарафғаким, қилур қасди рикобини гарон,
Фатҳу нусрат ул сори юргай сабук айлаб инон.

Анинг лашкари диловарининг ҳар бири душман бунёдин куйдурмакка ўт янглиғ ҳамлагузордурлар. Жанг майдонида сабру сабот сифати бирла кўҳи Элбурсдек пойдор.

Назм:

Ёз кўзиdek ҳаммаси тийғи зан,
Зулф каби ҳар биридур сафшикан.
Жанг талабдур ҳаммаси, чун рақиб,
Барча жаҳонгир, чун ҳусни ҳабиб.
Ишқ ўтида ҳамма жон сўздур,
Ғамза ўқидек ҳамма дилдўздор.
Барчаси хунрездур чун фироқ,
Ҳажрдин ўлмиш бори қаттолроқ.

¹. “Сулҳ яхшидир”. (“Нисо” сураси, 128-оят)

Ҳақ субҳонаху ва таоло аниңг мөхрибонлиги соясин мулозимлари фарқи узра ҳамиша ва поянда тутғай!

		١٦٠
خوش فم کردم چنان دیگنیں بی خل	با فرم اعداد سال ھجریش چون بے خل	
قطعه مانج طبعراو شنورخ و چمنشی شیخ اشرف علی شرف شاگرد شیریش موحی	قطعه مانج طبعراو شنورخ و چمنشی شیخ اشرف علی شرف شاگرد شیریش موحی	
این نسخه تازه طبع کشتنی بحال کنیتی خلق مایه در نشری سال	این نسخه تازه طبع کشتنی بحال کنیتی خلق مایه در نشری سال	
قطعه مانج ریخته هاب قلمز بطبع خضری میری علی محمد خان متحمل صبح علی	قطعه مانج طبعراو شناور عدال شناسی علی محمد خان متحمل صبح علی	
پی نظاره ائمہ جمیع را دیدیم شناقی نمایم در بخشی چارین حوث پدراندن	چند جوشید طبع چون نادر کتاب از حکم سکام ولی چون فکر سال صرسی کرد مکبیش	
قطعه مانج طبعراو شناور عدال شناسی علی محمد خان متحمل صبح علی	قطعه مانج طبعراو شناور عدال شناسی علی محمد خان متحمل صبح علی	
کتاب پر ز حاسن باخته طبع چونو خلی که ناید کم سنه مطبوع بهر عن شده اند در دوستی طبع رسدز طبع رساصرع سنه مطبوع بعن آمده اخلاق سنه مطبوع	از میان اخلاق من مطبوع تازه جلوه طرازیست بیشتر مصنف از خط سیمبل طبع نورانی هزوز استم که بآرای چون قدیمیز وان خوب زبان پیشین کشاده موجود است	
حسن چان داده اش زو عظیم همل میشسته ملع بلند کو کیا است کمال چنی دانسته چانه بحادات چنی طبع زاخت ادق شد و پسند	حسن اخلاق که لما حسین حسن هارا بعلوه هم ادی نصیح شده چانه برکت برگشته حسن دیگان موجود در خطی سالش نوت	

ЎТТУЗ БИРИНЧИ БОБ ҒАЙРАТ БАЁНИДА

Ғайратнинг маъноси асл луғатда “дигаргун бўлмоқ” ва истилоҳда ул кишини нигоҳдоштлиқ қилмоқ бўлурки, они муҳофазат қилмоқ одамига лозимдур. Бас, муҳим тадбирдек ва сиёсат таъкидида подшоҳларга ғайратни мулоҳаза қилмоқ илож бўлмас, хоҳ миллат ишида бўлсун ва хоҳ мамлакат коруборида.

Ғайрат икки қисмдур: дин ғайрати ва дунё ғайрати. Аммо дин ғайрати будурки, ҳукумат аҳли ул ўзлари Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг жамъи амрлари амалин баржой келтурғайлар, нахий қилган нимарсалардин парҳез қилғайлар, андин сўнгра мулозимларни, раъоёни ҳам Ҳақ тоатига ва Расул саллоплоҳу алайҳи васалламнинг итоатига буюргайлар. Маъсият ишларидин ва мунҳиётга шурӯъ қилмоқдин манъ қилғайлар.

Ҳадисда келибдурки: “Агар сизлар кишида шариатдин тошқари иш кўрсангизлар, они қўлингизлар бирла дафъ қилингизлар”, яъни шариат ҳукми равшанига бокиб дарра бирла ва ё шамшир бирла адаб берингизлар. Бу иқтидор аҳли подшоҳлар ва ихтиёр аҳли ҳокимлар мартабасидир.

Агар қўлингизлар бирла дафъ қилолмасангизлар, тилингизлар бирла манъ қилингизлар, яъни аввал насиҳат қилингизлар, агар мамнұъ бўлмаса унфу дуруштлик бирла сўз айтингизлар. Бу олимлар ва тақводорлар мартабаси эрур.

Агар тил бирла ҳам манъ қилолмасангизлар, они кўнгул бирла душман тутунгизлар. Бу заифлар мартабасидур.

Уламоларнинг баъзиси ушбу ҳадис таттимасин бу тариқ бирла келтурубурлар: “Лайса варā’а зāликал ислāму”, яъни “ҳар кишиким, қўли ва тили бирла манъ қилмаганида кўнгли бирла душман тутмаса, ул кишига мусулмонлиқдин ҳеч насиба бўлмас”.

Қитъа:

Наҳий мункар қўлунг бирла қилғил,
Гар мұяссар қилолмасанг бу кор.
Тил била манъ қилу гар бўлмас,
Айла кўнглунг била анга инкор.

Ҳар подшоҳки, шариат худудин сақламоғи ва дин аҳкомин жорий қилмоққа кўшиш қилур, Худойи таоло сояси ва пайғамбар ноиби улдур. Вақтеки, подшоҳ мулк иши шуғлиниң тўлолиғидин ва шаръи ихтисобга фурсат тополмайдур, мамлакатлар узра ўз ўрнида

муҳтасиблар насыб қилғай ва муҳтасиб андоқ керакки, исломда ғайур бўлғай ва дин ҳамияти анга ғолиб бўлғай, покизалик ва парҳезкорлик, амонатдорлик ва ростлик, бетамаълик сифатлари бирла ораста бўлғай. Дин тақвосида ғараз, риёву нафс хоҳиш ва ҳаводин холи бўлғайки, то аниг сўзи халойик кўнгулларига таъсир қилғай.

Байт:

Сўз агар бўлса ғараз бирла тамадин холи,

Гар десанг тошқа ани қилур албатта асар.

Кетурубдурларки, шайх Абулҳасан Нуруллоҳ қуддиса сирруҳунинг одати, бир номақбул ишни кўрса, они манъ қилур эрди. Агарчи ондин ўлум хуни бўлса ҳам. Бир куни таҳорат учун дарё канорига бориб эрдики, бир кема кўрдиким, аниг ичра бисёр кўзаларни қўюбдурлар. Ҳар бирига битибдурки, латиф, яъни латофатлик. Шайх андин ажабга қолдики, ҳеч байъу тижоратда латиф отлиғ нимарса кўрмаб эрди. Кемачидин сўрдики: “Бу кўзалар ичра не нимарсалар бордур?”. Кемачи айди: “Сен бир дарвеш кишисан, булар бирла не ишинг бор. Борғил, ўз ишингда бўлғил”. Аммо шайхнинг они билмакка рағбати зиёда бўлди ва кемачига доғи айди: “Менга айтғилки, албатта билмакни хоҳиш қилурман”. Кемачи айди: “Бу кўзалар ичра шароб, яъни чоғирдурки, Бағдод подшоҳи Мўътазид халифага келтурубдурлар”. Шайх кема ичра қаради, кўрдиким, бир оғир таёқ анда турубдур. Кемачига айди: “Ул таёқни олиб бергил, то кўраликим, не қилғусидур”. Кемачи шогирдига айди: “У айтган таёқни олиб бер, кўрайлик-чи, у нима қилар экан?”. Шогирд таёқни шайх кўлига берди. Шайх ул таёқ бирла кўзаларни бир-бир уруб ушотти. Кемачи муни кўруб қўрқти ва титраб бошлади, фарёд қилди. Шу пайтда Юнус Акла Бағдод миршаби эрди. Ул ерга етти ва шайхни тутуб, халифа қошига олиб борди. Суврати ҳолни тақрир қилди, Мўътазид бағоят жаббор, даъюс ва ситамгар эрди. Ониг тўла сиёсати шамшир бирла эрди. Бағдод аҳли кўрдиларки, шайхни Мўътазид қошига элттилар. Бисёр андин андуҳгин бўлдилар ва гумон қилдиларки, водириғо, шайхни дарҳол ўлдургусидир. Ва темур гурзи кўлига олибдур, қизил либос кийибдур ва бу суврат аниг сиёсатининг нишонаси эрди. Шайхга фарёд қилиб айдики: “Эй беадаб, сенки менинг ҳақимда бу навъ густоҳлик қилдинг?”. Шайх айди: “Мен муҳтасибдурман”. Мўътазид айди: “Сени ким муҳтасиб қилди?”. Айди: “Ул кишики, сенга подшоҳликни берди. Менга ҳам муҳтасибликини берди”. Ва яна сўрдики: “Кимнинг амри бирла муҳтасиблик қилурсан?”. Айди: “Худонинг ва пайғамбарнинг амри

бирла”. Чун Мұтазид бу сүзларни әшитти, сүнгра бошини күтариб айдики: “Сенга не зарар бўлдики, ул кўзаларни ушотдинг?”. Жавоб бердики: “Аввал сенинг ҳақингда, иккинчи, раиятларнинг ҳақларида шафқат қилдим”. Айди: “Менинг ҳақимда нечук шафқат қилдинг?”. Жавоб бердики: “Агар сен ҳаром ишларни ўзунгга лозим тутсанг, халойик ҳам ул қиёс бирла анга шурӯй қилурлар. Вактеки, мамнұй бўлсанг, улар ҳам анга далир бўлмасларки, оми халқ фасод ишда подшоҳга тобеъдурлар. Бас, агар они салоҳ бирла кўрсалар, жумла салоҳга кўшиш қилурлар. Анинг савоби ҳаммаси подшоҳга рожеъ бўлур ва агар подшоҳни фасод бирла кўрсалар, барча фасодга шурӯй қилурларки, онинг уболи ва ҳама корубори анга юкланур. Бас, ҳам сенинг ҳақингда ва ҳам раиятинг ҳақида меҳрибонлик кўргуздум. Ва бу ишда Худойи таолонинг хушнудлигидин ўзга ғаразим йўқ эрди”. Мұтазид бу сўзни әшитти эрса, йиғлади ва айдики: “Эй азиз, муҳтасиб иши сенга лойиқ экан ва мундин сүнгра ҳам номашруй иш кўрсанг, анга тағайюр берғил ва мен ҳукм қилдимки, ҳеч киши сени муҳтасиблиқдин манъ қилмасун”. Бас, мундин маълум бўладурки, муҳтасиб агар ҳаққоний ва беғараз бўлса, ҳеч оғат анга етмас.

Назм:

Айди сирриға бирор, эй кони нур,
Ман фасод ишларни ман этгум келур.
Лек кўрқорманки, соҳибларьнате,
Еткуур бўлғай манга бир оғате.
Айди, гар бу ишда бўлсанг беғараз,
Ҳеч жонибдин санга етмас мараз.

Дунё ғайрати уч навъдур:

Аввал, ғайратеки, подшоҳ они ўзи баробар ва арконлари нисбатида мулоҳаза қилғай.

Иккинчи, ғайратки, ўз ҳарамлари нисбатида хос тутғай.

Учинчи, ғайратки, умумхалқ борасида риоя қилғай.

Аммо ғайратеки, ўз биродарлари нисбатидадурки, алардин баланд бўлмоқни хоҳиш қилғай. Ул навъким, ҳеч қайсилари сарафrozликда анга баробар бўлмагайлар. Жоҳу давлат, қадру иззат, ҳашамату азамат, шавкату қудратда ҳамаларидин зиёда бўлғай. Ҳар ойина бу ғайрат вужудин ва бу ҳамият зухуридин подшоҳни кулли ишлари ўнгланиб, муҳимлари муродига мувофиқ кифоят топғай ва бу қисм ғайрат ҳиммат аҳлининг хоссасидур. Ва ҳарчанд ҳиммат баландроқдур. Бу ғайрат зиёдроқ эрур.

Келтурубурларки, подшоҳлар авлодидин бири ҳукамонинг биридин сўрдики: “Мен хоҳиш қилурманки, ўз биродарларимдин шавкату азаматда зиёда бўлғайман. Давлат гўйин иқтидор чавгони бирла ихтиёр майдонидин олғайман. Бас, бу ишда не асбобни қўлга келтурмагим керак?”. Ҳаким айди: “Эй подшоҳзода, хеч бир сабаби давлат касбига ҳиммат ва ғайратдин ҳўброк эрмас”.

Назм:

Ғайрат била ҳар кимга қилур тийғ кушода,
Ҳам тенгларин қилғуси олдида пиёда.
Ғайрат сабабидин топилур нанг ила номинг,
Ҳам ғайрат била ҳосил эрур барча муродинг.

Аммо ғайратеки, ўз ҳарамлари нисбатида эрур, андоқ бўлғайким, аларни покизалик ва покдоманлик ҳудуди ичра тутғай. Ҳар нимарсаки, шаръан лозимдур, уларни анга одат қилдурғай, то бу иш баракотидин раъоё зану фарзанди ҳам салоҳ сифати бирла мавсуф бўлуб, фасоддин йироқ бўлғайлар.

Бир бузургенинг сўз ҳарамига парданишинлари:

Назм:

Билғил, эй ғафлатпаноҳи хушхиром,
Маҳрамингдин ўзгага жилванг ҳаром.
Қўймағил ҳар кўй сориға қадам,
Ҳар кишиға очмағил кўзунгни ҳам.
Он ҳама офатки, жонға қасд этар,
Маҳрам эрмасга қароғондин етар.
Кўзни маҳкам боғла чун дурри садаф,
То бало ўқиға қилмағил ҳадаф.
Ҳар кишиким, бўлса ул ғайри ҳалол,
Юз анга кўргузма гарчи бўлса ҳол.

Ғайратки, умумхалқ борасида лозим бўлур. Буким, подшоҳ ўз ҳарами нисбатида ҳам ул навъ ғайрат пеш тутғай ва раво кўрмагайким, мулозимларидин ҳалойик аҳли ва аёлларига бадном етгай, мусулмонлар хатолари юзидин парда олмоққа кўшиш қилмағай ва раиятлар айблари имконин борича пўш қилғай. Ҳадисда келибдурки: “Ҳар кишики, мусулмоннинг бир айбин ёпса, Худойи таоло анинг тамом айбларин ёпар”. Бошқа бир ривоятда бордурки, гуноҳларини дунё ва охиратда пўшида тутғай. Маколда келтурубурларки: “Устур

сатар аллаху ‘алайка’¹, яъни ёпғил киши айбини, то ёпғай Худой таоло сенинг айбингни, демак бўлур.

Мисраъ:

Бузмасанг эл пардасин, бузмас киши пардангни ҳеч.

Ҳамият ҳам ўшал ғайратдур ва лекин тафовут бу миқдор этурки, ғайрат ўзининг ва мутааллиқларнинг аҳволин муҳофазат қилмоқ. Бас, ҳамиятлик киши андоқ керакки, агар киши анинг паноҳига келса, албатта, онинг муҳофазати ихотасига келтургай ва то имкони борича анга зарар етмаслигига кўшиш қилғай. Арабда бу дастур шойиъдур ва ҳоло ҳам Ҳижоз вилоятида борки, агар жондоре томи соясинда ва ё чатри кўланкасига кирса, агарчи аҳволи изҳорин қилмаса ҳам, анга берурлар ва они душманинг қўлига бермаслар. Анинг учунки, бисёр мол сарф қилурлар, балки бошлари кесилиб, қонлари оқишига ҳам ризо берурларки, бу иш саркўйидин ўтмаслар, баъзи жониворларнинг ҳамияси паноҳига кирав ва ё молларини ўтлогига дохил бўлур, они ҳимоятларига олурлар.

Келтурубдурларки, Баҳром Гўр аввалиғи ҳолда Нўймон ибн Манзарга мулозим эрди. Нўймон ани отаси васияти бирла тарбият қилур эрди. Бир куни шикорга чиқиб эрди. Баҳромға бир кийик учради ва Баҳром анга қасд қилди эрса, олдидан қочти ва ул они ул миқдор қувладики, то кун туш вақтига келди. Ҳаво бағоят иссиқ бўлди. Охирул-амр кийик бир қабила канорига етти ва ул қабилада Қабиза отлиғ аъробий бор эрди. Кийик ташналигидин бетоқат бўлуб, анинг ҳамияси ичра кирди ва Қабиза они тутуб боғлади. Ул ҳолда Баҳром ҳамия эшикига келди ва тиркашдин бир ўқ чиқариб камон хонасига қўйди. Қабизаға ҳамла қилиб, фарёд айладики: “Эй аъробий, менинг сайдим мунда кирди. Они чиқариб берғил!”. Қабиза билмадики, бу кимдур. Айди: “Эй отлиғ зеборўй йигит, жонвореким, паноҳ истаб менинг ҳамиямга кирибдур. Муруватдин эрмаски, они сенга бергайман, токи ўлдургайсан!”. Баҳром бу сўзни эшитиб дурушт ва арбада оғоз қилди. Қабиза айди: “Эй йигит, бехуда сўзни узун қилмағил, то ул ўқ ёйиким қўлунгдадур, онинг бирла мени ўлдурмасанг, бу жонворни ололмагайсан ва ул вақтки, мени ўлдурдунг, қабилам халқи сени бу кийик жустужўйига қўймағайлар. Бас, ўз жонингга раҳм қилғил ва заиф жонвор бошидин ўтғил. Агар ҳирсинг тамури сокин бўлмаса, бу дулдул шабот ва барқи рафткор отки, боргоҳим эшигида боғликдур, эгар-югани ва барча жабдуғи бирла

¹ “Кишининг айбини ёп, Аллоҳ таоло сенинг айбингни ёпади”

сенга бердим. Мингил ва ўз отингни ёноб йўлунгга ёнғил!”. Баҳромга аниңг бу ҳамияти хуш келди. Отга илтифот қилмай жиловин ўгурди ва манзилига ёниб келди. Ва ул кун анга подшоҳлиқ насиб бўлди, иқтидор тожин аниңг ихтиёри фарқига қўйдилар, Арабу Ажам аниңг тавқи фармони аниңг итоатлари гарданига солдилар, Баҳром Қабизани кошига келтурди ва тарбият қилди. Араб ҳалқи анга “Мужирр ул-ғизлон” лақаб қўйдилар, яъни “кийикка паноҳ бергучи ва ҳимоят қилгучи”, демак бўлур.

Назм:

Кишиғаким бердинг паноҳинг ичра бар,
Жаҳд айла, даф айла бошидин зарар.
Қил ҳимоятдин ани ўзунгга хос,
Ким эранлик зўридан айла халос.
Истагач бир қатра дарёдин паноҳ,
Айлади анга садафдин такягоҳ.
Қилди охир они дурри шахвор,
Халқ аросида азизу номдор.

ЎТТУЗ ИККИНЧИ БОБ СИЁСАТ БАЁНИДА

Сиёсатнинг асл маъноси “кишини ғамга солмок” бўлур. Истилоҳ маъноси мамлакатни забт қилмоқ ва ҳар кимни ўзига муносиб ўрунга ўлтургузмоқ эрур.

Сиёсат икки қисмдур: бири ўз нафсига сиёсат қилмоқдур ва яна бири ғайрига. Аммо ўз нафси сиёсати буки, ёмон сифатларни ўзидин ташламоқ ва яхши хулқларни касб қилмоқ. Аммо ғайри сиёсати яна икки қисмдур:

Аввал ўз унвонлари ичра бўлғайлар.

Иккинчи, аъвом раъоёга сиёсат қилмоқ. Мунинг аввалги қисми қирқинчи бобда мазкур бўлғусидур, иншооллоҳ.

Иккинчи қисм андокдурки, подшоҳ мамлакати ичра кишилар ва бадфеълларни керакким, ҳамиша қўрқунч ва зилзила ичра тутғайлар, яхшиларни умидвор қилғай.

Бузуржмехрдин сўрдиларки: “Қайси подшоҳ улуғроқдур?”. Айди: “Улким, бегуноҳлар андин эмин бўлғайлар ва гуноҳкорлар қўрқунч ичра, барқинишон тийғи хандаси ситамкорлар гирясига ёндош бўлғай ва файзрасон лутфи насими дарвешларга инъом қилмоқ борони бирла ҳамнафас бўлғай”.

Хушанг подшоҳ айтур эрдики: “Мен яхшилар ва салоҳкорларга Ҳақ раҳматидурман, ёмонлар ва фасодсозларга Худойи таоло қаҳри эруман. Қаҳрим ниши лутфум нишига туташдур”.

Байт:

Захру тарёқким, ҳар иккиси хазинам ичра бор,
Ани душманга берурман, муни ёру дўстға.

Хукамо айтибдурларки, ҳар икки олам мадори сиёсатдурлар. Они кавну фасод жаҳонининг асаслиғига номзад қилибдурлар. Агар забту сиёсат бўлмаса, ишлар низоми бирла қолмаслар. Агар таъдим ва таъзив расми йўқ бўлса, муҳимлар вайронликка юз қўярлар.

Қитъа:

Мамлакат топқай сиёсатдин низом,
Гар сиёсат бўлмаса етгай халал.
Топмағай олам иши асло тузут,
Бесиёсат ҳеч вақту ҳеч маҳал.

Гарчи “Лā мулка иллā бил-‘адли” маҳваши дилпазирдур, аммо “Лā ‘адла иллā бис-сийāсати” пирояси бирла иш топмаса, ҳануз хусни

баркамол эрмас. Аввалғининг маъноси “мулк адлсиз барпо бўлмас”, демак бўлур. Иккинчи, они мавҳуми “адл сиёсатиз мавжуд бўлмас”, демак бўлур ва ҳар подшоҳки, “Ар-рийāсату за‘уфат би-‘адамис-сийāсати”, яъни сиёсат йўқ бўлса, сардорлик заиф бўлур, демак бўлур. На учунки, мулку миллат зийнати ва давлат қуввати – сиёсатдур.

Байт:

Гар нур берса, мулк юзиға сиёсатин,
Ани жаҳон ёрутқувчи қилғай чу офтоб.
Меъмордек сиёсат агар қилмаса мадад,
Бўлғай жаҳон биноси жафо селидин хароб.

Шариат қоидаси бўлмаса, ҳеч ҳақ ўз марказида қарор топмайди ва сиёсат зобитаси йўқ бўлса, шариат ва дин ишига низом ҳосил бўлмас.

Байт:

Агар шаҳлар сиёсат тийғин элга қилмаса зоҳир,
Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.

Бас, подшоҳлар сиёсати шариатга ривож бергусидур. Шариат аҳкоми аларнинг мулкларига қувват этгучидур.

Қитъа:

Кўкламас давлат ниҳоли мулк боғи саҳнида,
Гар равон эрмас аниң сори шариат чашмаси.
Лек буқим, шаръи миллат чашмаси жорий эмас,
Турмаса гар онинг устида сиёсат сояси.

Дарвоқеъ, олам мадори ва мамлакат қарори сиёсат узрадур. Ҳадисда келтурубдурки, агар подшоҳлар бўлмаса эрди, одамийлар бир-бирларин ер эрдилар, яъни ҳалоку нобуд қилур эрдилар. Бас, мамлакатни сиёсатдин ўзга нимарса бирла забт қилса бўлмас, мулксиз ором ва сукун топмас. Келтурубдурларки, подшоҳлардин бири бир қўлига тийғ ва яна бир қўлига мусҳаф олиб минбарга чиқти. Хутба асносида айдики: “Эй ҳалойик, яхшиларингизга кифоятдур, яъни мусҳаф, ёмонларингиз – бадхўйларни мундин ўзга нимарса бирла тузатолмас, яъни шамшир”.

Қитъа:

Сиёсат оташиким, бўлмишки доим,
Фасод аҳлига ёнтургайлар они.
Кишиким, зулм ўтини айласа тез,
Ушбу яхшики, куйтургайлар они.

Келтурубурларки, Тамғоч подшоҳ эрди, бузург ва аниңг сиёсати мемори зулм-ситам бунёдини шаҳр вилоят саҳнидин йироқ ташлаб эрди.

Қитъа:

Сиёсат масқалида зулми рангин,
Жаҳон кўзгусидин билкулл аритти.
Ки қаҳри биймидин фитна қочибон,
Адам саҳросиға кетти-ю йитти.

Бир куни ринд ва бебоклардин бири аниңг хизматига гулдаста келтурди. Тамғоч сўрдики: “Бу гулни не ердан кетурдинг?”. Ул киши айди: “Гулзордан келтурдум”. Тамғоч айди: “Ул гулзорлар сенинг мулкунгми эрди?”. Ул киши айди: “Йўқ!” Подшоҳ айди: “Эгасидин сотиб олдунгми?”. Айди: “Эй подшоҳ, гулни бу шаҳрда сотмаслар ва олмасларки, бисёр бекадрдир”. Султон бу сўзни эшитти эрса, соате тафаккур бошин тааммул қўйнига қўйди ва ўзига айдиким, агар ҳар киши бу тариқа халойик гулзорларидин гул узсалар, балки кишини боғига кириб мева олса, раиятлар боғу бўстонлари безобит бўлур. Бас, бошин кўтарди ва буюрдики: “Мунинг қўлин кесингизлар!” Ул ҳолда акобирлар ул кишининг гуноҳин тиладилар, бовар бўлмади, то ушоқ илиқларидин бирин кесдилар.

Тамғоч ҳамиша фасодкорлар ва бебокларни ўлдуур эрди. Бир куни бу жамоат аниңг дарвозасига еттиларки: “Эй подшоҳ, биз ул сабзалардурмизки, ҳарчанд бошимизни узсанг, тўлароқ кўклармиз”. Бу хабар Тамғочга етти эрса, буюрдики, то аниңг ёнида биттиларки: “Биз доғи боғбондурмиз ва мунтазир турубдурмизки, ҳарчандким, бош тортарсизлар, ул миқдор узармиз”.

Байт:

Ҳар тиканким, бош чиқарса мамлакат гулзоридин,
Бе таваққуф тийғ бирла бошин узмоқлиқ керак.

Келтурубурларки, Нўширвоннинг ўғли Ҳурмуз адлини сиёсатга ҳамроҳ қилиб эрди ва лутфни қаҳрга, яхшиларни марҳамат бирла навозиш қилур эрди ва ёмонларни ғазаб ўқи бирла гудозишга солур эрди.

Байт:

Сиёсат узмиш жафо карвонин,
Ёйиб лутф ўз адл хонин.

Бир куни они жиловдори бир бокқа қирди ва бир хўша узум боғбондин беижозат узди. Боғбон ул жиловдорнинг отини жиловидин тутди ва айдики: “Мени рози қилғил, ва гарна подшоҳ олдида сендин

дод қилгумдур!”. Ул бечора Ҳурмуз сиёсати қўрқунчидин анга бир нимарса берди, рози бўлмади. Охирул-амр минг тилло бериб боғбондин халос бўлди.

Ҳукамо айтибдурларки, салтанат дарахт масалликдур. Сиёсат сув янглиғдур. Бас, подшоҳларга лозимдурки, салтанат ниҳоли илдизидин сиёсат суви бирла тоза тутғайлар, то ондин амину омон меваси ҳосил бўлғай.

Байт:

На хушдур шоҳким, қилса тааммул,
Сиёсатни китоби ичра ҳардам.
Ки тутқай тийғ боғи салтанатни,
Сиёсат суви бирла сабзу хуррам.

Аммо сиёсатни ул жамоатга қилмоқ керакки, анга сазовор бўлғай ва алар тоифадурларки, озорпеша ва бадандиша билан, чаён янглиғ заарлари хосуом ҳақида ҳамиша бўлур. Подшоҳлардин бири ҳукамонинг биридин сўрдики: “Одамийлар аро сиёсатга мустаҳик кимдур?”. Жавоб бердики: “Одамийда ҳеч киши сиёсатга сазовор эрмас, балки сиёсатни даррандалар ва газандаларга кўргазмак керак”. Подшоҳ аиди: “Бу сўзнинг маъносин менга равshan қилғил”. Ҳаким аиди: “Эй подшоҳ, маҳлукотлардин жамъе борки, маҳзи хайр ва хайри маҳзким, алардин ҳама нафъ етар ва зарар ҳосил борким, бўлмас. Алар фаришталардур ва яна жамъе борки, алар маҳз шарр ва шарри маҳзурлар. Чунончи, йилон ва чаёнки, ҳама зарар етиргучи эурлар. На манфаат одамийзодлардин ҳар кишиким, фаришта хўйи ва хислати бирладур, инсон зотининг афзали эур. Ҳар кишиким, барранда ва газанда сифати бирла бўлур, башар жинснинг ёмонроқи эур, балки дарранда ва газандадин ҳам баттардур, сиёсат мустаҳиклари булар бўлмиш ва айтибдурларки:

Қитъа:

Сиёсат хўбдур шоҳлик ишиға,
Ва лекин хўб эмасдур ҳар кишиға.
Олу егил музирлар жони покин,
Юлуб олғил ямон қуш пару болин.

Келтурубдурларки, Нўширвон замонида бир золиме заифин бир табонча урди ва ул заиф Нўширвонга арз айлади. Бас, Нўширвон буюрди, сиёсатгоҳга элтиб ўлдурдилар. Хосларидин бири аиди: “Эй подшоҳ, сенинг бу адлингдин таажжубга қолурманки, андак хиёнат сабабидин бир одамни бежон қилдинг”. Нўширвон жавоб бердики:

“Ғалат айтурсан, мен одамни ўлдурмадим, балки ит ва бўрини ўлдурдим. Илон ва чаённинг бошин ва нишин уздум”.

Байт:

Этур ҳар одамеким, мардум озор,
Анингдин яхшироқдур каждуму мор.

Келтурубурларки, Хусрав Парвиз Бузург Умиддин сўрдики: “Одамлар табақаларида сиёсатга лойиқи кимлардур?”. Айдики: “Эй подшоҳ, халойик беш табақа бўлурлар:

Аввалги табақа, зоти поклари яхшилик бирла барпо бўлган бўлса, алардин ҳам ўзлариға ва ҳам халойиққа яхшилик етар, ёмонлик асло ҳосил бўлмас. Аларни қувватландурмоқ лозим ва улар бирла сухбат тутмоқ керак.

Иккинчи, жамъеки, алардин ҳам ҳаргиз ёмонлик содир бўлмас. Аларни ҳам азиз тутмоқ керак ва яхшиликка ҳарис қилмоқ керак.

Учинчи гуруҳеки, миёнаҳол ва ҳам ғайрига не хайр ҳосил бўлур ва не шарр. Аларга яхшилик йўлин кўргузмак керак ва ёмонлик тарафидин парҳез қилдурмоқ керак.

Тўртинчи фирмадурки, яхшилик ҳам еткуурлар ва ёмонлик ҳам кўргузурлар. Аларни хор тутмоқ керак, то ёмонликни тарқ айлагайлар.

Бешинчики, ёмонлиқдин ўзга нимарса зоҳир қилмаслар. Бас, сиёсатни алар борасида амалга келтурмакким, бу равишдаки, ул ваъда ва ваъийд айламак керак: анинг бирла иш битмаса арбада ва ҳайбат кўргузмак керак. Аниг бирла ҳам бўлмаса, урмоқ керак ва ҳануз танбех етмаса, бандға солмоқ ва доғи тузалмаса, охир ўлдурмак керак”.

Байт:

Ўтким, онинг тобошидин халқни жони куяр,
Ҳеч иложи бўлмагай охир ўчурмоқдин бўлак.

Сиёсатнинг фойдаларидин бири фитнани йўқотмоқдур. Не учунки, фитнаангиз халқлар аро ғавғо ва тўполон пайдо қилгучидурлар. Агар кўрсаларки, сиёсат ўти тездур, дарҳол гўшага қочарлар ва агар сиёсат ишида андак сустлук маълум қилсалар, минг фитнанинг кўзин очарлар, ҳар тарафдин сўзиш зуҳурга келтургайлар.

Назм:

Агар қилмиш эса султон сиёсат,
Ураг ҳар нокасе лофи раёсат.
Солурлар шўриши рўйи заминга,
Ки вайронлиқ етар дунёву динга.
Вало забтин аро кўрмас халойик,

Билурлар фитнани йўлини лойик.
Ва яна бу маънода айтибдирларки:
Байт:
Агар йўқ бўлса токи шоҳни шамширидин ҳайбат,
Замоне кечмай ул шаҳр ичра шўришлар бўлур пайдо.
Кишиким, гарчи ўнг-сўл илкидин имтиёз этмас,
Кўлидин келса гар, бир дамда минг фитна қилур пайдо.

ЎТТУЗ УЧИНЧИ БОБ БЕДОРЛИК ВА ОГОҲЛИК БАЁНИДА

Подшоҳга керакки, мамлакат ишида ғафлат уйқусидан уйғонгай ва раиятлар аҳволидан хабардор бўлғай, одил шаҳаншоҳлар аро шоиъ ва машҳурдурки, беҳиёнат ва мұтамад хабаргўйлар, мұтаддайн ростгўйлар айғокчиларни ёшурун таъйин қилурлар, токим халойик аро ўзларин маълум қилмай юргайлар. Мулк иши воқеотидин, раъоё аҳволи кайфиятидин тафаҳхус ва тажсис қилиб подшоҳга хабар еткурмаклари бирла мамлакат асроридин воқиф бўлурлар эрса, ҳар халале ва қусуреким,adolat ва сиёsat паносида зоҳир бўлубдур, хатар ва фасод сари анжом топмоқидин бурунроқ иложи тадорикига машғул бўлурлар.

Байт:

Битгай осонлиқ била ҳар неча мушкул кору бор,
Гар қадам қўйсанг иликдин бормасидин ихтиёр.

Бисёр ўтубдурки, подшоҳлар кечаларда тониғусиз лиbos кийиб юрур эрдилар. Мамлакат ва раият аҳволин тафаҳхус қилур эрдилар. Ул жиҳатдинки, бисёр воқеалар бўлурки, они хабаргириликiga мутаъин бўлган муқаррарлар эшитмаслар. Ва агар эшитсалар ҳам эҳтимоли бордур, ўз фойдаларин кўзлаб, ё вақтни ва замонани мулоҳазасин қилиб подшоҳга аймоғайлар, ё маҳалин топиб айтольмағайлар. Ҳазрат Довуд алайҳиссаломдин манқулдурки, кечалар жомаи мубаддал қилиб шахру бозорда юрур эрдилар. Ғарib ҳалқ сувратида бўлуб, тошқари чиқар эрдилар ва ҳар кишидан хабари сўрап эрди ва айтур эдики: “Довуд сизларга не равиш муомала кўргузур ва аниng кишилари сизлар бирла нечук сулук пеш тутарлар?”. Бас, агар кўрсаларким, бир ерда халале пайдо бўлубдур, бевакт аниng чорасига машғул бўлур эрди.

Султон Маҳмуд Ғозийдин ҳам мундоқ суврат воқеъ бўлур эрдики, кечалари чиқар эрди ва мамлакат аҳволин ўзи юруб хабар олурида хатар емак аҳволи бўлса, бузург вазирлар дастури пайдо қилибдурлар, аниng амалин қилғай ва ул дастур буки, мұтамад ва ростгўй, давлатҳоҳ ва беғараз, пок эътиқод ва баландхиммат хабаргир, воқеагўйни ва асрорнависларни мутаъин айлагай. Бу тариқ бирла халойик ондин вукуф топқайлар ва они авқот лавозимин беэҳтиёж қилғай, инъом ва эҳсон кўргузгай, токи киши они воқеагўйлигидин вукуф топмас, анга мол ва зар бирла фириб беролмағай. Доги они андоқ қилғайки, ҳар вақтки, хоҳласа қошига киролгай ва сўзин айтольғай. Подшоҳ бу равиш била бўлса, мулк ишини ҳамасига

соҳибвуқуф бўлур, жузвий воқеотдин огоҳ ва хабардор бўлур. Вақтеки, мундок бўлди, эрса мулозимлари ва мутааллиқлари балки жами улуғ-кичик мамлакат аҳли подшоҳни бу нав огоҳ эканин билиб эҳтиёт кўргузгайлар, ҳазарнок бўлурларки, ҳеч кишидин ношойиста корубор вужудга келмас.

Байт:

На хушдур, ваҳки, бу даҳр ичра кор огоҳлар хаёли,
Ки ҳаргиз бўлмасун, ё Раб, жаҳон бу халқдин холи.

Келтурубдурларки, бир подшоҳ бор эрдики, “ат-таъзиму ли-амриллаҳи” нақши бирла хотири саҳифасига оройиш бериб эрди ва “аш-шафқату алаллоҳи” байроғини марҳамат майдонида кўтариб эрди. Аввалгининг маъноси таъзим кўргузмак, Худонинг амри борасида сазовордур, яъни анинг буйруғин хўб азиз тутмоқ керак ва онинг фармони нисбатида ўзга саҳал қилмоқ керак, демак бўлур. Иккинчининг маъноси: шафқат соясин Худой маҳлуклари узра тутмоқ керак, демак бўлур ва мунга ўн тўққизинчи бобда ҳам навъи таржима бўлуб эрди. Аллоҳи аълам биссавоб.

Қитъа:

Анингadolатидин жуфт эрди бозу куланг
Ки, бир-бириға доғи ҳамдам эрди шеру шағол.
На ул ҳавода анинг сориға жангал,
На бу ер узра узатмиш мунинг сори чангал.

Анинг замонида ҳеч кишига заҳра йўқ эрдики, фисқу фужур ва ҳар навъ ношойиста амалга қадам қўймагай, даргоҳида бир амир бор эрдики, анга қадами хизмат ҳукуқин событ қилган эрди ва боргоҳи эшигида ҳеч киши мундин беижозат иш қилмас эрди. Бу амир зоҳирини подшоҳга салоҳ бирла кўргузур эрди ва ҳеч кишида заҳра йўқ эрдики, андин шикоят қилғай. Охир подшоҳ муни коруборидин ўзи хабардор бўлди. Аммо ул амирга бу фисқин рўбару бўлуб айтурға муносиб кўрмади. На учунки, бу навъ улуғ кишидин мундок айб ошкоро бўлса, мамлакат забти ва салтанат ҳайбатига бағоят нуқсон етгусидур.

Бас, бир куни анга маҳфий танбех бермакнинг ҳийласин кўзлаб қошига чорлатти ва аиди: “Менга бир қуш керакки, тумшуқи қизил, қанотлари учи қаро ва андин ўзгаси оқ бўлсун! Бу навъ қушни сендин бўлак киши тополмас. Борғил ва ани пайдо қилғил!”. Амир аиди: “Хуш бўлғай, онча имкон борича жустужў қилойин, аммо менга уч кун муҳлат берғил”. Подшоҳ ҳам муни қабул қилди. Амир бу уч кун ичра ул сувратлиғ қушни эшитмакка машғул бўлди. Шахру саҳрони

тамом кезди, андоқ қүш қўлига келтура олмади. Ожиз бўлуб султон ҳузурига келди ва узрлар изҳор қилиб айдики: “Подшоҳо, қудратим борича шуғул қилдим. Аммо андин асаре тополмадим. Бас, агар иноят бўлса, они авазини келтурсам”. Подшоҳ айди: “Менинг мақсадум ул қушдин ўзга нимарса эрмас ва мен он ҳама шахру вилоят ихтиёрин сенга берибдурман, ҳануз бу микдор нимарсан ҳосил қилурга ожиз келурсан. Бас, борғил яна уч кун муҳлат бердим. Бу сувратлиқ қүш ҳозир қилғил!”.

Амир борди ва аввалги навбатдин зиёдроқ жидду жаҳд кўргузди. Охир уч кундин сўнгра ноилож бўлуб хушк ҳоли яна келди. Султон айдики: “Боракаллоҳ, шаҳр аҳволидин мундоқ хабардорсанки, бу сувратлиқ қүш бир уй ичра турубдурлар ва сен андин ғофилдурсан, тополмассан. Бас, шаҳр Чорсуси бошиға борғил ва машриқ бозоридин ўтгул, фалон масжид эшикига етарсан ва анда етдинг эрса, бир ҳавлий борки, бу сиёқлик ул ҳавлий ичида бир уй борки, эшиги жануб тарафга ва ул олдида бир суффа бордур. Аввал чиқиб чап қўлунг тарафига назар солғил. Бир уй кўрунуб, уйнинг ичинда яна бир кичик уй бордур, онинг эшигини очғил ва киргил. Анда бир қафас кўрарсанки, сориғ кийз анга боғлиқ ва ул қафасда мен айтган сувратлиқ қүш бордур. Уларни менга келтургил!”.

Амир бу сўзни эшитти эрса, мутахайирип бўлуб подшоҳ ҳузуридин чиқти ва тақрир қилган нишона йўлига кириб, ул қафасни қушлари бирла келтурди. Подшоҳ айдики: “Ҳукумат аҳли ўз шахру вилоятидин керакки, мен янглиғ хабардор бўлғай”. Бас, амир бу сўзни эшитти эрса, ўзига андиша қилдики, подшоҳеки бозор ва маҳалла, кўча ва уйлардин бу навъ огоҳ ва хабардордур, шоятки менинг пинҳоний фисқға машғул бўлғонимдин ҳам воқиф бўлган бўлғай. Бас, менга керакки, минбаъд бу номашруъ иш тарафига мутаважжих бўлмағайман.

Алқисса, амир бу ишдин тавба қилди ва рост йўлга ёнди ва сўздин маълум бўладурки, подшоҳлар халойиқ аҳволидин мутталаш бўлмоқларининг бисёр фойдаси ва бешумор манфаати бордур. Айтибдурларки:

Маснавий:

Бу янглиғ берди марҳамат ойин,
Хабар Эрон заминни шоҳларидин.
Ки, Ҳўрмуз назъи жонлиқ ҳолатида,
Деди Хусравғаким, эй нури дийда.
Жаҳон аҳли санга вобастадурлар,

Ки, ҳукмунг қайдида побастадурлар.
Ҳамиша айлагил ўзунгни бедор,
Вилоят ҳолидин бўлғил хабардор.
Санинг зиммангдадур бу шахру сахро,
Ки, ғофил бўлмағил ҳеч вақт асло.

Ғафлатни дафъ қилмоқ огоҳдиллар ишлариур. Токи, вилоятни ҳама аҳволига иттилоъ топғайлар. Мансур халифа айдики: “Мен уч кишига муҳтождурман. Аввалғи омилеки, раият молини менга бермагай ва менинг молимни ҳам раият қўлида қўймагай. Иккинчи, ҳокимеки, зулмрасидалар додларин золимдин олғай. Бетама ва беғараз ҳукм сурғай. Учинчи, кишики, жаҳон ичра анинг вужуди камёб ва аржуманд эрур”. Бу сўзни айди эрса, совуқ оҳ чекди ва айди: “Водариғо!” Андин сўрдиларки: “Ул нечук кишиидур?”. Айди: “Ул кишики, вилоят аҳволи сувратларин, яна таврким, бордур менга муояна қўргузди дегай”. Ҳақиқатан, мундок кишилар подшоҳнинг қўлига келса, бисёр салоҳ ҳалқ аро пайдо бўлур.

Нақл қилибдурларки, Ардашер Бобак мулозимлари ва маркаблари аҳволин тафаххус қилмоққа бисёр шуғул қилур эрди. Охир ул мақомга еттики, ҳар кунда ҳар амалдори ва ҳар муталлиқига айтур эрдики, туну кун сенинг ҳолинг мундок эрди ва мундок юур эрдинг, фалон ерда турдинг ва мундок иш қилдинг, фалон кишига сўз айдинг ва фалон манзилда ухладинг. Бас, ҳалойик мунинг бу сўзларидин таажжуға қолур эрдилар ва айтур эрдиларки, мунга фаришталар хабар берурлар. Ваҳоланки, андок эрмас эрди, балки соқчилар ва хабаргирлар они огоҳ қилур эрдилар.

Рубоий:

Соҳиб хабар эл шоҳға ҳамдамдурлар,
Шоҳ олдида мақбулу мукаррамдурлар.
Зулм аҳли жонига еткуурлар юз ниш,
Ҳам зулмкаш эл заҳмиға марҳамдурлар.

Агар соҳиблар хабар бермай туруб, подшоҳга воқеани арз қилсалар, огоҳлик шарти буки, шитоб бирла ҳукм қилмағай. Не учунки, бузурглар айтибдурларки, подшоҳлар ҳукми қазо ва қадар ҳукми масалликдурки, чун азал ҳокимидин содир бўлса, ҳеч важх бирла манъ қилмоқ мұяссар бўлмас.

Байт:

Агар бўлса қазонинг ёсидин тир,
Они мамнуъ этолмас ҳеч тадбир.

Бас, подшоҳдорлик ва мамлакатдорликнинг шарти буки, равшан далил ва беғараз гувоҳ хабари ойинаси ичра воқеа жамолин мушоҳада қилмай, ҳукм сурмагай. Анга парвоначи буюрмагайлар, хирадмандлар айтибдурларки:

Қитъа:

На хирад писанд қилғай, на шариат аҳли тажвиз,
Ки гувоҳ собит ўлмай қилур эрса шоҳ фармон.
Шоҳ агар юрутса ҳукми бўлур қазо масаллик,
Гаҳе жон олур мунингдин, гаҳе бергуси анга жон.

Яна бир шарти буки, гумон бирла бегуноҳни заарар ва хатар чоҳига тошламағайларки, бисёр гумонлар кишини вабол ва маъсият тарафига элтар. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтибдурларки: “Инна ба‘да-з-занни исмун”¹. Агар киши воқеани таҳқиқин ва таъйинин қилмай маҳзи гумон бирла анга ҳукм юрутса ва ул гумон мабодо хато чиқса, ўзини Худо қаҳри ва ғазабига сазовор қилмиш бўлғай, Аллоҳ бундин бизни асрасин!

Қитъа:

Гумон бирла алам еткурмагилким,
Яқин билмай уқубат жоиз эрмас.
Муҳаққақ бўлса бу ботил иш охир,
Пушаймон анда ҳаргиз суд бермас.

Келтурубдурларки, подшоҳ Қубод замонида бир киши бир вайронага кирди ва бир киши кўрдиким, ётибдур. Чун ёвуқ келиб қаради эрса, муояна қилдики, бошин танидин жудо қилибдурлар ва пичоқни сийнасида қўюбдурлар. Они кўруб ҳайратда бехуш бўлди. На юрмоққа қуввати қолмади ва на турмоққа тоқати. Бул ҳол эрдики, ул вилоят ҳокимининг мулозимларидин бири ул ерга келди. Бу суврат зоҳирин кўрди эрса, ул кишининг қўл-гарданин боғлади ва қонлик пичоқни анинг гарданиға осди, ҳоким қошига олиб борди ва воқеани тақрир қилди.

Ҳоким фарёд қилдики: “Эй Худо нотарс, не учун ноҳақ хун қилдинг?”. Ул бечора аиди: “Эй амир, мен ҳеч кишини ўлдурмадим. Боруна ичра кириб эрдим, ул аснода мени бу киши боғлаб олиб келди. Менинг на ўлдурғандин хабарим бор ва на ўлгучидин”. Ҳоким аиди: “Менинг гумоним андоғки, сен они ўлдурган бўлғайсан ва хоҳиш қилурсанки, бу сўз бирла менинг қўлумдин халос бўлғайсан”. Ул киши аиди: “Эй амир, гумон бирла менга ғазаб кўргузмағил, чунки Худой

¹ “Ростдурки, баъзи гумон гуноҳ эрур”. (“Хужурот” сураси, 12-оят)

таоло айтибдур: “Инназ-занна ла йүгний минал-ҳаққи шайъа”¹, яъни таҳқиқинким, гумон мустағни қилмас Ҳақдин ҳеч нимарсани, яъни ҳеч вақеада гумонни муҳаққақлиқ ва мушахҳислик ўрнида кўруб бўлмас, демак бўлур. Ҳоким анинг бу сўзига қулоқ солмади ва буюрдики, дорга осғайлар. Бас, дор остига олиб келдилар ва бўйнига расан токдилар эрдиларким, бул ул кишидурки, фалон вайронада бир кишини ўлдурмиш.

Томошага турган халойикдин бир йигит бу нидони эшитти, эрса югуруб келди ва аиди: “Эй жаллодлар, соат сабр қилингизлар, то мен ҳоким қошига борайин ва воқеа ҳақиқатин анга маълум қилойин. Бу киши бегуноҳдур ва бегуноҳ қонин тўкмак бас вабол эрур”. Жаллод тавақкуф қилди ва йигит ҳоким қошига борди ва аиди: “Эй амир, хуниким, ул вайронада бўлди, мен қилдим. Чунки ул киши менинг душманим эрди. Фурсат топиб, ўлтурмакни ғанимат билдим ва ҳоло ул кишики, они дорга осмоққа ҳукм қилибсан, бегуноҳдур!”.

Ҳоким бу сўзни эшитти, эрса бисёр таомил қилиб айдики, маҳзи гумон бирла ҳукм сурмагим хўб эрмас. Бас, буюрдики, бу кишиларнинг иккаласин иш муҳаққак бўлгунча бандға солингизлар. Бандга солдилар, эрса ҳоким подшоҳ Кубодга бориб, бу сувратларни арза қилди. Қубод олимлардин сўрди, эрса айдиларки: “Иккисига ҳам қатл раво эрмас, чунки, бири бегуноҳдур ва яна бири бировнинг тириклигига сабаб бўлубдур”.

Бас, Қубод иккаласини чорлатти ва хилъат бериб озод қилди. Муншига буюрдики, бу воқеани менинг васиятномамга битғил, то ўзгаларга дастуруламал бўлғайки, маҳзи гумон бирла киши қонин тўкмағайлар.

Қитъа:

Адолат расмидин эрмас гумон бирла ғазаб қилмоқ,
Яна таҳқиқ билмай, эл қонин йўқтур раво сочмоқ.
Диёриким, гумон бирла анингда ҳукм сургайлар,
Эрур вожибки, жон ваҳмида андин чустроқ қочмоқ.

Келтурубдурларки, подшоҳлардин бир куни бир ъом мажлис тузуб эрдики, улуғу кичиклар анда жамъ эрдилар, онинг ҳумоюн дийдоридин кўзлари ва жамоли нуридин мунаввар қилур эрдилар.

Мисраъ:

Шоҳларга қарамоқ дийдани равшан айлар.

¹ “Гумон эса бирор нарсада ҳақиқат ўрнига ўтмайди”. (“Юнус” сураси, 36-оят)

Бири ул қавли орасидин сўз ибтидо қилиб айди: “Ҳар кишики, подшоҳ жамолига мушарраф бўлса, анга лозимдур нафис ҳадя ва азиз тухфа анинг назаридин ўткургайлар. Менинг имконим қўли олтун ва кумуш, ўзга нафис матолар нисорига етмас ва лекин хоҳиш қилурманки, ҳикмат хазинасидин шоҳвордурлар. Подшоҳ мажлисига нисор қилгайман”. Султон айдики: “Менинг назаримда сўз нақди жамъи жавоҳиротдин хўброқдур. Бас, сийна сандуқида не миқдор бисотинг бордур, кўтарғил”. Пир айди: “Эй подшоҳ, шубҳа ва аниқликнинг ороси тўрт энликдин зиёда эрмас. Ҳар нимарсанини, кўз била кўрарсан, ул ҳақдур, улким қулок бирла эшитиб сен уни гумон қилурсан, ботил чиқар эҳтимоли бор.

Мисраъ:

Эшитмоқлик қачон кўрганга ўхшар.

Пир давом этиб айди: “Подшоҳ ҳукми ҳар нимарсага жорийдур. Андоқ эрса ҳар муҳимга ҳукм қилур эрсанг анда гумон ниқобин юзингдин кўтаргайсан ва таъин кўзи бирла муояна кўргайсанки, бетаҳқиқ ҳукм қилгандин сўнгра гумон пардаси кўтарилса ва воқеа ҳақиқати яна сувратда юз кўргузса, дунё бадноми ва охират уволига ажрағунгдур”. Подшоҳ пирнинг бу сўзидин таҳсин қилди ва қабул қулоқиға олди.

Қитъа:

Ҳукмким, таҳқиқ анга ҳамроҳ эрур,
Мулку миллат ҳусниға рўтбат берур.
Ҳукмким, боис анга бўлди гумон,
Танға офатдур, яна ошуби жон.

Ҳукамонинг биридин савол қилдиларки: “Подшоҳлар ғофиллигига неча нимарса сабабдур?”. Айдики: “У нимарсадурки, подшоҳни мамлакат ва раият аҳволидин бехабар қилур. Биринчиси, нафси мутобеъки, ҳар киши нафс ҳавоси орзусига гирифткор бўлса, ҳеч кишидин парвойи қолмас ва ҳама нимарсадин ғофил бўлур.

Байт:

Кишиким, нафсу шаҳват орзузи они маст этти,
Дегил, албаттаким, барча иш оннинг илкидин кетти.

Машҳурдурки, бир киши Искандарға айдиким: “Сен бир улуғ подшоҳсан. Бас, бисёр хотунларни никоҳинг қайдиға олғилки, тўла фарзанд бўлғай ва улар сендин ёдгор қолғайлар”. Искандар айди: “Менинг ёдгорим адлу некномлиқдур. Бағоят қабих эрурки, киши ҳама эранларга ғолиб келгай ва охир хотунлар олдида забун бўлғай”.

Байт:

Мардлик расмидин эрмас бир даме шаҳват учун,
Ўзни суст айлаб хотунлар олдида бўлмоқ забун.

Иккинчи ҳирским, подшоҳлар мол йиғмоққа ҳарис бўлса, ҳалол ва ҳаромга фарқ қўймас, мулк ва раиятнинг ғамин емас, балки раво кўрмаски, ўзидин ўзга кишида ҳам мол бўлғай ва ҳамани ўзига жамъ килур, vale ҳануз тўймас.

Байт:

Ҳирс аҳли кўзларининг косаси пўр бўлмади,
То садаф қилмай қаноат оғзи дурдин тўлмади.

Келтурубдурларки, бир зоҳид подшоҳлардин бирига васият қилиб айтур эрди: “Ҳол сенинг, раиятинг ҳама молдордурлар ва сен молдорларнинг подшоҳисан. Улар гадой бўлса ва сен гадойлар подшоҳидурсан”. Фирдавсий айтур:

Қитъа:

Агар подшоҳ кўзласа ганжни,
Раиятга еткургуси ранжни.
Хазинаки, ул зулм ила тўлғуси,
Яқиндурки, сел бирла соврулғуси.

Бир подшоҳга айдилар: “Раиятдин мол олғил ва хазинани тўлдурғил!”. Подшоҳ аиди: “Раият ҳам хазинадур, балки хазиналар хўброқи эрурки, сарф қилмоқ бирла адo бўлмас. Бас, бу хазинани тўлдирмоқдин они тўлдирмоқим хўброкдур!”.

Ғафлатнинг учинчи сабаби шароб ичмаклик, ўюн-кулгу ва лоуболикқа майл қилмоқдур”. Бас, подшоҳга керакки, мастиликдин парҳез қилғай не учунким, агар маст бўлса, мулк ва молдин бехабар бўлур, мулозимлари они ғофил топиб ҳар кимга ҳар не хоҳласа қилурлар.

Байт:

Бехабар улким, лабини майдин этмак бирла нам,
Бехабарлик сафҳаси узра юрутмишдур қалам.

Бисёрдурки, мастиликда қабиҳ ишлар зуҳурга келур ва анинг сабабидин тўла нуқс ва халал бўлурки, ҳушёр бўлганда уларнинг тадорикин чорасини қилиб бўлмас.

Қитъа:

Маст бўлмоқлиқ жаҳон аҳли расмидин эмас,
Салтанат ичра ярашур шоҳға ҳушёрик.

Шоҳ жаҳонға посбон, мастилик уйқудадур,
Посбонға лойик ўлмиш уйқудин бедорлиқ.

Алҳамду лиллаҳи-т-таввабки¹, бу шаҳзодаи комёб ва Дорои мамлакаторой, Фаридунбаҳт, Искандартахт, офто талъат, Жамшидшавкат:

Қитъа:

Абулмуҳсин ул хусрави номдор,
Кувонмиш анга маснад сарвари.
Адолат била Санжари Сонийдур,
Анга берди Ҳақ мулки Санжарий

“Тӯбӯ илаллаҳи тавбатан насӯҳā”² фармони бирла тавба оламига қадам қўйди, яъни тавба қилингизлар Худойи таолога андоқ тавбаки, насух³ тавбаси янглиғ тавба бўлур. Тавба калимаси мағъул бўлғай, насуҳан мансублиги коф ташбех маҳзуфлигидин бўлғай, валлоҳу аълам. Истиғфор эшигин “истиғfir лизанбика” калиди бирла очти, яъни мағфират тилагил гуноҳингга, демак бўлур. “Ва айбӯ илā раббикум”⁴ мазмунига қабул қўлин боғлади. У лолаи серобдек шароб соғарин ушотти ва савсани озод янглиғ “астағфуруллоҳ” калимаси такориға тил узатди, муборак чеҳраси муҳаббат шароби асаридин гулранг эрди. Одиллар ибодати нишонасин пайдо қилди. “Ва сақāхум раббуҳум шарāбан таҳӯrā”⁵ ваъдасига кўз тутуб, фужур шаробики, филҳақиқат ғуур шаробидур, ўзига ҳаром билди, яъни ул мўъминким, яхши амал бажо келтуурлар ва мунҳиётдин парҳез қилурлар, мукофоти буқим, ичиур Аллоҳ таоло аларға беҳиштнинг пок шаробларидин, демак бўлур. Ва бу замонда онинг ҳумоюн мажлисида майхўрлар ғавғоси ўрнида дуодорлар дуосининг савдосидур ва мастлар хой-хўйи авазида худопарастлар тасбеҳининг нидосидур.

Байт:

Нағма ўрнидадир ҳофизи Қуръон савти,
Бода ўрнида муҳаббат майи даржӯш ўлмиш.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул ҳазратни тавба инобати баракотидин жамъи халқ замонасига восил тутғай ва они яхши ҳолоти яминин уларнинг давлатларига ҳамроҳ қилғай.

¹ “Тавбаларни қабул қилувчи Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки...”

² “...Аллоҳга чин тавба қилинглар...” (“Таҳрим” сураси, 8-оят)

³ Қайта шу ишга қайтмайдиган тавба, чин тавба

⁴ “Сизларга азоб келиб, сўнгра ёрдам берилмай қолишидан илгари Раббингизга қайtingлар ва Унга бўйин сунинглар!”. (“Зумар” сураси, 54-оят) (

⁵ “...Парвардигорлари уларни пок шароб билан суғорур”. (“Инсон” сураси, 21-оят)



Ҳирот. Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий қабри.

ЎТТУЗ ТҮРТИНЧИ БОБ ФАРОСАТ БАЁНИДА

Фаросат сўзининг луғавий маъноси “бирор нарсани яхши ва ямон кўруб тонумоқ” бўлур ва истилоҳий маъноси эса “жоннинг сувратдаги зоҳир ҳолини мушоҳада қилиб, онинг замиридин огоҳ бўлмоқ” эрур. Фаросат ҳукумат ишининг улуғ шартидур. Ихтиёр аҳлига лозимдурки, ҳар ҳодиса ишиким воқеъ бўлур, онинг олдинги воқеъсиға басират кўзи бирла назар солғайлар. Ул воқеа бағоят зоҳир ва равшандур, анга шариат ҳукми ва адолат тариқи бирла ҳукм сургайлар. Агар ҳақиқати маҳфий бўлса, они фаросат нури бирла топғайлар ва ноқиллар сўзларига эътимод қилгулик эрмас. Бузурглар айтибдурларки, “Ҳукумат зийнати фаросат зевари бирла гўзалдур”.

Хабарда келибдурки, икки заифа ҳазрат Сулаймон қошида бир гўдакка даъво қилиштилар. Бириси айдики: “Бу гўдак менинг фарзандимдур”. Яна бири аиди: “Бу гўдак менинг фарзандим эрур”. Бу иккиси исбот қилурга ожиз келдилар. Сулаймон алайҳиссалом буюрдики: “Бу гўдакни шамшир бирла икки ҳисса қилингизлар, бир насфини бу заифа олсун ва бир насфини ул заифа”. Чун шамшир чикордилар эрса, ул икки заифанинг бири бетоқат бўлди, кўб йиғлади ва айдики: “Мен ўз ҳақимдин ўтдумки, бу гўдакни ўлдурмангизлар!”. Аммо яна бир заифада ҳеч асар пайдо бўлмади. Сулаймон пайғамбар буюрдики: “Гўдакни ул бетоқат бўлган мазлумга берингизлар. Чунки фаросат иқтизо қилурки, онаси ул бўлғайким, шафқати жўш қилди ва ўлдурмакка ризоси бўлмади”.

Фаросат нуре дурки, Ҳак субҳонаҳу ва таоло они мўъмин бандага берибдур. Чунончи, мунго бу ҳадисни далолат қилурки: “Иттақу фаросатал-муъмини фа-иннаҳу янзуру бинуриллаҳи таоло”¹, яъни қўрқингизлар мўъмин фаросатиким, ул Худой нури бирла қараб ҳар нимарса замирига мутталаш бўлурлар, демак бўлур. Бас, ҳеч нимарса фаросат аҳлига пўшида эрмас ва муфсиirlар бу оят тафсиридаким, “Инна физолика лоётин лилмутавассамина” тавассумини тафаррус маъносига олибдур, яъни батаҳқиқки, мунда нишоналар бордур ва аломат кўзлагучиларға, яъни фаросат аҳли токим, ул нишоналар била ҳақиқатга мутталаш бўлғайлар, демак бўлур.

Фаросат икки қисмдур: фаросати ҳукмий ва фаросати шаръий.

¹ “Қўрқинглар мўъмин фаросатидин, у Худо нури билан қараб ҳар нарсанинг замирига ета олади”

Фаросати шаръий улдурки, ботин пок ва кўнгул соф бўлмок бирла ғафлат ҳижоби басират кўзидин кўтарилигай, тики мўъмин яқин нури, ул бирла бино бўлғай ва ҳар ким қароса, ул воситаси бирла аҳволи ҳақиқатга вуқуф топғай:

Байт:

Гар йироқдин анга иш тегса отинг,
Қилғуси маълум барча ҳолатинг.

Хабарда келубдур, имом Жаъфар ва имом Муҳаммад Боқир алайҳумар-ризвон Каъба ҳарами олдида ўлтуруб эрдиларки, бир киши масжид эшигидин кирди. Имом Жаъфар айдиларки: “Бу киши дурадгор кўринадур”. Имом Муҳаммад Боқир эса айдиларки: “Темирчи”. Бас, ул кишидин сўрдилар эрса, жавоб бердики: “Мен бурун темурчилик қилур эрдим ва ҳоло дурадгорчилик қилурман”. Бузурглар фаросатининг дурустлиги мундин маълум бўладурки:

Байт:

Ҳар кўнгулким, бўлур ул Ҳақ назариға манзар,
Жилвагоҳ ўлғусидур айни фаросатга давом.

Келтурубдурларки, хожай бузургвор, қутб ул-ахёр Хожа Абдуҳолик Фиждувоний қуддиса сирраҳу бир куни халойиққа маърифат сўзин айтиб ўлтурур эрдилар. Бир йигит уларнинг шариф мажлисига зоҳидлар сувратида кириб келди. Хирқа эгнида ва сажжода кафтида гўшада ўлтурди ва бир соатдин сўнгра қўпти. Ҳазрат хожага айдики: “Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтибдурларки: “Иттақӯ фарāсатал му’мини фа иннаху йанзуру бинўриллāҳи”, бу ҳадис сири недур?”. Хожа айди: “Бу ҳадис сири улким, зуннорингни кесғил ва иймон кетурғил”. Йигит айди: “Наъзу биллаҳ, менда зуннор нишасин!”. Хожа ходимга ишорат қилди, то йигитдин хирқани торти эрса, хирқа остидин зуннор чиқти.

Байт:

Ҳар кўнгулким, бўлди поку беғубор,
Ғайб нақши анда бўлғай ошкор.

Йигит дарҳол зуннорин кести ва иймон келтурди. Хожа айди: “Эй ёрон, келингизлар то янги аҳд қилган йигит мувофиқатидаки, ул зоҳир зуннорин кесди, биз ҳам ботин зунноримизни кесали”. Мажлисдаги халойиқ чун бу сўзни эшилтилар эрса, ҳама хуруш чиқардилар ва ҳазрат Хожанинг оёқига йиқилдилар ва тавбани тоза қилдилар.

Маснавий:

Тавба бўлғай пушаймон келмагинг,
Ҳақ сори тоза мусулмон келмагинг.

Оммага тавба ёмон кирдоридин,
Хосга тавба кўзи осоридин.
Айди пири муршиди соҳиб яқин,
Тавбалар қилғил Худодин ўзгадин.

Иккинчи кисмки, фаросати ҳукмий эрур, андоқтурки, ҳукамо тажриба бирла топибдурлар ва далилларин кишининг шакли ва ҳайбатида мушоҳада қилибдурлар, они аксари рост келибдур. Нўширвон замонидаги ҳукамолар аниг учун фаросат бобида китобе барпо қилибдурлар, Нўширвон ҳамиша они мутолаа қилур эрди ва онинг мазмуни бирла ҳукм сурар эрди. Келтурубдурларки, бир калта киши Нўширвон мажлисига кирди ва фарёд қилиб айди: “Эй подшоҳ, мен ситамдийдадурман ва менга фалон киши зулм қилди”. Нўширвон айди: “Ёлғон айтурсан. Ул жиҳатким, фаросат илмида айтибдурларки, ҳар киши калтадур, шошқалоқ, ҳийлакор ва ситамкор бўлур. Бас, бу аломат бирла сен ситам қилгучи эрурсан. На зулм расидадурсан ва на ситамдида”. Ҳақиқатан, маълум қилдилар эрса, ул андоқ эркан.

Байт:

Фаросатдин кўнгулга кўз очилғай,
Ҳама ҳолатни ул маълум қилғай.

Тарихларда мазкурдурки, яна бир навбат бир калта киши Нўширвон олдида додҳоҳлик қилиб айди: “Эй подшоҳ, бир киши менга жафо қилди”. Нўширвон айди: “Калта кишига ҳеч ким ситам қилмас, балки сен ситам қилган бўлғайсан, чунки қоматинг калтадур”. Ул киши аиди: “Эй шоҳ, ул кишики, менга жафоу ситам қилди, мендан ҳам калтароқдур”. Бас, Нўширвон бовар қилди ва аниг додин берди. Амир Сайид Али Ҳамадоний қуддиса сирраху “Захирату-л-мулк” китобида фаросат далиллари бобида ҳикмат аҳли сўзларидин келтурубдурлар ва менинг хотири фотиримга етарким, аниг тамомин шундок ibiratлар бирла битгайман, то ул сўзлар подшоҳларга дастуруламал бўлғай ва бу китобимдаги имоми Ҳаққоний ва Алии Соний сўзлари иборати бирла зеб ва зийнат топғай.

Байт:

Дастаи гулким, гиёҳ узра боғларлар они,
Ўзгача зийнат топиб, ҳусни зиёда бўлғай они.

Эй азиз, билгилки, ҳукамо мақолотларида айтибдурларки, кишининг ранги бағоят оқ, кўзи кўк ва яшил бўлмоқ, юзи қаттиғлик ва бешармлик, ҳиёнату фисқ, камақллик ва кажтабълиқнинг

далилидур. Агар бу аломат бирла яна энгаки ёриқ ва кўса, тезназар ва яssi пешона, бошида сочи кўб бўлса, ҳукамо айтибурларки, мундок кишидин ҳазар қилмоқ керак ва мунинг сұхбатидин афъи илон сұхбати беҳроқдур.

Сочнинг дурушт ва қизил бўлмоқи шижаот ва димоғ тозалиги нишонасидур.

Сочнинг юмшоқлиги бедиллик ва қўрқоқлик, димоғ совуқлиги камфаҳмликнинг аломатидур. Гарданида ва кифтида кўб мўй бўлмоқ журъат ва ҳамоқат нишонасидур. Бисёр мўй бўлмоқ, сийна ва шикамда ваҳшаттабъ, камфаҳм ва жафога мойил бўлмоқнинг нишонидур.

Соч сориғ бўлмоқ ҳамоқат ва такаббур, аччиғи тезликнинг нишонасидур.

Соч қаро бўлмоқи ақл ва идрок, омонатдорлик ва адлни дўст тутмоқнинг нишонасидур. Сочнинг қаролик ва қизиллик аро миёна ранг бўлмоқи ҳам сифатлари эътидолида бўлмоқнинг нишонасидур.

Пешона кенг бўлуб, анда ажин ва шиканж бўлмаса, хусумат ва беақллик, лофчилик ва хасислик, ожизлик нишонасидур. Миёнаҳол пешонаким, анда ажин ва шиканж бўлса, сидқ ва муҳаббат, фаҳм ва илм, ҳушёрлик ва тадбир далилидур.

Қулок улуғ бўлмоқи жаҳолат нишонасидур. Баъзи нусхада келибдурки, фаҳмлик ва ҳофизалик аксар вақтда ҳуш тез бўлмоқнинг далилидур. Қулок кичиклиги аҳмоқлик ва дуздликнинг нишонаси эрур. Миёнаҳол қулок аҳволи мўътадил бўлмоқнинг нишонасидур.

Қошнинг кенг бўлмоқи, мўйи қуюқ ва узун бўлмоқи сўзи дурушт бўлмоқнинг аломатидур. Қошнинг то баробарчаки тортилмоқи лоф ва такаббур нишони эрур, қошнинг қаро бўлуб узунлук ва қисқалик орасидадур фаҳм ва диёнат аломатидур.

Билгилки, кўзнинг ёмонроғи арзакдур. Кўзнинг улуги ва тезназар бўлмоғи ҳасад ва хиёнат, беҳаёлик ва кохиллик нишонасидур. Улуғ кўз бўлмоқ, кўзнинг ҳаракати кам бўлмоқ, нодонлик ва кандтаъblickнинг далилидур. Кўзнинг ҳаракати тез бўлмоқ ва анинг қарамоғи макру ҳийла, зидлик нишони эрур. Кўзнинг қизиллиги шижаот ва далирлик нишонасидур ва кўзнинг ҳадақа атрофида сориғ нуқталар бўлса, фитна ва шарр пайдо қилмоқнинг далилидур. Кўзнинг улуғлик ва кичиклик, қаро ва қизиллик оросидадур ва кўзики, шул сиёқ бирла бўлса фаҳм ва ҳушёрлик, ростлик ва диёнат нишонидур.

Бурун улуғ бўлса, мулоимлик ва юмшоқлик нишонасидур ва бурун эгри бўлса, шижаот нишонасидур. Бурун яssi бўлмоғи шаҳватни дўст тутмоқнинг далилидур ва буруннинг тешуки кенг

бўлмоқ ҳасад ва ғазаб нишонасидур. Бурун йўғон бўлуб, учи яssi бўлса, тўла сўзлик, ёлғончилик нишонидур. Бурунки йўғонлик ва узунлик, яссилик орасидадур, ақл ва фахм нишонасидур. Оғизнинг кенг бўлмоғи шижаат нишонидур.

Лаб қалин бўлмоғи аҳмоқлик нишонидур. Лаб қалин ва юбқалик орасида бўлуб, қизил бўлса, тузук кенгашилик ва яхши хоҳишликтининг нишонидур.

Тишнинг эгри бўлмоғи макр ва ҳийла, хиёнат нишонидур. Тишнинг ораси очик ва силлиқ бўлмоғи адолат ва омонатдорлик, тадбир нишонидур.

Юзнинг гўшти тўла ва усуқ бўлмоғи жаҳолат ва хўйи тез бўлмоқнинг нишонидур. Ҳеч ранж бўлмай юзнинг ориқ ва сориқ бўлмоғи ичи ёмон ва кўнгли тор, гийнажўйлуқнинг нишонидур. Юзнинг пургўштлик, сориқлик ва ориқлик, қизиллик орасида бўлмоғи хўйи мўътадил бўлмоқнинг далилидур.

Овознинг баланд ва йўғонлиги шижаат нишонасидур. Овоз ингичкалиги бадгумонлик, ваҳмноқлик далилидур. Мўътадил овоз тадбир ва ҳар ишга яхши саранжом бермоқнинг нишонидур ва овоз димоғига майил қилиб чиқмоқлиги кибру аҳмоқлик, камфаҳмлик аломатидур. Оҳисталиқ бирла сўзламак хўблик нишонидур, сўз вактида қўл тебратмак зийраклиқ ва тадбир нишонасидур.

Бўюн қисқалиги макр ва ичи ёмонлик далилидур. Бўюн узун бўлиб, ингичка бўлса аҳмоқлик ва қўрқоқлик нишонидур. Бўюн йўғон бўлмоғи жаҳл ва ҳамоқат, суст кўнгул ва пурхўр бўлмоқнинг далилидур. Бўюнки, йўғонлик ва ингичкалик, узунлик ва қисқалик ора миёнаҳол бўлур, сидқ ва адл, тадбир нишони эрур.

Қорни улуғ бўлмоғи жоҳиллик ва аҳмоқлик, сусткўнгул бўлмоқнинг нишонасидур. Қорни ва сийна эътидолида бўлмоғи тадбир яхшилиги ва ақл софлигининг далилидур.

Кафтнинг орқа кенг ва тузуклиги шижаат ва ақлнинг оз бўлмоғининг нишонидур. Кафт ва назору наҳифлиғи ботини бузук ва мазҳаби ёмонлик аломати эрур.

Ушоқ илкларининг узун бўлмоғи барча санъатларда ишлар тадбирида зийрак бўлмоқнинг нишонасидур.

Панжанинг йўғон гўштлик бўлмоғи нодонлик, юзи қаттиғлик бўлмоқнинг аломатидур. Анинг миёнаҳол бўлмоғи аҳволи мўътадиллигига далилдур. Бас, оқилга халқ аҳволин тонумокда фаросат хукми аломатларидан бу микдор кифоядур. То ушбу сўз соҳиби “Захира”нинг сўзларидур.

Аммо бу бобда нүкта борким, билмак лозимдур. Аввал буки, хукамо ул аломатларни зикр қилмоқлари аъвом ун-нос борасида ва ул кишилар ҳақидадурки, хўйларин табдил қилмоққа кўшиш қилмайдурлар. Даррандалик ва чорпойлик сифатидин ўтуб, одамийлик мартабасига етмабдурлар, яъни бу мазкур бўлган нишоналар далолати бирла бу қисм кишиларнинг ёмонлик ва яхшилигига ҳукм қилмоққа керак. Агар киши риёзат тортиб, машойихлар талқинларин олиб, олимлардин тарбият ва тақвият топиб, ўтган бузурглар сўзларидин хабар ва асар пайдо қилиб, аҳволи ва авсофини салоҳга келтурубдурларки, гарчанд, ёмон аломатлар бор бўлса, аниг воситаси бирла ёмонлик қабиҳлигига ҳукм қилиб бўлмас.

Чунончи, юнонлар ахборида келибдурки, Афлотун ҳаким бир тоғ устида ўрун тутуб эрдики, аниг бир йўлдин ўзга йўли йўқ эрди ва ул йўл узра наққошини ўлтурғузуб эрди. Анга буюриб эрдики: “Ҳар киши менинг суҳбатимга келур бўлса, аввал аниг сувратин тортғил ва менинг қошимга олиб келғил, то аниг ҳайбатидаги аломатларин кўруб, аҳволи ҳақиқатидин фаросат назари бирла таниғайманким, агар мажлисимга лойик бўлса, келмакига рухсат бергайман ва илло илтифот қилмай йироқдин ёндургайман”. Бас, ул мусаввир амр бирла ҳар кишиким келса, онинг сувратин тортиб борур эрди. Ҳаким анга қараб ул кишини келтуур эрди ва ё манъ қилур эрди. Бир куни акобирлардин бир киши келди ва наққош аниг сувратин тортиб ҳакимга олиб борди. Ҳаким айдики: “Бу ҳайбатлиғ киши менинг суҳбатимга лойик эрмас”. Ул бузург муни эшитиб яна пайғом юбордики: “Ҳаким донишманд менинг зоҳирим аломатидин фаросат илми бирла аҳволимни не навъким фаҳм қилдилар. Андоғ эрди, аммо мен риёзат бирла ҳамасига илож қилдим ва табдил бердим”. Афлотун бу сўзни эшитти эрса, ул азизни суҳбатиға чорлади.

Бас, аксар иш биносин фаросат далилларига қўймоқ керак ва ўзининг пок зеҳни ва тааммулиға, тафаккуриға яна ружуъ қилмоқ керак. Тоифаким зоҳир ҳайбатларида ёмонлик нишонаси бордур, уларнинг Ҳакдин файзу илҳом топиб, мубаддалул-аҳвол бўлганларидин воқиф ва огоҳ бўлмоққа кўшиш қилмоқ керак.

ҮТТУЗ БЕШИНЧИ БОБ АСРОР ЯШУРМОҚ БАЁНИДА

Подшоҳлар удум-русумларидин бири асрор яшурмоқ ва мулк ишларин ошкор қилмасликка кўб шуғул қилмоқдур. Хабарда келибдурки, ҳазрати Рисолатпеноҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам баъзи сафарларини пўшида тутар эрдилар ва мўъжизбаён забонига лафзе жорий қилур эрдиларки, андин эшитгучини гумони бир тарафга борур эрди. Ул ҳазрат уларнинг гумони борган ердин ўзга жонибға мутаважжих бўлур эрдики, ул сўзига мухолиф ҳам эрмас эрди. Бурунги акобирлар бу тариқа бирла сулук қилур эрдилар. Хусусан, жанг ишида.

Маснавий:

Ҳар ишға гар шуруъ этсанг, бу тавр ўл,
Ки ҳеч ким топмағай асрорингга йўл.
Сикандар қилди Машриқ жанги қасдин,
Очиб Мағриб сориға хайма эшигин.
Санга ҳеч ким эмас бу ишда ҳамдам,
Ўзунгдин ўзга йўқ розингға маҳрам.
Агар бўлса киши раъйингға огоҳ,
Бу раъйингға керакдур гиряву оҳ.

Бу сўз машҳурдурки, “устур зиҳабака ва мазҳабака ва заҳабака”, яъни уч нимарсани бу ишда пинҳон тутғил: аввал сафарни, яъни йўл мақсадидин кишига хабар бергулик эрмаски, душманлар ҳозир ва тайёрдурлар.

Иккинчи, мазҳабни, яъни ўз динига кишини огоҳ қилгулик эрмас. Гаммозлар ва хусудчилар бисёрдурлар.

Учинчи, олтунни, яъни молни махфий сақламоқ керакки, тамаъ ахли беҳаду бешумор эрурлар, балки ҳар сирниким бордур, пинҳонлиги яхшироқдур. Не учунки, асрор маҳрами оламда ҳар нимарсадин камроқдур.

Байт:

Тутма кишига дар миён розингниким,
Йўқтуур оламда маҳрами ҳеч ким.

Хукамо айтибдурларки, одамийзод замиридаги нимарса иккидин ҳоли эрмас: ё неъмат нишонидур ва ё меҳнат баёни. Агар неъмат атоси бўлса, пинҳон керак, то хусудлар кўзи анга кор қилмағай ва ахли тамаъ оғатидин эмин бўлғай. Агар меҳнат балосида, пўшида тутмоқ керак,

то дўстлар андин малол ва маҳзун бўлмағай, душманлар шод бўлуб, таъна тилин чиқармағайлар.

Назм:

То иложинг бор эса, сирингни кишига айтмағил,
Чунки ҳар сирдин натижа шодликдур ё малол.
Гар малол ғамдур, андин дўстлар бўлғай малул,
Вар фараҳликдур, бор анда кўз тикарга эҳтимол,
Бас, кўнгул асрорининг хилватгаҳи сориға сен,
Бермағил йўл ҳеч кимга, ҳеч вақт, ҳеч ҳол!

Бир киши ҳукамонинг бирига айди: “Менинг кўнглумда бир сиррим борки, пинҳон тутарга тоқатим йўқ. Бас, они кимга айтайинки, то ул пўшида тутғай?”. Ҳаким айди: “Сирреким ул сенга даркордур, они ўзунг сакламасанг ва зоҳир қилсанг, бегона бир киши ул сиринг англарми йўқдур. Ул ани не учун соқлағай?”.

Байт:

Ҳар юкким, ўзунг кўтармагингдур душвор,
Ранжиш қилма агар кўтармаса ани ёр.

Келтурубдурларки, Искандар хосларидин бирига бир сиррин изҳор қилиб эрди ва ул сирни сакламоқда бисёр пўшидалиқ кўргузуб эрди. Охир ул ондин ошкоро бўлди, самъига етти. Искандар Арастуга айди: “Эй ҳаким, ул кишиким киши сиррин фош қилур, анга не нав уқубат қилмоқ керак?”.

Ҳаким айди: “Фаразингни мундин равшанроқ айтғил!”. Искандар айди: “Мен фалон кишига сир дармиён қилиб эрдим ва ул они ифшо қилибдур. Мен хоҳиш қилурманки, анга жазосин бергайман”. Ҳаким айди: “Эй подшоҳ, ондин оғримағил ва анга уқубат қилмағилки, ўз сиррингни ўзунгга лозим тутуб кўтармоқни хоҳиш қилмабсан. Агар яна киши они кўтармаса, ажаб кўрмагил!”.

Назм:

Сиррингға маҳрам ўзунгки бўл, ки топилмас маҳрам,
Ҳамдам ўл ўзунгга ўзунг, ки топилмас ҳамдам.
Истадим ёри мувофиқни, деди аҳли хирад,
Боре ўтгил, ки жаҳон аҳлида бўлмас бу ҳам.

ҮТТУЗ ОЛТИНЧИ БОБ ФУРСАТНИ ҒАНИМАТ БИЛМОҚ БАЁНИДА

Зийраклар ва огоҳларнинг офтоб янглиғ дурахшон кўнгуллари ойинасида зоҳир ва равшандурки, азиз умр барқ масаллик ўтуб борур ва тириклик соатлари дарё мавжидек бебаҳо эрур. Бас, фурсатеки, ўтар бебадал жавҳардур, аниг қийматин билмоқ керак.

Байт:

Дамеки, ўтгусидур истаманг нишон андин,
Чораки, ўтти ҳаёт элчиси нишон истаб.

Тирикликдин ончаким қолибдур, ҳануз ғайб пардаси ичра ўзидин нишон бермас. Мозий-ю мустақбал оросида вақте бордурким, они ҳол дерлар. Умр деб ул вақтни билмоқ керак ва ўзининг ишин ул ҳолда қилмоқ керак.

Қитъа:

Ғанимат бил ҳаёting фурсатини,
Ўтуб кетмасдан иликингдин баногох.
Ишонмас даҳраро давронға оқил,
Жаҳонға такя қилмас ҳеч огоҳ.

Бас, мундоқ бебаҳо рўзғорда бу нав замонаи бекарорда соҳиб давлат ул киши эрурки, макрамати осорин жаҳон атрофига машҳур ва марҳамати овозасин халойик тилида мазкур қилиб, яхши отин ва ҳамида сифотин оламда ёдгор қўйғайки, яхши от одамийга иккинчи умрдур.

Қитъа:

Эй жаҳонда умр боқий бўлмоқини толиби,
Яхши васфингдин қолур оламда сандин яхши от.
Ҳеч эрур молу манол, қадру ҳашамат, иззу жоҳ,
Бўлғуси даҳр ичра умрнинг ҳосили яхши сифот.

Келтурубдурларки, бир бузургени бир подшоҳ мажлисида кўб таъриф қилдилар, аниг фасоҳат ва балоғатда ўзга улуғ яхши сифотларидин беҳад шарҳ қилдилар. Ул даража бирлаки, подшоҳ шавқи ул азизни кўрмакка бисёр ғолиб бўлди ва уни келтурмакни бир донишмандга буюрди. Чун ул бузург мажлисга кирди эрса, саломдин сўнгра айдики: “Подшоҳ умри минг йил боқий бўлғай!”. Подшоҳ айдики: “Мажлисда ҳануз ўлтурмай туруб, маҳол сўз айдинг! Беҳуда такаллум сенингдек кишидин ажиб ва ғарив кўрунди”. Азиз айдики: “Халойик тириклиги маҳз, бу танинг боқийлиги эрмас ва ҳама киши билурки, одамнинг умри минг йилга етмас, аммо ўлгандин кейин қолган яхши от яна бўлак умрдур. Менинг мақсадим ул эрдики,

подшоҳнинг яхши зикр рақами рўзгор саҳифасида минг йил боқий қолғай”.

Қитъа:

Кишиким, бўлди яхши оти машҳур,
Вафотидин кейин они зинда дерлар.
Вале ониким, олмишдур ёмон от,
Агар чанди тирикдур, мурда дерлар.

Бу маънода айтибдурларким:

Байт:

Саъдиё, яхши сифатлик киши ўлмас ҳаргиз,
Ўлук ул бўлғусидур, яхши от олиб кетмас.

Бузурглардин бириси рисоласида келтирубдурларки, Нўширвон айвони баландтур, олам атрофида баланд овоза, аммо хўбуғи на кунгрунинг баландлигига ва на панжаранинг гўзаллигига. Не учунки, неча хиштни бир-бирига уламоқ ва неча эшикни иморат атрофида очмоқ, ул миқдор таҳсин қилғудек иш эрмас. Ақл назаргоҳида ул пирзанинг тийра кулбаси эрурки, Нўширвон айвонининг бир гўшасида воқеъ бўлуб эрди. Бас, донишлар назарини анга қаратмоқ керак ва ғайрати хотир бирла онинг қиссасин таомил қилмоқ керак. Аммо ул қисса баёнидинки: вақтеки, подшоҳ айвони битти ва барча иши тамомига етти эрса, Нўширвон ани узра ўрун тутти. Барча хукамо, фузало, вузаро, умароларини анда жам қилди ва уларга айдики: “Назар қилингизлар бу иморатға, агар айби ва халали мунда зоҳир бўлса, анинг иложига машғул бўлғаймиз”. Ул иморатнинг атроф ва жонибиға назар қилгандин кейин айдиларки: “Эй подшоҳ, иморатдурки, баландлик илики бирла жавзо камарин очар, олий кунграси шараф оёқин кайвон айвони бошига кўяр.

Назм:

Кўрмади мундоғ иморат чарх юз минг кўз била,
Йўқ биное олий мундоғ яхши эл кўнглида ёд.
Ул замонки, баҳт меъмори анга очди эшик,
Жаннат эшиги эл юзига гўйиё бўлди кушод.

Бас, бу айвон кайвон мисол ва қасри ҳумоюн жамол ҳеч айби ва кусурини мушоҳада қилмадик. Магар ул кулбай муҳақкар ва зовийон мухтасарки, бу айвон гўшасида воқеъ бўлубдурким, ҳар бор анинг мўрисида тутун чиқар, бу соф тийнат ва покиза суврат қасринг тамомларин қаро қилур. Агар ул вайрона мундин бартараф бўлса, бағоят зебанда ва бениҳоят писандида кўринур, бу ҳайбатлик чашми захмини бу сифат айвондин даф қилмоқ басе лозимдур ва вожибдур”.

Нўширвон аиди: “Бу уй пирзан мулкидурки, умри баҳори хазон фаслига етибдур ва ҳаёти офтоби ўлтуур. Халифа борибдур. Вақтеки, бу айвон сиёқин фикр қилур эрдим ва меъморлар мунинг тарҳин тортар эрдилар. Бу уй монеъ эрди, токи айвон ўрни тузук ва ҳамвора бўлғай, деб пирзан қошига киши юбордим ва айдимки, бу кулбани ҳар баҳоғаким, ҳоҳиш қилур, менга сотсун, ё зар ато қилайн ва ё бир яхши манзил муни эвазига бино қилиб берайин”. Пирзан пайғом юбордики: “Эй подшоҳ, мен бу уйда вужудга келдим ва бу кулба бирла унс олдим. Ҳама олам сенинг мулкингдур. Мен анга ҳасад этмасман ва сен менинг бу ҳақир ошёнимни кўролмассан”. Бу сўзни ондин эшиттим эрса, менга таъсир қилиб, яна ҳеч сўз анга демадим. То вақтеки, айвон тамом бўлди эрса, ул кулбадин тутун чиқиб томларни тийра ва димоғларни хира қилиб бошлади. Яна киши юбордимки: “Не учун тутун қилурсан?”. Жавоб юбордики: “Ўзумга таом пишиурман”. Ҳеч нимарса демадим. То кеча бўлди эрса, онинг учун лазиз жониворлардин кабоб қилиб ва яна ҳар навъ таомлардин хончага тартиб бериб, қошига юбордим ва айдимки: “Ҳар кеча сенга бу нав таомлар юборурман, то сен бу танг кулба ичра ўт ёндумағилки, тутундин айвоним қора ва димоғим пора бўладур”. Пирзан пайғом юбордики: “Эй подшоҳ, оламда бисёр гурисна, меҳнатзадалар гирён кўз ва бирён кўнгул бирла бўлғайлар. Мен мурғи бирён егайман. Бу нечук раво бўлғай. Мен ул парвардигор ва офариғордин қўрқарманки, пок орд ва яна ҳалол жўяна емак бирлан умримни етмиш йилга еткурубман. Эмди мундоқ шубҳалик таом ва мурғи ҳаром емагайман. Бу кулбамни ўз ҳоли бирла қўйғилки, айвонинг зийнатидур не учунки, бекларинг кўрсаларким, сенинг камоли адлингдин бу ҳақир вайронамни мундин олмоқни раво кўрмассан. Улар ҳам зулм қўлин раъоё молига узатолмаслар. Яна буки, айвонинг неча йиллардин кейин охир вайрон бўлур. Аммо менинг бу ҳақир уйим бирла сенинг олий айвонинг қиссасини рўзғор китобларида вараклар сахифасида битгайлар ва қиёмат давригача қолғай!”. Бас, бу сўзларни ондин эшитдим эрса, онинг ҳамсоялиғиға рози бўлдим”.

Келтурубдурларки, ул айвоннинг олдидағи саҳн турлук жавоҳирот бирла фарш қилиқлик эрди. Ул пирзанни бир ориқ сигири бор эрдики, уни ҳар эрта ўтлокқа чиқарур эрди. Оқшоми уйига келтирур эрди ва ул сигир бу икки вақтда – боргунча ва келгунча ул ранга-ранг фарш устидин ўтар эрди ва мулаввас (ифлос) қилур эрди. Надимлардин бири айдики: “Эй пирзан, мундоқ қабиҳ ишлар қилмағилки, подшоҳнинг ул шонини ушотдинг, салтанати ва

хайбатини буздунг!”. Пирзан жавоб бердики: “Подшоҳ номуси зулм бирла синғусидур. Шавкати биноси жаҳлидин хароб бўлғуси эрур. Не адл бирла ва мен ҳар неким қилурман, онинг бирла подшоҳнинг яхши отига шухрат берурман ва яхши сифотин то замон охиригача боқий қилурман”.

Дарҳақиқат, пирзан рост айтибдур. Не учунки, Нўширвон давридин то бу китобни туркий қилмоққача минг юз эллик олти йил ўтубдурки, пирзан бирла аниг айвони ҳануз рўзғор сахифасида событ ва халойиқ тилида жорийдур.

Байт:

Кўрунг бу яхши амални натижаси ҳануз,
Хароб қилмади Кисро замонини даврон.

Манучехр калимотида келибдурки, дунё эътимодга ярамас. Оқил улдурки, орияти давлатга кўнгул боғламағай ва билғайким, ҳар кишига Худойи таоло подшоҳлик берди, ул неъматнинг ҳақи анга фарз бўлди. Онинг ҳақи буки, халойиқ аро ишларни хўб зуҳурга келтурғай, то дунёда яхши от кўтарғай, муруват ва саховат тариқин қўймағай, то охиратда обрўй кўрғай.

Байт:

Сан муруватға рафиқ ўлғил, сахоға ҳамсафар,
Сўнгра тахту тож ила давлатдин ўлғил баҳравар.

Келтурубдурларки, Кайқубод мамлакатини муруват қуввати бирла забт қилди. Яхши намуналар ёдгор қўйди. Аниг писандида ахлоқидин бири бу эрдики, мадҳғўйлар ва шоирларни дўст тутар эрди, аларға эҳсон ва инъом, эъзозу икром қилмоқда тақсир қилмас эрди. Айтур эрдики: “Кишини яхши оти икки нимарса бирла боқий қолур. Бири мадҳқим, китобга битилса, аниг бирла то давр охиригача яхши от ўчмас ва яна бири иморат бирла:

Қитъа:

Бўлмаса эрди агар Фирдавсийнинг "Шаҳнома"си,
Шуҳрат олмас эрди Каю Рустаму Исфандиёр.
Ёйди оламға Низомий назми Баҳром отини,
Анварийнинг шеъри Санжар васфин этти ошкор.

Келтурубдурларки, Султон Маҳмуд боғи ораста қилиб эрдики, дилкушои ва фирдавс янглиғ, беҳиштафзорӣ ва покизалик, мусаффоликда гўёки боғи Эрам, тароват ва назокатда беҳишт бўстонидек тоза ва хуррам.

Қитъа:

Басе гул очилдурди бу тоза боғ,

Ки ҳар қайси ўт ёндуруб чун чироғ.
Раёхинда тутмишдур атроф жўй,
Сабо атр парвару ҳаво мушкбўй.

Ул боғ ичра Султон Маҳмуд отаси Носир уд-Давла Сабуктегинга зиёфат қилдики, фалак хонсолори андоқ зебо базмни кўрмамиш ва замона қулоқи ул нав оройишилик жашни эшитмамиш. Лазиз таомларки, беҳишт неъматларидин нишон берур эрди, ҳозир қилди ва хушквор шарбатларки, шаробан таҳур шириклигидин ёд назарга келтурди.

Назм:

Терилди базм аро бисёр неъмат,
Ки жаннат неъматидек айни лаззат.
Тўлуб хон ичра беҳад мурғи бирён,
Яна ҳар навъ атуъма фаровон.
Тутуб ширу шакар мажлисни аксар,
Бўлуб мажлис улардин танг, шаккар.

Чун бу зиёфатдин фориғ бўлдилар эрса, ўғли отасидин сўрдики: “Эй ота, сиз айтган боғ нечук боғдур?”. Жавоб бердики: “Ул боғ фузало, ҳукамо ва шуаро сухбатидур. Анинг дарахти улардин тарбият топмоқ, яхши ишлар зуҳурга келтурмак ва самараси яхши от кўтармак эрурки, то замон охиригача рўзғор сахфасида боқий бўлғай. Зими斯顿 совуқлиги ва тобистон иссиғлиги анга асар еткура олмағай”. Бу бобда Низомий шундай айтур.

Назм:

Иморат айлади Маҳмуд бисёр ,
Баланд ҳар қайсиси гўё чархи даввор.
Ки охир давр вайрон қилди они,
Бирининг қолмади номи нишони.

Бу тарз бирла бир қитъаи машҳурдур.

Қитъа:

Бир куни Бузуржмеҳр айдиким, эй шоҳи жаҳон,
Мамлакат еру суви алҳол илкинг ичрадур.
Айлағил боғе, ки солғил анда наҳли жовидон,
Токи андин давлати боқий самар бўлғай санга.
Умр боғига етар, гоҳи баҳорга хазон,
Бўстони қилки, бўлғай ёзу қишин беасар.



Сабзаворда Хусайн Воиз Кошифий шарафига ўрнатилган ёдгорлик

ЎТТУЗ ЕТТИНЧИ БОБ ХУҚУҚ РИОЯ ҚИЛМОҚ БАЁНИДА

Хуқуқ адо қилмоқ ҳама мўъминлар зиммасига, хусусан, қудрат ва шавкат аҳли уҳдасига лозимдур. Не учунки, бу иш зот ва сифот поклиги, насаб ва ҳасаб баландлигига, равshan далил ва содик гувоҳдур. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло неъматлари ҳуқуқин адо қилгандин сўнгра, ота ва она шафқатлари ҳуқуқин адо қилмоқ керакки, Ҳақ азза ва жалла ўз ризолигин уларнинг ризолигига боғлабдур. Чунончи, бу ҳақида ҳадиси қудсий далолат қилурки: “Ман радија ‘анҳу вāлидāху фа-ана ‘анҳу rādin”¹, яъни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айтур, ҳар кишики ондин ота-онаси хушнуд бўлур, мен ҳам ондин хушнуд бўлурман ва уларга яхшилик кўргузмакни ўз ибодатига ёндош қилибдур. Аллоҳ таоло айтади: “Ва қадā раббука ан лā та‘буду иллā иййāху ва бил-вāлидайни ихsānān”², яъни ҳукм қилди парвардигоринг ангаки, топинмангизлар ҳеч нимарсага, магар Худойи таолоғаки, аниng қуллуғин бажо келтурунгизлар, ота ва оналарингизга яхшилик қилингизлар, демак бўлур.

Назм:

Хурмуз ул Парвиздин хушнуд эди,
Ким анга юзланди бахти сармадий.
Қилмағач Шеруя Хусрав ани ризо,
Кўрмади иқболи давлатдин вафо.

Келтурубурларки, Молики Динор бир йили ҳажга бориб эрди ва халойик бирла ҳаж адо қилди. Чун ҳама ҳожилар Арафотдин ёндиilar эрса, кеча Молик туш кўрдики, икки фаришта осмондин туштилар ва бир-бирларидин сўрдики: “Бу йил кимнинг ҳажи қабул бўлди?”. Жавоб бердики: “Ҳама ҳожилар ҳажи қабул бўлди. Магар Аҳмадким, Муҳаммад Балхийнинг ўғлидур, аниng ҳажи қабул даражасига етмади ва беҳуда сафар машаққатин тортди”.

Мисраъ:

Бечора ул кишиким, кўйидин ўлди маҳрум.

Бас, Молик Динор уйқудин бедор бўлди ва ул андишадин тонг отгунча ухламади. Эрта тонгда борди, Балх қофиласин топди ва қофила аро Аҳмад ибн Муҳаммад Балхийни сўраб юрур эрди. Бир улуғ чатреға етти. Этагин кўтариб туруббурлар ва ул чатр ичра бир йигитни

¹ “Ҳар кишидан ота ва онаси хушнуд бўлса, мен ҳам ундан хушнуд бўламан”.

² “Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди”. (“Ал-Исро” сураси, 23-оят)

кўрдики, бағоят зеборўй эгнига палос кийиклик. Оёқида банд ва бўйнида гул. Йигит Моликни кўрди эрса, салом қилди ва айдики: “Эй Молик Динор, ул йигитиким, сенинг тушунгда кўрган ва ҳажи қабул бўлмаган, мендурман. Бу палос, гул, банд менинг маҳрумлигим нишонаси эрур”. Молик аиди: “Мутаҳайир бўлдум. Аллоҳу акбар, эй йигит, сенинг хуснунг баркамол, замиринг равшан ва кўнглунг соғ киши экансан. Ҳеч билдингмуки, маҳрумлуғунг не учундур?”. Айдики: “Билдим, менинг маҳрумлуғум отам мендин хушнуд эрмаслигидин эрур”. Сўрдики: “Отанг не ердадур?”. Айдики: “Ушбу қофилада”. Айдимки: “Бир кишини манга ҳамроҳ қилғил, то отанг қошига мени ташлаб келғай ва мен ондин гуноҳингни тилағайманки, шояд сендин хушнуд бўлса”. Бас, манга киши ҳамроҳ қилди ва ул киши они отаси қошига мени бошлаб борди. Кўрдумки, соябоне тортубдурлар, онинг ичра шоҳона либос ва бисотлар солибдурлар. Пири хушмуҳовара курси узра ўлтурубдурлар ва бисёр халқ анинг атрофида саф тортиб турубдурлар. Олдиға бордим ва салом қилиб айдимки: “Эй пири мард бузург, сенинг ҳеч ўғлунг борму?”. Жавоб бердики: “Ори, фарзанди нохулқурки, мен ондин рози эрмасман”. Мен айдимки: “Эй пир, бу вақт андокдурки, киши ҳар кишидин озор кўрган бўлса, ондин кийнае кўнглуга тушган бўлса, керакки, они хотиридин чиқарғай ва афв қилғай. Алҳол санга ярашмаски, ўз фарзандингни Худойи таоло азобига мубтало қилғайсан ва мен Молик Динордурман. Кеча ўғлунг маҳрумлигин туш кўрдум ва аиди, сенинг қошингға келдим. Худо ва расулнинг ҳақи санга шафेъ келтурдумки, ўғлунгни гуноҳидин ўтғил”. Ва андин пир бу сўзни эшитти эрса, турди ва айдики: “Эй шайх, сен мард бузургсанки, менинг қошимга келдинг ва улуғ зотларни шафеъ келтурдунг. Бас, қабул қилдим ва анинг гуноҳин ўтдум ва кўнглумни ондин хушнуд қилдим”. Молик айтур: “Пирга сано айдим ва қошидин чиқиб йигит хамиясига мутаважжих бўлдум эрса, йигитни кўрдум. Гул гарданидин олуғлик, банд оёғидин жудо бўлган, палос эгнидин бартараф бўлган ва покиза ранг жома кийиклик. Олдимга чиқди ва айдики: “Эй Молик, “жазāкаллаҳу хайран”, менинг ва отамнинг орасига сулҳ тарҳин солдинг, отам хушнудлиги баракотидин ҳажимни қабул қилдилар”.

Қитъа:

Ул кишиким, жисминг анинг пораси,
Балки анинг чашмасининг қатраси.
Сан анга хизмат қилу топғил мурод,

Сан анга қўл боғлаю топғил кушод.

Онанинг дуо ва хушнудлиги отадин зиёдароқ натижа берурки, ботроқ мустажоб бўлур. Ҳадисда келибдурки: “Беҳишт онанинг қадами остидадур”, яъни ҳар ким анинг хизматин қилса ва шафқатлари ҳукуқин адо айласа, беҳиштга боргуси эрур.

Байт:

Беҳиштким, барчамизга муддаодур,

Онамизнинг оёғи остидадур.

Бошқа қариндошлар ва ақраболар ҳукуқин риоя қилмоқ керак ва уларга силаи раҳм бажо келтурмак керакки, ул ислом вожибларидин бири эрур. Силаи раҳм умрни узун қилур ва ризқни кенг айлар. Ҳадисда келибдурки, Худойи азза ва жалла айтур: “Мен Раҳмондурман, яъни тўла раҳм қилғучи эурман. Раҳм-шафқат менинг улуғ сифатимдур. Ҳар кишики, бу сифатимга мудавомат қилурман, они раҳматимга восил қилурман”. Келтурубдурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мусо саловотуллоҳи алайҳга ваҳий юборди: “Қариндош ва яқинларингга яхшилик қилғин!”. Мусо саловоту-р-рамони алайҳи аиди: “Худоё, не иш қилайинки, ул сенинг ризонгға мувоғик бўлғай?”. Ваҳий келдики: “Аларға лутфу эҳсон кўргузғил ва бу навъким, агар ғойибдурлар салом бирла, агар ҳозирдурлар фақир бўлсалар, сила ва ато бирла, молдор бўлсалар, бориб аҳволларин сўрмоқ бирла”.

Байт:

Ақраболар вуслати йўлун ўзунгга қил кушод,

Токи давлат бирла элдин илгари бўл ҳам зиёд.

Ва дигар устоду муаллим ҳукуқин адо қилса ва анинг ҳурматин бажо келтурса, дунёда эмин ва баракат кўрар, охиратда шараф ва саодат топар. Айтибдурларки, устод ҳурмати автод сийратидур ва автод жамъе эрурлар, авлиёдурлар. Олам барпо турмоғи уларнинг вужудлари баракотидиндур.

Назм:

Фаромуш қилмоғил сан ҳаққи устод,

Ки онингдин дуур илмингға бунёд.

Агар устодингға меҳринг йўқ ўлди,

Дегилким, илмим мани маҳв ўлди.

Кишиким, қилди устодиға хизмат,

Замоне ўтмади, топти ул иззат.

Яна ҳамсоялар ҳукуқики, алар кишининг ҳавлий ва боғу қасру боргохига ёвуқ эрур. Ҳадисда шундай келибдур: “Ҳар кишики, Худойи таолога иймони бордурким, имкони борича анга наф еткургай, ўзидин

ва ё ғайрдин анга зарап етмагин ман қилғай. Агар ул дарвеш ва бенаво бўлса, ҳолидин хабардор бўлғай”.

Келтирубдурларки, бир дарвеш бир бой кишининг ҳамсояси эрди. Бир куни бойни бир кичик фарзанди дарвешнинг уйига кирди. Кўрдики, ул дарвеш аҳли аёли бирла таом ерлар ва ул гўдак замоне турди. Таомга майли бор эрди ва лекин ҳеч қайсиси анга илтифот қилмади эрса, йиғлаб ота ва онаси қошига келди. Улар мунинг йиғисидин паришон аҳвол бўлдилар ва йиғламоғининг боисин сўрдилар эрса, айди: “Мен ҳамсоя уйига бориб эрдим, алар таом ейдилар ва менга бермадилар”. Отаси буюрди, то ҳар навъ таомдин олиб келдилар. Гўдак емади. Чунки кичик болаларнинг одатики, яхши таомни емаслар ва ҳар навъ атала маъқул бўлубдур, тилаюрлар. Бас, бисёр йиғлади, айдики: “Менга ҳамсоя таомидин керак”. Отаси ҳайрон бўлиб, ҳамсоя эшикига келиб айдики: “Эй дарвеш, муносибмудур, сендин менга ранж етгай?”. Дарвеш айди: “Ҳошоки, мендин кишига ранж етгай?”. Бой айди: “Ҳеч ранж мундин зиёда бўлурмики, менинг фарзандим уйингга киргай ва сен таом егайсан, ул мунтазир турғай ва сен ҳеч бермағайсанки, йиғлаб ёнғай ва ҳоло ҳеч нимарса бирла йиғидин ором топмайдур, сенинг таомингдин тилайдур. Ҳеч ранж бундин зиёда бўладими?”. Дарвеш муни эшитти эрса, замоне бошин куйи солди ва андин сўнгра айдики: “Бу воқеа замиринда сирре бор ва они мендин сўрмағилки, фош қилмасман”.

Қитъа:

Миндинг ул барқ от узра, лекин билким,
Факр аҳли эшаги лойга тикмиш путини.
Истаманг бехуда мискинлар уйидин ўтким,
Мўридин ўрлаган ул пора кўнглининг тутуни.

Бой шиддат айладики: “Сирингни менга айтғил!”. Дарвеш мажбур бўлуб айди: “Эй хожа, ул таомки, еб эрдук, бизларга ҳалол ва фарзандингизга ҳаром эрди. Раво кўрмадимки, кишига ҳаром таомни бергали”. Хожа айди: “Субҳонаҳуллоҳ, таом бор эрканки, шариатда ул бир кишига ҳалол ва яна бирига ҳаром бўлғай?”. Дарвеш айди: “Куръон”да ўқумадингми: “Фаман идтурра фи маҳмасатин”¹, яъни ҳар кишиким дармонда бўлди, бечораликда ва тангдастликда анга мурдор ҳалолдур, демак бўлур. Билгилки, уч кун ўтубдур, аёлу атфолим ҳеч нимарса емайдилар ва ҳеч навъ чора тополмадим. Бир кун кўрдимки,

¹ “Кимки, гуноҳга мойиллигидин эмас, балки очарчиликда (мазкур ман этилган нарсалардан ейишга) мажбур бўлса, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир”. (“Моида” сураси, 3-оят)

бир эшак ўлуб қолибдур, бир пора гўшт ондин олиб келдим ва пишурдим. Ул гўштдин ер эрдукким, сенинг фарзандинг кириб келди ва суврати ҳол мундок эрдики, сенинг қулоғингга етти”.

Байт:

Санга кунда айшу фароғатдур,
Вале билки, бизга не ҳолат дуур.

Бой бу сўзни эшилти эрса, йиғлади ва аиди: “Вовайло, агар Худойи таоло қиёмат куни менга ғазаб қилса ва айтсаки: “Сенинг ҳамсоялифингда шундок суврат бор эрди ва сен не учун ул ҳолдин бехабар бўлдунг, деб ғазаб этса, мен не жавоб берғайман?”. Бас, дарвешни қўлидин тутуб, уйига келтурди ва ҳама амволин жам қилиб насфин анга берди. Кечаси ҳазрат Рисолатпаноҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни тушида кўрдики ва ул жаноб айтурларки: “Эй хожа, шафқатеким, ҳамсоянинг ҳақида қилдинг, они боисидин гуноҳларинг омирзида бўлғай ва охиратда менинг бирла ҳамнишин бўлурсан, молу манолингга баракат ҳосил бўлур”.

Байт:

Кишиким айласа ҳамсоялариға шафқат,
Жаннат ичра анга ҳамсоялик этгай Ҳазрат.

Бас, подшоҳларга доруссалтанат, яъни ўрда бир ҳавлий масалликдурки, шахру сахро подшоҳлар анинг ихотаси ичра бўлғайлар ва ҳар бенаво муҳтожки, андадурлар, уларнинг ҳамсоялик ҳақлари собит ва подшоҳга улар аҳволидин хабардор бўлмоқ лозим ва вожиб эрур.

Бу хабар тарихда машҳурдурки, вақтеки, ҳазрат Юсуф алайҳиссалом Мисрга подшоҳ эрди. Етти йил қаҳатчилик бўлди ва бу етти йил ичра ул ҳазрат Юсуф кундин-кунга заиф ва низор бўлур эрди. Ондин бу ҳол боисин сўрдилар, эрса айдики: “Пинҳоний ранжим бордурки, бағоят саъб эрур”. Ҳукамо айдилар: “Бизга баён қилғил, муолажасига машғул бўлғаймиз”. Айди: “Етти йилдурки, подшоҳлик маснадига ўлтурубдурман ва Миср раъоёсин ихтиёрларини замона менинг тасарруфим қўлига берибдурлар. Бу муддат ичра нафсим ул орзуда эрдики, они бирор арпа noni бирла сер қилғайман ва аммо анинг мақсадин ҳаргиз мұяссар қилмадим”. Айдилар: “Не учунким, бу мاشаққатни тортарсан?”. Айди: “Қаҳат балосига гирифткор бўлган муҳтожлар ва гуриналар мувофиқатин ихтиёр қилурман ва қўрқорманки, бир неча вилоятимда гурисна бўлғай ва мен ул кечада тўқ бўлғайман. Қиёматда онинг учун уқубатга гирифткор бўлғайман”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро қаҳатида рубойй айдиларки, таржумаси будур.

Қитъа:

Курсоқни тўқ айладинг еб анвойи таом,
Оғаҳ бўлким, гуриналар беором.
Сан кечалар уйқу била, ул нола била,
Айғил, бумудур санга тариқи ислом?

Айтурларки, Малик Солих Шом подшоҳларидин эрди. Одати бу эрдики, кечалар бир хос ғулом бирла чиқар эрди. Масжидлар, хонақоҳлар, мазоротларни сайр қилур эрди ва хар кишики, онинг аҳволин таваҳҳус қилур эрди. Бир кеча зимистонда ўтуб борур эрди. Масжидега етти ва анда бир дарвешни кўрдики, боши ва оёғи ялангликдин титрар эрди. Айтур эрдики: “Эй бор Худоё, подшоҳлар сенинг неъматингни ўз нафс лаззати ва роҳатига сармоя қилибдур, заиф ва муҳтожлар аҳволидин ғофил бўлдилар. Қиёматда агар булар беҳиштга кирсалар, иззат ва жалолинг ҳақики, мен беҳишт сари қадам кўймағайман”. Малик Солих бу сўзни эшилти эрса, дарҳол масжидга кирди ва жомани бир сипар олтун бирла дарвешнинг олдига қўйди. Бисёр йиғлади ва аиди: “Мен эшилдимки, факир дарвешлар беҳиштнинг подшоҳлари бўлур эрмишлар. Букун биз подшоҳдурмиз ва сизлар бирла сулҳ қилгани келдук, тонглаким сизлар подшоҳ бўлурсизлар. Хусумат эшигин бизга очмангизлар ва ҳимоят назарин биздан олмангизлар”.

Назм:

Келибман сулҳ йўли бирла сизга,
Хусумат эшигин очманг тонгла бизга.
Ман эрмасман бу кун мағрури давлат,
Қилурман сизга жоним бирла шафқат.
Мани боримда сиз ҳам гина ташланг,
Тараҳҳумдин мани жаннатга бошланг.

Яна меҳмонлар ҳуқуқин риоя қилмоқ лозимдурки, меҳмон Худойи таоло қошидин келган ҳадядур. Ҳадисда келибдурки, “Худойи таолога, қиёмат кунига икрори бордур, керакки, меҳмонни азиз тутғай”. Они азиз тутмоқ аввал анга ул миқдор пеш келғайки, анинг бирла ул халқаро обрўй топғай ва қудрати борича анга базл ва муруваттаги айлағай.

Қитъа:

Келса ногоҳ уйингга меҳмоне,
Хар неким бор, анга фидо қилғил.

Наки ул хоҳиш этса андоғ қил,
Хожати бўлса ҳам раво қилғил.

Хукамо айтибдурларки, меҳмон миқдорига боқмағилки, не кишидур ва ўз карамингга қарогилки, иқтизоси не нимарса этур. Бу ҳикоя машҳурдурки, Талҳаки, араб улуғларидин эрди, анга воқеа пеш келмак бирла танҳо Қайс қабиласига борди. Ул қабила сардори Молик ибн Авф эрди. Они тонимади ва онинг улуғлуғи ва шарофатига мутталаъ бўлмади, анга икром ва меҳмондорлик қилмоқида тақсир қилди. Талҳа ночор ул мазаллат жомин нўш қилди ва ул хорлик юкин ҳасбу насаб бурдуборлиғи қуввати чун Талҳа ул қабиладин ёнди эрса, Моликга маълум бўлдики, ул меҳмон не киши эканин, бағоят шарманда бўлди ва узр қалами бирла анга руқъа ёзди ва орқасидин йиборди. Нома мазмуни буки: “Сизни тонумадим ва хизматкорлик расмиким, мендин лозим эрди, бажо келтурмадим. Бу сабабдин бағоят шарманда, бениҳоят хижолатзада эурман.

Байт:

Ман нечук бош кўтарай, мунча хижолат билаким,
Қилмадим ҳазратингга ҳеч муносиб хизмат.

Бас, умидвордурманки, ул тақсирки, мендан ўтти ва афв қилғайсиз, чун сизни карамингиз шеваси узроҳлар узрин қабул қилмоқдур. Тиларманки, бу хатни мендин ўтғайсиз”.

Байт:

Хизматим тақсиридин гарчи этур шармсор,
Бегарон фазлингдин ўлмишман басе умидвор.

Талҳа жавобда ёздики: “Узрунгни қабул қилдим. Бас, бу важҳдин кўнглунгга бисёр дағдаға еткурмағил ва мурувватим андоғ иқтизо қилурки, мундоғ минг гуноҳни узроҳ била ўткаргайман.

Байт:

Чун надомат машриқидин узра субҳ урса дам,
Тун қоронғуси каби барча гуноҳ бўлғай адам.

Аммо ул сўзунгки, мен сизни тонимадим, номақбулдур ва карам шевасидан басе йирокдур. Не учунки, меҳмондорликда эъзоз-икромни фақат улуғлар ва ашрафларга хос тутмоқ мурувват ва жавонмардлик расмидан эрмас. Мезбонлик шарти улки, офтоб янглиғ ҳамага яксон тобиш қилғай ва ямғурдек ҳама ерга бир равишда ёққай. Агар меҳмон улуғдур, анинг улуғлиғи ҳақин баржой келтурган бўлғай ва агар кичик бўлса, ўзининг икром ва эҳсонин зохир қилган бўлғайки, бузурглар хизматига тақсир қилмоқ надомат ва хижолат келтурур, факирлар

мехмондорлигида камлик кўргузур, бадномлик ва пушаймонлик келтуур”. Бу маънода айтибдурларки:

Назм:

Мехмонни тутқойсан доим азиз,
Келтуруб расми муруватни бажо.
Гар бузург лойиқи хизмат дуур,
Қилдинг ўлгай хизмати ҳаққин адо.
Гар кичик бўлса, демаслар муникум,
Не учун мундоғ карам қилдинг анга.

Бузурглардин бисёр кишилар бор эрди, душманларининг борасида меҳмондорлик риоясин қилур эрдилар. Чунончи, тарихларда мазкурдурки, Кирмонда бир подшоҳ бор эрди, бағоят сахий ва меҳмондўст, онинг меҳмондорлик эшиги ҳамиша очиқ эрди ва эҳсони дастурхони пайваста ёйиғлик эрди. Ҳар киши, Кирмон шаҳрига келур эрди, онинг карами дастурхонидин нон ер эрди. Ул киши, бу шаҳр ичра бор эрди, эрталик, тушлик ва оқшомлик робитасин онинг зиёфатхонасидин олур эрди. Чун Азуд уд-Давла лашкар тортиб Кирмон вилоятига келди эрса, ул саҳоватпеша подшоҳ шаҳрни мустаҳкам қилиб онда беркитти. Азуд уд-Давла черики кунда шаҳр дарвозаси олдиға келур эрди ва Молик лашкари ҳам шаҳрдин чиқиб, рўбарў бўлуб уруш қилур эрдилар. Ҳар кеча Кирмон подшоҳи Азуд уд-Давла лашкарига тамом кифоят қилғунча таом берур эрди. Азуд уд-Давла бир куни пайғом йибордики: “Кундуз жанг қилмоқ ва кеча таом бермакнинг не маъноси бор?”. Жавоб бердики: “Жанг қилмоқ мардлик изҳоридур ва нон бермоқ мардлик равиши эрур. Сизлар агарчи душмансизлар ва лекин менинг шаҳрим ғариби, меҳмонидурсизлар. Муруват ва жавонмардликдин эрмаски, киши кишининг шаҳрига келғай ва ўз нонин егай”. Азуд уд-Давла бу сўзни эшитти эрса, айдики: “Киши бу навъ муруватликдур, онинг бирла жанг қилмоқ муруватдин бўлмағай”. Дарҳол ёнди.

Байт:

Гарчи душмандур анга мардлук эт,
Ким бу ишдин кўрмамиш ҳаргиз зиён.

Меҳмондорлик шарти будурки, меҳмондин меҳмонлик ҳолатида хатое зоҳир бўлса ва ё ҳам мундин бурун андин гуноҳи содир бўлган бўлса, вақтеки, кишининг уйига келиб таомидин луқмае тановул қилди эрса, они ўткармак керак. Чунончи, китобларда ёзилғанки, Маън ибн Зойида қошига уч юз асирки, онинг душманларидин эрдилар, олиб келдилар. Маън ирода қилдиким, аларни қатлиға фармон юрутғай. Ул

холда бир гўдак асиrlар орасидин турди ва айдики: “Эй подшоҳ, Худо ҳаққи, буюргил, то менга бир қадаҳ сув берғайлар ва мени ташна ўлдурмағайлар”. Гўдак жомни қўлига олиб яна аиди: “Эй амир, мени бу қавмумдаги ҳама ташнадурлар. Агар бу сувни ичсам ва уларга бермасам, мурувватдин эмас. Агар берсам, мен ташна қолурман ва чун албатта ўлдургунгур. Ҳаммамизни сероб қилғил, то озурда кетмағаймиз”. Маън буюрди, то ҳамасига сув бердилар. Гўдак яна аиди: “Эй амир, биз ҳаммамиз сенинг сувингдин ичмак бирла меҳмонинг бўлдик. Меҳмонни ўлдурмак карам аҳли расмларидин эрмас”. Маън гўдакнинг бу навъ фасоҳатидин таажжуб бўлуб, ҳама асиrlарни озод қилди.

Бу маънода ҳикояте келтурубурларки, амирлардин бирининг бир кишида бисёр маблағи бор эрди ва ул киши ул қарзни адо қилмоқда таъхир қилур эрди. Охир они бир шадид муҳассилга сипориш қилди, то ул амволини андин битириб олғай. Бас, муҳассил ул кишини уйига олиб борди ва кўб шиддат кўргузди. Ул киши бағоят тазарруъ бирла муҳассилга илтимос қилди: “Не бўлғайким, мени амир қошига олиб борсанг ва бир сўзум бор, анга айтсам”. Муҳассил анга раҳми келиб, амир уйига олиб борди ва анда дастурхон тортиб ош емакка машғул эрдиларки, булар кириб бордилар. Муҳассил ош олдида ўлтурди ва ул қарздорни ҳам ошға, қошиға чорлади. Ош ер эрдиларки, амирнинг назари ул кишига тушди. Муҳассилга айдики: “Бу киши бизга меҳмон бўлди ва дастурхонимиздин тановул қилди. Бас, они оғритмоқ мурувватдин эмас ва ул маблағким, ондин олур эрдим, ўзига бахшиш қилдим. Они қўйғилки, ороми бирла кетғай”.

Назм:

Жону дил бирла эҳтиром айла,
Меҳмон гар уйингга қўйса қадам.
Мезбонлик ариғини лабиға
Тикмагайсан магар ниҳоли карам.

Ва яна сойил ҳуқуқин адо қилмоқ вожибдур. Хоҳ дуруштлук бирла тилағайлар ва хоҳ тазарруъ бирла, аларни “Ва аммас-сā’ила фалā-танҳар”¹ ҳукми бирла маҳрум ёндумоқ раво эмас, демак бўлур. Ҳадисда келибдурки: “Лис-сā’или ҳаққун ва лав жā’а ‘алā фарасин”², яъни сойилнинг ҳақи бордурки, агарчи от узра келса, демак бўлур. Бу муболага не учундурки, то сойил ҳақи ҳеч сувратда зое бўлмас.

¹ “Гадони эса малол олиб жеркиманг!”. (“Зухо” сураси, 10-оят)

² “Тиланчининг ҳаққи бордир – гарчи от устида бўлса ҳам”

“Калимоти Исаий” китобида “Салāмуллāҳи ‘алā масдаринā”¹ келибдурки, ҳар кишики сойилни ноумид ёнурса, то бир ҳафтагача раҳмат фаришталари онинг манзилига келмаслар. Масдар калимаси исм макондур ва замири калимотга рожиъ эрур. Калимоти масдардин мурод ҳазрат Исо саловотуллоҳ алайхидур, яъни Худой раҳмати Исога бўлгай, демак бўлур.

Султон Иброҳим Адҳам қуддисса сирраҳу подшоҳлик замонида аҳли хонасиға ва хазинабониға айтур эрдики: “Яхши дўстлар – бу сойилларки, бизнинг уйимиз эшикига келдилар. Ҳеч молингиз бормуки, менга бергайсизлар, мен уларга бермакни охират саройига айтғайман ва анда сизларга ул янглиғ ўн маблағ берғайман”.

Қитъа:

Гар тиларсан ҳар икки дунёда бўлмоқ шодмон,
Жуду эҳсон бирла сойилларни дилшод айлағил.
Ва тиларсан ҳар балони қайдидин озорлик,
Нотавон мискинни ғам бандидин озод айлағил.

Ва яна гуноҳкор гуноҳин тилагучиларнинг ҳуқуқига риоя қилмоқ керак. Не учунки, гуноҳкорни шафоат қилгучилар албатта ашроф кишилардин бўлғусидур ва шафоат тазарру тили бирла тиламак бўлур. Бас, бу нав кишиларнинг сўзларин эҳтиром қилмоқ ва мужримлар гуноҳин афв қилмоқда буларни шафоатларин қабул қулоқига олмоқ саодат аҳли одатлариданур. Келтурубдурларки, акобирлардин бири Мансур халифа қошида бир гуноҳкорнинг гуноҳин тилади. Халифа айдики: “Бу киши улуғ гуноҳ қилиб эрди”. Ул азиз айдики: “Орий, мен ҳам андок улуғ гуноҳни дархост қилурман ва кичик гуноҳни ўтмакинда шафоатга ҳожат йўқдур”. Халифага бу сўз хуш келди, шафоатини қабул қилди,

Байт:

Ҳар кишигаким, бўлур мундоғ шафеъ,
Барча ерда бўлғуси қадри рафеъ.

“Нигористон” китобида келтурубдурларки, қудрат аҳлига зердастлар хатоларин афв қилмоқ қадрлари баландлигининг нишони ва ҳимматлари баландлиги аломатидур. Шафеълар сўзи марҳамати зухурига сабаб ва баҳона эрур. Келтурубдурларки, бир кишини хиёнат бирла бадном қилдилар ва анинг қиссасин вилоят волийсига арз қилдилар эрса, зиндонга буюрди. Муддати мадид анинг зикрин

¹ “Кимки тиланчини ноумид қайтарса, бир ҳафтагача раҳмат фаришталари унинг манзилига келмайдилар”

қилмадилар ва ул замонда бир бузурге бор эрдики, ҳақгузорлик ва вафодорлик сифоти бирла мавсуф, онинг ул гуноҳкорга басе муҳаббати бор эрди. Волийға руқъа битди, мазмуни буки: “Гуноҳкорлар гуноҳларин ўткармак ихтиёр аҳли марҳаматлари ва иқтидор хайли шафқатлари осоридин эрур. Ул факирким, зинда маҳбуслар дармонда эрдики, меҳнатга қолган, ҳалокатга ёвуқланган ва билурманки, жаноб олийнинг омм карамлари гирифтторлар халослиғиға баҳонажўйдур. Агар меҳнатрасидани этаги бу гуноҳ лавсидин покдур, халослигига олий ишоратларин юрутсалар, яхши бўлғай ва агар журмғубори онинг яқосига ўлтурган бўлса, афв суви бирла ювсалар, карам нишонин изҳор қилмиш бўлғайлар ва агар бу икки маънодин ўзга суврат бўлса, гуноҳин шафेълар баҳшиш қилғайлар”.

Қитъа:

Эй маснади алтофи беҳад инъоми жуди омм,
Файзинг саҳоб янглиғ, фазлинг чу офтоб.
Бу афв суви бирла гуноҳкор номасин,
Бежурм бўлса қилма ғазаб ўтида кабоб.

Чун руқъа волийга етти, бу мақолат фасоҳати ва шафоат латофатига мутталаш бўлди эрса, жавоб ёздики: “Эй азиз, мушфик ва шафеи содик:

Байт:

Аниким лутф ила дархост қилдинг,
Салоҳ айлаб ишини рост қилдинг.

Бу шафоат калимотининг гулшанеки, андин меҳру вафо бўйи дамида бўлур, мақолатинг офтобни матлаъеки, андин сидқ ва сафо нури дураҳшида бўлур. Анинг воситаси била ул факирнинг қилган ва қилмаган гуноҳини ўткардим ва интиқом инонин анинг хатоси жонибидин қайтариб, ҳибс таҳликасидин озод қилдим”.

Байт:

Эй санинг амринг ила ўтса бўлур бу жондин,
Бас, киши қилса гуноҳ, сахл ўлғай ўтмак андин.

Шу нарса муқаррарки, гуноҳкорнинг гуноҳин тиламак шариат хукмин жорий қилур маҳалда хўб эрмас, яъни гуноҳкореким, шаръи бирла анга сиёsat лозимдур, шафоатин қилмоқ керак. Чунончи, “Қуръони мажид”да келибдурки: “Валā та’хузкум биҳимā ра’фатун”¹,

¹ “Агар Аллоҳга ва охират кунига имон келтирувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг динида сизларни уларга (зинокорларга) нисбатан раҳм-шафқат (туйғулари) тутмасин!”. (“Нур” сураси, 2-оят)

яъни шариат ҳудудидин чиқғон кишига шафқат кўргузманглар, демак бўлур. Тамғочхон сиёсатида мазкурдурки, йигитени дуздлук тухмати бирла анинг қошига олиб келдилар, ул йигит соҳиби хусн эрдики, малоҳат боғида ниҳоли навхоста ва жамоли гулистони хабиҳол раёҳини бирла басе ораста, юзи ойинасига қудрати илоҳий парвозгари: “Ва ҳавваракум фа-аҳсана ҳавваракум”¹ сайқали бирла жило бермиш, чехраси сафҳасига сунъи раббони мусаввири, “Лақад ҳалақнал-инсана фи аҳсани тақвим”² қалами бирла зеболик сувратин тортмиш. Аввалгининг таржимаси бўлғайки, “сувратға келтурди Худойи таоло сизларни. Бас, яхши ясови сувратиларингизни” ва кейингининг маъноси “муҳаққақдурки, яратдик сиз одамни сувратнинг яхшироғида”, демак бўлур.

Байт:

Тортмиш ҳар на кўнгул сафҳасиға қилки хаёл,
Қилдилар суврати зебоингни андин зебо.

Подшоҳ Тамғоч буюрдики: “Шаҳр чорсусига элтиб қўлин кесингизлар”. Давлат аркони муни эшитиб фиғон кўтардилар, салтанат мураққиблари ҳама дасторларин бошларидин олдилар ва фарёд қилдиларки: “Эй подшоҳ, бу йигит гуноҳидин ўтғил, анинг сиёсатини бу камина ва дирина мулозимларга бахшиш қилғил”. Подшоҳ айдики: “Мени бу ҳукмга даҳлим йўқ эрур ва Худойи таоло буюрубдурларки, дуздни қўлин кесингизлар”. Улар яна айдиларки: “Эй подшоҳ, ул қўлки, анда бордур, кесмак хайфдур ва бизнинг иликка раҳмимиз келур”. Подшоҳ айдики: “Дуздни нозик илкига боқмангизлар ва мол эгасининг қонлик кўнглига қарангизларки, анинг нисбатида бу ғам сизларга сахл кўрингай ва яна ул киши ҳақин риоя қилмоқ керакки, онинг андак ошнолиги бўлғай ва ё зарра хизмат еткурган бўлғай. Агарчи ул васила озdur. Аммо ўзининг карамига боқиб они тўло билмак ва ул факирга имкон борича навозиш кўргузмак керак”.

Келтурубдурларки, бир киши бир кишининг уйини кирояга олиб эрди ва неча кун анда иқомат қилиб эрди. Ногоҳ ул киши бу шаҳрдин сафар қилиб, яна бир вилоятға борди ва вазирлик мансабин топди. Бу уй эгаси ҳам онинг мулокотин истаб ул вилоятға дохил бўлди ва вазирнинг манзилига келди. Хоҳиш қилдики, боргоҳ ичра киргай. Дарбанд узра ясовул туруб эрди, ман қилди ва айдики: “Сен не кишидурсан ва не журъат бирла бу боргоҳга кирмакни қасд

¹ “Аллоҳ... сувратларингизни гўзал қилган ҳамда сизларни пок нарсалардан ризқлантирган зотдир”. (“Фоғир” сураси, 64-оят)

² “Ҳақиқатан, Биз инсонни хушбичим (шаклда) яратдик”. (“Тин” сураси, 4-оят)

қилурсан?”. Айди: “Вазирнинг ошноси дурман, ул жиҳатдин бу густоҳликка қадам қўярман”. Сўрдики: “Нечук ошнолиғинг бор эрди?”. Айдики: “Вақти эрдиким, вазир менинг уйимни кирага олиб эрди ва ҳоло келиб дурман ул восита бирла менинг ҳолимга назар солғай, мени мазаллат пастлиги дин иззат ва ҳурмат баландлиғига кўттарғай”. Ясовул кулди ва айди: “Эй бечора, сен магар нодон бўлғайсан ким, мундоғ саҳл василасини вазир борасида зикр қилурсан ва муни ўз кўнглунгда ҳақ тасаввур қилибсан, йироқ йўлдин келибсан, то ҳақгузорлик натижасин бехуда тамаъ ранжин чекмағил ва йўлунгга ёнғил!”. Казоро вазир бир парда ичи дин бу сўроқ-жавобдин воқиф эрди. Ҳожибни чорлади ва айдики: “Кимга мунча сўз айтурсан?”. Ҳожиб табассум қилиб айдики: “Бир киши келиб дур, айтурким, “Вақти эрдиким, уйимни вазирга кироя учун бериб эрдим”. Ман они маломат қилиб ёндурудим”. Вазир айдики: “Забун иш қилибсан, тез борғил ва они келтурғил”. Ясовул бориб они топди ва келтурди. Вазир анга бисёр таъзим қилди ва бешумор дилнавозлик айлади. Ахлу болалари аҳволидин сўрди, уларнинг ҳар қайсилари га улут тухфалар тартиб берди ва бу кишини яна сарафroz моломол қилиб ёндуруди.

Қитъа:

Кўнгулға нур бер меҳру вафодин,
Ўгурма юз бурунғи ошнодин.
Рафиқинг гар факир ўлса унутма,
Ки, они сухбатини саҳл тутма.

Яна бошқа ҳиммат аҳлига ўз карамлари ҳақин риоя қилмоқ фариза эрур. Бу маъно суврати андоғдурки, киши бўлғайки ҳукумат ахлида дарҳақиқат онинг ҳеч ҳақи бўлмағай ва аммо ҳийла пеш қилмағайким, то они бирла сиёsat таҳлика сидин халос бўлғай, они озод қилғайлар ва ул ҳийласи ҳақиқатин истамағайлар. Карам риоясин қилиб, ўзларин андоғ тутғайларки, гўё фирибин билмадилар ва англамадилар. Бундай сифат мурувват ғояти ва карам ниҳояти дур.

Келтурубдурларки, бир кишини хун тухмати бирла Зиёд Мисрий қошига келтурдилар. Зиёд они ўлтурмоқقا буюрди ва жаллод тиф тортди. Хоҳиш қилдики, онинг кўзин боғлагай. Аммо бечора кўрдики, бало дарси мунга кирмиш ва ажал наҳангига оғзин очмиш. Тазарруъ ва зорий оғоз қилдики, суд бермади. Тавба ва истиғфорга машғул бўлди, фойда қилмади. Охир айди: “Эй амир, менинг ва сенинг орамизда ҳамсоялик ҳақи бордур, ҳамсоя ҳақин риоя қилмоқ, мурувват миллатида ва жавонмардлик мазҳабида басе мўътабардур. Агар бу хукуқ мулоҳазасида нуқсоне зоҳир қилсанг, айбжўйлар таън тилидидин

чиқарғайлар, нұқсонбинлар эътиroz әшикин очғайлар ва йиғлағайларки, амир ҳамсоя ҳақин сақламади, қүшнисин жафога поймол қилди. Фикр қилғилки, мендек заиф хунин түкмак бирла үзни маломат үқига нишона қилмоқ сендеқ покдомондинки, ахлоқинг гулистонида озор хори унмамиш ва авсофинг этакига ғубори үлтиrmамиш. Басе, ажаб ва ғарибдур”.

Қитъа:

Манга бу жондин ўтмак сахл бўлғай,
Не ғам гар юз мингдек бўлса нобуд.
Вале сандек киши бадном бўлсанг,
Пушаймон анда ҳаргиз бермагай суд.

Зиёд бу бобда фикрин зиёдалади ва андишасин ҳар тарафга югуртурди, vale ҳеч важҳ бирла онинг ошнолиги саркўйига йўл тополмади ва аиди: “Баён қилғилки, менга ҳамсоялиғинг ҳақи қайси диёрда собит бўлиб эрди ва не маҳаллада воқеъ бўлуб эрди?”. Ул бечора айдики: “Менинг отамнинг уйи Басрада, сенинг уйинг бирла ҳамостона эрди ва отам аксар авқотда сенинг мулозимларинг бирла ҳамдостон эрди”. Зиёд аиди: “Отангни оти не эрди?”. Аиди: “Эй амир, мен жон қўрқунчидин ўзумнинг отимни фаромуш қилдим ва отамнинг отин нечук ёдимга келтурайин?”. Зиёд кулди ва они озод қилди.

Ва яна бири раъоё ҳуқуқини риоя қилмоқ адлу эҳсон бирла эрур, авлодлар, амирлар, вазирлар, сипоҳийлар ва хизматкорлар ҳуқуқларин мулоҳаза қилмоқ охирги бобда мазкур бўлғусидур, иншооллоҳ таоло.

ЎТТУЗ САККИЗИНЧИ БОБ ЯХШИЛАР БИРЛА ҲАМСУҲБАТ БЎЛИШ БАЁНИДА

Яхшилар бирла ҳамсухбат ва донолар бирла ҳамнишин бўлмоқ саодати абадий кимиёси ва давлат сармади раҳнамосидур.

Назм:

Яхшиларнинг зайлига ўзунгни ол,
Покларнинг меҳрини кўнглунгға сол.
Ҳар сифатким, яхши ул кишини қилур,
Яхшиларнинг сухбатидин топилур.

Форс подшоҳларининг қоидалари ул эрдики, ҳаргиз сухбатлари ҳукамо фузалодин холи эрмас эрди ва улардин кенгашсиз ҳеч ҳукм юрутмас эрди. Бу жиҳатдинки, салтанат ва адолат биносин ростлиқига қўйиб эрдилар. Мамлакатлари муддати тўрт минг йил, балки андин ҳам узоқ боқий қолди ва Султон Санжари Мозий анораллоҳу бурҳонаҳу Умар Хайёмни тахтидин йироқ қилмас эрди. Аббосия халифалар, бовужуди онки, ўzlари донишманд эрдилар, ҳама ишлари биносин аҳли илм ва аҳли вараъ донишмандлар сўзлари узра тутар эрдилар.

“Хилофатномаи илоҳий”да мазкурдурки, подшоҳ ул кишини деса бўлурки, шавкатлик бўлуб, ҳукми ҳикматга мувофиқ бўлғай. Бас, қудрат аҳлига лозимдурки, ҳикмат сифати бирла мутассиф бўлғайлар ва анинг бирла мутассиф бўлмоқ бу сувратда даст берурки, тадбири сулукат ва жаҳон тасарруфи қоидасин ўргансалар, ўрганиб корга юборсалар. Бас, бу тақдир бирла уларга уламо, фуқаро, ҳукамо, урафо сухбатлари сори майл қилмоқдур. Жоҳиллар, ғофиллар, ёмонлар, бадфеълликлардин парҳез қилмоқ бисёр лозим ва вожиб.

Қитъа:

Ҳамнишинким, зийрагу пўр донишманд эрур,
Ҳам кўнгул оромию ҳам руҳиға пайванд эрур.
Ул кишиким, ғафлату нодонлиқнинг васфидур,
Захри қотиллиқ йилонға сухбати монанд эрур.

Юнонларда расму русум андоғ эрдики, вилоятлари узра ҳокиме ихтиёр қилур эрдиларки, илму ҳикматда ҳама уламо ва фузалодин зиёдароқ бўлғай ва ё бир кишини хоҳиш қилур эрдиларки, у ҳукамолар назарига манзур ва ҳукмига маҳкум бўлиб, сухбатлари асаридин фазилат анвори аҳволи сафҳасига тобиш қилдилар бўлғай. Чароки, сухбатни асари бисёр улуғдур.

Хабарда келибдурки, яхши ҳамсухбат аттор масаллик эрурки, агарчи бизоатидин бермаса ҳам бори анинг бўйидин баҳраманд

бўлурсен ва ёмон ҳамнишин темурчи янглиғ эрурки, агарчи ўтида куймасанг ҳам тутун ва бухоридин аламнок бўлурсен.

Қитъа:

Айлағил атторни сан жустужўй,
Топқайсен, токим алардин яхши бўй.
Қилма оҳангар дўконига назар,
Еткуурў ўт бирла дудидин асар.

Подшоҳлар сұхбатига лозим кишилардин бири масъаладон олимдурки, омилу одил ва мутадайин бўлғай, шариат аҳкомин яхши забт қилиб, асл ва фуруъ масъалалардин тамом билган бўлғай, токим фурсат топилганча ҳумоюн мажлисида ҳалол ва ҳаром, амру наҳи, фарз ва суннат, намозу рўза, ҳаж ва закот, ғусл ва таҳорат аҳкомидин равшан далиллар бирла баён қилган бўлғай. Они баракотидин султон давлатига муқавват бўлғай.

Байт:

Агар масоили шаръийа топмас эрса баён,
Бўлур мазоҳиби миллат бинолари вайрон.

Ва яна бошқаси яхши носих ва беғараз воизки, охират воқеотидин ёд бергай ва дунё салоҳидин яна насиҳат қилғай, фасих сўзлар бирла они ёмон қавл ва ношойиста феълдин ёнтурғай, ҳаром нимарсаларга мойил ва мунҳиётга шурӯъ қилмоқдин манъ қилғай.

Носих керакким, насиҳат сўзин подшоҳга халойик ҳузурида айтмағай, балки они хилватда изҳор айлагай. Насиҳатин ширин сўз ва мулойимлик бирла ибтидо қилғай, чунки бу замонада юмшоқлик ва хушхўйлик кўргузмайин насиҳат корға келмас. Подшоҳлар бурунги замонда уламо ва машойихлардин аччиғ сўз эшитур эрдилар ва они ихлос ақида бирла қабул қилур эрдилар.

Чунончи, мазкурдурки, Ҳорун ар-Рашид Шақиқи Балхийға куддиса сирраҳу айдики: “Эй шайх, менга насиҳат қилғил!”. Шайх аиди: “Эй амир, Худойи таоло саройе қилибдурки, ани дўзах дерлар ва сени ул саройнинг дарбони қилди, уч нимарса сенга берди, токим, халойикни улар бирла дўзахдин озод қилғайсан: бири мол, бири шамшир ва бири тозиёна.

Бас, керакки, мол бирла муҳтоҷларни эҳтиёждин халос қилғайсан, то заруратда ҳаром ва шубҳалик нимарсаларга мутаважжих бўлмағайлар, шамшир бирла золимларни қатъ қилғайсан, то мусулмонлар алар шарридин эмин бўлғайлар ва тозиёна бирла фосиқларға адаб берғайсан, то фисқу фужурдин ёнғайлар. Агар мундоғ қилдинг эрса, ҳам ўзунг нажот топдинг бўлғай, ҳам халқ нажот

топғайлар. Агар бу сўзим аксига машғул бўлдунг, билғилки, дўзахга ҳамадин бурун сен бординг ва ўзгалар орқангда”. Хорун ар-Рашид бу сўзни эшитти эрса, йиғлади ва Шақиқнинг қўлин бўса қилди.

Байт:

Насиҳатким қилурлар сидқ бирла,
Қабул этгай они ҳар ким эшитса.

Ва бошқа ҳозиқ табибларки, илож қоидасин яхши билган бўлғай, касалга шифо бермакда, ранжни зойил қилмоқда қуллиёти фан ва жомеъ баркамол бўлғай. Исодек нафас киргумзакда, Мусодек яди байзо кўргузгай.

Байт:

Оғриқ жони тоза бўлғай анинг дамидин,
Роҳат топқай руҳи анинг макдамидин.

Ҳамиша подшоҳ мижозин мулоҳаза қилиб сиҳатлигининг фикрида бўлғай. Агар мабодо онинг шариф таъбида нуқс малолатини мушоҳада қилса, дарҳол иложига машғул бўлғай. Ва дигар муҳаққиқ ва мудаққиқ мунажжимки, зижу тақвим саҳифалари румузларини ҳал қилган бўлғай, ҳайъат илми ва нужум фани ганжларин калидин қўлига олган бўлғай, саъд ва наҳс даражаларин мушоҳада қилишда мутолааси даражай аълога етган бўлғай.

Байт:

Собити сайёralар аҳкомини, тақвимини,
Бемашаққат рўйи қоғаз узра тасвир айлагай.

Алар сultonнинг муборак толеъиға назар солғай, ситоралар сайри ва ороми далилларин таҳқиқ айлагай, ҳар қайсини саъд буржи ва ё наҳс даражасига келмагидин ҳамиша боҳбар бўлғай. Давлат ва саодат аломатин мушоҳада қилган соатда подшоҳни шукргузорлик ва сипосдорлик йўлига далолат қилгай. То ул сифат юмнидин “бишшукри тадумун-ниъаму” ҳукми бирла давлат неъматига давомлик ва пояндалик ҳосил бўлғай, хатар ва меҳнат нишоналарин маълум айлаган вақтда они дуюю тазарру, садоқату хайротга тарғиб қилгай. Бу суврат баракотидин “аṣ-садақату таруддул-балā’ ва тазīdul-‘umra” мазмуни бирла баллият мундафи ва меҳнат муртафи бўлғай. Аввалғини мафҳуми “неъматлар давомлиги шукрдин ўзга нимарса бирла бўлмас, демак бўлур. Мунда мубтадо муаххир хабари муқаддам келмаклиги хаср ифода бермак учундур. Иккинчининг мазмуни будурки, садака рад қилур балоларни ва зиёда айлар умрни, демак бўлур.

Қитъа:

Тиларсанким, балодин жон қутулғай,
Тазаррүй айлагилким, чора бўлғай.
Кишиким, илкини эҳсонға очти,
Ғаму меҳнат анингдин чуст қочти.

Подшоҳ ёнида бўлиши керак ширинзабон шоиреки, ашъор арсасида забон суханварларин хушгўйлик отин ўткарган бўлғай ва назм майдонида фасоҳат чавгони бирла балоғат кавнин олиб шаҳсуворлик шуҳратин кўтарган бўлғай.

Байт:

Назмидин бўлғай фасоҳат чеҳрасиға обрўй,
Шеъридин етгай балоғат гулшанига рангу бўй.

Подшоҳ васфи жавоҳирларин назм риштасига тортиб, шуҳрат бозори ичра жилвага келтургай ва обдор ашъори бирла анинг яхши отин рўзғор сафҳасига ёдгор қилгай.

Назм:

Шоир элини тутқайсен доим азизу эътибор,
Чунки назмидин қолур оламда отинг ёдгор.
Қолди Салмон шеъри бирла шуҳрати Султон Увайс,
Шайх Саъдий назмидин Бу Бакр бўлди номдор.
Ёйди оламға Низомий назми Баҳром отини,
Анварийни шеъри Санжар васфин этти ошкор.
Бўлмаса эрди агар Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си,
Шуҳрат олмас эрдики, Каю Рустаму Исфандиёр.
Ҳарна таснифи Жоми-ю Навоий қилдилар,
Мадхи Султон Ҳусайн анинг ичра яна бор.

Бузурглар айтибдурларки, ҳама халойик ақлға муҳтождур ва ақлни тажрибаға эҳтиёжи бордур, не учунки, тажриба ақлнинг ойинасидурки, онда иш салоҳи сувратин мушоҳада қилур. Рўзғор тажрибалари узун умр бисёр зиндакорлик бирла қўлга келгусидур. Ҳукамо чун кўрдиларки, орият умр муддати бу маънини топмоққа вафо қилмайдур. Бас, онга чора барпо қилдилар ва меҳрибонлик юзидин тадбири кўзладиларки, токим бу нуқсон тадорики бўлғай ва ҳама тажрибалар бир йўли қўлга келгай. Ул чора ва тадбир буким, ўтган подшоҳлар аҳвол ҳикоятин, амирлару вазирлар ахборин ва уламо калимотин китобларга битдилар. Бурунги қиссаларин ва таърихларин кейингилар учун сафҳалар қайдига тортдилар, то давлату шавкат аҳли аларни ўзларига дастуруламал қилғайлар, ҳар бирлари ўз истеъоди ва ҳимматига боқиб, ул ҳикоятлар мутталаяси ва ул ривоятлар мулоҳазасидин баҳра олғайлар, нафъ кўтарғайлар. “Вас-

са‘йду ман ву‘иза би ғайриҳи”¹ мазмуни бирла бурунғилар мавъизасидин пандни ёқтирувчи ва қадимийлар тажрибасидин фойдагир бўлғай, яъни саодатманд ул киши эрур ғайддин насиҳат олди, демак бўлур.

Маснавий:

Бурунғи подшоҳлардин ҳикоят,
Қадимий аҳли донишдин ривоят.
Кўнгул кўзиға бергай рўшнолик,
Хирад илмиға бергай ошнолик.
Суханварлар чекиб бисёр ранжи,
Топиб ҳар бобдин ҳар навъ ганжи.
Қилиб ҳар гунодин бир қисса оғоз,
Бериб ҳар қиссаға бир тарзи пардоз.
Юрутдилар саҳойиф узра хома,
Қўюб кеттилар они ёднома.
Керактурким, аларга фикр солсанг,
Ки ҳар бир қиссадин бир нукта олсанг.
Дарахти экдилар оламда бисёр,
Қилиб ҳар шох ширин мева изҳор.
Ани соригаким, эмди ўгур юз,
Ки шох устидин бир мевае уз.

¹ “Бошқадан насиҳат олган саодатманд кишидир”

ҮТТУЗ ТҮҚҚУЗИНЧИ БОБ ЁМОН КИШИЛАРНИ ЙҮҚ ЭТМАК БАЁНИДА

Умуман, яхшилар сұхбатига майл қилмоқ вожибдур ва ёмонлар ихтилотидин пархез қилмоқ ҳам лозимдур. Не учунки, ҳар тоифа сұхбати үз таъсириң еткуур. Яхшилар бирла ҳамсұхбат бўлмоқ давлат ва саодат натижасин берур ва ёмонлар бирла ҳамнишин бўлмоқ мазаллат ва надомат хусумин кўргузур.

Қитъа:

Бўлуб ҳамроҳ Каҳф асҳобиға сак,
Ўзини яхшилар қавмиға олди.
Қўшулғоч куфр элига Нуҳ ўғли,
Алар зайдида ғарқоб ичра қолди.

Ёмонлар икки қисмдурлар, бири вожибул-дафъки, аларни вилоятдин дафъ қилмоқ керак ва яна бири вожибул-манъки, аларни сұхбатдин манъ қилмоқ лозим. Аммо аларки, мусулмонлар нафълари эзур. Ул дуздлар ва қароқчиларки, аларни дафъ қилмоқ қудрат аҳли зиммасиға вожиб. Басе, лозимдур.

Ҳушанг васиятларининг учинчиси бу эрдики: “Эй фарзанд, керакки, фосиқларға гўшмол бериб ҳамиша сиёsat ичра тутғайсан, бадкирдорлар ва фасодкорларни хору забун қилғайсан, дуздлар ва қароқчилар зааридин вилоят арсасидин ва раҳгузорлар бошидин йўқотғайсан, то йўл юргучилар эмин бўлғайлар. Савдогарлар атроф жонибдин шаҳрингга келғайлар ва борғайлар, токи мамлакатингда ҳар навъ буюмлар ва матолар, турлук таомлар алар келмагидин пайдо бўлғайким, халойиқ ондин нафъ кўрғайлар.

Қитъа:

Гар адолат сори кўшиш қилмасанг,
Тобмағайсан салтанатдин шодлиқ.
Сақлағил йўлни қароқчи шарридин,
Гар тиларсан мулкингга ободлиқ.

Амир Ҳамза розиаллоҳу анҳудин “Жавоҳири-л-амора” китобида нақл қилибдурларки, ул аймиш: “Жоҳиллик вақтимда тијорат учун Мадойин тарафиға бордим ва қирқ кийим бурди яманийдин¹ манда бор эрди. Чун Мадойин сарҳадига етдим эрса, қароқчилар йўлимни туттилар ва мени ғорат қилиб раҳти боримни олдилар, мен юз меҳнат бирла ўзимни Мадойин шаҳрига еткурдим ва Нўширвондин дод

¹ Қимматбаҳо кийим, түя жунидан ишланган.

тиладим. Нўширвон ҳолимга камокона¹ мутталеъ бўлди эрса, мени бир ясовулга сипориш қилди ва ул қўлимдин тутиб бир манзилга олиб келди ва айдики: “Ё дуздларни пайдо қилиб, амволингни қўлингга бергунча, сен мунда иқомат қилғил”. Мен ул манзилда бўлур эрдим ва ҳар эрта оқшомда подшоҳнинг хос овқатларидин хонча тартиб бериб қошимга келтирур эрдилар ва ман тановул қилур эрдим. Ҳар куни Кисро даргоҳиға борур эрдим, они адолат ва раиятпарварлиғин тамошо қилур эрдим. То қирқ кун бўлғунча менга одат бу эрди. Қирқинчи куни ўрдадин ёниб ул манзилга келдим эрса, кўрдимки, қароқчига олдирган қирқ бурди яманий кийимларим ҳамаси турубдур. Ул кийимлар узра тилло қўюбдурлар ва яна бир пора қоғазе онда кўрдум. Анга битибдурларки: “Амволингни қароқчилардин олиб қўлингга топшургунча, қирқ кун мунтазир бўлдунг ва бу қирқ тиллони ҳар бири бир кунлик интизоринг ижорасидур, ўз вилоятингга борганингда биздин шикоят қилмағайсан”. Бу ҳикоядин маълум бўладурки, рафевъ ул-миқдор подшоҳлар дуздлар ва қароқчиларни дафъ қилмоқда бисёр шиддат кўргузғайлар. Султони одил керакки, сиёsat ҳайбати бирла мусулмонлар йўлларин дуздлар ва раҳзан хавфидин эмин қилғай. Ҳар кишиким, мусулмонға йўлда изо ва озор берса, они уқубат гирдобига тошлиғай, токим, ўзгалар ондин ибрат олғайлар.

Маснавий:

Қароқчи бошин узгил, дузд қўлин,
Алардин эмин этгил халқ йўлин.
Агар фош ўлса элға йўл омони,
Юрушгай ҳар тарафдин карвоне.
Чу келди мамлакатға ахли тужжор,
Алардин элга етгай нафъи бисёр .
Бўлур маъмур шахру кентлар ҳам,
Кетар эл хотиридин ғуссау ғам.

Иккинчи, хунрезлар ва фитначиларки, шахру қишлоқларда хирадаройлик ва тундхўйлик бирла таарруз қўлин халойик моллари ва фарзандларига узотурлар, ўз қўрқунчи боисидин ҳеч киши аларга таарруз қилолмас ва қудрату ҳукумат аҳлидин ўзга киши аларни дафъ айлаёлмас, бас, подшоҳега лозимдурки, ул жамоатни вилоят арсасидин нобуд қилғай.

¹ Қандай бўлган бўлса (арабча)

Хабарда келибдурки, Ҳалаб шаҳрида риндлар ва авбошлар бисёр бўлур эрди ва халойик аларин тангликка қолиб, Миср подшохи қошида додҳоҳлик қилдилар. Подшоҳ Муслиҳ отлиқ бирони ул вилоятга ҳоким қилиб буюрдики, авбош ва бебокларни дафъ қилғил. Муслиҳ Ҳалабға борди ва ул жамоатга сиёsat қилди. Аммо ул ишларидин мамнӯй бўлмадилар ва бисёр жидду жаҳд қилди, vale алар ўти шарари паст бўлмади. Охир иш анга еттиким, алар масжиди жомеъ ичра амирнинг намоз ўқийдурған ерида юзин рўбарўсиға битдиларки: “Эй Муслиҳ, бехуда мاشаққат тортмоғил, биз ул жумладин эурмизки, агар биримизни ўлдурсанг, ўнимиз бош кўтарурмиз ва бизни риндлик ва бебоклик ўти бирла ўлдурсанг, ул фахру обрумиздур ва биз ондин ор қилмасмиз.

Назм:

Ўлум бизга санад бўлмиш, эурмиз ринд авбоши,
Агар ўлсанг, отингиз фитна тифин қабримиз тоши.
Тўкулса қонимиз ҳосил бўлур бас, лаъл ила гавҳар,
Жавоҳирга ҳарис ўлғай бизингдек марди қаллоши.

Сен бизни ўлдурмакдин малул бўлғайсан, vale биз ўлмакдин қочмағаймиз”.

Муслиҳ бу хатни кўрди эрса, билдики, алар ишини тадбир бирла саранжом бермайин яна илож йўқдур. Бас, буюрди то они остида битдиларки: “Сизларнинг мардона журъатлик эканингизни билдим ва ҳама яқдил ва якжиҳат бўлганингизни маълум қилдим.

Байт:

Мардлик бобида ҳаргиз мислингиз йўқдур,
Бу сифат эранларга қилурман офарин.

Ҳозир ҳар наким, сизларға қилдим, ондин пушаймондурман ва узроҳлик мақолига келиб, сизларга тақвияту тарбият қилмоқ фикрига тушдум, вассалом”.

Масjidда ҳозирлар онинг бу жавобидин таажжуға қолдилар. Муслиҳ ғойибона ва ҳозирона ул бебоклар таърифу тавсифларин қилмоққа машғул бўлди, аларни бандға солмоқ, маҳбус қилмоқ ва ўлдурмоқдин кўл йиғди. Бир куни шаҳр улуғлари ва ашрофлари онинг қошига келдилар ва хоҳиш қилдиларки, авбош борасидин сўз айтғайлар, лекин ҳоким алардин бурунроқ айдики: “Эй акобир ва ашрофлар, эшитингизларки, мен ул йигитларни ўлдирганимдин пушаймондурман. Алардек далир ва чолок кишиларга озор еткурмак бағоят ҳайфдур ва бисёр қиронлар ўтуб, мундок эранлар пайдо бўлмаслар. Бу кунда мен аларга муҳтождурманки, Рум тоифасидин

менга ёғий пайдо бўлубдур. Они дафъ қилмоқда алар янглиғ шижаат ва баҳодир эранлардин керак. Агар сизлар менинг ҳаводоримсизлар, бу қавмнинг сардор ва пешволаридин ҳозир қилингизлар. то аларни тарбият бирла сарафroz қилғайман”.

Назм:

Агар келса алардин ҳар диловар,
Сарафroz айлагум инъом этиб дур.
Уруш асбобини дағи берурман,
Қиличу ўқу найза, оту жавшан.

Алар айдилар: “Бундай тоифадин вилоят улуғлари бордур ва ҳоло сизларнинг сиёсатингиздан қўрқуб гўшанишин олибдур ва ўз касбкорларига машғул бўлибдурлар”. Муслиҳ буюрди, то аларни пайдо қилдилар ва аларға бисёру бешумор талаттуф кўргуздилар. Вазирликни ул пирға берди ва ўғилларини даргоҳига ясовул қилди, ҳамага амиона хильъат берди. Неча кундин сўнграки, кўнгуллари ҳокимдин эмин ва хотиралари халойиқдин мутааммин бўлди эрса, Муслиҳ аларга айдики: “Менинг айёрпеша ва хунхор эранларга эҳтиёжим бор. Сизлар ул жамоани билурсизларми, келтургайсизлар, то мен аларга хильъатлар бериб ва тарбият қилиб, кўнгуллари хоҳиш этган янглиғ инъомлар бирла маломол айлагайман”. Пир фарзандлари бирла бу сўзни эшишиб хушдил ва шодмон бўлдилар. Тошқари чиқтилар. Атроф ва жонибда жустужў қилиб, уч хунхор, жаррор ва табаҳкорни жамъ айлаб келтурдилар. Муслиҳ ул жамоага бисёр навозиш кўргузди ва дарҳол ҳукм қилди, то жомадўзларни ҳозир қилдилар ва уч юз хильъати подшоҳона алар учун кестилар, тикмакка машғул бўлдилар ва ул пирга айдики: “Тонгла бу диловарларнинг ҳаммасин келтурғил ва мен аларга бу кийимларни кийдуурман”. Авбошлар хуррам ва хушвакт бўлуб, мажлисдин чиқтилар, боргоҳ мулозимлари, шаҳр ашрофлари ва вилоят раиятлари бу ишдин ҳайрон қолдилар ва айдиларки: “Миср подшоҳи муни авбошни дафъи учун йибориб эрди ва бу султон амрининг хилофини тутуб, аларни қавий қилди”.

Байт:

Аларға заҳар ичурмай, бердилар шаккар,
Тикан ўрниға гул унтурди яксар.

Аммо чун кечада бўлди эрса, уч юз жанг-жўш ва кордида муборизларни силоҳ кийдуруб авбошларга омода қилдилар ва айдики: “Сизлар кийимхонада ҳозир бўлингизлар, вақтехи авбошлар хильъат

киймак учун келсалар, ҳар бирини бирингиз ўлдурингизлар”. Эртаси ул хунхорлар ҳамаси жамъ бўлуб, Муслиҳ қошига келдилар ва буюрдики: “Кийимхонага кирингизлар ва ул кийимларки, сизлар учун рост қилдилар, кийингизлар”. Вақтеки, алар ул уйга кирдилар эрса, муборизларки, анда ҳозир эрдилар, тиф тортиб ҳамасин қатл қилдилар. Авбош бошларин найзага олиб шаҳрдин айлантурди. Бу ҳийла бирла вилоят арсасин алар шарридин пок айлади.

Байт:

Бадфеъл элни вилоятдин йўқ этмак хўбдур,
Ҳар дарахтеким ёмондур кесмаги марғубдур.

Учинчи, ситамкорлар ва дилозорларки, “Аз-зулму мин зулумоти йавмил-қиёмати” қоронгулиги ичра мусулмонлар молу манолларига қасд қилдилар. Алар “Анна ла‘натуллāҳи ‘алā аз-зāлимīn”¹ таҳдидидин андиша қилмаслар. Аввалғининг маъноси будур, “зулм қиёмат кунининг қаронгулигидан эрур”, демак бўлур ва мунда зулмат зулмга маҳмул бўлмоғи ҳарф тақрири бирла бўлғай ва илло жамъ сиғасин воҳидға ҳамл қилмоқ жоиз эрмас ва иккинчининг мафхумини билингизларки, “Худойи таоло лаънати золимлар узрадур”, демак бўлур. На Худойи таолони уқубатидин қўрқарлар ва на султон сиёсатидин ибо қилурлар. Бу қисм кишиларни дафъ айламак подшоҳларга вожибдур. Токи, шумлиқлари асари мамлакатга етмагай ва аларга келган лаънат вилоят аро зухур қилмағайки, зулмнинг охири вайронлик ва жазоси қаттиқ азобдур.

ҚИТЪА:

Зулм иши оламни вайрон қилғуси,
Барча эл кўзини гирён қилғуси.
Эйки, қўйдунг зулм ёси ичра ўқ,
Санга ҳам тифи балодин чора йўқ.

Ёмонларнинг иккинчи қисмики, вожибул-манъдур, тоифае эрурки, ёмон сифатлар бирла мувассаф ва қабиҳ сийрат бирла маъруфки, алар мuloқоти ва мақолотининг давлат аҳлига бисёр зиёни бордур, аларнинг баъзиси суханчинлар, яъни сўз айтғучи эрурларки, ёлғон ва рост хабарлар бирла жамъини орасида фитна ғуборин барпо қилурлар, дўстларни бир-бирлари бирла душман қилурлар.

Ҳадиси шарифда келибдурки, “Суханчин беҳиштға бормас”. Субҳонаҳу ва таоло “Таврот”да ҳазрати Мусо саловтуллоҳи алайҳиға айдики: “Эй Мусо, қиёмат куни суханчин кишининг пешонаси ва

¹ (“Аъроф” сураси, 44-оят)

бурниға битиклиқдур, “āйисун мин раҳматиллāхи”¹, яъни “Суханчин фосиқдир”. Дебурларки, Аллоҳ таоло айтади: “Ин жā’акум фāсиқун би-наба’ин фа-табайянū”², яъни эй мўминлар, агар келтурса сизларга фосиқе, яъни суханчин хабар, бас, анинг баёни тиламангизлар, демак бўлур. “Бо” калимаси таъдийа учун бўлғай, ва Аллоҳу аълам.

Бузурглар айтибурларки, агар киши сенинг қошингта хабар келтурсаки, фалоне сени мундоқ деди ва сенинг ҳақингда мундоқ иш қилди. Ул вақтда сенга олти нимарса вожибдур:

Аввал буки, они ростгўй билмагайсан. Чунки Худойи таоло бадбахтни фосиқ, дерлар.

Иккинчи буки, они суханчинлиғидин манъ қилгайсанки, ул ёмон кирдордур ва ёмон ишдин кишини манъ қилмоқ иймон вожибларидин эрур.

Учинчи буки, они душман тутғайсан. Бу жиҳатдинки, Худойи таоло они душман тутубдур. Чунончи, хабарда келибдурки, Худойи таоло қошида душманроқ ул кишилар эрурки, суханчинлик бирла дўстлар орасига душманлик солған бўлғайлар.

Тўртинчи буки, суханчин сўзидин мусулмонни ёмонлик бирла гумон қилмағилки, баъзи гумонлар кишини вабол ва маъсият сори элтар.

Бешинчи, онинг сўзин хушламағайсан.

Олтинчи, онинг деганига амал қилмағайсан.

Асли шуки, киши суханчинға ўзи сори йўл бермағай, они душман тутғай ва сўзига кулок солмағай.

Байт:

Суханчинға қошингда бермағил жой,

Ки, бир дамда қилур юз фитна барпой.

Келтурубурларки, хожалардин бири бир қул сотиб олур эрди. Сотғучи айдик: “Қулимнинг бир айби бордурки, суханчин эрур”.

¹ Ойис – ноумид. “Ойисун(м) мироҳматуллохи” – Аллоҳнинг раҳматидан ноумид. Мавлоно Жалолиддин Румий айтадилар:

Чунки, қабзе оядат, эй роҳрав,
Он салоҳи туст, ойисдил машав.

Таржимаси: “Эй солик, сенга қабз етар экан, ноумид бўлма, у сен учун салоҳ (яҳшилик)дир”.

² “Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмасликларингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингизлар!”. (“Хужурот” сураси, 6-оят)

Хожа қулнинг суханчинлиғиға бовар қилмай, “Агар суханчин бўлса, не қилур?”, деб олди. Неча кун ўтуб эрдики, қул хожанинг хотиниға айди: “Эй биби, хожам сени дўст тутмайдур ва хоҳиш қилурки, сени қўйғай, яна хотун олғай”. Биби бу сўздин мутаассир ва мутагайирир бўлди. Ғулом кўрдики, сўз асар қилди ва ёмон тадбири ўқи нишонага тегди. Айди: “Эй биби, хоҳиш қилурмисанки, хожа муҳаббати сенга зиёда бўлғай?”. Хотун айди: “Орий”. Қул айди: “Мен бир тилсимни билурман. Афсуни муҳаббат учун, ёдимда бордур. Сен они қилғилки, хожа келиб истироҳатға машғул бўлганда кўзи уйқуга борур. Дарҳол туриб ўткир устара бирла сақоли остидин порае мўй олғил ва менга бергил, то анга афсун дуосин ўқиғайман ва сенинг муҳаббатингни онинг кўнглига солғайман”. Хотун бу қасдга маҳкам турди ва айдики: “Бугун андоғ қилгумдур”. Андин сўнгра қул хожа қошига борди, унга айдики: “Эй хожам, нону намак ҳақи ирод бордур, мен бир хабар эшиттим ва сени андин огоҳ қилайин, то ўзинг ғофил бўлмағайсан”. Хожа айди: “Хабаринг недур?”. Қул айди: “Хотунинг бир дўст пайдо қилибдур ва анинг учун сени ўлдурмакни қасд қилур. Агар менинг сўзим ростлигин билайн десанг, уйга борғил ва ўзингни ухлаган киши қилиб ётғил, то не кўрарсан!”. Хожа уйига келди ва тушлик таом еди, такия қилиб кўзин юмди, аммо кўзи учи бирла хабардор эрди. Хотун гумон қилдики, хожа уйқудадур. Устара қўлига олиб келди ва хожанинг сақолин тутуб юқори кўтарди, токи остидин мўй олғай. Хожа кўзин очти ва ул ҳолни кўрди, ўйладики, қул сўзи рост экан. Дарҳол турди ва хотунининг қўлин тутти, устарани олиб онинг бошин кести. Хотуннинг уруғ ва қариндошларига хабар етти, ҳама келдилар ва хожани унинг қасосига ўлдурдилар. Суханчин шумлиғи бирла алар хонумони вайрон бўлди.

Қитъа:

Халойик аро жанг чун, ўт турур,
Суханчин ул ўтға ўтун еткуур.
Ётинг ойу йил банди зиндан аро,
Вали сўз ташиманг анигдин мунго.

Вожиб ул-манъ тоифасига яна баъзи ғаммозлар, яъни чақимчилар ва киши аҳволин ошкор қилгучилар киурурларки, алар юзларини кўрмак керакмас ва сўзларини эшитмак керак эмасдур.

Байт:

Кўрмадим ғаммоздин саргаштароқ,
Тийра бахту толеи баргаштароқ.

“Осор” номли китобда келибдурки, ғаммоз, албатта, ҳалолзода бўлмас. Келтурубдурларки, бани Исроил аро жойда сув камёб бўлди ва ёмғур ёғмади, ул жиҳатдин қаҳат асари зуҳурга келди. Ҳазрат Мусо саловотуллоҳи алайҳи ашрофлари билан сув тилагига чиқтилар ва тўрт кеча-кундуз дуо қилдилар. Аммо ижобат асари маълум бўлмади ва ҳазрат Мусо алайҳиссалом нола қилдилар: “Илоҳо, тўрт кеча-кундуздурки, дуо қилурман, vale қабул тушмади”. Хитоб келдики: “Агар қирқ кеча-кундуз дуо қилсанг ҳам яна ижобатга етмағайсан. Не учунки, қавминг орасида ғаммоз борки, онинг шумлиғи дуони ижобат маҳалига етгали қўймас”. Мусо алайҳиссалом айдики: “Худоё, менга айтғилки, ғаммозни душман тутарман. Бас, ўзум нечук ғаммозлик қилайин?”. Хитоб келди: “Сен қавминг ҳамасига айтғил, тавба қилғайлар ва шунда ул ҳам орада тавба қилғай”. Мусо алайҳиссалом буюрди, то қавм ҳамаси ғаммозлиқдин тавба қилдилар. Худойи таоло ёмғур берди. Улуг подшоҳлар мутлақо ғаммоз сўзига қулок солмадилар ва ул жамоани душман туттилар.

“Ҳикоёт” да келибдурки, бир подшоҳ бир кишини тарбият қилур эрди ва анга айдики: “Хоҳласангки, кундин-кунга ва соатдин-соатға ишинг баланд бўлғай, мартабанг олий ва менинг қошимда ҳама мулозимлардин муқарраб бўлғайсан. Керакки, уч ишни қилмоғил. Аввал буки, ёлғон айтмағил, то хору бемиқдор бўлмағайсан, ҳар кишики, ёлғончикур, ҳалойик назарида забундур. Иккинчи, менинг ҳузуримда мени таъриф ва ситойиш қилмағилки, мен ўзим аҳволимни сендин хўброқ билурман. Учинчи, саъйгарлик қилмағил ва ғаммозлиқдин йироқ бўлғил, хешим ва раиятнинг ёмонликларин менга айтмағилки, мен они эшитиб, аларга ёмонлик фикрин қилғумдир, менинг ёмонлиғим хабари хешимга зоҳир бўлса, кўрқғайлар ва яна ҳар кишига илтижо келтурғайлар, раиятдаги иштиҳорлар ҳама даҳшатга колғайлар, ўзга подшоҳни тилағайлар ва бу жиҳатдин мулкумга беҳад ҳалал етғай”.

Назм:

Бўлғуси ғаммоздин олам хароб,
Етгай андин барча элға печу тоб.
Шумлуғидин сарнигун ўлғай жаҳон,
Чунки бадсийрат дууроп нопок жон.
Гар киши ғаммозлиқдин урса дам,
Қудратинг етса, тилин қилғил қалам.

Келтурубурларки, Нўширвон мулозимларидин бири анинг кошига келиб, бир кишидин ғаммозлик қилди. Нўширвон айди: “Бу сўзни таҳқиқ қилғумдур, агар рост бўлса, сени ғаммозлиқинг боисидин душман тутарман, агар ёлғон бўлса, сенга уқубат қилғумдур, агар тавба қилсанг, афв қилурман”. Бас, ул айди: “Тавба қилдим”. Нўширвон айди: “Афв айладим”.

Қитъа:

Кишики, бўлди шах олдида ғаммоз,
Қилур ўзини расволиқда мумтоз.
Улус ранжурдур онинг ишидин,
Худо рози эмас мундок кишидин.

Келтурубурларки, бир киши Мұтасим халифага нома йибордики: “Вилоят улуғларидин фалон киши вафот топти. Ондин бисёр мол қолди ва бир норасида фарзанди бор. Агар фармон бўлса, ул тифл маошига тўшлиқ нимарса қилғайлар. Ўзгасини қарақ олмок равиши¹ бирла хазинага киргузғайлар ва етим балоғатга етганда эвазин берғайлар. Алҳол ондин хазинага тавфирие етгусидур”. Мұтасим онинг руқъасининг орқасига ёздики: “Ўлгучиға Худойи таоло мағфират қилғай, мерос молига баракат берғай, етимни яхши ният бирла парвариш қилғай ва ғаммоз Худой лаънатиға гирифтор бўлғай”.

Назм:

Қилмағил ғаммозлиқ, эй бехабар,
Бегуноҳлар оҳидин қилғил ҳазар.
Ким, алар оҳидурур чун боди сахт,
Бир куни сандин учургай раҳти баҳт.

Яна баъзиси соҳиб ғаразлардурки, ҳар не қилсалар ва олсалар, анда ўз ғаразини кўзлаган бўлғай. Ҳушанг подшоҳ васиятларида айдики: “Эй фарзанд, соҳиб ғаразларни ўзингга тобеъ қилмағил ва алар бирла мувофиқат тутмағил. Чунки алар бемаъно даъво бирла сенга давлатхоҳлик лофин урарлар ва яхшилиқ жавоҳирин ёмонлик риштасиға тортарлар, афъол ва мақбул кирдорни қабиҳ кисват ва ёмон суврат бирла сенга кўргузғайлар”.

Назм:

Бўлмағил соҳиб ғаразга ошно,
Оқибат жонингға еткургай жафо.
Иш анга ҳар лаҳза макру панд эрур,
Зоҳири дўст-у, ичи душман эрур.

¹ Қарақ олмоқ равиши – сақлаб, қўриқлаб бериш шарти билан.

Ва чун маълум бўлдики, бу ғаразгўйлар тазвир бирлаки, они тадбир атадилар. Ёмонликни яхшилик сувратида кўргузурлар ва яхшиликни ёмонлик ҳисобида маълум қилурлар. Бас, таҳқик қилмайин, алар сўзларига асосланиб ҳукм сурмаслик керак. Бу жамоа каломин тафақкус қилмоқда бисёр муболаға кўргузмак керак.

Назм:

Очса оғзин ғараз гавҳар замон,
Дегусидур яхши ишларни ёмон.
Қилмағил онинг сўзиға эътимод,
То ҳақиқат пардадин бўлмай кушод.

Искандар Арастудин сўрдики: “Подшоҳлар мулозаматига қайси тоифа лойикдур, қайси жамоа номувофиқ?”. Ҳаким айдики: “Салотин хизматига лойик ул кишидурки, омонатдор бўлғай, хиёнаткор эрмас. Чунки омонат иззат ва ҳурмат боисидур. Хиёнат мазаллат ва ихонат сабаби бўлғай. Қаноат – туганмас ганждур, тамаъ – бедаво ранждур.

Байт:

Марди қонеъ бузургвор бўлур,
Томеъ, албатта, хору зор бўлур.

Ва некугўй бўлғай, на айбгўки, одамий яхши сўз бирла ҳар ерда маҳбубу мақбул бўлур, айб истамак бирла барча эл қошида мардуд ва маҳзул иш қилгучи бўлғай. Не лоф урғучики, жанг ерида ишга яраған олиймиқдордур ва лоф урган беэътибор.

Мувофиқ бўлғай, на мунофиқим, мувофиқат натижаси меҳру вафоидур, мунофиқат самараси жавру жафо.

Ва суннат йўлида бўлғай, на бидъат тариқидаки, суннат бажо келтурмак одамни жаннат равзасига бошлар, бидъат йўлин тутмоқ залолат ва уқубат чоҳига тошлар.

Керакки, подшоҳлар етти тоифага ўз хизматлари сори йўл бермағайлар:

Аввал ҳасад қилгучиларғаки, ҳасад заҳредурки, ҳеч тарёк бирла иложпазир бўлмас ва ҳасад ранжи ҳеч даво бирла шифо топмас.

Байт:

Халойиқға ҳасад ўтдурким, анинг бирла жон куйгай,
Не жонким, ҳосид элни шарридин барча жаҳон куйгай.

Ҳасад балоси улуғ фасодлар зоҳир қилур. Не учунки, ҳасад сийрати бағоят ҳабисдур. Ҳабиснинг табъи хаёлоти халойиқ зотлариға беҳад асар еткуур ва бу сабабдин Ҳақ таоло буюурки: “Ва мин

шарри ҳা�сидин иза ҳасад”¹, яъни сиғингил Худойи таоло тарафиға, хосид шарридин ҳар вақтеки ҳасад қилса, демак бўлур. Ва ҳадисда келибдурки: “Ҳасад банданинг яхши аъмолин куйдуур”. Андоғки, ўт ўтинни куйдурганидек ва дарвоқеъ ҳасад ҳама сифатларнинг ҳақирроғи ва барча хислатларнинг хорроғидир. Ҳасад асли ҳиммат пастлиги, таъб ҳасислиғидин вужудга келурки, булар жаҳолат натижаларидур ва бу жиҳатдинки, ҳасад сифати ақл нуқсонига равshan далилдур. Кўрмасмусан, ҳасуд ғайрнинг роҳатидин машаққатда эрур.

Байт:

Куяр они бу ғусса бирла жони,
Ки, нечун бўлди мавжуд ул фалони.

Бу навъ ҳасадчи ҳар соатда минг ғаму ғуссанинг заҳролуд шарбатин нўш қилур, ҳар ердаки, ул ишрат қадамин ерга қўяр, бу ҳасрат қўлин бошига урап. Бу масал машҳурдурки: “Қафā лил-ҳāсида ҳасадуху”², яъни кифоят қилади ҳасад қилгучига ҳасади, демак бўлур.

Қитъа:

Ҳасад олам аро ҳосидға басдур,
Ки доим ғусса бирла ҳамнафасдур.
Кишини гарчи ўт ёнтурғусидур,
Вале ул ўтға ўзни урғусидур.

Ҳасадчи ўз ҳасади таъсиридин ўзи ҳалок бўлмоққа муносиб. Ҳикояда келтурубдурларки, Искандар ҳукамоларидин анга ҳарчандки чора истадилар, вале ҳеч киши бу балога чора топмадилар ва бало дафъин қилолмадилар. Охир ул-амр Арастудин анга чорае фикр қилди ва тадбир кўзлади, токи онинг бирла бу бало мундафеъ ва офат муртафеъ бўлғай. Бас, буюрди, то ойна қилдилар, онмиқдор улуғки, киши анинг орқасида махфий бўлур эрди, аробаे тартиб қилди, ойнани олдига олиб ул аробада ўлтурди ва ўзи ойна орқасида махфий эрди. Аробани ул жонивор турган тарафиға равон қилди ва жониворе одамий бўйин олиб³ яна мунинг тарафига мутаважжих бўлди. Чун ёвуқ келди эрса, кўзи ойнага тушти ва ўз аксини анда кўриб дарҳол йиқилди ва ўлди. Искандар бу ишдин таажжуб бўлди ва ҳакимдин онинг ҳикматин савол қилди, эрса айди: “Эй подшоҳ, бу жонивор ер остида банд бўлган бадбўй бухоротдин қудрати илоҳий бирла маҳлук бўлиб эрди, ҳоло ер юзига чиқди ва онинг кўзида заҳри қотил бор эрдики, назари ҳар кишига тушса, анда алҳол ул киши ўлар эрди ва

¹ “Ҳамда ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан”. (“Фалак” сураси, 5-оят)

² “Ҳасад қилувчига унинг ҳасади кифоят қилади”

³ Ҳидини исказ

мен онинг олдига ойна олиб бордим эрса, акси анда пайдо бўлди. Назари анга тушди ва ул назар бу акс воситаси бирла ўзига ёнди, ўз назари асари ўзига сироят қилиб ҳалок бўлди”. Искандар ҳакимга оғарин қилди, бу биайниҳ ҳасуд ҳолидур ва онинг ҳасади шарри ҳам ўзига ружуъ қилур. Чунончи, арабий лафзига мисраъ келибдурки,

Мисраъмисраъ::

Аннору тоиу қуллу нафусаҳо,
Ламу тажиду мо тоиу қуллуху.

Яъни, “Ўт ер ўзини агар топса, ер нимарсани, яъни куйдургали нимарса топмаса ўзин куйдурур”, демак бўлур.

Подшоҳлар хизматларига сазовор эрмас тоифаларнинг иккинчи қисми баҳиллар ва мумсиқлардур. Не учунки, баҳил ҳалойик мардуди ва улус душмани эрур. Андоғки, сахо айбларни пўшида тутқучидир. Баҳил ҳунарларни ёпқучидир.

Назм:

Мард кўшиш қилиб ҳунар топқай,
Лек баҳили ани юзин ёпқай.
Чустроқ сан лаимлардин қоч,
Карам аҳли сори йўлингни оч.

“Жавомеъу-л-ҳикоёт” китобида келибдурки, подшоҳларга керакки, баҳил ва хасисни ўзларига мулозим қилмағайлар. Чунончи, нақл қилибдурки, Амр ибн Лайснинг саркорин саранжом бермакка муайян қилган бир мутасаддиси бор эрдики, бисёр баҳил киши эрди. Бир йили меваларни совуқ урди, камёб бўлди. Амр буюрдики, ҳар ерда мева топсангизлар сотиб олингизлар ва сарф бирла ҳарж қилингизлар. Бир куни Амр улуғ жашнни ораста қилиб эрди, атрофдин келган элчилар ҳам ул мажлисда ҳозир эрдилар ва зиёфат асбоби қанчаким керакдур, онда тамом муҳайё эрди. Магар меваки, ул басе назарга келди. Амр ул мутасаддига айдики: “Меваларни тўлароқ келтурғил”. Ул аиди: “Бадбўй ва сассиқ мевалардин бор. Агар хоҳласалар келтурайин?”. Амр мундин беҳад хижолатзада, они мутасаддилиқдин чикорди ва борҳо айтур эрдики: “Ул хасис менга хижолат бердики, ҳаргиз чорасин қилолмасман”.

Байт:

Улуғлар олдида бешаку берайб,
Йўқ ўлмиш бухл қилмоқдин ёмон айб.

Ул тоифанинг учинчи қисмлари дунхиммат ва сифлалардур. Не учунки, подшоҳлар ҳиммат ахлидиндурлар, аҳли ҳимматга дун ва сифла мулозимати бирла номуносиб, айтибдурларки, сифла баҳилдин

ва хасисдин ёмонроқдур. Чароки, баҳил ул киши эурки, кишига баҳра етмас, vale молидин ўзи нафъ кўрар ва хасис улки, на ўзи егай ва на кишига карам қилғай, сифла буки, емас ва кишига бермас, кишини ҳам кишига карам қилғали қўймас. Келтурубдурларки, бир подшоҳе бор эрдики, бағоят жавонмарду карим. Бир куни муқаррабларининг бири бирига айдики: “Эй фалоний, менга орзудирки, минг дирам бир кишига бергайман ва сен не айтурсан?”. Айдики: “Бу миқдор бисёр амволни бир кишига бериб бўлмас, бас, они юз кишига берғил”. Подшоҳ айдики: “Агар насфин бир кишига берсам нечук бўлғай?”. Айди: “Доғи бисёрдур”. Подшоҳ айди: “Сулсин бир кишига берсам бўлурми?”. Айди: “Ҳануз зиёда эрур”. Айди: “Рубъида не дерсан?”. Айди: “Тўлароқдур”. Алқисса, ул сифла ушрга қарор бердики, ўн минг дирам бўлғай ва айди: “Агарчи бисёрдур, аммо бир кишига баҳшиш килсанг бўлур”. Подшоҳ айди: “Эй бедавлат, мен хоҳиш қилиб эрдимки, бу маблагни сенга бергайман ва сен ҳам ўзингни маҳрум кўйдунг, ҳам мени саховатдин манъ қилдинг”. Ул киши муни эшитиб надомат ўтида жонин куйдурди, тазарруъ ва зорий изхор қилиб айдики: “Мен хато қилдим ва сиз ўз карамингиздин ўтманг”. Подшоҳ айди: “Сен сифладурсанки, лойики на атият қобили ҳам ўзингга зиён ва ҳам менга. Менинг раъйим улки, агар бу миқдор молни бир кишига берсам эрди, саховатда машҳур бўлур эрдим. Даврон инқирозиғача карам ва мурувватим овозаси боқий қолур эрди, сенинг зиёнинг буки, бисёр моллардин маҳрум бўлдинг. Эмди борғил, ўн минг дирамки, баҳшишимни қарор бериб эрдим, олғил ва мундин сўнгра мажлисимда бу навъ сифлалиқ қилмағил!”.

Қитъа:

Сифла еткурмас кишини комға,
Хас юрутмайдур чибинни жомға.
Икки оламда қаро юз сифладур,
Они кўрсанг қора туфроқ бирла ур.

Ул жамоатнинг тўртинчи қисмлари ғийбатчи эурларки, киши оти арова мазкур бўлса хоҳиш қилурларки, анинг ёмонлигидан сўз айтгайлар. Ул сўз ростдур, ғийбатдур ва агар ғайри воқеадур бўхтон бўлмиш.

Хабарда келтурубдиларки, қиёмат куни ғийбат азоби зинодин қаттикроқдур. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло “Куръон”да айтибдурки: “Валā йағтаб ба‘дукум ба‘дан айухиббу аҳадукум ан йа’кула лаҳма ахийхи

майтан”¹. Бу оят мазмуни ғийбатгүйларга тахдид нихоятийдур ва мундин маълум бўладурки, ғийбат қилгучилар мурдор егучи куртлардур ва ҳар кишидаки, одамийлик бўйи бордур, мурдор гўштидин парҳез қилур.

Байт:

Қилма зинҳор кишини сан ғийбат,
Тутма ғийбатчилар била сухбат.

Келтурубурларки, мурсал пайғамбарлардин бири бор эрдики, воқеаларни анга тушида кўргузур эрди ва нидо эшитур эрди. Бир кеча уйқуда кўрдики, айдилар: “Чун эрта қўпдунг эрса, фалон сахрога берғил, нимарсаки, ул учраси они егил. Иккинчи нимарсаки, кўрарсан они пинҳон қилғил. Учинчи нимарсаки, назарингга келтур, анга паноҳ берғил. Тўртинчи нимарсаки, олдингга келса, ноумид ёндумағил. Бешинчи нимарсаки, пеш келур, андин қочғил”. Бомдод бўлди эрса, қўпти ва ул сахрогаки, ҳукм бўлиб эрди, равон бўлди. Ул нимарсаки, анга учради, тоғ эрдики, баланд, улуғ ва ранги бағоят қаро. Пайғамбар муни кўриб мутахайир бўлди ва айдики: “Мундоғ луқмани нечук емак керак. Аммо чун Худойи ҳукми они емагимга жорий бўлди, ҳеч чорам йўқдур. Бас, тоғга ёвук етти эрса, кўрдики, ул улуғ тоғ луқма бўлубурки, бағоят кичик, они олди ва еди. Билдики, асалдин тотлиғ ва ипордин хушбўй экан. Худой шукрин бажо келтурди ва андин нари ўтди эрса, жом кўрдики, олтундин этмишлар, йўл узра ётибдур. Ўзича аиди: “Менга буюрдики, муни пинҳон қилғил”. Бас, чуқур қозди ва ул жомни анда кўмди, бисёр туфроқни устиға қўйди ва ўтти. Ҳануз иккинчи қадам бормай эрдики, орқасига қаради, кўрдики, ул жом ердин юқори чиқибдур. Яна келди, аввалгидин чуқурроқ кавлади ва мустаҳкам қилиб кўмди. Фориғ бўлмай эрдики, ер остидин ул жом яна чиқди ва учинчи навбат они пинҳон қилмоқقا жидду жаҳд айлади, яна зоҳир бўлди. Пайғамбар аиди: “Менга амр қилиб эрдиларки, муни пинҳон қилғил, менинг қўлимдин келгани шулдур ва мундин зиёдага қудратим йўқдур”. Бас ул ердин ўтти, бир қушни кўрдики, бисёр қўрқунч бирла тез учар. Пайғамбар қошига етиб келиб аиди: “Ё набийуллоҳ, менга паноҳ берғил, душман орқамдадур”. Пайғамбар они қўйнида пинҳон қилди. Шу дамда бир қарчиғай тез етиб келдики, гурисна ва хашмолуда эрди. У аиди: “Ё набийуллоҳ, бугун эртадин оқшомгача бу сайд талабида эрдим ва сайдим сизнинг паноҳингизга

¹ “(Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилманлар ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?!”. (“Хужурот” сураси, 12-оят)

кирибдур. Мен бағоят гуриснадурман ва мени ризқимдин ноумид қилмағил”. Пайғамбар ўзига айдики, менга айтиб эрдиларки, мунга паноҳ берғил, они маҳрум ёндумағил. Айди не қилурман. Бас, пайғамбар пичоқ чиқарди ва пораи сони гүштидин кесиб қарчиғайға ташлади. Қарчиғай гүштни олди ва қушни қўйди. Пайғамбар илгариrok ўтди эрса, мурдори кўрдики, ётибдур. Бағоят бадбўй ва ганда. Андин кочди, аммо кеча бўлди эрса, пайғамбар муножот қилдики, илоҳо, ончаким, буюриб эрдинг баржо келтурдум. Алар ҳикматини менга маълум қилғил. Нидо келдики: “Ул улуғ қаро тоғки, бир луқма бўлди ва единг, ғазаб ва аччиғдурки, ул улуғ кўринур ва чун единг эрса, ҳама ширинлардин ширинроқ эрур. Иккинчи ул олтин жомки, ҳарчанд пинҳон қилдинг, аммо ошкоро бўлди. Ул хайру эҳсондур. Учинчини маъноси буким, ҳар киши сенинг паноҳингга келса, паноҳ берғил ва сенга омонат берса хиёнат қилмағил. Тўртинчи мунга ишорат эрдики, агар киши сендин нимарсаи тиласа, жаҳд қилғилки, ҳожатин раво қилғил. Бешинчи ул мурдорки, ганда эрди, ғийбатдин қочғилки, яхши амални ботил қилур”.

Қитъа:

Зинҳор кишини қилмағил сан ғийбат,
Ғийбат ишидин бузулғусидур тоат.
Ҳар ғийбат ила бўлғуси бир таом кам,
Бас, ҳеч мусулмон мунга қилмамиш рағбат.

Ва подшоҳ сухбати керакки, ғийбатгар ва бўхтонгўй чиркинатидин пок бўлғай ва андоғки, ғийбатни айтмоғи ҳаромдур ва эшитмак доғи раво эрмаски, ғийбат эшитгучига азоб айтқучи бирла баробардур.

Байт:

Айтмағил ғийбат сўзини, ҳам анга солма қулоқ,
Ондин оғзинггу қулоғинг пок бўлса яхшироқ.

Йигирма иккинчи бобда яна бу мақомга муносиб бу икки байт мазкурдур.

Қитъа:

То иложинг бор эса, қилма кишини ғийбат,
Чунки ғийбатчи эрур эл кўзида беиззат.
Гар киши айласа ғийбат, сан анга солма қулоқ,
То гуноҳига анинг қилма ўзингни ўртоқ.

Ул номуносиб гуруҳларнинг бешинчи қисми Ҳак нонкўрларирикни, валинеъматлари ҳуқуқин билмаслар ва неъмат бергучи хожалари шукронасини куфронга мубаддал қилурлар, ҳамиша

бу жамоат эл назарида барчадин ёмон ва мардудроқ, ошно ва бегона кўнгулларидин басе йироқ эрурлар, аларни на баҳтлари бедор, на давлатлари пойдор.

Қитъа:

Кишиким унутмиш у еган неъматин,
Ани ҳам унутмоқдуур кўб савоб.
Йироқ бўл кишидинки, билмас хуқук,
Кўрар руҳ аниңг сухбатидин азоб.

Мұтазид халифа айтурки: “Ҳар забон тийғики, ҳақгузорликда коҳилдур, анга тез тийғи забони бирла жазо бермак керак”.

Назм:

Улки, нону намак ҳаққин унтур,
Оқибат бошу гарданга ушатур.
Валинеъматга гар ёмондурсан,
Йиқилурсан, гар осмондурсан.
Топқайсан баҳт ҳақшунос ўлсанг,
Бўлғайсан хор носипос ўлсанг.

Олтинчи қисмлари ёлғончилардурки, ёлғон сўз кишига писандида эрмас ва дуруғўй подшоҳлар қошида беобрў эрур. “Ахлоқ” китобида келибдурки, бир вазир бор эрди, Фазл отлиғ ва онинг икки надими бор эрди. Бирининг оти Назар ва яна бирининг оти Соқиб. Бир куни ани мажлисида ул икки надим бир-бирлари бирла мутойиба ва мазоҳ қилишдилар. Охир иш мутойибадин мулоабага ўтти ва мулоабадин бир-бирлари бирла тутушмоққа анжом топди эрса, Назар Соқибни силкиб эрди, Соқибнинг дастори тушти. Соқиб бу ишдин бағоят мутағайирир бўлди ва ғазаб асари руҳсорасида маълум бўлди. Вазир айди: “Недин аччиғландинг ва надимлар орасида ўйин борасидин бу навъ ишлар бисёр ўтгусидур”. Соқиб айди: “Нечук аччиғланмайинки, сендек улуғ кишининг мажлисида дасторим ерга тушуб, обрўйим тўкилди”. Фазл айди: “Кўнгулни бузмағилки, бу иш сахлдур ва сенинг обрўйинг менинг қошимда ул замон тўкилибдур. Айдингки, менинг хачирим мени бир кечада Марвдин Нишопурға элтти ва айтибдурларки:

Қитъа:

То иложинг бордур, ёндума ёлғондин чироғ,
Чун ёлғоннинг чироғи ичра йўқдур ҳеч ёғ.
Ҳар замонеки, агар ёлғондин урдунг бир нафас,
Сўнгра ҳаргиз қилмоғайсан обрўйингдин сўроғ.

Султонлар мулозимлариға нолойиқ тоифаларнинг еттинчи қисми тўласўзлук ва паришонгўйлар эрурлар. Чунки тўласўз киши сўзида ҳеч қадру эътибор бўлмас, бекадр сўз олиймиқдор жанобиға нечук муносиб бўлғай.

Хабарда келтурубдурки, бисёр сўзламак ҳарис эрур. Керакки, они жонибиға иттифоқ қилғайлар, яъни ҳама они девона дегайлар. Масалда келтурубдурки: “ал-муксиру муҳтадирун”, яъни бисёргўй бехудагўй, демак эрур. Манқулдурки, ҳаворийлар ҳазрат Исо саловотуллоҳи алайҳиға айдилар: “Бизга насиҳат берғил, то анинг бирла бир амал қилиб беҳиштга борғаймиз”. У ҳазрат айдики: “Ҳаргиз сўзламангизлар”. Алар айдилар: “Бу суврат бизга муюссар бўлмас”. Айди: “Ҳар вақтки, сўз айтурсизлар, яхши сўздин бўлакни айтмангизлар ва кўб сўзламак кўнгулни қаро қилур”. Ҳаворийлар ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг асҳоби эрурлар, ўн икки киши эрдилар, ҳам мустағир эрдилар ва ҳам бўёқчи. Арабий луғатида “хор” сўзи оқлағучи демак бўлур ва ҳам ёвуқ қилгучи. Бас, аларни ҳам ҳазрат Исога ёвуқлуғиға ва ҳам кийим оқартмоғига нисбатлари бор учун ҳаворий атадилар.

Назм:

Аблаҳ ўлғунг сурфа қилсанг моли зар,
Сўзламакдин сурфа қил, қилсанг агар.
Қаломоқда молни кўб тортма ранж,
Сақлағил сўзники, дуур яхши ганж.
Яхши сўздин кўргасен меҳру вафо,
Муносиб қўлдин етгай жабру жафо.
Сўздин тилни сан хомуш айлагил,
Балки кўнглунгдин фаромуш айлагил.
Ҳар сўзиким, содир ўлса бемаҳал,
Етгай ондин обрўйингға кўп халал.

Келтурубдурларки, уч подшоҳ Нўшировон мажлисида ҳозир бўлдилар. Қайсари Рум, ҳоқони Чин ва ройи Ҳинд. Нўшировон аиди: “Йиллар ва қаринлар керакки, кишига мундоғ даст бергай. Бас, келингизлар, то ҳар биримиз сўзи оғоз қилолики, подшоҳлар сўзлари – сўзлар подшоҳидур, биздин рўзғор сафҳасида ёдгор асари собит бўлмайин, жамоамиз тарқаб кетса, дариф ва надомат ҳосил бўлғусидур”.

Байт:

Мумкин эрса, яхши сўз қил ошкор,
Яхши сўздин хўб йўқдур ёдгор.

Авлоди Кисроға ишорат қилдиларки, аввал сиз бошланг! Нўширвон обдор жавҳар ва шоҳвор гухари фикр дуржидин баён табақига қўйдики: “Ҳаргиз айтмаган сўзга пушмон бўлмадим ва баъзи сўзларки айтиб эрдим, анга бисёр надомат едим”. Қайсари Рум ҳаёли хазинасига назар солиб: “Бу пурбаҳо нақдни шахриёрға нисор қилдим, ончаким, демадим. Они дегали бўла олдим ва аммо деганимдин ҳеч бирин ёндуруб тасарруфим қўлига ололмадим, яъни ҳар сўз ўзиким, баён шастидин ҳануз жудо бўлмабдур, анга қудратим борки, ҳар вақт хоҳиш қилсан айтғайман, аммо вақтеки, талаффуз ёйидин борди эрса, яна келтура олмасман”. Хоқони Чин сари бамуҳр нофасин очти ва бу шамома ройиҳаси бирла салтанат саройи машобин муаттар қилди: “Ҳар сўзки, доғи айтмабдурман, ул менга зеридаст эрур, мен анга ғолиб. Сўзеки, айтибдурман, анга зеридастман, анга ғолиб бўлолмасман, яъни сўз аруси токи фикрат пардаси ичрадур ва машият машшотасида ихтиёр боқийдурким, хоҳиш қилиб нутқ равоқи узра жилваға келтурур ва илло адам никоби ичра махфий соқлар. Аммо чун хомуш хижобидан чиқди эрса, дигар бора хафий хилватхонасига олса бўлмас”.

Ройи Ҳинд гуфтори гулшанидин бу гули хушбўй ва райҳони дилжўйни фасоҳат илкига олиб, балоғат мажлисига келтурдики: “Ҳар калимаки, бутун¹ сафҳасидин зуҳур арсасига келур, ё савоб сувратида жилва берур, ё хато хильлатида кўринур. Агар савобдур, айтгучи ул сўз уҳдаси ичра гирифторлигига қолур, яъни лозим бўлурки, анга амал қилғай ва агар хато эрур аниңг зиёни маълумдурки, баёнига ҳожат эрмас. Бас, икки ҳолда хомушлик яхширок”.

Қитъа:

Боруб бу ёнға бир-бирини кўрдум,
Анга айдимки, эй боақлу бохуш.
Манга не ҳол яхшидур, сан айғил,
Деди: хомуш бўл, хомуш, хомуш.

Ва ҳукамо айтибдурларки, хомушлик ёмон сўздин яхши ва яхши сўз хомушликдин хўброкдур.

Қитъа:

Тутуб оғзингни сан хомуш бўлғил,
Етишган чоғда кўнглунгга ёмон сўз.
Вале гар бўлса яхши сўз маҳали,
Тилингни сўзга келтургил очиб кўз.

¹ Бу арабча “зуҳур” – ташқи сўзининг зидди “бутун” – بطون – ички сўзидир

ҚИРҚИНЧИ БОБ ТОБЕЪЛАР ВА ХИЗМАТКОРЛАР ТАРБИЯТИ БАЁНИДА

Бу бобда икки қисм сўз мубайян бўлур. Аввалғи қисмда подшоҳлар ва онинг қариндошлари, мулозимларини тарбия қилмоқнинг баёни эрур. Иккинчида сultonлар мулозимларининг одоб сакламоқлари мазкур бўлур.

Аммо аввалғи қисм буким, айтибурлар: “Подшоҳларга давлат аркони ва ҳашмат аъёни, ўзга мулозимлар ва мутааллиқлар басе лозим ва зарурдурларки, жаҳондорлик аларсиз мусассар бўлмас. Не учунки, ҳар кишиким, замин арсаси подшоҳларидин баъзини тасхир қабзасиға олибдур ва одамлардин жамъини тасарруфи қайдига келтурубдур, анга вожиб эрурки, эҳтиёт қоидаси бирла мамлакати куллиёту жузъиётидин хабардор бўлгай, бешубҳалик бирла раъоё ва зеридастлар ишлари ғавриға етгай, вилоятининг ҳар улуғ ва кичик кишилари аҳволин камоҳаққиҳи билгай, бу иш таҳқиқида икки қулоқ ва икки кўз кифоят эрмас, балки бисёр қулоқлар ва бешумор кўзлар даркордурлар. Бас, керакки, тоифаи доно耶 ва хушманде, пок сийрати мутадаййине, бетамаъ баландхиммате аниг мулозимлари бўлғайлар. То бу восита бирла кўб кўзлук ва бисёр қулоқлик бўлғайки, бу қулоқлар бирла вилоятининг ҳама хабарларин эшитгай ва кўзлари бирла мамлакатни доғи бирла муҳимлар ҳақиқатларига назар солиб, аларга иттилоъ топғай ва албатта бу жамоаниким, турлук ахбор эшитмакда, гуногун атвон кўрмакда қулоқ ва кўз ўрнидадурлар, яхши риоят ва муҳофазат қилмоқ керак. Токи ул ишларидин қолмагайлар ва пайваста ахбор еткурмакка, аҳволи арз қилмоққа машғул бўлғайларки, ҳеч нимарса мамлакатга ул янглиғ зиён еткурмагай, вилоят атрофи хабарлари ва раият аҳволи сувратлари подшоҳдин мунқатиъ бўлмағай.

“Сирожу-л-мулук” китобида келибдурки, Нўширвон ҳукамолар улуғидин сўрдики: “Мамлакат заволи неча нимарсададур?”. Жавоб бердики: “Уч нимарсада, аввал, подшоҳдин давлатнинг аҳволи яширин тутилса. Иккинчи, арозил ва сифла тарбияланса. Учинчи, амалдорлар раиятларига зулм қилса”. Нўширвон айди: “Не далил бирла бу сўзни айтурсан?”. Айди: “Вақтеки, вилоят ва раият хабарлари подшоҳга етмаса, мамлакатидаги фитнажўйлар ва кинажўйлардин бехабар бўлур, алар чун подшоҳнинг ғофиллигин маълум қилдилар, эрса ҳар гўшадин фитна ва кина ғуборин барпо қилурлар, халойикқа ҳарна хоҳласалар қилурлар ва мулк алар шарридин вайрон бўлур. Дигардун ва сифла киши агар тарбият топса, ҳиммат пастлиги ва табъи хасислигидин мол жамъ қилмоққа ҳарис бўлур, ҳар кишидин нимарсаи

тамаъ қилур. Акобир ва ашрофнинг қадрларин билмас, улуғ халқнинг ҳурматин сақламас ва халойик кўнгуллари бу ахлоқдин ҳама оғригай. Бас, ночор иттифоқларин бир қилиб мураббийсики, подшоҳдур, анинг дафъига мутаважжиҳ қилурлар ва бу жиҳатдин айтибурларки, “Завол-уд-давлати би-иртифоъис-сифлати”, яъни “Давлатнинг заволи пасткашларнинг юқорилашувидандир”, демак бўлур. Вақтеки сифла кўтарилимаги арозил тарраққий даражасига қадам қўяр, давлату иззат таназзул зовиясига бош эндирур.

Назм:

Агар сифла топса улуғлиққа даст,
Берур салтанат равнақиға шикаст.
Эмас сифлалар лойиқи иззу жоҳ,
Аларнинг сазосидур банди чоҳ.

Учинчиси, вақтеки, уммол раиятга зулму ситам қилса, подшоҳ ҳақида ёмон ниятлик бўлур. Зироат ва иморатдин кўнгул совутурлар. Бас, хазинага ҳусулким, кирап ва лашкариға улуфа оз етар, чун лашкари улуфа топмасалар хизматдин бош қайтарурлар. Агар душмане пайдо бўлса, подшоҳга ёру мададкор оз бўлур ва бу жиҳатдин мамлакат илкидин борур. Ривоят қилибурларки:

Назм:

Зулм омили жаҳонни хароб қилур,
Барча эл кўнглини кабоб қилур.
Мамлакатға басе футур етар,
Ки, салтанатға яна қусур етар.

Ҳаким сўзин тамом қилди эрса, Нўширвон анга саноу офарин ўқиди. Ва яна айтибурларки, подшоҳлик қасрининг тўрт устуни бордир. Агар бири бўлмаса вайронлиққа юз қўяр:

Аввал амиреки, мамлакат атрофин муҳофазат қилғай. Душманлар шаррин подшоҳ ва раиятдин дафъ айлағай.

Иккинчи, вазиреки, подшоҳнинг ва мулозимларнинг лавозимотига саранжом бергай ва молни ўрнидин олғай ва ўрнига харж қилғай.

Учинчи, ҳокимеки, беадаблар ва фосиқларга адаб ва гўшмол берғай.

Тўртинчи, амин соҳибхабареки, шаҳр ва вилоят ахборин, халойик ва раият аҳволидин ҳазрат сultonга бехиёнат еткургали, билжумла жамъики сulton аларсиз бўла олмас. Ё аҳли шамширбурлар, чунончи, умарову сипоҳилар, элчилар ва аҳли қалам, чун вазирлар ва дабирлар, булар мажмуъининг тарбияти баёни ажмоли бирла улки, подшоҳ

аларнинг ҳамасига шафқат ва оғият назари бирла қорағай ва ҳар нимарсаки, аларга лозим эрур, анга эҳтиёжлари бордур, алардин дариф тутмағай, ҳар қайсиларики, ўзига тафвиз қилган муҳим иш уҳдасидин ва ўз ишин биткарса, анга навозиш қилғай. Ва ҳар кишики, ўз ишига тағофул айлаб, бепарволик қилса, анга аввал насиҳат бирла танбех берғай, агар ҳушига келмаса, насиҳат бирла кўшмол берғай. Яна буки, мулозимларнинг айблари изҳорига кўшиш қилмағай, алар шод бўлса ул доғи хушвақтлик изҳор айлағай, аларга алам, паришонлик етганида андуҳ ва маломат зоҳир қилсин. Ҳар бирига мартабаи хос бирла тарбият ва тақвият қилғайки, киши ул мартабада анга шерик бўлмағай, то мулозим аро ҳасад ва фитна зуҳурга келмағай. Агар анинг ичра низоъе ва жадал пайдо бўлса, дарҳол ани паст қилғай, токи хусумат моддаси қавий бўлмағайки, ондин фасоди куллий юзланур. Бузурглар айтибурларки, мамлакат сарриштаси узулмаги амирлар ва вазирларнинг низоъларига муваққифдур.

Қитъа:

Агар яқдил эмас аркони давлат,
Бузулгай шоҳ иши-ю раият.

Ярашмас давлат аҳлининг низоси,
Ки, ондин бўлғуси мулк инқитоси.

Баҳман ҳукамонинг биридин сўрдики: “Мулозимлар тарбиятларининг асоси нима бўлиши керак?”. Жавоб айдики: “Икки нарса: бири лутф ва яна бири қаҳрdir! Бас, керакки, подшоҳнинг қаҳри асари ва лутфи назари хидламу¹ ҳашамга ҳамиша зоҳир бўлғай. Гоҳи қаҳрига олғай, токи, беадабликда дадил бўлмағайлар ва гоҳ лутф кўргузғай то карамидин ноумид бўлмағайлар”.

“Нигористон” асарида келтурубурларки, тарбиятда ҳикмат тариқи буки, агар иш юмшоқлик ва оҳисталиқ бирла мұяссар бўлса, унфу дурушт кўргузмаслик керак. Агар ғазаб ва арбада маҳали бўлса, анда нармлик ва мулойимлик қилғулик эрмас. Аксар жароҳате бўлурки, анга ниш марҳамдин хўброқ нафъ еткуур.

ҚИТЪА:

Ҳамиша лутф йўлин тутмағайсан,
Юрутгил вақтида қаҳру ғазаб ҳам.
Жароҳатга ярашур ниш урмоқ,
Анга гар наф қилмас эрса малҳам.

¹ Хидлам – қомати нозикдан келган тўла аёл.

Хукамо айтибдурларки, подшоҳ ҳар кишинингки, тарбиятин хоҳиш қилса, то анинг аҳволин неча бор имтиҳон қилмай ва атвори ҳақиқатин тамом билмай, тарбият назари бирла анга боқмағай. Нолойиқ кишини неча вақт тарбият қилиб, аҳволи ва ахлоқидин вуқуф топгандин сўнгра, назаридин чиқариб ташламоқ басе мушкулдур. Не учундурки, кишини бирдин кўтармоқ ва яна бирдин ташламоқ салтанат ҳайбатига нуқс еткуур.

НАЗМ:

Кишиғаким, тарбият қилур эрсанг,
Имтиҳон қил они басе чандон.
Бўлса гар қобилияти зоҳир,
Тақвият айлағил қилиб шодмон.
Қобил эрмас эса кўтарма ани,
Сўнгра паст айламак эмас осон.

Андоғки, кўтарганинг бирдин ташламоқ муносиб эрмас. Кишиғаки, ғазаби келибдур, анга бир фурсатда лутфу навозиш кўргузмак яна сазовор эрмас. Чунки бу ҳам неклик нишонасидур. Хашм ва ризо орасида муддате ўтғайки, то подшоҳнинг изму саботи зоҳир бўлғай. Келтурубдурларки, подшоҳлардин бири бир надимиға сўз айтур эрди, муколама вақтида андин бир номуносиб калима эшитди эрса, буюрди то они мажлисдин чиқардилар. Ул бечора тириклиқдин умид узуб, гўшада ўлтурди. Нокомлик бирла сабрнинг аччиқ шарбатин нўш қилиб ўзига айтур эрди.

Байт:

Эй кўнгул, нола қилма, сабр этгил,
Ки, сабр бирла муродингға етгил.

Аммо онинг муҳожирати узоққа тортди ва муддате ўттики, подшоҳдин анга ҳеч лутфе ва мушаффақате зоҳир бўлмади. Охир ўз аҳволин битиб, нома қилди ва маҳрамларидин бирига берди, ул фурсату маҳал топиб бу номани подшоҳга арз айлади. Подшоҳ нома мазмунига мутталаль бўлди эрса, кулди ва аиди: “Онинг гуноҳи йўқим, маҳрумлигига боис бўлғай”. Ул еткурғучи айдики: “Андоғ эрса на бўлғайки, ул бечорага ҳумоюн мажлис сори йўл берсалар?”. Подшоҳ айдики: “Ли-кулли ажалин китабун”, яъни “Ҳар вақтиға ҳукме бордур битикликки, чун ул вақт етти, эрса ҳукм зухурга келур”, демак бўлур. Ҳосил буким, ҳар ишнинг бир вақти бордур. Ул вақт етти эрса, иш зухурга келур ва илло жаҳду кўшиш фойда бермас”.

Байт:

Вақт етмайин ҳаргиз зоҳир ўлмагай ҳар иш,
Андин илгари зинхор суд бермагай кўшиш.

Бас, бир йил ўтгандин сўнгра они мажлисга чорлаб, илтифот қилди, хилъат кийдурди. Ҳукамо айтибдурларки, агар подшоҳ кишини улуғ қилмоқчи эрса, они бир йўли баланд айламағай. Не учунки, молу манол топиб, иқтидор ва ихтиёр ҳосил қилғанидин кейин, яна аввалги даражасига келтурса бўлмас. Агар они кичик қилмоқни хоҳиш қилса ҳам, даража-бадаражা оҳисталиқ бирла ўрнига тушурсин. Бўлмаса мамлакат обрўсига путур етар.

Байт:

Қилмағил кишини улуғ якбора,
Ки, охир обрўйинг этар бечора.

Нўширвон Бузуржмехрдин сўрдики: “Тарбият лойики кимдур?”. Айди: “Ул кишини тарбият қилмоқ керакки, адаблик ва насаблик бўлғай. Ҳар кишики бадзот ва бадаслдур “куллу шай’ин йаржи‘у илā аслиҳи”¹ ҳукми бирла ўз аслига ружуъ қилур, яъни ҳар нарса ўз аслига ёнар, демак бўлур.

“Ҳикоёт”да келтурубдурларки, бир мард бор эрдики, Закий отлик ва бузург кишиларнинг авлодидин, ахлоқи комил эрди. Румлик бир канизакни сотиб олдики, онинг оти Нўшоба. Бисёр бадхўй ва бағоят баҳонажўй. Закий мулки Яман бирла анга духул қилди ва ондин бир ўғул таваллуд бўлди. Бир куни ҳукамодин бири Закий сухбатида ўлтуруб эрди. Ул фарзанд алар қошига келди. Закий они бир ишга буюрди ва ул ўғул дарҳол қўпти ва равон бўлди. Неча қадам борди ва шул замон ёниб келиб, яна мажлисда ўлтурди. Ҳозир бўлганлар мутаажжиб бўлдилар ва айдиларки: “Аё, мунинг илгари иш чуст қабул қилгани не боисдин эрди ва кейинги бедиллиғиға не сабаб бўлди?”. Ҳаким кулди ва айдики: “Закий хоҳиш қилдики, фармон тутуб ишига кетғай ва Нўшоба они қўймадики, иш бошига етғай. Икки жавҳар асари анингда зоҳир бўлди”. Андоғки, оқликда фарзанд ота ва онага ўхшар. Бадаслликда яна таажҷуб қилур. Бу хусусда шоир Фирдавсий абёте айтибдурки, таржимаси будур.

Назм:

Дарахтеки, аччиғдур мағзи анинг,
Ани гарчи жаннатга элтиб тикинг.
Беҳишт ариғидин суғормоқ маҳал,
Қуйинг йилдизи узра ширу асал.

¹ “Ҳар нарса ўз аслига тортганидек, ҳар нарса ўз аслига қайтади”

Баохирки, вақти ҳусули етар,
Үшал аччиқ мева изҳор этар.

Айтибурлар, хасисга тарбият қилмоқ ўз обрўйин тўқмоқ бўлур. Чароки, кишики ҳабис лазғадин вужудга келибдур, яхшилар яхшиликлар бирла тарбият топса ҳам, ёмонлиққа табдил бермоқ анга ҳаромдур.

Қитъа:

Килмағил, албатта, сан бадаслларға тарбият,
Кўйнунг ичра қўймағил зинҳор афъи морни.
Найшакар таъмини қилма ҳаргиз ханзалдин тамаъ,
Гул узрамас ул кишики, ундурубдур хорни.

Мулозимлар тарбиятида бир нуқта буки, бир кишиға икки амални бермағайларки, ҳар иккисига камоҳаққиҳи саранджом беролмас. Балки бир кишига муносиб иш тайин қилинсунки, токи мулозимлар ҳаммаси бирдай умидвор бўлғайлар. Яна икки кишини ҳам бир ишга тайин қилмағайларки, шериклик халақит берур, иш муроди сохта бўлур, мукаммал бўлмағай.

Байт:

Берсангиз икки амални бир кишиға ногаҳон,
Икки ишни баркамол этмакда бўлғай нотавон.
Бир амал ҳам икки кишиға бўлмағай зебандаки,
Бир ўчоқда қайнамас бир-бир уза икки қазон.

Яна амирларки, салтанат шавкати ва мамлакат қувватидурлар, тарбиятлари андоғ бўлғайки, аларни азиз ва мукаррам тутмоқ керак. Ҳар куллий ва жузъий ишларға мутасадди бўлмоқларида қўлларин қавий ва амрларин эрклиқ қилмоқ керак. Салтанат ишларининг ҳеч бириға алардин изнисиз тадбир ва кенгаш тиламайин шуруъ қиласлик керак. Ва мулку мол масалаларида ҳар сўзеки айтсалар, они қабул самъи бирла эшитмак керак. Ва муҳим маълумотеки, аларға мутааллукдур, анга мутаважжих бўлмоқларида аларга бисёр тақвия қилмоқ керак ва лавозимотларики бордур, чунончи, элчи, лашкар, мулозимлар ва алар жабдуғлари буларни тамом мухайё қилиб бермак керак. Хусусан, элчики, ул подшоҳлар тилидур ва ҳар подшоҳ аҳволин элчиси атворидин маълум қилса бўлур. Бас, элчи керакки, ҳикматандиши ва суханвар, хушхўй ва хўбрўй, саховатпеша ва баландхиммат бўлғай, токи подшоҳ обрўйин кўтаргай ва ҳар кишики, элчи юборсалар онинг муносабатидаги кишини юбормак керак. Чунончи, айтибурларки:

Байт:

Тавоноға тавонони юбарғил,
Ки, ҳам доноға донони юбарғил.

Келтурубурларки, чун Мұхлаб хорижға шикаст берди. Бисёрғанымат қўлига тушурди эрса, Молик отлиғ бир элчини Ҳажжожга юборди ва Молик Ҳажжож қошига борди эрса, Ҳажжож анга айдики: “Мұхлаб не кайфиятда қолди?”. Жавоб бердики: “Ул ҳолат бирладурки, дўстлари шоду масрур ва душманлари забун ва макхур”. Яна сўрдики: “Анинг шафқати сипоҳларига нечукдур?”. Айдики: “Она фарзандига марҳамат қилган янглиғ”. Яна савол қилдики: “Фарзандлари не ҳолатдадур?”. Айдики: “Ҳама хурсанд ва хушдил эрурлар”. Сўрдики: “Жанг размда нечукдурлар?”. Айдики: “Алар олдида жонга эътибор йўқдур”. Айди: “Фасоҳат ва базлда қандоқ эрурлар?”. Айдики: “Молнинг алар олдида ҳеч қадри бўлмас”. Айди: “Ақлу фазллари нечук эрурлар?”. Айди: “Доира янглиғдурки, бошин ва оёқин топиб бўлмас”. Ҳажжож айдики: “Бу мард сўзни ҳадди ва ниҳоятига еткурди, мунинг сўзи бирла Мұхлабни ҳашамат ва шавкати, ё ҳайбати бизнинг кўнглумизға тушти ва анинг ақлу одобини элчининг ақлу одоби бирла билдик”.

Байт:

Элчи керак ҳаким, сухандон, хушманд,
Доноу кордида ва хушхўйу дилписанд.
Хуштарз, хўб талъату хушхулқу боадаб,
Соҳиб сахо, бетамаъу ҳиммати баланд.

Аммо лашкар тарбияти лозим ва вожиблардан эур. Алар фойдалари тўрт нимарсадур. Аввал буки, подшоҳга қувват ва ҳайбат ҳосил қилурлар. Иккинчи, душманларни дафъ қилурлар. Учинчи, раият эминлиги алардин бўлур. Тўртинчи, дуздлар, қароқчиларни дафъ қилурлар. Алар керакки, тўрт шартни барпой тутқойлар. Аввал буким, подшоҳ фармонидин чиқмағайлар. Иккинчи буки, подшоҳга яқдил ва язабон бўлғайлар. Тўртинчи, жангда мардоналик ва фарзоналик кўргузғайлар. Керакки, подшоҳ ҳам тўрт иш қилғай. Аларга аввал буки, минар отлари ва салоҳларин муҳайё қилғай. Иккинчи, ҳар бирининг мартабасин билғай ва они ул мартабада соқлағай. Учинчи, жанг кишиларин ўзгалардин яхши тарбият қилғай. Тўртинчи, ўлжа молки, душмандин қўлга тушар, анинг бирла аларни баҳраманд айлағай.

Ва подшоҳ Қубоддин манқулдурки, ҳукамонинг биридин сўрдики: “Лашкарға нечук муомала пеш тутайин?”. Жавоб бердики: “Неча вақт алар аҳволин тафаҳҳус қилмоқ керак. Андоғки, боғбон

тафаҳхус қилур ва ҳар гиёҳеки, корға келгайдур, они юлуб тошлар ва ҳар сабзаки, ондин нафъ етгусидур, они соқламоқ ва тарбият қилур. Лашкар орасида ҳам жамъе бордурки, қўлларидин ҳеч иш келмас. Аларға улуфа зойеъдур. Алар отарин улуфа фитрдин йўқ этмак ва жанги эранлар тарбиятиға машғул бўлмоқ керак”. Кубод сўрадики: “Аларға улуфаларин не равиш бирла бермак керак?”. Айдики: “Эътидол тариқи бирла, не учунки, алар майшатлари агар васиъ бўлса, мустағний бўлурлар ва мулозаматда коҳиллик қилурлар, агар авқотларин танглик бирла тутсанг, сендин малол ва гуризон бўлурлар, яна бошқа кишининг табиатин хоҳиш қилурлар ва бу маънода шоир Низомий айтибдурки, таржумаси будур.

Назм:

Гар берур бўлсанг сипоҳга молу зар,
Бермагил андозасидин бештар.
Бўлса қорни тўқ, қўли бисёр узун,
Бедил ўлгай гарчи бўлса ул далир.
Ҳам яна бисёр тутма бехусул,
Бўлмағайлар то гуризон-малул.
Қилмаса гар шоҳ лашкарни ризо,
Айламаслар хизматида жон фидо.

Яна вазирларки, алар мулк сайронаси ва мол хазинасидурлар ва салтанат иши аларсиз битмас. Агар мамлакат эгасининг муҳим ишлари вазирсиз кифоят топса эрди, ҳазрат Мусойи Калим алайҳиссалом Худойи таолодин тиламас эрдики: “Эй бор Худоё, менга аҳли байтимдин бир вазире муайян қилғилки, ул биродарим Ҳорун бўлғай ва анинг бирла ишимни қавий айлағил”. Бас, маълум бўлдики, вазирлар салтанат биносининг истеҳкоми ва мамлакат ишлари интизомига сабаб эрурлар. Вақтеки, яхши ахлоқда жомъе ва покиза, афъол ва комил бўлсалар.

Байт:

Гар вазирки, пок сийратдур,
Мамлакатға зебу зийнатдур.

Аларнинг тарбиятлари буки, сulton илтифотидин ҳамиша баҳраманд, иноёти бирла давом хушдил ва хурсанд бўлғайлар, токим, хосуом назарида мукаррам ва муazzам кўрунгайлар, сўзлари мўътабар ва ҳукмлари жорий бўлғай. Мулку мол муҳимотига ҳеч киши алардин bemaslaҳat мутаважжих бўлмағай ва алар тадбирни ҳар ишда бисёр амдо восил қилмоқ керак. Не учунки, қалам бирла ишни битурса бўлурки, шамшир бирла ул мұяссар бўлмас.

Байт:

Еткургуси ишни бир мақомига қалам,
Шамшир анга не дам уралғай, не қадам.

Бир куни бир амир, бир вазир ораларида ўрун талоши била мунозаат воқеъ бўлди. Амир айдики: “Мен қавий тийғ соҳибидурман ва сен заиф қалам молики. Шамшир бирла шаҳр олса бўлур ва қалам кўлидин не келур?”. Вазир айди: “Иш қалам ростлиғи бирла тузалур, не шамшир кажлиги бирла”. Бу можаро султонга етти эрса, иккисини қошига чорлади. Вазирга айдики: “Қалам аҳли ҳамиша шамширдорларга хизматкор эрдилар ва ҳоло сен аҳли қаламни нечук таржих қилурсан?”. Вазир айди: “Эй шаҳриёри олам, шамшир душманлар борасида корға борур, не дўстлар борасида. Қалам ҳам дўстлар нафъи сабабидур ва ҳама душманлар дафъи боиси. Бошқа шамшир аҳлиға мулкдорлик ҳаваси пайдо бўлса, валинеъматлариға хуруж қилурлар, қалам аҳлидин бу ҳаракат ҳаргиз вужудга келмас. Бошқа шамширбардорлар хазонани ҳоли қилурлар ва қаламдорлар они тўлғозурлар, ҳосил қилгучи азизроқ эрур ва нобуд айлагучидин”.

ҚИТЪА:

Айлағил доим вазирнинг хомасин эъзозким,
Мамлакат боғида улдур хуш ниҳолу мўътабар.
Тарбият қилса боғбон наҳлига, унинг ҳаққига,
Шохи узра мевасидур лаълу гуҳар, симу зар.

Жумла муҳим ишлар мадори асбобидир, аммо ғулом ва қулларни пулга олса бўлур. Аммо муқарраблар тарбияти улки, ҳар бирларин муҳимми ҳосға номзад қилмоқ керакки, ул муҳимда дигар дохил бўлмағай. Ва ҳар қайсиларини хизматлари қадрин билиб анинг баробаридин лутфу навозиш қилмоқ керак ва аларни ул жидд бирла тутмоқ керакки, ҳар не ҳоҳиш қилсалар этолмағайлар. Агар мабодо алардин бири сўз айтса, анга қулоқ солмоқ керак, то кишини борҳо озмуда қилиб, омонатдор ва диёнаткорлигин хўб маълум қилмайин мұтамад қилмаслик керак. Ва чун мулоғимлар бир-бирини рашки жиҳатидин сўз айтса, эшитмак керак. Ҳамаларин бир-бирига дўст ва мувофиқ бўлмоққа тарбият қилмоқ, мухолифат кўшиш қилмоқларидин манъ айламак керак. Аларнинг низо ва хусуматлари салтанат омузиға бисёр зиёндур. Чунончи, бу маънодин шамъяе мазкур бўлди.

Қитъа:

Шаҳ мулоғимлари вақтехи мувофиқдурлар,
Мол бисёр бўлуб, мамлакат обод бўлғай.
Қилсалар кину хусуматни орада пайдо,

Мулкнинг низом сиёқи барбод бўлғай.

Аммо ғуломлар ва дирамхарида бандалар эгаларининг қўли, оёки ва балки барча аъзоси ўрнидадур. Яна учинчи кимса бир ишга қўл қўяр бўлса ва ул ишга ул киши жиҳатидин яна киши шуруъ қилса, бу киши ул кишининг қули ҳукмидадур. Кимса муҳим ишни бажариш учун оёқ юрутур бўлса, ул муҳим ишга аниг ўрнида қадам қўйса, бу тобеъ ул кишининг оёки равишида бўлур. Ҳар киши бу навъ нимарсага назар солур бўлса ва ул киши учун яна киши анга қараса, бу кишини кўзи ишин қилган бўлур. Алалқиёс, бас, бу жамоатнинг вужудларига шукргузорлик қилмоқ керак, аларга бисёр лутфу шафқат ва навозиш кўргузмак керак. Токи, хизмат бобида касолат ва малолат, коҳиллик изҳор қилмағайлар ва аларни ишга буюрса, инсоф риоя қилмоқ керак. Андоқки, майшатлари асбобин емак ва киймакдаки, қилмоқ керак ва асл буки, аларга хос назари бирла қараса, меҳрибонлик изҳор қилмоқ керак. Токи, аниг хушдил ва шодмонлиги бирла жонсипорлик камарин хизматкорлиқ белиға маҳкам боғлағайлар.

“Ҳикмат” китобида келибурки, хожага хўб эрмас бандани бир гуноҳи бирла изза қилғай. Чунки банда ул вақт эътиқод бирла хизматкорлиқ ва ҳаводорлик қилурки, хожасидин жудо бўлмоқидин эмин бўлса. Бас, бандани ҳар қисм хато ва сахв бирла назардин солмоқ керак, токи ўзини бегонанинг хизматида билмағай. Аммо бандадин дуздлик ва ҳийлау макр содир бўлса, они дарҳол йўқ этмак керак. Агар бандаларидин бири ёмон гуноҳ бирла мулаввас бўлса, таъдив ва таъзив бирла ондин ҳеч мамнуъ бўлмаса, бу яхшидурки, они тезроқ даргоҳдин йўқотмоқ керак. Токи ўзга бандалар аниг ёмонлигин касб қилиб бузулмағайлар ва аниг фасоди яна бириға юқмағай.

Қитъа:

Яхши хўйин бузгусидур ҳар киши,
Бўлса бадкирдорларға ҳамнишин.
Қилғуси ҳар одамнинг эгнин қаро,
Гар ёвуқ тутса қазон бирла ўзин.

Агар давлат аҳлининг бандаларидин бандae подшоҳ қошида хожасин беважҳ шуруъи шикоят қилса, подшоҳларға лозимдурки, они манъ қилғай. Султон Маҳмуд Ғазнавий сиёсатида келтурубдурларки, одина куни султон намозга борур эрди. Бир туркийгўй ғуломи соҳибжамол султоннинг йўлин тўсуб салом қилди ва заминбўслуқ айлади. Султон карам юзидин жиловин тортиб лутфу марҳамат тили била сўрдики: “Не ҳожатинг бор?”. Ғулом айди: “Эй шоҳим, мени ул кишики, Туркистондин олиб келди, йўлда келгунча айтур эрдики,

султон хизматига сени элтурман. Мен бу ишорат умиди бирла бу миқдор маشاққатин ва бандалик муҳаббатин таҳаммул қилур эрдим. Бу байт мазмуни бирлаким:

Байт:

Гарчи ғам соғаридин кўнглум эрур хуношом,
Лек султонни кўруб, топқуси бир кун ором.

Ҳар дам хушдилу хуррам бўлур эрдим. Эмдики, бу шаҳрга келдим, Ҳожа Ҳасан мени кўриб минг динорға сотиб олди ва неча кундурки, уйида пинҳон тутадур. Бу замон фурсат топдим ва ўзимни сенинг йўлунгга еткурдим, мулозиматинг шарафиға мушарраф бўлдим. Ҳолимни арз айладим ва воқе қолғонин ўзинг билурсан”. Султон буюрди, то қулга хўб адаб еткурдилар ва они бир кишиға сипориш қилди. Айдики: “Бу қулни Ҳожа Ҳасан қошига олиб борғил ва анга айтғилки, минг динорга қул олибдур. Не учун юз динор дарбониға бермаски, ондин беижозат қулни ташқари чиққоли кўймағай?”. Хосларидин бири айдики: “Эй подшоҳ, ғуломға ажаб адабе буюрдинг!”. Султон аиди: “Агар бу қул Ҳожа Ҳасанники бўлмаса эрди, тийғ бирла икки пора қилдуур эрдим. Чунки қулларга фурсат берсалар, ҳар қачонки хожасидин оғриса, бу тариқни пеш тутар ва ондин ҳар нав беважҳ шикоятларни халойиққа арз айлар. Бас, хожалик ва қуллуқ иши вайрон бўлур”.

Назм:

Хожасидин оғриса ҳар бир ғулом,
Элтгай элга анинг айбини тамом.
Ҳар кишини кўрса ғийбат бошлагай,
Хожасин токи зиёнга ташлагай.
Учраса қулким анинг хўйи будур,
Қўлунгга туфроқ олиб юзига ур.

Бу бобнинг иккинчи қисми подшоҳ мулозимлари одоби баёнидадур. Алар давлат аркони – амирлар ва салтанатнинг шону шавкати, ҳазрат аъёнлари ва боргоҳ хослари-ю ноиблар, ҳожиб ва ҳар амал узра муайян қилинган кишилар, ўзга мутааллуқлар эурлар. Билмак керакки, ҳар кишини подшоҳ ишиға шурӯъ қилур, анинг сийрати қоида ичра бўлғайки, ул подшоҳ некномлигининг сабаби ва мамлакат одоблиғининг боисидур. Ва ул қоида бу тўрт тарафни риоя қилмоқ эрур. Аввал, Ҳақ жонибин бажармак. Иккинчи, подшоҳ жонибин бажармак. Учинчи, ўз жонибин бажармак.

Аммо Ҳақ жонибин риоя қилмоқнинг беш шарти бордур. Аввал буки, ҳар неъматеки, Худойи таоло фазлидан анга ёнибдур, шукрин бажо келтургай, токи неъмат зиёда бўлғай.

Байт:

Неъмат шукри неъматни кўпайтиради,
Муфлисларға Қорун ганжини беради.

Иккинчи, Худойи таолонинг тоатин ташламагай, балки они подшоҳ хизматига муқаддам тутғай, токи ҳама халойик кўзларига азиз кўрингай ва барча кўнгулларга мақбул бўлғай.

Келтурубдурларки, хожа Абу Мансур отлиғ бир вазир бор эрди. Бағоят доно ва муҳимларни кифоят қилғучи эрди. Одати андок эрдики, намози бомдод ўқиди эрса, то офтоб чиққунча аврод ўқур эрди ва андин сўнгра султон хизматига борур эрди. Ҳар вақтеки, султонга заруратлик муҳим иш пеш келса они чорлағай, пайдар-пай киши йиборур эрди. Вале ул сажжодадин қўймас эрди. Бир куни ғаммозлар ва ҳосидлар ғийбатға фурсат топиб айдиларки: “Эй подшоҳ, Абу Мансур ҳаддидин ошибдур ва беҳад улуғ бўлибдурки, сенинг сўзингни эътибор қилмас” ва доғи мундок бисёр сўзларни айдилар. То ул мартабагачаки, подшоҳ мижози башарасида онинг жиҳатидин тағайюр осори пайдо бўлди. Аммо хожа ўз уйидин фориғ бўлди эрса, подшоҳ хизматига келди. Султон ғазаб юзидин анга бонг урдики: “Не учунки, кеч қолдинг?”. Хожа айдики: “Эй подшоҳ, мен Худойи таолоға бандадурмен ва сенга чокар, токи бандалиқдин фориғ бўлмай, чокарлик хизматига келолмасмен”. Султон муни эшиитти эрса, йиғлади ва они ситойиш қилди.

Назм:

Доимо Ҳақ тоати шуғлида бўл,
Куллук доманидан олма қўл.
Тангрининг амрин қилсанг жустужў,
Топқайсен икки жаҳонда обрў.
Гарчи лозимдур санга шоҳ хизмати,
Лек эрур андин аввал Ҳақ тоати.

Учинчи, Худо ризосини подшоҳ ризосидин илгари тутғай. Чунки Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бандадин хушнуд бўлса, ўзгалар ғазабининг анга зиёни етмас.

Машҳурдурки, бузурге подшоҳлар бирининг мажлисида эрдики, намоз вакти танг бўлди ва подшоҳ бир ишга машғул эрди, ул жиҳатдин анга намоз фаромуш бўлуб эрди. Ул бузург қўпти, намоз ўқиди. Бирор айдики: “Не учун сабр қилмассан, токи султон ҳам

намозга турғай?”. Бузург айди: “Худо ҳукмини яна бошқа кишининг ҳукмиға мувакқиф тутмаслик керак”. Унга айди: “Үлтурғилки, султон сенга ғазаб қилғусидир”. Бузург айди: “Вақтеки, Худо ризоси ҳосил бўлса, махлук ғазабидин ҳеч бок йўқдур”. Султон бу сўзни эшиитти эрса, ул бузургга лутфу навозиш бошлади ва ул эътиroz қилғучини назардин ташлади.

Тўртинчи, Худойи таолодин тўлароқ қўрққайки, подшоҳдин қўрқмағай. Ул масоба бўлмағай. Чароки, хабарда келибдур, ҳар кишики Худой таолодин қўрқар, жамъи халойик андин умидворлиғи подшоҳдин умидвор бўлмоқидин зиёда бўлғай. Не учунки, ҳар нимарсани Худойи таоло берур, ул берур ва агар Худо бермаса, ул бермас. Умидни Ҳақ таоло карамига боғламоқ керакки, ҳеч умидвор анинг даргоҳидин ноумид ёнмас.

Байт:

Бу ишға бош қўйиб ҳар ким қилур изҳори ҳол,
Ҳожатин топмайин маҳрум ёнмоқдур маҳол.

Аммо подшоҳ жонибин риоя қилмоқнинг шартлари бордур:

Аввал буки, подшоҳ олдида тазаррӯъ ва хорлик, ожизлик ва хизматкорлик изҳор қилғай. Не учунки, подшоҳларда улуғ ҳимматлар ва азим ҳолатлар бордурки, алар бирла ўзларидин бўлак кишидин нафрат қилурлар ва ул бу сабабдинки, аларда Худо салтанатининг мазҳари воқеъ бўлубдурлар. Бу жиҳатдин аларни Худой сояси, деб айтурлар ва ул маъно боисидинки, бу суврат алардин маҳфийдур. Ҳама ҳалқдин бандалик ва хизматкорлик тилаюрлар ва ўзларини анга сазовор билурлар, риоя қилурлар. Ҳарчандки, салтанат улуғроқдур, бу сифат зиёдароқ зухурга келур. Ва бу тадбир бирла алар истиғнолари они тилаюрки, ҳар дам муҳтожлар аларга мискинликларин арз айлағай.

Байт:

Не келтурай сенгаки, сенда бордур бори,
Магар шафоату ажзу ниёз айла, орий.

Ва янаким, подшоҳ мулозамати ичра етган меҳнату машаққат ва риёзатларни кўтармак ва балоларга сабр қилмоқ. Чунки подшоҳлар хизмати заҳмат бирла барпо бўлур. Ҳукамо китобларида мазкурдурки, султон хизмати халойикнинг осойиши орасида ҳосил эрур ва роҳатни салотин мулозаматларида маҳол билмак керак.

Валлāху а‘lam биc- савāb.

Тамматул китāb ба‘авни-л-малики-л-ваҳҳāb.

МУМТОЗ МУТАРЖИМ МАҲОРАТИ

Дунёнинг қайсиdir минтақасида, қайсиdir тилларда шундай асарлар яратиладики, улар аслида бутун инсониятга баробар хизмат қиласиган, моҳиятан барча миллат ва элатлар, ҳар қандай тил эгаларига teng қийматга эга тафаккур дурдоналариdir. Шукрки, “Қутадғу билиг”, “Хамса”, “Махбуб ул-қулуб” каби бундай асарлар бизнинг она тилимизда ҳам яратилган. Назарда тутилаётган мақомдаги асарлардан бири Ҳусайн Воиз Кошифий қаламига мансуб “Ахлоқу-л-муҳсинийн” (“Ахлоқи муҳсиний”)dir.

Асар муаллифи хусусида форс адабиёти тарихига оид китобларда, замонавий электрон манбаларда муфассал маълумот берилганини боис, бу ҳақда кенг тўхталиб ўтирасак-да, мазкур маълумотларнинг асосий манбаларидан бири Алишер Навоий асарлари эканини алоҳида фахр билан таъкидлашни истар эдик. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоий замондоши, хос кишиларидан бири сифатида бизга янада маънавий яқинлик касб этади. Кошифий ижоди жаҳон шарқшунослигида анча тадқиқ қилинган бўлишига қарамасдан, унинг форс ва араб тилларида яратилган бадиий ҳамда илмий соҳалардаги йигирма битта асари ҳали ҳам тасҳих ва нашр қилинмагани ажабланарли.

Муҳаммадризо Огаҳийнинг мазкур асарни таржима қилиши ҳақли равишда ўзбек маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бундай дейишимизнинг сабаби халқимизнинг зиёли қатлами йигирманчи асрнинг бошларига қадар форс тилидан яхшигина хабардор бўлишига қарамай, барча ҳам бу тилдаги асарларни бемалол ўқий олар эди, дея олмаймиз. Бундан ташқари, мазкур асарнинг айрим тошбосма нашрларида сатрлар оралаб, айрим ҳолларда ҳошияда кўпгина сўзларга пешма-пеш изоҳлар берилиб борилганки, кейинги даврларда унинг тили форсий забонларнинг ўзлари учун ҳам осон англанмаганини кўрсатади. Демак, Огаҳий ўзининг бу хизмати билан халқимиз ахлоқий дунёқараши кенгайиши, таълим-тарбия сифатига алоҳида ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Нажмиддин Комиловнинг “Огаҳий маҳорат билан таржима этган асарлар ўзбек адабиёти тарихининг муайян бир бўлагини ташкил этади, уни ўрганмай четлаб ўтиш эса бу улкан адибнинг ижодига етарли эътибор бермаслик, уни ярим-ёрти қилиб, чала тасаввур этиш ёки адабиёт тарихининг салмоқдор бир қисмини ташлаб кетиш

демакдир”¹⁰¹ – деган ҳақ фикрлари соҳа вакилларини бугун ҳам ўйлантириш керак.

Албатта, Огаҳий даражасидаги маҳоратли таржимонлар тасодифан, якка бир шахснинг хос истеъоди билангина дунёга келмайди. Бунинг кўплаб омиллари бор. Бу ҳақда Н.Комилов билдирган мулоҳазалар ўзининг кўплаб фактик асосларига эга: “...ташкилий уюшганлик, ишга давлат ва миллат аҳамияти нутқаи назаридан қараб эътибор қилиш Хоразмда таржима ишининг баланд даражага кўтарилиши, жуда кўплаб ажойиб асарларнинг ўзбек тилида пайдо бўлиши учун маълум шарт-шароит вужудга келтирди¹⁰²”.

Ахлоқий-панднома асар яратиш ҳам, таржима қилиш ҳам ҳамиша осон бўлмаган. Биринчидан, инсон ўзи амал қилмаган ишга бошқа бирорни ундаши мантиқсиз. Шунинг учун ҳам юксак ахлоқли кишигина баркамол ахлоқий асар яратади. Иккинчидан, кимгадир қайси шаклда бўлсин ахлоқ-одобдан гап очиш осон эмас, айниқса, Саъдий, Навоий, Кошифий, Огаҳийлар мақомида туриб ҳукмдорлар учун. Бундай ваъзларни хосу омма наздида маъқул қилиш ҳамиша кийин бўлган. Шунинг учун уларни матлуб шаклда баён қилиш ижодкордан ўзигача бир ижодкорлик талаб қилиши аён. Энди асрлар давомида матлуб бўлиб келаётган “Ахлоқу-л-муҳсинийн” каби асарни ўз тилида ўз даражасида таржима қилиш машаққатини тасаввур қиласкеринг.

Огаҳий ҳазратлари, биринчи навбатда, ўз ахлоқий комиллиги билан, аслиятдаги ва бошқа таржима асарлари билан ана шундай асарни ўгиришга ҳақдор инсон эди. Асар таржимасида Огаҳий маҳоратини тасаввур қилишимиз учун бир неча мисолларга мурожаат билан чекланамиз.

Асадаги қитъалардан бирида айтилади:

Суҳбати муфсидону бадфеълон
Мардуми некро табоҳ кунад.
Ҳарки, бо дег ҳамнишин гардад
Жомаи хешро сиёҳ кунад.

Огаҳий таржимасида

Яхши хўйин бузғусидур ҳар киши,
Бўлса бадкирдорларға ҳамнишин.

¹⁰¹ Комилов Н. “Муҳаммадизо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати”. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация иш. – Тошкент, 1970. – 6 –бет.

¹⁰²Юқоридаги асар – 12 –бет.

Қилғуси ҳар одамнинг эгнин қаро,
Гар ёвуқ тутса қазон бирла ўзин.

Ушбу парча орқали бир қараашда ўта содда, лекин ўлмас ўгитни ўгиришда Огаҳий она тили имкониятларидан ўта унумли фойдалангани кўриб турибмиз.

Куйидаги фард¹⁰³ таржимасида Огаҳий аслиятдаги арабча ва форсча сўзларни сақлаб қолиши, биринчи навбатда, аслий матндаги бадиий санъатларни сақлаб қолишга интилиш бўлса, иккинчидан, бу ифодалар эски ўзбек тили учун одатий муомаладаги бирликлар бўлганидир:

Аз моҳ то ба моҳий в-з арш то ба фарш
Ҳар заррае аз у шуда мустағрақи ниъам.

Огаҳийда:

Моҳдин моҳийға тегру Аршдин то фаршға,
Жумлаи заррот аниңг неъматлариға ғарқ эрур.

Шунингдек, асаддаги:

На ба даъвийист вадуру қиймати мард,
Қиймати мард сабр донад кард.

байти Огаҳий таржимасида:

Даъвои лофдин эрмасдур эранлар қадри,
Қадри қийматлик эрур ул кишиким бор сабр

шаклида бериладики, бунда аслий матндаги маъно ҳам, шакл ҳам, ифода услуби ҳам мукаммал бир тарзда сақлаб қолиниши билан биргаликда Огаҳий Навоий ҳазратлари истаганидек форсийнинг имкониятлари она тилимизда ҳам борлигини кўрсатиб беради.

Ушбу асар таржимаси муваффақиятларидан бири Огаҳий ҳам асар муаллифи каби кучли илмий салоҳиятга эгалиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қараашларида муштараклик мавжудлигидир. Аслида бундай мутаффакирлар қайси асрда яшаб, қайси салтанат фуқароси бўлишига қарамай, уларни умуминсоний ва умумисломий ғоялар бирлаштириб, уларнинг номи, яратган асарларини даврий ва ғоявий маҳдудликлар чангалидан омон олиб келмоқда. Масалан, ахлоқий масалаларнинг бири тама масаласида асарда ўқиймиз: “Қаноат – туганмас ганждур, тама – бедаво ранждур.

Байт:

¹⁰³ Аслиятда фард деб берилган ва аслида фард. Биз фойдаланган Огаҳий таржимасидаги нусхада нимагадир “Қитъа” деб кўйилиби.

Марди қонеъ бузургвор бўлур,
Томеъ, албатта, хору зор бўлур”.

Бу сўзлар Абдураҳмон Жомийда:

Тамаъ аз халқ гадоий бошад,
Гар ҳама Хотами Тоий бошад, –

“Агар ҳамма Хотами Тоий бўлса ҳам, одамлардан бирор нима тамаъ қилиш гадоликдир” – тарзида берилса, Шайх Саъдий бу борада

Оз бигузору подшоҳий кун,
Гардани бетамаъ баланд бошад,

яъни “Очкўзликни қўй-у подшоҳлик қил, тамасиз қад доим баланд бўлади” – деганлар. Худди шу ғояни Имом Фаззолий “Кимёи саодат”да “Тамаъ ҳирс тифидир ва хорлик тамаънинг оқибати”, – деган шаклда ифодалайдилар¹⁰⁴.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоҳу алайҳи вассаламнинг “Азза ман қанаъ” – “Ким қаноат қилса, азиз бўлади” ҳадиси шарифларини Алишер Навоий ғазалиётида

Ҳақдин азизлиқ тиласанг, элдин уз тамаъ,
Ким Ҳакнинг ўзи деди: “Азза ман қанаъ”¹⁰⁵

тарзида берган бўлса, “Ҳайрат ул-аброр”да

Из (3) тиласанг айла қаноат тамаъ,
Маснади иззат узадур “ман қанаъ” – дейди.

Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул- васат”даги қитъаси бу борада алоҳида бадиий қийматга эга:

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.¹⁰⁶

Шарқ адабиёти хусусиятларини билмаган киши буларни бир-бирини такрорлаш, бир мавзу атрофида айланиш деб тушунар, балки. Бундай ҳолатлар кўп бўлган. Аслида эса, биринчи галда, Шарқ алломалари шахсиятидаги умумийликни ўрганиш, уларни юзага келтирган, жаҳон маънавий қиёфасини ўзгартирган омилларни идрок қилиш керак.

Асарда ўқиймиз:

Кишиким, нафсу шаҳват орзуси они маст этти,
Дегил, албаттаким, барча иш оннинг илкидин кетти.

¹⁰⁴ Али Акбар Деххудо. “Амсол ва ҳикам”. Жилд III. –С. 1086.

¹⁰⁵ Алишер Навоий. МАТ, 5-жилд. – Тошкент: 1990. –Б.208.

¹⁰⁶ Алишер Навоий. МАТ, 5-жилд. – Тошкент: 1990. –Б.500.

Нафсга (нафси амморага) қарши инсон камолоти йўлидаги бош омиллардан бири бўлиб қолаверади. Бу кураш яхшилик ва ёмонлик ўртасида абадий мужодала жараёнини келтириб чиқаради. Огаҳий бир мухаммасида

Тан эрур ажаб шахру нафс анга асас, ёр Раб,
Бўлмас бу асас жаври жонға ҳеч бас, ё Раб... – дейди.

Носир Хусрав айтганидек,

Чун ман подшоҳи нафси хеш гаштам,
Агар чанд лашкар надорам, амирам –

“Мен ўз нафсимнинг подшоҳи бўлсам, лашкарим бўлмаса ҳам амирман”.

“Ахлоқу-л-муҳсинийн” каби мукаммал ахлоқий қомусда адолат ҳақида сўз кетмаслиги адолатсизлик бўлур эди. Шунинг учун асарда адолат борасида бетакрор нукталарни мутолаа қиласиз: Дарвеш айди: “Подшоҳлик шукри ҳама аҳли олам ва бани Одамға адлу эҳсон қилмоқ бўлур. Мамлакат ва вилоят васеълигининг шукри раият мулкидин тамаъ қилмасликдир. Фармонраволикнинг шукри фармон тутқон ҳалойиқлар ҳақини сақламоқ эрур. Бахти баландлигини давлати улуғлигини шукри ва мазаллат туфроғи узра йиқилганларга раҳм қилмоқ бўлур. Хазина тўла турғонининг шукри садақа бермоқ ва мустаҳиқларга вазифасин еткурмокдур. Кудрат ва қувватнинг шукри ожизлар ва заифларга алам еткурмокдин қўл йиғмоқдур. Сиҳҳат ва саломатликнинг шукри ситам ранжидин bemor бўлганларга адлу арса бирла шифо бермоқдур. Лашкар ва сипоҳ тўлолигининг шукри уларнинг заару осибининг мусулмонлардин йироқ тутмоқдур. Баланд иморатлар ва беҳиштойин боғларнинг шукри раиятларга маскани ва манзилига лашкар, сипоҳлар тушуб ҳароб қилмоқларини ва лашкарнинг хulosаси буқим, ғазаб ўти шуълаангиз ўлғонда, видодраслиги ўз ризосидин ғаразомиз бўлганда Ҳақ жонидин қўймаслик ва ҳалқ осойишини ўз осойишидин илгари тутғай”.

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, Огаҳий алоҳида ахлоқий асар яратмаган бўлса ҳам, тарихий асарларида маълум ўринлар танлаб олинса, алоҳида мукаммал ва мўъжаз, муҳими бугунги авлод таълим-тарбиясида катта фойда келтирадиган ахлоқ мезонлари китоби юзага келади. Мисол тариқасида юқорида фикрларга ҳамоҳангликни “Фирдавс ул-икбол”нинг қуидаги ўринларида кўрамиз:

“Подшоҳеки, жоми адл била,
Хаста мазлумларни айлар шод.

Аҳли бедоднинг сиёсат ила,
Хирмани айшини қилур барбод.

Нукта. Ҳукамо дебдурларким, салтанат ниҳол масобасидадур, сиёсат сув манзиласида. Бас, лозим ва лобудийдур, ул ниҳол решасин бу сув била тоза ва сероб қилмоқ, то бори амну самарайи амон ҳосил бўлғай. Қитъа:

Хуш ул шаҳриёрики, дониш юзидин,
Адолат мазоминини айлар азбар.
Дами тиф ила салтанат бўстонин,
Сиёсат суйидин қилур тозау тар”¹⁰⁷.

“Фирдавсу-л-иқбол”нинг мазкур ўрнида жамият аҳлида тама хиссининг кучайиши олиб келадиган оқибатлар даҳшати, унга қарши курашиш кескин ва мунтазам бўлиши ҳақида мулоҳазалар юритилган. Шунинг учун ҳам, мутафаккирлар наздида мамлакат ниҳолини тарбиялаб, уни қуриб қолишдан асрайдиган сув сиёсат – қаттиққўллик, мунтазам эътибордир. Бу эса зулм аҳлини ўзи билганича иш тутишига, ўзбилармонлик қилиб, ҳаддидан ошишига йўл қўймайди...

“Ахлоқу-л-муҳсинийн” ўзбек олимлари тадқиқот ва тарғибот марказида бўлиб келди. Жумладан, бу борада О.Усмонованинг Ш.Шомуҳамедов раҳбарлигида ёзган номзодлик диссертацияси алоҳида ўрин тутади¹⁰⁸. Диссертациянинг биринчи жилди тадқиқотдан иборат бўлиб, биринчи бобда Ҳусайн Воиз Кошифий даври ва ҳаёти ёритилган, Иккинчи бобда асарнинг мавжуд нусхалари тавсифи берилган бўлиб, кўлёзмалар, тошбосма нашрлар тавсифига бағишлиланган. Шунингдек, бу бобда Кошифийнинг ахлоқий қарашлари ҳам тадқиқ қилинган. Учинчи бобда асар боблари таҳлили берилади. Ушбу иш билан танишиш жараёнида жаҳон шарқшунослигида бу муazzам асар юзасидан бажарилган илмий тадқиқотлар борасида ҳам анча кенг маълумотга эга бўламиз. Диссертациянинг 5-10-саҳифаларидан Европа, Россия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг кўплаб таникли шарқшунослари асар юзасидан салмоқли тадқиқот олиб борганини хусусида муҳим маълумотларга эга бўламиз. Диссертациянинг иккинчи жилди эса

¹⁰⁷ “Фирдавсу-л-иқбол”. Илмий-танқидий матн. Ю.Брегель нашри. – С. 723-724.

¹⁰⁸ Усманова О.Р. «Ахлоқи мухсини» Ваиза Кашифи. Введение в изучение памятника XV в. Перевод, историко-филологический комментарий. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. I том. – Ташкент, 1984.

асар қўлёзмаси фотонусхаси илова қилинган русча таржимадан иборат. (1-203-бетлар)

Асар ва унинг таржимаси хусусида бир қадар фикр юритишга жазм қилдик. Ишонамизки, бу ҳакда ҳали кўп ва хўп ёзилажак.

**Абдулла Ўрозбоев,
филология фанлари доктори**

ویدان میلخ شکر جهار و راهب همچو این است مطهان یا بن سخن با بخوبی را گفت فرمود که هدایت را شکر زده را
ترمیب میتوان کرد که ایشان و خنان شمشیری که طول یک نیم متر است تیری که عقل و حسگ را باشد
از تو درفع کننده ایشان را می تواند بخانه شکری ترمیب کنند که اول شب تا ساعت صبح بخورد که از خبر را که بعد
صدق نمایند و از ندعات برای توزیع این بجا و بست بجا بخورد که دشمن را شکر و از هفت آستانه گذشتند
دشکاره را پنهان نمایند و از ندعات برای توزیع این بجا و بست بجا بخورد که دشمن را شکر و از هفت آستانه گذشتند
که تراه بگزینند که از خانه باشند و از ندعات برای توزیع این بجا و بست بجا بخورد که دشمن را شکر و از هفت آستانه گذشتند
گیر و دلکه همچو ایشان را می بخورد که دشمن را شکر و از ندعات برای توزیع این بجا و بست بجا بخورد که دشمن را شکر و از هفت آستانه گذشتند
فرمود که می خواهد چون قدرت خود را بخود بخواهد چون بخواهد تو نهانه نمایند
او رفته اند که بزرگ از عالم خود خود را بخواهد و گفتند در اباشد که چون عورتی خواه جنگ کند
که از من از عذری جنگ عجیب نمی پرسین ویدا نمک که علی ای عزل خیابان را از فرقه فهم خود بخواهد می باشد که
اگر ایسکی کوئی کرد و هم یکدیگر که کامی خلکی نماده کردی و اگر ایس بیست که همی بخواهد شده می باشد که
کاشکه بی کردی خود و چون قدرت خود ای هر خیابان را بخواهد ای ای شکر کی ای ای هر خیابان را بخواهد می
باشد و همچو این فرقه خود را بخواهد که نماید و بوقت ملاکات با ایشان گردیدند ای ای شکر که
هر مطر از این خدمت خود بخواهد که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد
و ای ای دشمن را بخواهد که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که
با ای ای دشمن را بخواهد که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که
مسکن که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که
خلق ای ای دشمن را بخواهد و ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که
میگزیند همچو ایشان خاص پیدا کنند که از بجهه شفتها امباب بکمال و گفتند که ای ای دشمن را بخواهد
خدا میگزیند ای ای دشمن را بخواهد خدا میگزیند ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد
آی ای دشمن را بخواهد و ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را بخواهد و ای ای شکر که ای ای دشمن را

АСАРДА КЕЛТИРИЛГАН ТАРИХИЙ ШАХСЛАР КҮРСАТКИЧИ

Абдулла Муборак (736-797) –Хорун ар-Рашиднинг лашкарбошчиси бўлган. У хақда кўплаб диний ривоятлар мавжуд.

Абдуллоҳ Тоҳир – Хурросон волийси, 829 йили Бобак исёнига қарши юришга сафарбар этилган.

Абу Бакр Сиддиқ (571-634) – Исломда “Хилофаи ар-Рошидин” (“тўғри йўлдан борувчи халифалар”), чорёрларнинг биринчиси. Муҳаммад пайғамбарнинг қайнотаси, сафдоши, 632-634 йилларда халифалик қилган.

Абу Муслим (тахминан 727-755) – Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги араб халифаларининг (VIII) вакили, сиёсий арбоб. Аббосийлар сулоласининг асосчиларидан. “Қаро кийимлилар” гурухи раҳбари.

Абу Абдулла Муҳаммад Туртусий (1131-йилларда вафот этган) – “Сирож ул-мулук” (“Подшоҳлар чироғи”) асарининг муаллифи.

Абу Наср Султон Турғал – 1035 йилда Салжуқийлар салтанати асосчиси. Ҳукмронлиги 1038-1063 йиллар.

Абул Муҳсин - Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли, Марвда ҳукмронлик қилган темурий шаҳзода. “Ахлоқи муҳсиний” мазкур шаҳзодага бағишлиб ёзилган.

Али ибн Абу Толиб (тахминан 600-661) – халифаларнинг тўртинчиси. Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви (Фотиманинг эри). Шиа мазҳабининг биринчи имоми.

Амир Ҳамза – Муҳаммад пайғамбарнинг лашкарбошчиси, (VI-VII асрлар).

Амир Сайид Али-Ҳамадоний – “Захират ул-мулк” асарининг муаллифи.

Амр ибн Лайс – саффорийлар амири (879-902).

Анварий – Султон Санжарнинг сарой шоири, (XII аср).

Арасту – Милоддан аввалги 384-322 йилларда яшаган юонон файласуфи Аристотелнинг шарқона номи, Александр Македонскийнинг устози.

Ардашер Бобак – Сосонийлар сулоласи ҳукмдорларидан, 226-241 йилларда подшоҳлик қилган.

Афлотун – Эрамиздан аввалги 427-343 йилларда яшаган юонон файласуфи Платоннинг шарқона номи. Искандар Зулқарнайнинг устози.

Афросиёб – Қаюмарс авлодидан Ҳушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғли. Турк хоқонларидан. Алп Эр Тўнга номи билан машҳур. Фирдавсий “Шоҳнома”сида туронлик қаҳрамон ва саркарда, эронликлар билан жанг қилган. Самарқанднинг қадимий харобаси Афросиёб унинг номи билан юритилади.

Аҳмад Сомоний – Сомонийларнинг иккинчи шоҳи, 908-914 йилларда ҳукмронлик қилган.

Баҳромгўр – Сосонийлар (Эрон) подшоҳларидан (421-438) Вараҳран IV нинг лақаби.

Бузуржмехр – Нўширвон одилнинг адолатли ва афсонавий вазири (VI аср).

Довуд – пайғамбар. Сулаймон пайғамбарнинг отаси. Темирчиларнинг пири. Милоддан аввалги II асрда Исроилда яхудийлар давлатини тузган.

Жамшид – Эроний шоҳлардан. Наврўз байрамининг асосчиси. Шаҳарлар курган, одамларга дехқончилик ва ҳунармандчиликни ўргатган.

Жомий – Абдураҳмон Жомий (1414-1492), форс-тожик шоири, Алишер Навоийнинг устози. Темурий шаҳзодаларнинг пири.

Ибн Самок – Ҳушанг-Қаюмарс авлодидан бўлиб, Эрон подшоҳларининг дастлабкиси.

Иброҳим Адҳам – Султон Иброҳим ибн Адҳам Балх подшоҳи бўлган. Подшоликни гадоликка алишган тарихий шахс, 875 йилда вафот этган. У ҳақда “Иброҳим Адҳам” қиссаси яратилган.

Иzzуддавла Дайламий – бувайҳийлар (Эрон, Ирок) сулоласидан чиқсан ҳукмдор (967-978).

Искандар – жаҳонгир Александр Македонский (эрамиздан аввалги 356-323 йиллар). Шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур.

Исмоил алайҳиссалом – Иброҳим пайғамбарнинг ўғли.

Исмоил Сомоний – Исмоил ибн Аҳмад (873-907) Бухорода Сомонийлар давлатини бошқарган ҳукмдор.

Исо алайҳиссалом – Христиан (насроний) динининг пайғамбари. Унга “Инжил” нозил бўлган.

Исроил авлоди – Исроил Яъқуб (а.с.) нинг лақаби.

Кайқубод – Каёний сулоласи подшоларидан. Нўширвоннинг отаси.

Кисро – Ардашер наслидан, Баҳромгўрнинг отаси Яздижурд вафотидан сўнг ноқонуний подшоҳ бўлган. Баҳромгўр билан шартда енгилган ва таҳтдан воз кечган.

Қорун – “Таврот” да Корей деб аталади. Қорун жуда бой шахс бўлган. Куфронийлиги учун бутун бойлиги билан ўзини ер ютган.

Мавлавий – Жалолиддин Румий (1207-1273). Баҳоуддин Валаднинг ўғли. “Маснавий маънавий” китобининг муаллифи, шоир ва мутасаввиф олим, руҳият фалсафасининг пешволаридан бири.

Малик Паётила – иккинчи даражали тобеинлардан, сўфий, муҳаддис. Ҳадис илмида замонасиининг етакчи олими. Хоразм туркийларидан Муборак ибн Вазиҳнинг ўғли (786-809).

Малик Солих – Ўрта асрлар Шом (Сурия) подшоҳи.

Малики Динор – Басралик ҳадисшунос олим бўлиб, 748-755 йилларда яшаган. Ислом оламиининг энг суюкли шахсларидан.

Маҳмуд Фозий – Султон Маҳмуд Фазнавий Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий қисмида ҳукмронлик қилган. Фазнавийлар сулоласи ҳукмдори (977-1186).

Маъмун – Аббосийлар халифаси (813-833), Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли.

Мусо алайҳиссалом – Яҳудийлар пайғамбари. “Таврот” Мусо алайҳиссаломга нозил бўлган. У Миср подшоҳи (Фиръавн) Рамис II даврида таваллуд топган.

Наср ибн Аҳмад – Сомоний ҳукмдорларидан (864-892) И smoил Сомонийнинг биродари.

Низомий – Низомий Ганжавий, асл исми Илёс ибн Юсуфдир. Улуг Озарбайжон шоири (1141-1209), “Хамса” ёзган (1173-1201).

Нўймон – Баҳромгўрнинг устози. Араб мамлакатининг подшоси, Баҳромгўрнинг шоҳ бўлишида ёрдам берган.

Нуҳ алайҳиссалом – “Куръон”да номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. “Инжил” ва “Куръон”да зикр қилинишича, Ер юзидағи барча халқлар Нуҳ пайғамбар наслидан тарқаган.

Нўширвон – Асли исми Хусрав бўлиб, лақаби Нўширвон, Ануширавон шаклларида қўлланади. “Ануширавон” сўзининг маъноси “абадий рух эгаси, ўлмас рух эгаси” демакдир. Маздак кўзғолонини бостириб, уни қатл эттирган.

Рустам – Каёнийлар сулоласининг подшоҳларидан, Золнинг ўғли. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида бош қаҳрамон.

Сабуктегин – 977-997 йилларда сомонийларнинг Ғазнадаги ноиби. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси.

Сайд Али Ҳамадоний – XIV асрда Эронда вужудга келган “Ҳамадония” тариқатининг асосчиси, Кубровия шайхларидан бири.

Сиёмак ўғли Ҳушанг – Қаюмарс авлодларидан. Дастребки Эрон подшоҳларидан. Одил ва олимлиги билан шуҳрат қозонган. Тахта тайёрлаш ва уй ясашни, отга эгар ясашни, итни овга ва туюни юк ташишга ўргатишни ва бошқа кўп ибтидоий кундалик юмушларни у ихтиро этганлигини Алишер Навоий зикр этиб ўтади.

Солмон – асли исми Абу Абдуллоҳ Солмон ал-Форсий (658 йилда вафот этган), сахоба. Расулуллоҳнинг мавлоларидан, асли Исфаҳонлик. Дин қидириб сафарга чиққан, аввал насроний динига кириб, кейин Мадинага бориб ислом динини қабул қилган. 627 йилдаги “хандак жанги” ғоясининг муаллифи.

Сулаймон пайғамбар – Яхудий ва христиан дини адабиётларида Солмон номи билан маълум. Милоддан аввалги 965-928 йилларда Исроил подшолиги ҳукмдори. Довуд пайғамбарнинг ўғли.

Султон Абу Саидхон – Эрон ва Ироқ ҳукмдори (1256-1353), Худобанданинг ўғли. Элхонийларнинг тўққизинчи ҳукмдори (1318-1335).

Султон Маликшоҳ – Салжуқийлар сулоласидан учинчи ҳукмдор (1072-1092). Балҳ ҳукмдори, Алп-арслоннинг ўғли. Низомулмулк унинг вазири. (XI аср)

Султон Санжар – Маликшоҳнинг ўғли. Салжуқийлар сулоласининг саккизинчи ҳукмдори (1118-1158).

Султон Увайс – 1336-1432 йилларда Ироқ, Курдистон ва жанубий Озарбайжоннинг жалойирийлар сулоласидан чиққан иккинчи ҳукмдор (1356-1374).

Султон Ҳусайн (Байқаро) – Темурий ҳукмдорларидан, Хуросон подшоси. Алишер Навоийнинг замондоши ва дўсти. “Девони Ҳусайний” номли китоби бор.

Талҳа – асли исми Талҳа ибн Убайдуллоҳ (тажминан 594-656), сахоба. Маккалик илк мусулмонлардан. Қурайш қабиласининг Бани Тамим уруғидан бўлган. Жамол жанги (656)да яраланиб, Басрада вафот этган. Талҳа пайғамбаримиздан 38 та ҳадис ривоят қилган.

Тоҳир – Тоҳир ибн Ҳусайн (775-822). Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси, Ҳорун ар-Рашиднинг ҳарбий қўмондонларидан бири.

Тоҳирийлар – Аббосийлар халифалиги парчаланиши муносабати билан Хурросонда ҳукмронлик қилган сулола (821-873).

Умар – Умар ибн Хаттоб (тахминан 585-644) чорёрлардан иккинчиси. 634-644 йилларда халифалик қилган. Унинг ҳукмронлик даври “олтин аср” деб юритилган.

Умар Хайём – 1048-1122 йилларда яшаган форс-тожик шоири. Файласуф ва математик.

Усмон – Усмон ибн Аффон (тахминан 575-656), халифалардан учинчиси. Ўн йил (645 йилдан 656 йилгача) халифалик қилган. “Куръон”ни тўплатиб, китоб қилдирган, 656 йилда ўлдирилган. “Мусхафи Усмоний” ўша даврда ёзилган.

Фариудун – Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Эронни Захҳок зулмидан озод этган шахс.

Фирдавсий – ўрта асрдаги Эрон шоири. “Шоҳнома” нинг муаллифи. Фазнавийлар ҳукмронлиги даврида яшаган (Х-XI асрлар).

Ҳажжож – Ҳажжож ибн Юсуф, уммавия сулоласи ҳукмронлиги даврида Ироқ ҳокими, ўта золимлиги билан ном чиқарган шахс (714 йилда вафот этган).

Халифа Мансур – Мансур ибн Нуҳ I, Абу Солих (976 йилда вафот этган) – сомонийлардан бўлган Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори (961-976). “Ас-Садид” (“доно”, “тадбиркор”) лақаби билан машҳур бўлган.

Ҳотами Той – Қадимги арабларнинг Той қабиласидан чиққан саховатпеша.

Ҳасан Шайбоний – Серахслик фикҳ, мусулмон хуқуқшунослигининг бир тизимиға асос солган Мухаммад Шайбонийнинг (749-805) отаси.

Халифа Муътазид – Бағдод халифаларидан. 892-902 йилларда ҳукмронлик қилган.

Холид ибн Валид – илк ислом давридаги араб саркардаси (642 йилда вафот этган). Дастреб мусулмонларга қарши курашган. Ухуд жангидан сўнг исломни қабул қилган (629). Мухаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотидан сўнг Арабистон ярим оролидаги араб қабилаларининг исёнини бостирган. Мусулмонлар жамоаси олдидағи хизматлари учун “Сайфуллоҳ” – “Аллоҳнинг шамшири” фахрий унвонини олган.

Ҳорун ар-Рашид – Аббосийлар сулоласининг халифаларидан (786-809). “Минг бир кеча” араб эртакларининг бош қаҳрамони.

Ҳусайн Воис Кошифий – Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий тахминан 1440 йилда Сабзавор шаҳрининг Байҳақ кентида туғилган. Унинг “Ахлоқи мұхсиний”, “Рисолаи Ҳотамия”, “Анвари Сұхайлий”, “Тафсири Ҳусайний” (Куръон тафсири), “Жавоҳирнома” каби китоблари машҳур. 1505 йилда Ҳиротда вафот этган.

Ҳусайн ибн Али – Али ибн Абу Толибнинг Фотимадан бўлган ўғли, Муҳаммад пайғамбарнинг невараси (626-680), учинчи шиа имоми, 680 йилда жангда шаҳид бўлган.

Хусрав Парвез – Хурмузд IV нинг ўғли. IV асрларда хукмронлик қилган.

Шайх Саъдий – Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифиддин Шерозий. Форс-тожик шоири. “Бўстон” ва “Гулистон” китобларининг муаллифи. (XIII аср).

Шеруя – Сосонийлар хукмдорларидан Хусрав II нинг невараси. 628 йилларда отаси Қубодни ўлдириб, тахтни эгаллаган. Падаркуш номи билан тарихда қолган.

Юсуф алайҳиссалом – Яъқуб пайғамбарнинг ўғли. Мисрда подшоҳлик қилган Юсуф Кањон.

Яъқуб ибн Лайс – (?-879) Саффорийлар сулоласи ва давлати асосчиси. 867-1495 йилларда Сейистонда хукмронлик қилган сулола асосчиси ва биринчи ҳукмдори (867-879). Халифа Мұтамадга қарши курашган.

Яъқуб – Яҳудийлар пайғамбарларидан. Юсуф алайҳиссаломнинг отаси.

АСАРДА ҚҰЛЛАНИЛГАН ЖУҒРОФИЙ НОМЛАР КҮРСАТКИЧИ

Ажам – Араблар ўзларидан ташқари мамлакатларни Ажам деб номлаганлар. Кейинчалик Эрон мамлакати ва эронликлар Ажам деб аталған.

Араблар – Арабистон вилоятларидан бирининг номи, қабила номи.

Бағдод – Ирек пойтахти. Ўрта асрларда халифалик маркази хисобланған.

Нишопур – Эроннинг шимолий вилоятларидан бири.

Рим – Юноnistон мамлакати.

Рум – Қадимги Византия империяси. Туркия, Кичик Осиёning қадимги номи.

Шом – Сурияning қадимги номи.

Юнон – қадимги Грецияning ўрта асрлардаги шарқча номланиши.

Юнон – Араб давлати вилоятларидан бирининг номи.

МУНДАРИЖА

Вақтларни қаритган асар (Сўзбоши ўрнида).....
Ахлоқу-л-муҳсинийн. Дебоча.....
Ибодат баёнида.....
Ихлос баёнида.....
Дуо баёнида.....
Шукр баёнида.....
Сабр баёнида.....
Ризо баёнида.....
Таваккул баёнида.....
Ҳаё баёнида.....
Покизалик баёнида.....
Адаб баёнида.....
Баландхимматлик баёнида.....
Қасд қилмоқ баёнида.....
Жидду жаҳд баёнида.....
Собитқадамлик баёнида.....
Адолат баёнида.....
Афв баёнида.....
Ювошлиқ баёнида.....
Хулқи мулойимлиқ баёнида.....
Шафқат ва марҳамат баёнида.....
Хайрот ва яхши ишлар баёнида.....
Жуду саховат ва эҳсон баёнида.....
Тавозуъ баёнида.....
Омонат ва диёнат баёнида.....
Вафо-аҳд баёнида.....
Ростгўйлик баёнида.....
Ҳожат раво қилмоқ баёнида.....
Оҳисталиқ ва ошуқмаслиқ баёнида.....
Кенгаш қилмоқ баёнида.....
Андиша қилмоқ ва ҳар иш охирин кўзламоқ баёнида.....
Шижаат баёнида.....
Ғайрат баёнида.....
Сиёсат баёнида.....
Бедорлик ва огоҳлик баёнида.....
Фаросат баёнида.....

Асрор яшурмөк баёнида.....
Фурсатни ғанимат билмоқ баёнида.....
Хуқуқ риоя қилмоқ баёнида.....
Яхшилар бирла ҳамсүхбат бўлиш баёнида.....
Ёмон кишиларни йўқ этмак баёнида.....
Тобеълар ва хизматкорлар тарбияти баёнида.....
Мумтоз мутаржим маҳорати (Абдулла Ўрозбоев).....
Асарда келтирилган тарихий шахслар кўрсаткичи.....
Асарда қўлланилган жуғрофий номлар кўрсаткичи.....

Адабий-бадиий нашр

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ

АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ

Нашрга тайёрловчилар:
М.Сафарбоев, С.Рахимов, А.Ўрозбоев

Муҳаррир:.....
 Бадиий муҳаррир:.....
 Техник муҳаррир:.....
 Саҳифаловчи:.....
 Мусаххих:.....